

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ФИКХ, ИҚТИСОД ВА ТАББИЙ ФАНЛАР” ФАКУЛЬТЕТИ

“ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР” КАФЕДРАСИ

А.Худаяров

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ

ФАНИДАН

МАРУЗА МАТНИ

Тошкент – 2011

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси давлат т-аълим стандартлари талабларига кўра “Менежмент” (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши ўқув режаларига “Инновацион менежмент” фани киритилган, чунки менежер инновацион жараёнларни ташкил этиш, янги ғоялар ва ихтироларни рўёбга чиқариш малакасига эга бўлиши лозим.

Инновацион жараён инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлади ва ягона, мажмуавий бутунликни ташкил қилувчи ўзаро боғланган босқичлардан вужудга келади. Бу жараён натижасида амалга оширилган, фойдаланилган ўзгариш - инновация пайдо бўлади. Инновацион жараённи амалга ошириш учун диффузия (янги шароитлар ёки қўллаш жойларида бир марта ўзлаштириб ёки фойдаланиб бўлинган инновацияни вақтда тарқалиши) катта аҳамиятга эга. Инновацион жараён даврий характерга эга. Бу жиҳатларни ҳисобга олиш иқтисодий ташкил қилиш ва бошқаришнинг эгилувчан тизимларини яратишга ёрдам беради.

2009 – 2012 йилларга мўлжалланган инкирозга қарши дастурнинг асосий вазифаларидан бири корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадалроқ ўтказиш, замонавий ихчам технологияларни кенг тадбиқ этишдан иборатдир.¹

Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва бизнинг хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчи янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга устиворлик берилади.

¹ И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистонда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009.

Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Қарори² чиққан, унда илмий – амалий тадқиқотлар ва инновацион ишламаларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига тадбиқ этиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқинроқ алоқасини таъминлашни рағбатлантириш бўйича ҳақиқий механизмларни яратиш мақсадида ва илмий – тадқиқот ташкилотлари ва ҳақиқий иқтисодиёт соҳалари корхоналари ўртасида яқин кооперацион алоқаларни ўрнатишда Республика инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркасининг ўрнини ҳисобга олган ҳолда тадбирларнинг бир қатор мажмуалари тасдиқланган.

Замонавий инновацион жараёнлар мураккаб бўлиб, уларнинг ривожланиши қонуниятлари таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун янгилик киритиш ҳар хил ташкилий – иқтисодий жиҳатлари билан шуғулланувчи мутахассислар инновацион менежерлар зарур.

Инновацион менежерлар илмий – техник ва иқтисодий – психологик салоҳиятга эга бўлишлари керак, уларга муҳандислик – иқтисодий билимлар зарурдир.

Инновацион менежерлар инновацион жараённи илгари суришга ёрдам берадилар, эҳтимол бўлган катаклизмлар (жамият ва табиатдаги кескин ўзгаришлар) ни ва уларни бартараф қилиш йўлларини башорат қилишга ҳаракат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти учун маҳсулотларни янгилашдан манфаатдор бўлган мустақил фирмаларнинг рақобати, бир бирлари билан рақобатлашувчи янгилик киритишлар бозорига хосдир. Шунинг учун янгилик киритишларнинг бозорли танлови мавжуд, унда инновацион менежерлар иштирок этадилар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни тадбиқ этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар ҳақидаги” Қарори – “Халқ сўзи”, 2008 йил, 16 июль

Инновацион менежерлар ижодий жамоаларни ташкил қилиш, янгиликларни қидириб топиш ва тарқатиш, илмий тадқиқотлар ва ишламаларга буюртмалар портфелини шакллантириш вазифаларини бажара туриб, ҳар хил ташкилий тузилмалар (фанлар академияси, ОЎЮ, илмий жамиятлар, тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик бюрolari ва бошқалар) да ҳаракат қилишлари мумкин. Улар илмий жамоаларни бошқарадилар, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш билан шуғулланадилар ва анъанавий менежер ва тадқиқотчи олим сифатларига эга бўлишлари, ҳамда янгилик киритишларнинг самарадорлигини баҳолашга қодир малакали мутахассислар бўлишлари керак.

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш қамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқарolari учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади³.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилишнинг янги босқичи. Инновацион менежмент бўйича илмий жамоалар, тадқиқотлар ва ишламаларни бошқариш усулига эга ва янгилик киритишлар бозорида ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

I Мавзу Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари, мақсадлари ва вазифалари

Режа:

1. Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари.
2. Инновацион менежментнинг моҳияти ва вазифалари.
3. Инновацион менежментнинг мақсадлари.

1. Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари.

Инновациялар ва инновацион бошқарувга нисбатан оширилган эътибор ҳозирги жамиятнинг ҳаётининг ўзи томонидан талаб қилинади, ахир инновацион жараёнларни янги маҳсулотлар ва янги техникада рўёбга чиқиши унинг социал – иқтисодий ривожланишининг асоси бўлади.

Инновацион жараён инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлади ва ягона бир бутунни ташкил қилувчи ўзаро боғланган паллалардан ташкил топган. Бу жараённинг натижасида амалга оширилган ўзгариш инновация пайдо бўлади. Инновацион жараённи амалга ошириш учун диффузия – янги шароитлар ва қўллаш жойларда бир марта ўзлаштириб ва фойдаланиб бўлинган инновацияларни вақтда тарқатиш жуда катта аҳамиятга эга. Инновацион жараён давравий характерга эга, буни иқтисодий ташкил қилиш ва бошқаришнинг ихчам тизимларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш зарур.

Жаҳон иқтисодий адабиётларида “инновация” салоҳиятли илмий – техник тараққиёт (ИТТ)ни ҳақиқий, янги маҳсулотлар ва технологияларда

рўёбга чиқадиганга айланиши сифатида талқин қилинади. Бизнинг мамлакатимизда янгилик киритишлар муаммолари кўп йиллар давомида илмий – техник тараққиётнинг иқтисодий тадқиқотлари доирасида ишлаб чиқилган.

“Инновация” атамасидан Ўзбекистоннинг ўтиш иқтисодиётида ҳам мустақил ва ҳам бир қатор ўхшаш тушунчалар: “Инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион қарор” ва ҳ.к. белгилаш учун фойдаланилган.

Ҳар хил олимлар, айниқса хорижликлар (Н. Мончев, И. Перлаки, В.Д. Хартман, Э. Мэнсфилд, Р. Фостер, Б. Твисс, Й. Шумпетер, Э. Роджерс ва бошқалар) бу тушунчани ўзларининг тадқиқотлари объекти ва предметига кўра ҳар хил талқин қиладилар, аммо инновацияларнинг бу ҳар хил таърифларининг таҳлили шундай хулосага олиб келадики, ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиладилар, ўзгаришлар вазифаси эса инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси бўлади.

Австрияли олим Й. Шумпетер томонидан бешта типик ўзгаришлар ажратилган:

- 1) янги техника, янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни янги бозор таъминотидан фойдаланиш (олди - сотди);
- 2) янги хусусиятларга эга маълумотларни тадбиқ этиш;
- 3) янги хом ашёдан фойдаланиш;
- 4) ишлаб чиқариш ва унинг моддий – техник таъминотини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;
- 5) янги сотиш бозорларини пайдо бўлиши.

Бу қоидалар Й. Шумпетер томонидан 1911 йилдаёқ шакллантирилган. Кейинроқ, 30 – йилларда у инновация тушунчасини, уни истеъмол товарларининг янги турлари янги ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорлар ташкил шаклларини саноатга тадбиқ этиш ва уларда фойдаланиш мақсадидаги ўзгариш сифатида талқин этган ҳолда киритган. Баъзида инновацияга жараёнли тизим сифатида қаралади, шунинг билан янгилик

киритишни вақтда ривожланиши ва яққол акс эттирилган босқичлилиги тан олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитларда инновацияларни баён қилиш методологияси халқаро стандартларга асосланади. Фан ва инновациялар ҳақидаги ахборотларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) доирасида фан ва техника кўрсаткичлари бўйича миллий экспертлар гуруҳи ташкил қилинган, Фраскати қўлланмаси (“Тадқиқотлар ва тажриба ишламаларини текширишлар учун таклиф қилинаётган стандартли амалиёт) ишлаб чиқилган. Ҳужжат бундай номни тавсияларнинг биринчи версияси 1963 йилда итальян шаҳри Фраскатида қабул қилинганлиги муносабати билан олган.

Фраскати қўлланмасидаги қоидаларга даврий равишда аниқликлар киритилади, бу миллий ва халқаро даражалардаги илмий – техник сиёсат стратегияси, илмий тадқиқотлар ва ишламаларни ташкил қилишдаги ўзгаришлар билан асосланади. Фраскати қўлланмаси (1993 й)нинг охири таҳрирларидан биридан илмий тадқиқотлар ва ишламалар (ИТТКИ), уларнинг таркиби ва чегаралари, ҳамда тадқиқотлар ва ишламалар билан банд бўлган ходимлар сонини ўлчаш услубиётига тегишли асосий тушунчалар мавжуд. Технологик инновациялар ҳақидаги маълумотларни тўплаш услубиёти 1992 йилда Осло шаҳри (Норвегия)да қабул қилинган тавсияларга асосланади. У “Осло қўлланмаси” номини олган.

Халқаро стандарларга мувофиқ инновация бозорга тадбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд социал хизматларга янгича ёндашиш кўринишида рўёбга чиққан инновацион фаолиятнинг яқуний натижаси сифатида белгиланади.

Инновацион бошқарув ғоятда мураккабдир. Инновацион жараёнларнинг ривожланиши қонуниятларини таҳлил қилиш учун инновацион менежерлар бўлган мутахассислар зарур, улар янгилик

киритишларнинг ҳар хил ташкилий – иқтисодий жиҳатлари билан шуғулланадилар. Уларнинг инновацияларни бошқаришдаги асосий вазифаси – инновацион жараёни илгари суриш, эҳтимол бўлган тўсиқларни башорат қилиш ва уларни бартараф қилиш йўллари белгилашдир.

Бозор иқтисодиёти учун янгиланган маҳсулотлардан мансабдор бўлган мустақил фирмаларнинг рақобати, рақобатлашувчи янгиликлар бозорнинг мавжудлиги хосдир.

Буюк компаниялар муваффақиятларининг кўп сонли тарихи бундан дарак беради. Шу сабабли янгилик киритишларнинг бозорли танлови мавжуд, унда инновацион менежерлар иштирок этадилар.

Инновацион менежерлар ижодий жамоаларни ташкил қила туриб, янгиликларни қидириб топиш ва тарқатиш, илмий тадқиқотлар ва ишламаларга буюртмалар портфелини шакллантириш билан шуғулланган ҳолда, ҳар хил ташкилий тузилмалар (фанлар академияси, ОЎЮ, илмий жамиятлар, тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик бюрolari, инжиниринг компаниялари ва бошқалар)да ҳаракат қилишлари мумкин. Улар илмий жамоаларни бошқарадилар, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирадилар. Буларни барчаси инновацион бошқарувчилар малакаси олдига юқори талабларни қўяди: улар илмий техник ва иқтисодий – психологик салоҳиятга, ҳам анъанавий менежер ва ҳам тадқиқотчи олим сифатига эга бўлишлари, янгилик киритишларнинг самарадорлигини баҳолаш ва инновацияларни бошқаришга қодир малакали иқтисодчи бўлишлари керак.


2. Инновацион менежментнинг моҳияти ва вазифалари.

Инновацион менежмент – бу инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, бу фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини бошқариш тамойиллари, усуллари ва шаклларнинг мажмуасидир. Менежментнинг ҳар қандай бошқа соҳалари учун каби, унинг учун ҳам қуйидагилар хос: мақсадни қўйиш ва стратегияни танлаш, давранинг тўртта босқичи:

- 1) режалаштириш;
- 2) шартларни белгилаш ва ташкли қилиш;
- 3) ижро этиш;
- 4) раҳбарлик.

Инновацион менежментнинг босқичлар қуйида чизма шаклида берилган.

Давранинг ҳар бир босқичида белгиланган вазифалар ҳал қилинади. Биринчи босқич – режалаштириш босқичида – стратегияни амалга ошириш режаси тузилади. Иккинчисида – шартлар ва ташкил қилиш белгиланади, яъни инновацион даврнинг ҳар хил паллаларини амалга ошириш учун ресурсларни белгилаш, ходимлар олдига вазифаларни қўйиш, ишни ташкил қилиш кетади. Ижро этиш босқичида текширишлар ва ишлаб чиқишлар бажарилади, режа амалга оширилади. Раҳбарлик босқичи назорат ва таҳлилни ҳаракатларга тузатиш, киритиш ва тажриба тўплашни кўзда туттади.



1- расм. Инновацион менежментнинг босқичлари.

Бу ерда инновацион лойихалар, инновацион бошқарув қарорлари, янгиликларни қўллашнинг самарадорлиги баҳоланади.

Инновацион жараён (ИЖ) даврий характерга эга. ИЖ ни ифодаловчи фаолият инсон меҳнати тақсимланиши натижасида ажралиб чиққан, бир бирларидан фарқланувчи алоҳидаги вазифавий, ташкилий бирликларга бўлинади. ИЖ нинг иқтисодий ва технологик таъсири фақат янги маҳсулотлар ёки технологияларда қисман рўёбга чиқади.⁴

У анча кўпроқ янги техникани вужудга келишининг шарт – шароити сифатида иқтисодий ва илмий – техник салоҳияти кўпайишида намоён бўлади, яъни инновацион тизим ва унинг таркибий элементларининг технологик даражаси ошади, шунинг билан инновацияларга мойиллик ҳам ошади.

Инновацион жараённи умумий кўринишда занжирга кўринишида ёзиш мумкин:

ФТ – АТ – И – Л – Қ – Ў - С ИЧ – М – Сот,

бу ерда ФТ ва АТ – фундаментал ва амалий тадқиқотлар; И – ишлама; Л – лойихалаштириш; Қ – қурилиш; Ў – ўзлаштириш; СИЧ. – саноат ишлаб чиқариш; М – маркетинг; Сот. – сотиш.

Бу занжирчани таҳлил қилиш учун унинг ҳар хил элементлари ўртасидаги тесқари алоқа омилларидан абстракклашиш (предметлар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор хусусиятларидан уларнинг муҳим аломатларини ажратиш мақсадида ҳаёлан чалғимоқ), ФТ – Ў давраси узунлигини (у 10 йилдан кўпроқ давом этиши мумкин) ва паллалардан ҳар бири (ФТ – АТ; Л - Қ)нинг нисбий мустақиллигини ҳисобга олиш зарур. Илмий фаолият тушунчаси билан боғлиқ фундаментал (назарий) тадқиқот ҳар қандай инновацион жараённинг бошланғич босқичи бўлади. Албатта, давранинг ҳар бир алоҳида элементи фундаментал тадқиқот билан боғлиқ илмий фаолият билан тўлдирилганю Шу нарса характерлики, ФТ дан СИЧ

⁴ Управление инновациями. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008

гача янги муълумотларнинг миқдори камайиб боради. Бунда тадқиқот фаолияти борган сари кўникмалар, тажрибалар ва стандартли усуллар билан алмашиб боради.

Агар ФТ нинг якуний натижаси ҳақида гап кетса, унда фақат савол назарияси соҳасидаги янги, ажойиб, исботланган маълумотлар ва ахборотларни олиш ва қайта ишлашга қаратилган тадқиқот фаолиятини ажратиш керак. Назарий тадқиқот бевосита аниқ амалий вазифаларни ечиш билан боғланмаган, аммо худди унинг ўзи инновацион жараённинг пойдеворидир. Шунинг билан бирга назарий тадқиқотларнинг зарурлиги амалиётнинг эҳтиёжлари ва предмет ҳақидаги олдинги билимларнинг синтези билан асосланиши мумкин.

Фундаментал тадқиқотлар, коидага кўра, амалий тадқиқотларда рўёбга чиқадилар, аммо бу нарса дарҳол содир бўлмайди. Фақат баъзи бир тадқиқотлар АТ – И – Л ва ҳ.к. рўёбга чиқадилар. Фундаментал тадқиқотлар мавзуларининг тахминан 90 % салбий натижага эга бўлиши мумкин. Ижобий натижага эга қолган 10 % дан ҳаммаси ҳам амалиётда қўлланилмайди. Ахир фундаментал тадқиқотнинг мақсади – жараён (масала назарияси)ни англаш ва ривожлантиришдир.

Амалий тадқиқотлар (АТ) бутунлай бошқа мақсадга қаратилганликларга эгалар. Бу “билимларни моддий ҳолат” га келтириш, уларни ишлаб чиқариш жараёнида ўзгартириш, янги маҳсулот, технологик чизмалар ва ҳ.к. топширишдир.

Ишламалар натижасида янги машиналар (ускуналар)нинг конструкцияси яратилади ва жараён лойиҳалаштириш (Л), кўриш, ўзлаштириш (Ў) ва саноат ишлаб чиқариши (СИЧ) паллаларига ўтади. М ва Сот паллалари тўғридан – тўғри инновацион жараён натижаларини тижоратли сотиш билан боғлиқдир.

3. Инновацион менежментнинг мақсадлари.

Корхона инновацион менежментнинг мақсадлари фирманинг вазифаси, унинг фалсафаси, анъаналари ва ташкилотнинг ҳаётий давраси билан боғлиқ.

Замонавий иқтисод хўжалик фаолиятининг субъекти – бу корхона, компания, фирма, корпорация, яъни фаолиятнинг ҳар хил турлари, шериклар, мулкни эркин танловчи ва давлат олдида белгиланган мажбуриятларга эга юридик шахсдир.

Фирма стратегик ва оператив мустақилликка эга, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турлари технологик ва ташкилий тузилмани белгилайди, бозордаги ҳулқ ва жойлашиш масалаларини ҳал қилади.

У мақсадлар тузимига эга, улар фирма ривожланишининг ташқи муҳити ва ички эҳтиёжларининг таъсири билан белгиланади. Фирманинг ташқи муҳит таъсиридан келиб чиққан стратегик мақсадлари тизими 2 – расмда намоён қилинади.

Корхона инновацион фаолиятининг унинг ички эҳтиёжлари нуқтаи назаридан мақсадлари барча ишлаб чиқариш тизимларини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, илмий, илмий – техник, ақлий ва иқтисодий салоҳиятлардан самарали фойдаланиш асосида корхона рақобат афзалликларини кўтаришдан иборатдир.

Социал мақсадлар ходимлар иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва социал ҳимоялашни оширишга қаратилгандир.

Инновацион мақсадлар салоҳиятини янгиликларни ишлаб чиқиш, патентлаштириш ва лицензиялаштириш бўйича ишларни ўтказиш, ноу – хаулар, янги саноат намуналари, товар белгилари ва ҳ.к. харид қилиш билан боғлиқдир.

Фирманинг янгиликларини тижоратлаштириш соҳасидаги мақсадлари кейинчалик сегментини кенгайтириш ва янги бозорларга бостириб кириш билан бозорда мустаҳкам ҳолатни эгаллаш учун фаол маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ўз ичига олади.

Инновацион менежментнинг устувор мақсадлари инновацион фаолиятни фаоллаштириш асосида ташкилотни ўсиши ва ривожланиши, янги товарлар ва янги технологияларни бозор томонига фаол ҳаракатлантириш иқтисодий тараққий этиш ва янги бозорларга бостириб киришни фаол ўсиши учун ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларидан фойдаланишдан иборатдир.

Ташкилотнинг тактик мақсадлари янгиликларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ўзлаштириш, корхонага инвестициялар киритишни ва молиялаштириш, ихтисосни ўзгартиришга ўқитиш, ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш, ИТГКИ ва янгиликларнинг илмий базаси, бошқарувнинг усуллари ва вазифалари, йўллари ва услубларини такомиллаштиришдан иборатдир.



Ташкилотнинг таркибий мақсадлари корхона тизимчалари: ишлаб чиқаришлар, ИТТКИ, ходимлар, молиялар, маркетинг ва менежментни мувофиқ фаолият юритиши билан боғлиқдир.

Инновацион менежмент мақсадларини умумий таснифлаш қуйидаги асосий мезонлар бўйича ўтказилади:

- даражаси (стратегик ва тактик);
- муҳит турлари (ташқи ва ички);
- мазмуни (иқтисодий, социал, сиёсий, илмий, техник, ташкилий ва ҳ.к.);
- устуворлиги (устувор, доимий, анъанавий, бир мартали);
- ҳаракатланиш муддати (узок муддатли, ўртача муддатли, қисқа муддатли);
- вазифавий тузилмалари (ишлаб чиқариш, ИТТКИ, ходимлар, молиялар, маркетинг, менежмент);
- ташкилотнинг мавжуд бўлиш даврасининг босқичлари (вужудга келиш, ўсиш, балоғатга етиш, пасайиш ва мавжуд бўлиш даврасини тугалланиши).

Катта ташкилотларда, қоидага кўра, мақсадлар дарахтини мавжудлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолда мақсадларнинг иерархияси муҳимдир, чунки пастда турувчи бўғин мақсадлари юёрида турувчининг мақсадларига бўйсундилар.

Таянч сўзлар: Инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион менежмент, инновацион бошқарув, инновацион менежер, фундаментал (назарий) тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, инновацион менежментнинг мақсадлари.

Қисқача хулосалар:

Инновацион жараён инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлиб, ягона бир бутунни ташкил қилувчи ўзаро боғлиқ паллалардан иборатдир.

Инновацион бошқарув ғоятда мураккабдир. Инновацион жараёнларни ривожланиши қонуниятларни таҳлил қилиш учун инновацион менежерлар бўлган мутахассислар зарур, улар янгилик киритишларнинг ҳар хил ташкилий – иқтисодий жиҳатлари билан шуғулланадилар.

Инновацион менежмент – инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, бу фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини бошқариш тамойиллари, усуллари ва шаклларининг мажмуасидир.

Менежментнинг ҳар қандай бошқа соҳалар учун каби, унинг қўйидагилар хосдир: мақсадни қўйиш ва стратегияни танлаш; давранинг тўртта босқичлари:

- 1) режалаштириш;
- 2) шартларни белгилаш ва ташкил қилиш;
- 3) ижро этиш;
- 4) раҳбарлик.

Корхона инновацион менежментининг мақсадлари фирманинг вазифаси, унинг фалсафаси, анъаналари ва ташкилотнинг ҳаётий давраси билан боғлиқдир.

Назорат саволлари:

1. Инновация нима?
2. Инновацион жараённинг моҳияти?
3. Фраскати қўлланмаси ва унинг вазифалари нимадан иборат?
4. Инновацион менежернинг асосий вазифаси қанақа?
5. “Инновацион менежмент” тушунчаси нима?
6. Сиз инновацион менежментнинг қандай босқичларини биласиз?

7. Фирманинг инновацион менежментдаги ташқи мақсадларини санаб беринг.
8. Сиз фирманинг инновацион менежментдаги қайси ички мақсадларини биласиз?
9. Инновацион менежмент мақсадларининг умумий таснифини беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январидаги мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. “Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.” Под редакцией Б.З. Мильнера, Инфра-М, 2010
4. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. “Инновационный менеджмент” Учебное пособие для вузов. М.: “Феникс”, 2009.
5. Каплан С., Фостер Р. “Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия”. Изд. “Альпина Бизнес Букс”. 2009.
6. Управление инновациями. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.

2 – Мавзу. Инновацион менежментнинг усуллари ва вазифалари.

Режа:

1. Инновацион менежмент вазифалари ва усулларининг хусусиятлари.
2. Инновацион менежментнинг вазифалари.
3. Инновацион менежментни ташкил қилиш.
4. Инновацион менежментда коммуникациялар жараёни.
5. Инновацион менежментда назорат.
6. Инновацион менежментда қарорлар қабул қилиниши.

1.Инновацион менежмент вазифалари ва усулларининг хусусиятлари.

Инновацион менежментнинг мақсадлари, характери ва мазмуни инновацион менежментнинг хусусиятлари ва унинг анъанавий турлардан катта фарқ қилинишини белгилаб беради. Иерархиянинг ҳар хил даражасидаги (давлат даражасидан бошлаб то кичик инновацион корхонагача) ҳар қандай инновацион тизимларни инновацион ривожланишининг мақсади узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва юқори тартибдаги рақобат афзалликларини таъминлаш учун инновацион базани яратишдан иборатдир.

Рақобат назариясидан келиб чиққан ҳолда, худди фанни ривожланиши ва янги технологияларни тадбиқ этилишининг инновацион салоҳияти юқори тартибдаги рақобат афзаллигини яратади.

Инновацион ривожланиш мақсадларни белгилаш ва компания ривожланиши йўналиш стратегик кўришга ўзининг хусусиятларини киритади, бошқарув аппарати олдида турган вазифаларни модификациялайди. Инновацион тадбиркорликнинг юқори хатари, маҳсулотларни мавжуд бўлиш даврларини қисқариши, йирик серияли ишлаб

чиқаришдан воз кечиш инновацион менежер зиммасига алоҳида мажбуриятлар юклайди. Инновацион фаолият шароитида менежернинг роли кескин ўсади, унинг шахси, қобилияти, малакаси ва касбий кўникмалари эса ҳақиқатда ҳам компания тақдирини белгилаб беради.

Инновацион менежментнинг асосий вазифаларини амалга оширишда алоҳидаги ўзаро алоқа ва мантиқий изчиллик вужудга келади. Масалан, менежментнинг коммуникация, ундовчи сабаблар, ваколатларни бошқа топшириш жараёни каби процессуал ва социал – психологик вазифаларнинг аҳамияти кескин ошади. Инновацион жараёнларни ташкил қилиш усуллари орасида шахслараро муносабатлар, гуруҳли динамика қонунларига суянувчи норасмий турлар устунлик қиладилар.


Назоратнинг ҳар хил турлари ўртасидаги нисбат ўзгаради. Уларнинг барчаси кўпроқ ўзини ўзи назорат қилиш, инновацияларнинг стратегик назорати, ҳамда назоратнинг молиявий – иқтисодий турларига мўлжалланган. Инновацион жараёнларни бориши устидан назорат қилиш билан боғлиқ коммуникациялар алоҳида аҳамият касб этади. Уларда процессуал характер ва ахборотларни алмаштиришнинг узлуксиз жараёни устун бўлади.

Ходимларни инновацион бошқаришда менежментнинг вазифалари ва усуллари алоҳидаги ўзгаришларга дуч келадилар. Янгиликларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этилиши, жараёнларни мураккаблашиши, янги технологияларни пайдо бўлиши ходимдан тегишли малака ва алоҳидаги касбий билимлар ва кўникмаларни талаб қиладди. Инновацион тузилмаларда ходим маълумотининг умумий даражасини анча ошиши содир бўлади. Ходимларнинг шаклланаётган тури ўзига маъсулиятни олиш ва қарорлар қабул қилишга қодир ходимларни талаб қиладди. Ваколатларни бошқачага топшириш ва унинг билан боғлиқ ташкилот иерархияси юқори даражаларининг ваколатларини қисқариши ходимларнинг ташаббуси, шахсий эркинлиги ва омилкорлигини ўсиши билан яқиндан боғлиқ.

Инновацион менежментда ходим, инновацион жамоа ва умуман инновацион корхонанинг ўзининг ҳулқининг тури ўзгаради. Нафақат мақсадга қаратилган рационал ҳаракат, балки қийматга қаратилган рационал ҳаракат ҳулқнинг асосий таркибий қисми бўлади.

Инновацион менежментдаги ишлаб чиқаришни бошқариш вазибаларининг тизими 1 – расмда берилган.

Инновацион менежментда бошқарув усулларининг таркиби, тузилиши ва мазмунининг кўринишлари анча ўзгаради: таҳлил ва башорат, моделлаштиришнинг миқдорий усуллари, таъсир қилишнинг социал – психологик турларига, анъанавий менежментга қараганда кўпроқ ўрин берилади, иқтисодий ёндашишларнинг мазмуни бойитилади, маъмурий дастакларини қўллаш учун имкониятлар доираси тораяди.



2.Инновацион менежментнинг вазифалари.

Режалаштириш. Режалаштириш – бу инновацион менежментнинг махсус вазифаси, у ташқи ва ички муҳит омилларини таҳлил қилиш, ташкилот фаолиятини башоратлаш фирма стратегияларини амалга ошириш ва қўйилган мақсадга эришишни режалаштириш бўйича тадбирлар тизимини бошқаришдан ташкил топади. Режалаштириш жараёни ишларни бажариш муддатлари (қиска муддатли, ўртача муддатли, узок муддатли), мақсадлар (стратегик ва оператив режалаштириш), объектлар (ИИТКИ, ишлаб чиқаришлари, таъминот, сотиш ва ҳ.к. режалаштириш), ишлаб чиқариш омиллари (ускунани модернизациялаш, технологияни такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича бўлинади.

Режалаштириш жараёни қуйидагиларнинг таҳлилидан ташкил топади:

- ташқи ва ички муҳит омиллари;
- ишлаб чиқариш имкониятлари ва ишлаб чиқариш аппаратининг ҳолати;
- ИИТКИ, янги технологиялар, маҳсулотнинг янги намуналари;
- молиявий ҳолат ва молиявий имкониятлар ва бошқалар.

Кейинги босқич қуйидаги йўналишлар бўйича тадбирлар режаларининг ҳолатидан иборат:

- янгиликлар ғояларини ишлаб чиқиш бўйича илмий – тадқиқот ишлари, лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, янги маҳсулотнинг лаборатория намуналари, янги техника ва янги буюмларининг турларини ишлаб чиқиш;
- тажриба конструкторлик ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш учун хом ашё ва материалларнинг зарур турларини танлаб олиш;

- янги махсулотни тайёрлашнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
 - янги меҳнат қуроллари (машиналар, механизмлар, асбоблар, ускуналар ва ҳ.к.)ни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;
 - Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш;
 - янги ташкилий тузилмалар ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
 - керакли ахборот қурилмалари ва ресурсларини харид қилиш ва қўллаш;
- инновацион фаолият учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш, ихтисосини ўзгартириш ва танлаб олишнинг махсус усулларидан фойдаланиш;
- маркетинг тадбирларини ташкил қилиш, сотиш каналларини шакллантириш ва янгиликларда бозорда жойлаштириш.


Режалаштиришнинг кейинги босқичи режаларни ходимларга етказиш ва режаларни амалга ошириш учун сифатларни ташкил қилишдан иборатдир.

Янада янгиланишнинг резервларини қидириб топиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш режалаштиришнинг ажралмас қисми бўлади. Ташкилотни ўсиши ва ривожланишини башорат қилиш жараёни ўз ичига ташкилотни узоқ истиқболда стратегик кўришни олади. Ишлаб чиқаришни ўсиши ва янгиланишини башорат қилишни янада ривожланиши ривожланишнинг муқобил вариантларини танлаш билан боғлиқдир. Бунда лойиҳали ва дастурли ёндашишлар қўлланилади. ИТТКИ, технологиялар, инвестициялар, ходимлар имкониятларини, ҳамда ресурсларни қидириш муаммоларини баҳолаш башоратлашнинг мажбурий босқичи бўлади.

Башоратлашда вазиятли ва имитацион (тахлидли) моделлаштиришга асосланган миқдорий усуллар кенг қўлланилади.

Бозор иқтисодиётида режалаштириш жараёни кўрсатмали характерга эга эмас, аммо у кўпинча ривожланишнинг стратегиясини белгилаш, фаолият кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишга имкон беради. Режалаштириш жараёни, инновацион менежментнинг марказий вазифаси бўлган ҳолда,

ривожланиш устуворликларини танлашдан иборат бўлади, бу нарса 2 – расмда намоиш қилинади.



2– расм. Иновацион менежментдаги режалаштириш жараёни.

3. Иновацион фаолиятни ташкил қилиш.

Ташкилотнинг бошқарув вазифаси сифатидаги асосий вазифаси инновацияларни тадбиқ этиш учун ташкилий тузилмаларни шакллантириш, корхонани ривожланиши стратегиясини амалга ошириш ва тадбирлар режаларини бажариш мақсадида ресурсларнинг барча турлари билан таъминлашдан иборатдир.

Янгиликларнинг яратишнинг мураккаблиги, ноаниқлиги, креатив характерлилиги ижрочилар ишини ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришни инновацион менежментнинг вазифаларидан бири қилади. Ташкил қилиш жараёни ўз ичига менежмент тузилмаларини шакллантириш, моддий, энергетик, ахборот ва инновацион оқимларини ижрочилар ўртасида тақсимланиши олади. Маъсулият, хатар ва ваколатларни тақсимланиш бошқарув жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлади.

Бошқарув жараёнини ташкил қилишнинг вазифасига бошқарув жараёнларини лойиҳалаштириш, тадбирлар, усуллар ва йўллари унификациялаш (бир шаклга келтириш) туркумлаштириш ва стандартлаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ҳамда менежмент тизимчалари бўйича ахборотларни тақсимлаш киради. Ташкил қилишга ишлаб чиқаришни илмий-техник, технологик ва ташкилий даражасини ошиши киради. Менежментнинг олдида ишлаб чиқаришлар ва инновацион жараёнларга узлуксизлик уйғунлик чиқиндисизлик изчиллик ва паралеллик каби хусусиятларни бериш вазифаси туради⁵.

Инновацион тизимларда ишлаб чиқаришнинг техник-ташкилий даражасини ошиши, илмий-техник даража, ташкил қилиш, технологиялар ва техника даражасининг интегралли кўрсаткичи менежернинг ҳақиқий муҳим

⁵ Р. А. Фатхудинов Инновационный менеджмент. Классификация, структура и отличительные черты инновационных организаций, экономические законы организации, научные подходы и принципы и др. Учебник для вузов изд. 5-с, испр, доп. Питер 2007

вазифаси бўлади. Ишлаб чиқариш техник-ташкилий даражаси кўрсаткичларининг чизмаси 3-расмда берилган.

Ташкил қилиш жараёни ишлаб чиқаришнинг ташкилий даражаси юқори кўрсаткичларига эришиш учун ишлаб чиқариш параметрлари ва омилларининг рационал бирлашувини таъминлаш зарур. Инновацион корхонанинг ривожланишининг стратегияси социотехник тизимлар барча ишлаб чиқаришни кўп илмни талаб қилишини ошиши фақат бу нарса ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлиги, мослашувчанлиги, устуворлиги ва уйғунлиги билан боғлангандагина, фирманинг юқори рақобат афзаллиги ва қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашини билдиради. Янгиликларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга юқори ҳаражатлар, агар бошқарув қарорлари бир вақтда ташкилий тузилмаларни янгилашни, технологик жадалликни ошиши ва меҳнат унумдорлигини кўпайишига қаратилган бўлса, ҳатто бошланғич босқичда фондни қайтарилиши ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини пасайтирмайди.

Ушбу нуқтаи назардан ташкил қилиш жараёни ўзаро ҳамкорликларни силлиқлаш. Ихтисослашни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришдаги кооперациялашиш тенденцияларини кучайтириш жараёни сифатида кўриб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам инновацион тизимларда менежер ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкилий лойиҳалаштириш. Илмий ишлаб чиқариш ва маркетинг бўлинмаларига мувофиқ ўзаро алоқаси, мақсадли ихтисослаштиришни моделлаштириш билан шуғулланади. Ихтисослашининг аниқ шакллари (предметли, деталлар бўйича ёки технологик)ни танлашни инновацион корхона бўлинмалари ва хизматларининг аниқ ўзаро алоқасиз йўлга қўйиб бўлмайди.

4. Инновацион менежментдаги коммуникациялар жараёни.

Коммуникациялар тизимини ривожланиши хақида гапира туриб, юқори технологик телекоммуникацион соҳани ривожланиши биз учун қандай стратегик муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугун хаётни компьютер техникаси, ахборот техгологиялари, интернет, уяли телефон алоқасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инновацион фаолиятнинг хусусиятлари менежментдаги коммуникацияларнинг турлари ва шакллари олдига оширилган талабларни кўяди. Инновацион ислоҳотларнинг ҳарактери, тадбиркорликнинг юқори хатари, ёндашишларни муқобиллиги ва қарорларнинг кўп вариантлиги янгиликларни яратиш жараёнидаги коммуникациялар шаклларининг турли туманлиги ва турларини табақалашувини тақозо қилади. Коммуникациялар етарлича тўлиқ ахборотларга эришишганда сифатли қарорларни қабул қилинишини таъминлашга хизмат қиладилар.

Инновацион менежментдаги коммуникациялар амалга ошириш йўналишлари фойдаланиш соҳалари, коммуникацияларнинг усуллари ва шакллари бўйича таснифланадилар. Инновацион менежментдаги коммуникациялар турларининг энг батафсил таснифланиши П.Н.Зевлин, А.К.Казаниев, Л.Э.Миндем таҳрири ойидаги маълумотномали қўлланмада берилган. Демак, коммуникациялардан инновацион менежментнинг амалда барча вазифаларида фойдаланилади. Коммуникация усуллари расмий ва норасмий характерга эгалар. Инновацион фаолиятнинг креатив элементи норасмий коммуникацияларнинг самарали турлари (ижодий учрашувлар, анжуманлар, симпозиумлар, хусусий ишга доир суҳбатлар)ни талаб қилади. Коммуникацияларнинг ахборотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва илмий тадқиқотларнинг сифати билан боғлиқ мазмунли турлари кенг тарқалгандир.

Процессуал коммуникациялардан ҳаражатларни назорат қилиш, режимларни текшириш. Янгиликларни синаш муддатларини белгилаш ва ҳ.к. фойдаланилади ва расмий усул ва қатъий регламентация (маълум тартиб ва қоидаларни белгилаш)га интилади, шунинг билан бир вақтда мазмунли

коммуникациялар ўзаро ҳамкорликнинг норасмий усулида энг катта самарадорликка эришади. Инновацион менежментда ташқи муҳит (етказиб берувчилар, шериклар, буютмачилар, истеъмолчилар, давлат идоралари ва ташкилотлари, сиёсий тузилмалар ва жамоа ташкилотлари) билан коммуникациялар катта аҳамиятга эга. Коммуникацияларнинг самарадорлиги бутунлай ахборотларни узатиш жараёнларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланишнинг мувофиқлигига боғлиқ.

Инновацион фаолиятнинг келажаги коммуникацион тармоқларни тарқалиши ва ахборот каналларини мувофиқ ташкил қилиниши билан яқиндан боғланган.

Инновацион менежментдаги коммуникацияларнинг турлари 4-расмда берилган. Анъанавий ташкилотларда коммуникацияга бир томонлама, ораси очик жараён сифатида қаралади. Коммуникацияларнинг замонавий назариялари коммуникация тушунчасининг дихотомияси (яхлитни икки қисмга изчил бўлиниши, кейин хар бир қисмни яна иккига бўлиниши ва ҳ.к)га уни ҳаракат сифатида тушуниш (масалан, ташкилот раҳбарининг ижтимоий коммуникациялари ёки оператив коммуникациялари) ва ўзаро ҳамкорлик сифатида кўриб чиқишга асосланади. Кичик гуруҳлардаги шахс ичидаги, шахслараро коммуникацияларни ўрганишнинг асосида социал психология усуллари ётибди.

Шахс ичидаги коммуникация шахс ичидаги жараёнларни боғловчи сифатида вужудга келади. Бу жараёнлар ижодиётда алоҳида аҳамиятга эгалар, у ерда онгли ва онгсиз қилинган импульслар (ундовчи сабаблар) образлар, фикрлар, ғояларни яратишда бирлашадилар. Ташқи муҳит, инвесторнинг туйғулари кечикмалари, мулоҳазалари ва хулосалари таъсири остида келиб тушган сигналлар мия томонидан қайта ишланади ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун ахборотларга айлантирилади. Ахборотлар оқими унинг якка элементларининг мажмуаси бўлади, улар инсоннинг мураккаб онглари ва онгчаларида вужудга келадилар.

Шахслараро коммуникация ўзаро ҳамкорликнинг энг кенг тарқалган ва самарали турларидан бири бўлади. Бу ерда шахслар ҳам ахборотларнинг манбалари ва ҳам бир вақтда унинг олувчилари сифатида ҳаракат қиладилар, шахслараро коммуникация ўзаро ҳамкорликнинг интенсивроқ турларидан бири бўлади.

У оқимларни кўпроқ жамланиши ва ахборотларни камроқ сочилиб кетиши ва йўқотилиши билан ажралиб туради. Коммуникацияларнинг бу тури амалий тадқиқотлар ва ишламаларда жуда муҳимдир.

Кичик гуруҳлардаги коммуникациялар инновацион фаолиятдаги боғловчи жараёнларнинг асосини ташкил қиладилар. Улар тажриба-конструкторлик ишламалари, янгиликлари тадбиқ этиш ва ўзлаштириш босқичларида муҳим роль ўйнайдилар. Кичик гуруҳлар, қоидага кўра, 7-11 кишидан ташкил топадилар, у ерда турли-туман ахборотларнинг кўпгина каналлари мавжуд.

Якка шахслар томонидан қабул қилинадиган ва олинадиган ахборотлар мантиқий, физиологик, психологик фаолиятли социал ва бошқа табиатга эга бўлишлар мумкин. Ҳар қандай ахборот субъективизмнинг катта улушига эга бўлганлиги ва ходим томонидан унинг тушунчалари, маслаклари, манфаатлари ва олдинги тажрибаси асосида баҳоланиши сабабли, бундай ахборот рационал фаолиятда фойдаланиш учун тозаланиши ва тартибга келтирилиши керак.

Шундай қилиб, ахборотларга ташкилот ташқи муҳити, кичик гуруҳ микромуҳитининг омиллари, ходимнинг шахсий омиллари, унинг олдинги тажрибаси ва идрок этиш тизими, ҳамда ҳулқнинг белгиланган тури, бошқарув ва раҳбарлик усулини мўлжаллаши, гуруҳдаги расмий ва норасмий етакчиликнинг нисбати таъсир қиладилар. Бу 5-расм маълумотлари билан намойиш қилинади.

Коммуникация назариясининг кўпгина қоидаларидан ходимларни бошқариш ва инновацион фирмалар амалиётида қўлланилади.

Мувофиқлаштириш. Мувофиқлаштириш инновацион менежментнинг корхона катта иерахик тизими кичик тизимлари ва тизимчалари барча

элементларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлашганлигини ташкил қилишга қаратилган марказий вазифасидир. Катта ва мураккаб тизимларда мувофиқлаштириш жараёни муҳим аҳамиятга эга ва катта қийинчилик туғдиради. Ёндошиш ноаниқлиги, кўп вариантлилиқ ва дастлабки ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги шароитида инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш алоҳидаги мураккаблиги ва ўзига хослик билан таърифланади.

Янгиликларни лойиҳалаштириш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш босқичида харажатлар-сифат нисбати чегараловчи шарт бўлади.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари, асосий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларни мувофиқлаштиришда фойда ва даромадни кўпайтириш мувофиқликнинг мезони бўла олмайди. Бу ерда мувофиқлаштириш маҳсулотни материал ва энергия истеъмол қилишини пасайтириш, меҳнат мезони унумдорлигини ошириш ва асосий мезон сифатида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш мақсадига эга.

Мувофиқлаштиришнинг якуний босқичи ташкилотнинг бозорни фаол ўзлаштириш, фойдани кўпайтириш, ташкилотни интенсив ўсиши ва бошқалар каби асосий мақсадларини бажаришга бағишланган. Бунга ташкилотнинг мураккаб вазифавий тизимчаларини уйғунлаштириш, бошқарув вазифаларини мувофиқлаштириш, марказлаштириш ва марказлаштиришни бузиш жараёнлари расмий ва норасмий ташкилотлар, бошқарувнинг маъмурий ва социал-психологик усуллари ўртасида мувофиқ нисбатни ўргатиш билан эришилади.

5.Инновацион менежментдаги назорат.

Нazorat – инновацион менежментнинг корхона иши натижаларини миқдорий ва сифатли баҳоланишини ҳисобга олиш билан боғлиқ муҳим вазифасидир. У тескари алоқага эга тизимдан иборат бўлади, унинг мақсади ташкилот томонидан қўйилган мақсадларга эришишни таъминлашдан иборат. Назорат – бу стандартлар ва солиштириш базасини белгилаш,

тизимга киришларни тадқиқот қилиш, натижаларни меъёрий база билан солиштиришни ташкил қилиш, четга чиқишлар ва уларни йўл қўйиладиган даражасини белгилаш, ҳамда натижаларни якуний ўлчаш бўйича турли туман тадбирлар тизимидир.

Назорат тескари алоқага эга жараён бўлади, яъни тизимга киришдаги натижаларнинг миқдорий ўлчаниши чиқишдаги параметрлар ва ташқи ва ички муҳит таъсири омилларини баҳоланиши билан боғланади. Масалан, янгиликларни амалга оширишдан режалаштирилганча нисбатан пастроқ фойда олиниши қуйидагилар билан изоҳланади.

а) натижаси сотишлар ҳажми бўлган бозорни етарлича тадқиқот қилинмаганлиги ва нотўғри маркетинг тадбирлари;


б) ёмонроқ хом ашёни келиб тушиши, ишлаб тушиш тартибларига риоя қилишдаги хатолар, техник назорат бўлиши ишидаги бузилишлар оқибатида янгиликлар истеъмол хусусиятларини пасайиши;

в) ишлаб чиқариш харажатларини меъеридан ошиб кетиши, бу янгилик таннархини ошиб кетишига олиб келади ва ҳ.к.

Янгиликни ишлаб чиқишдаги назоратни таомиллаштириш қуйидаги бир қатор шартларни илгари суради:

- Назоратнинг ташкилий тузилмаларини мавжудлиги.
- Ижроия идоралари ва хизматларини шакллантириш.
- Ходимларни махсус тайёрлаш;
- таҳлилнинг усуллар ва назорат шаклларини ишлаб чиқиш;
- меъёрий, методологик ва ахборот базасини кенгайтириш.

Инновацион фаолиятдан қўлланиладиган назорат турлари назоратнинг мақсадлари, кўламлари, шакллари, предметлари, объектлари, усуллари бўйича бўлинадилар. Инновацион фаолиятдаги назорат турлари 6 – расмда берилган.



6– расм. Инновацион фаолиятдаги назоратнинг таърифлари ва турлари.

6. Инновацион менежментда қарорлар қабул қилиниши.

Қарорлар қабул қилиниши инновацион менежментда яқуний тадбир бўлади. менежментнинг кўпгина вазифаларини муҳим аҳамиятга эгаллашга қарамадан, худди қарорлар эҳтимол бўлган ижобий ва салбий натижаларга олиб келадилар. Қарорлар қабул қилиш тадбирлари менежментдан ахборотларни тўлиқлиги, менежернинг кўпроқ омилкорлигини талаб қилади хатарни ва жавобгарликни қабул қилиниши билан таърифланади.⁶

Илмий ва амалий инновацион фаолият кўпроқ даражада ижодий жараён бўлади, унинг учун фаросатли қарорларни қабул қилиниши хосдир. Хорижда ижодий жараёнда қарорлар қабул қилишга ҳаракатлар экзистенциал менежмент категориялари билан баён қилиниши тасодифий эмас. Олим, кашфиётчи, инновацион менежерда қарорларнинг катта қисми чуқур онгсиз қилинган жараёнларга асосланган, улар четдан стихияли ва мантиқсиз кўринадилар. Аммо тадқиқотчиларнинг борган сари кўпроғи “ақлий ҳужум”, “беихтиёр мулоҳазаларнинг йиғиндиси”, “мантиқсиз фикрлар ва кутилмаган фикрлар тўплами” ва бошқалар каби илмий ғояларни ишлаб чиқиш усулларига эътибор қаратадилар. Вазифавий фикрлаш ва қарорлар қабул қилишни креатив ва экзистенциал менежмент ҳақиқат, эҳтиёжлар, бойликлар табиатга нисбатан чуқур дунё қарашлар, эстетик ва маънавий – ахлоқий тасаввурлар билан боғлайди. Ушбу нуқтаи назардан қарорлар қабул қилиниши объектнинг индивидуаллиги (бир нарсани иккинчисидан ажратувчи хусусиятларга эгаллиги), уни ноёблиги ва қайтарилмаслигини англашдан иборатдир.

⁶ Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. “Инновацион менежмент”: Учебник. – М.: Высшее образование, 2007.

Янгиликларни ишлаб чиқишнинг кейинги тадбирлари, ғояларни вужудга келиши рационал характерга эгаллигига қарамасдан, янгиликларни индивидуаллик ва яхлитликнинг синтези сифатида тушунган ҳолда, ақл етмайдиган фаросатни талаб қилади. Креатив менежер янгиликларни бундан кейинги ишлаб чиқилиши ҳақидаги қарорни қабул қилишда эътиборни кейинги амалий тадқиқотлардаги сабаб – оқибат алоқалари ва рационал – мантиқий характерга жамлаши керак. Инновацион менежер учун илмий фаолият жараёнида такрорланмайдиган ва ягона янгиликнинг таҳлилидан стандартли қарорлар қабул қилишнинг такрорланадиган тадбирларни ўрганиш ва амал қилишга мантиқий ўтиш муаммоси вужудга келади. Бу инновацион менежментда қабул қилинадиган қарорларнинг фаросатли ноёбдан то қатъий рационаликкача бўлган кенг турли туманликлари билан изоҳланади.

Қарорларнинг характери ва фаолият турларини инновацион менежмент даражалари бўйича тақсимланиши 1 – жадвалда берилган.

1 – жадвал

Инновацион корхонадаги менежментнинг даражалари	Қарорларнинг характери ва фаолият турлари			
	стратегик	оператив	фармойишлар	Ижроия фаолияти
Юқори: Инновацион корхонанинг раҳбари, унинг ИТТКИ, ишлаб чиқариш, сотишлари ва ҳ.к. бўйича ўринбосарлари	+	+	+	+
Ўрта: Инновацион корхона бўлинмалари ва маъмурий идоралари раҳбарлари	-	+	+	+

Пастки:	-	-	+	+
Ижодий гуруҳлар, куйи лабораториялар, ишлаб чиқариш участкалари раҳбарлари				

Асосий қарорлар менежернинг инновацион менежментнинг вазифалари ичидаги ҳуқуқлари, ваколатлари доирасида қабул қилинади. Масалан, Инновацион лойиҳани режалаштириш вазифаси ўз ичига янгиликнинг таклиф қилинаётган лойиҳасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, лойиҳани мавзули режага киритиш, лойиҳани амалга ошириш бўйича ишнинг жадвали ва таркибини ва таркибини, лойиҳа бўйича харажатлар, лойиҳанинг жамоаси ва пудратчилар, етказиб берувчиларнинг таркибини тасдиқлаш ва ҳ.к, лойиҳани таъминлаш учун молиявий оқимларни, сармоядорни қидириб топиш, лойиҳани амалга ошириш режасини қабул қилишни олади.

Калитли сўзлар: Инновацион менежментнинг мақсадлари, инновацион фаолиятни бошқарувчи вазифалари тизими, режалаштириш жараёни, ишлаб чиқаришнинг техник–ташкилий даражаси кўрсаткичлари, коммуникацияларнинг турлари ва шакллари, ундовчи сабабларни бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат турлари.

Қисқача хулосалар:

Рақобат назариясидан келиб чиққан ҳолда худди фанни ривожланиши ва янги технологияларни тадбиқ этилишининг инновацион салоҳияти юқори тартибдаги рақобат афзалликларини яратади.

Режалаштириш – бу инновацион менежментнинг ички ва ташқи муҳит омилларини таҳлил қилиш, ташкилот фаолиятини башоратлаш ва фирма стратегияларини амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришишни

режалаштириш бўйича тадбирлар тизимини бошқаришдан ташкил топган махсус вазифасидир.

Бошқарув жараёнини ташкил қилиш вазифасига бошқарув жараёнларини лойиҳалаштириш, тадбирлар усуллар йўлни бир шаклга келтириш, турларга ажратиш ва стандартлаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш, ҳамда ахборотларни менежмент тизимчалари бўйича тақсимлаш киради. Ташкил қилишга ишлаб чиқаришнинг илмий – техник, технологик ва ташкилий даражасини ошириш киради.

Инновацион фаолиятнинг хусусиятлари менежментдаги коммуникациялар турлари ва шакллари олдида оширилган талабларни кўяди.

Назорат – корхона иши натижаларини миқдорий ва сифатли баҳолашни ҳисобга олиш билан боғлиқ инновацион менежментнинг муҳим вазифасидир.

Менежментнинг кўпинча вазифаларини муҳим аҳамиятга эгаллигига қарамадан, худди қарорлар эҳтимол бўлган ижобий ва салбий натижаларга олиб келадилар.

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятининг инновацион йўналтирилганлиги нима билан изоҳланади?
2. Инновацион ривожланишнинг ўзига хос аломатларини айтиб беринг.
3. Нима учун инновацион менежментда коммуникациялар, ундовчи сабаблар, мувофиқлаштириш ва ҳ.к. каби вазифаларнинг аҳамияти ошади?
4. Ходимларни инновацион бошқариш зарурияти нимадан келиб чиққан?
5. Инновацион фаолиятни бошқариш вазифалари тизимини таърифланг.
6. Нима инновацион жараёндаги режалаштириш жараёни деб аталади?
7. Режалаштириш жараёнининг босқичларини айтиб беринг.
8. Инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг бошқарув вазифаси сифатидаги вазифаси нимада кўрасиз?
9. Бошқарув жараёнини ташкил қилишнинг вазифаларини айтиб беринг.
10. Инновацион менежментдаги коммуникациялар турларини айтиб беринг.

11. Инновацион тизимлардаги ундовчи сабабларни бошқариш нимани билдиради?

12. Мувофиқлаштиришнинг инновацион менежментнинг марказий вазифаси сифатидаги турлари ва ролини таърифлаб беринг.

13. Назоратнинг хусусиятлар ва унинг инновацион менежментдаги турлари, ваколатларни бировга топшириш, менежментнинг коммуникациялар, ундовчи сабаблар каби процессуал ва социал – психологик вазифаларни таърифлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январидagi мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Н.В. Рычкова “Маркетинговые инновации” – М.: КНОРУС, 2009
4. “Государственно – частное партнерство в научно инновационной сфере” / Под ред. А.К. Казанцева, Д.А. Рубвальтера. – М.: ИНФРА – М, 2009.
5. “Инновационный тип развития экономики” Учебник. / Под общей ред. А.Н. Фоломьева. М.: РАНС, 2008.
6. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. М.: Высшее экономическое образование, 2008.
7. Мухамедьяров А.М. “Инновационный менеджмент” – М.: Инфра – М, 2008.

3 - Мавзу. Инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари.

Режа:

1. Янги турдаги ташкилотлардаги интеграциялашиш ва ҳар томонлама ривожланиш жараёнлари.
2. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияси.
3. Инновацион фаолиятнинг янги ташкилий шакллари.
4. Инновацион марказлар.

1. Янги турдаги ташкилотлардаги интеграциялашиш ва ҳар томонлама ривожланиш жараёнлари.

Янги турдаги ташкилотларда интеграциялашиш ва ҳар томонлама ривожланишнинг ўзаро бир бирларини тўлдирувчи жараёнларидан кенг фойдаланилади. Вертикал интеграциялашиш ёки ўтган босқичлар билан уйғунлашиш ҳам ягона ташкилот доирасида ички ташкилий бозор орқали ва ҳам доимий шартномалар асосида ташкил қилиниши мумкин. Интеграциялашиш компаниянинг илмий – тадқиқот ва ишлаб чиқариш фаолиятини фаоллаштириш сифатида йўналтирилгандир. Аралаш корпоротив – бозор асосида доимий ва вақтинча турдаги, бир томондан инновацион давранинг барча бўғинларини интеграциялашишга, бошқа томондан эса алоҳида фирмалар, инновацион бизнес корхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини ҳам бир бирлари билан ва бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштириш ва жипслаштириш механизмларини яратишга асосланган янги ташкилий қурилмалар шаклланади.

Бундай фирмалараро интеграциялашишнинг ўзига хослиги ташқи муҳитга кўпроқ мослашиш ва шериклар фаолиятига зарурий равишда бирикиш ва вазиятли ўхшашдан иборатдир. У синергик (ўзаро

хамкорликдаги) самара билан таърифланади, бу самара иқтисодий ташкилотнинг оралиқ шакллари туридаги ташкилий қурилмаларида энг юқори аҳамиятга эришади, бу шакллардан бир қисми институционал таркибий элементларни ўз ичига олади. Интеграцион – таркибий ўзаро хамкорликларнинг энг илгаллаб кетган шакллари ҳам молия –саноат гуруҳларида ва ҳам инновацион тадбиркорликнинг янги соҳаларида вужудга келадилар. Интеграцион – таркибий жараёнларни бирикишининг механизми венчурли (таваккалчилик билан киритилган сармояли) талбиркорликда тўлиқроқ гавдаланади.

Бўлғувси инновацион жараён учун кўп сонли молиявий бозор, илмий ва давлат институтлари билан интеграцияланган венчурли сармояларга суяниш хосдир. Инновацион фаолиятнинг институционал тузилмаларидаги хатарли сармояларни тақсимланиши 1 – расмда берилган.



1-расм. Янгилик киритишлар институционал тузилмасидаги хатарли сармоялар.

Келажакдаги инновацион ташкилотни ривожланиш қонунлари ХХІ аср иқтисодиёт ҳақида эволюцион – институционал ҳақидаги каби гап юритади. Аммо 1990 йиллардаёқ амалда ташкилотларнинг оралиқ шаклларини яратишга 30 % америкали ва 25 % японияли фирмалар мурожаат қилганлар.

Бозор рақобат муносабатлари автоном бўлинмалари мустақил иштирокчиларнинг бириктиш усулларни кўп қиррали ва юқори малакадир. бу шунинг билан изоҳланадики, марказлаштирилган бошқарув ва бозор механизми бир бирларини тўладирадидлар ва ҳаракатларни бирлаштиришдан синергик самара берадилар. Марказлаштирилмаган модель тор ихтисослашишда афзалроқдир, шунинг билан бир вақтда марказлаштирилган модель янги бозорлар ва янги соҳаларга киришда катта самара беради.

Инновацион ташкилотнинг тизим сифатидаги эволюцияси унинг ҳар томонлама ривожланишга қобилият билан яқиндан боғлангандир. Худди ҳар томонлама ривожланиш фирма ичидаги ва фирмалараро интеграцион жараёнларнинг камчиликларини қоплайди. турли туман шахсийлаштирилган бозор талабини қаноатлантиришга жавоб сифатида вужудга келган ҳар томонлама ривожланиш даставвал товар турлари ва маҳсулотларнинг турли – туманлиги самарасиз асосланган. Инновацион ташкилотда ҳар томонлама ривожланишга қобилият биринчи навбатда ташкилот ичидаги ўзгаришлар: ишлаб чиқариш қувватларидан кўп мақсадли фойдаланиш, ахборотлар, билимлар, ноу – хауларни фирма ичида бир ишлаб чиқаришда бошқасига узатиш билан боғлиқдир.

Ташкилотнинг ҳар томонлама ривожланишнинг ҳар хил шаклларига қобилияти асосий соҳалар, технологиялар, маҳсулот турлари асосида шаклланди. Инновацион ташкилотдаги ҳар томонлама ривожланишнинг етакчилари бўлган ҳар хил соҳаларнинг технологиялари ва юқори технологик ишлаб чиқаришлар асосларига суянишдан иборатдир. Бундай ёндашиш

маҳсулотнинг рақобатбардошлигини қўллаб – қувватлаш ва янги рақобат афзаллигини яратишнинг зарур шарти бўлади.

Даромадлиқнинг етарлича меъёрига эга бўлган фирма битта соҳа имкониятларидан фойдаланишда, қоидага кўра, ҳар томонлама ривожланишни ўтказмайди. Бунда унинг ўсиш салоҳияти пасая бошлайди. Аммо бозорларни тўлдирилиши, ўсиш истикболларини торайиши ва янги технологияларни вужудга келиши сари йирик ташкилотлар соҳаларнинг ташқарисига чиқадилар ва инновациялар асосидаги ҳар томонлама ривожланган маҳсулотни таклиф қиладилар. Ва бунда корпорациянинг ўзи кўпгина бозорлар, кўп илм талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар ва инновацион оқимлар алоқасининг маркази бўладилар.

Янги ишлаб чиқаришлар ва янги соҳаларнинг “ўзаги” рақобатли тузилмаларни ташкил қилади, илмий – тадқиқот ишламаларига йирик инвестицияларни киритади, бунинг натижасида сотишлар ҳажмини кўпайишидан иборат бўлади. Ҳар томонлама ривожланиш фирма “ичидан” (япон йўли) ёки “ташқари”дан фирмаларни бирлашиши, ютиб юборилиши, харид қилиниши натижасида (америкага йўл) бошланиши мумкин.


Ҳар томонлама ривожланган фирма ҳам бозордаги ўсиш суръатлари ва ҳам фирманинг рақобат ўрни бўйича анча орқада қолади. Ҳар томонлама ривожланган компаниянинг бозордаги ҳолатига мос келувчи эҳтимол бўлган корпоратив стратегия матрицали таҳлил асосида тадқиқот қилинди, бу нарса 1-жадвалда намоиш қилинмоқда.

Ҳар томонлама ривожланган компаниянинг бозордаги ҳолатига мос келувчи эҳтимол бўлган корпоратив стратегия.

Бозордаги ўсиш суръатлари	Бозордаги ўсиш суръатларига мувофиқ кучсиз ва кучли рақобат ўринлари учун компаниянинг стратегик имкониятлари (жалб қилишликни камайиб бориши тартибида)	
	Рақобатли ўрин	
	кучсиз	кучли
Юқори	Битта соҳадаги стратегияни қайта кўриб чиқиш (товар айланишини кўпайтириш учун). Ушбу соҳадаги бошқа фирмани харид қилиш (рақобат афзалликларни кучайтириш учун). Вертикал интеграциялашиш (агар у фирманинг бозордаги ўрнини кучайтирсин). Кучлироқ фирма билан бирлашиш ёки сотилиш.	Битта соҳада жамланишни давом эттириш. Халқаро бостириб киришлар (агар бозор имкониятлари мавжуд бўлса). Вертикал интеграциялашиш (агар у фирманинг бозордаги ўрнини кучайтирсин) қўшни соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш (уларга базавий соҳадаги тажриба ва билимларни кўчириш учун).
Пастки	Юрилиш (агар бошқа чоралар ёрдам бермаса, охириги имконият). Бир соҳада жамланиш стратегиясини қайта кўриб чиқиш (товар айланишини кўпайтириш учун). Рақобатчи фирма билан бирлашиш (рақобат афзалликларини кучайтириш учун). Вертикал интеграциялашиш (агар у фирманинг бозордаги ўрнини анча мустаҳкамласа). Ҳар томонлама ривожланиш. “Қаймоқлар”ни олиш ва бозордан кетиш. Тугатилиш (агар бошқа чоралар ёрдам бермаса)	Халқаро бостириб киришлар (агар бозор имкониятлари мавжуд бўлса). Қўшни соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш. Янги соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш. Янги соҳалардаги қўшма корхоналар. Вертикал интеграциялашиш (агар у фирманинг бозордаги ўрнини кучайтирсин). Жамланиш стратегиясини давом эттириш (кучсиз рақиблардан бозордаги улушни тортиб олиш ҳисобига ўсиш).

2.Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияси

Юқори тартибдаги рақобат афзалликлари (янги илмий ишламалар, технологиялар, новотарларнинг инновацион монополияси)га асосланган инновацион ривожланиши янги соҳалар ва янги бозорларга фаол бостириб киришни ташкил қилиш учун катта стратегик имкониятлар яратади. Бу стратегик имкониятлар ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг сифатан янги салоҳиятини ярадиладар. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияларининг вариантлари 2-расмда берилган.



2 – расм. Ҳар томонлама ривожланиш стратегияларининг вариантлари.

2 – расмдан кўринишига, ташкилот учун ҳар томонлама ривожланишнинг олти та стратегиялари энг катта аҳамиятга эга:

1. Бирлашмалар, ютиб юборишлар ёки янги ва қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида янги соҳага кириб бориш.
2. Турдош соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш.
3. Турдош бўлмаган соҳада ҳар томонлама ривожланиш.
4. Ишлаб чиқаришни йиғиштириш ва тузатиш.

5. Аралаш ҳар томонлама ривожланиш ва қайта қуриш.
6. Кўп миллатли ҳар томонлама ривожланиш.

Агар янги соҳага кириб бориш, янги компания ёки қўшма корхонани ташкил қилиш стратегияси ҳар томонлама ривожланмаган компания томонидан кучли ва фойдали рақобат ўринларини эгаллаш учун қўлланилса, қолақ ишлаб чиқаришларни йиғиштириш ва тугатиш ва трансмиллий ҳар томонлама ривожланиш мақсадидаги қайта қуриш ва ҳар томонлама ривожланиш мақсадидаги қайта қуриш ва ҳар томонлама ривожланиш стратегияси, қоидага кўра, кучли ва етарлича кенг ҳар томонлама ривожланган корпорацияларда вужудга келади.

3.Иновацион фаолиятнинг янги ташкилий шакллари

Иновацион фаоллик ва иқтисодийни глобал ахборотлашуви компаниялар ва корпорацияларнинг бутун XX аср давомида шаклланган ташкил қилиш тамойилларини тубдан ўзгартириб юбордилар. 1990 йиллардаги марказлаштирилмаслик, оммалаштирилмаслик ва сайентификацияни кучайиши тенденциялари даставвал кичик корхоналар, меҳнат жамоалари ва жамият ташкилотлари даражасида ҳафсалани пир қилдилар. Ушбу даврда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари асосий ролни ўйнаганлар, иқтисодий жараёнларни – илмий изланиш билан банд бўлган креатив шахсни ўқитишдан тортиб то юқори технологик ишлаб чиқаришларни шакллантириш ва виртуал компанияларни ташкил қилишгача – кўпроқ такомиллаштириш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолган. Биринчи марта инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари ўзини – ўзи, бошқарувчи ишлаб чиқариш ассоциацияларда пайдо бўлган. Худди шу ерда креатив (ижодий) салоҳиятдан кўпроқ фойдаланиш ва технологик ва социал тараққиётни жадаллаштиришга имконият бор.

Янги ташкилий шакллари ўзига хослиги фаол рақобатни шериклик ва шахсий ижодиёт билан бирлаштириш зарурлиги билан белгиланади. Вақтинча қисқа муддатли битимлардан тортиб йирик молия –

саноат гуруҳларигача бўлган тадбиркорлик ассоциациялари ва фирмалараро альянслар (бирлашмалар) бундай ўзаро ҳамкорликнинг янги ташкилий шакллари бўлганлар.

Кучли давлат таъсирига эга бозор иқтисодиёти мамлакатларда ассоциациялар узок муддатли иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайдилар. Бундай ассоциациялар кўпинча касаба уюшмалари ва давлат билан келишувларга эгалар, бу уларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Бундай ассоциацияларнинг илмий – техник марказлари янги технологик тартибни шакллантириш билан боғлиқ асосан янги инновацион ривожланишнинг муаммоларини хал қиладилар.

Саноат инновацияларини тадбиқ этиш, ўзлаштириш ва тарқатилиши жараёнларида соҳавий ассоциациялар алоҳида роль ўйнайдилар, улар Японияда ташқи савдо ва саноат вазирлиги ҳомийлиги остида кўпроқ тарқалганлар. Россиянинг соҳавий ассоциациялари ҳам кўп илм талаб қилувчи ишлаб чиқаришлар, асбобсозлик, машинасозлик ва ҳ.к. ривожланишида катта роль ўйнаганлар.

Агар саноат компанияларининг миллий ассоциациялари деб аталувчилар (масалан, АҚШда) мамлакатнинг илмий – техник ривожланишининг миллий кўринишини белгилаб берсалар, кўпгина минтақаларда саноат фирмалари соҳавий ассоциацияларининг асосий вазифаси илмий – техник ва технологик янгиликларни тадбиқ этиш асосида корхона хўжалик фаолиятини самарадорлигини оширишга кўмаклашишдир. Ассоциацияларнинг бир қисми стандартлаштириш ва сертификатлаштириш жараёнларида фаол иштирок этадилар, ходимларни илмий техник ривожланишнинг янги йўналишлари бўйича ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланадилар. Фирмалар тадбиркорлик ассоциациялари фаолиятининг муҳим мақсадларидан бири ишлаб чиқаришни модернизациялашда ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ишлаб чиқаришни ғоятда жамланиши ва “таркибий

яхши бўлмаган” соҳаларни модернизациялашга йўл қўймаслик Япониядаги бир қатор ассоциацияларнинг хизматидир.

Ўзининг таркибида муаммоли – изланиш характериға эға фундаментал тадқиқотлар бўйича бўлинмалар, ҳамда тадбиқ этиш, таҳлилий, иқтисодий гуруҳларға эға тадқиқот ассоциациялари инновацион давранинг бошланғич босқичини фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайдилар. Тадқиқот ассоциациялари академик ОЎЮ сектори ва саноат ишлаб чиқариши ўртасидаги яқиндан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш учун мўлжалланганлар.

Тадқиқот ассоциациялар япон тажрибасининг таҳлили инновацияларни тақдим этиш механизмидаги муҳим хусусият: кооперация тамойилларини бирлаштириш, илмий тадқиқотларни режали ташкил қилиш, янги маҳсулотни бозорға тадбиқ этиш босқичида иштирокчилар ўртасидаги кескин рақобатға эға. бир марказдан инновацияларни тадбиқ этиш ва ўзлаштиришнинг мураккаб кўп босқичли жараёнини мувофиқлаштиришни ажратади.

Тадқиқот ассоциацияларини каттароқ инновацион ва ижорий салоҳиятға эға фирмалар ва мустақил бўлинмалар орасида танлов бўйича шакллантириш мақсадға мувофиқдир. Тадқиқот ассоциацияларини такшил қилишнинг худди шундай шаклида рақобат ва кооперациялашишнинг бирлашишиға асосланган ва 90 йилларнинг ўрталарида ривожланиш олган “манфаатдор гуруҳлар концепцияси”нинг биринчи ниҳоллари ўсиб чиқа бошлаганлар.

Ассоциациялар иқтисодиётдаги зиддиятли бошланишларни чатишиб кетишлар ва ўзаро кириб боришлар услубларидан фойдаланишда катта тажриба тўплаганлар. Техник такомиллашиш ва технологик янгилашнинг узок муддатли мақсадларини амалға оширишда улар кўпгина иштирокчиларнинг бирлашган ҳаракатларидан фойдаланиш, кўпгина иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларининг мувофиқлашувини амалға ошириш, бунда каттароқ даромад олиш мақсадида фирманинг

бозордаги хулқи рақобатли ундовчи сабабларини йўқотмасликни уддасидан чиққанлар.

Ассоциацияни режали иқтисодиёт ва бозор рақобат бирлиги ғалабасининг яққол мисоли кўринишида тасаввур қилиш керак эмас. Бундай ташкилотларнинг юқори мослашувчан ва жанжалсиз характериға қарамасдан товар ишлаб чиқарувчиларни янгиликларни тадбиқ этишға ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишға ундовчи усуллар ва сабабларнинг катъий иерархияси кўзға ташланади. Масалан, ассоциациянинг марказида, коидаги кўра, етказиб берувчилар, субетказиб берувчилар, пудратчилар ва субпудратчилар шохланиб кетган тизимиға эға, кўпроқ даражада битта буюртмачиға ишловчи йирик фирма туради. Радикал янгиликларни “сюзерен” (хоким) фирмадаги ишлаб чиқаришға фаол тадбиқ этишнинг бошқа у билан боғлиқ субпудратчиға тўлдирувчи, бирға бўлувчи, қўллаб – қувватловчи янгиликларни тадбиқ этишдан бошқа чора қолмайди. Уларсиз у нафақат ушбу ассоциация ичидаги шериклик муносабатлардан дарҳол “тушиб қолади”, балки бозорда рақобат мағлубиятға учрайди.

Кооперация ва рақобатни бундай чатишиб кетиши кейинги ўн йилликларда стратегик альянслар ва коалициялар доирасидаги фирмалараро ҳамкорликни ташкил қилишда пайдо бўлган.

Тадбиркорлик ассоциациялари, стратегик альянслар ва коалициялар иқтисодиётидаги ўзига кўпроқ жалб қилувчи “юмшоқ” ассоциацияланувчи (бирлашувчи) “метатузилма”дан иборат. Улар нафақат ҳамкорликдаги ҳаракатларни бирлаштиришнинг энг арзон ва самарали усули сифатида кўриб чиқилади. “Юмшоқ метатузилмалар”ни ташкил қилишда уларни ишлаб чиқаришдаги базисли тамойиллар ва фундаментал ғояларни такомиллаштириш ва ривожлантиришға қаратиш муҳимдир. “Юмшоқ гуруҳлар”нинг рақобатлашуви иштирокчилари янгиликларни ҳар томондан синовдан ўтказгандай бўладилар, шериклик ҳаракатлари эса ресурсларни муҳим йўналишда жамлашға ёрдам берадилар.

“Юмшоқ метатузилмалар” инновацион жараёни даврада амалга оширилиши туфайли, инновацион ўзгаришларнинг самарадорлигини кўп марта оширадilar. Бундай тузилмаларда:

- янгиликни ишлаб чиқариш босқичидаги инновацион хатар кўп марта камаяди;
- тор ихтисослашишнинг самарасидан тўлиқроқ фойдаланилади;
- ҳар бир фирма ўз омилкорлиги соҳасини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради;
- иштирокчилар учун хусусий мақсадларга эришишнинг ҳақиқий имкониятлари яратилади;
- инновацион давранинг барча босқичларидан ҳаражатларни камайтиришнинг ҳақиқий имконияти амалга оширилади;
- янгиликларни диффузия ва тарқатилиши жараёни анча жадаллашади;
- янгиликни бозорга муқобил чиқиши хатари пасаяди;
- инновацион давранинг якуний босқичидаги фаол рақобат инновацион самарадорлигини оширади ва янгиланиш стратегиясини фаоллаштиради.

“Юмшоқ шакллар”ни ўзига жалб қилишлиги нафақат ички шартнома муносабатларининг самарадорлиги билан, балки турдош маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар томонидан бирлашиш ва бозорни рағбатлантиришга мотивациялар (ундовчи сабаблари) билан боғлиқдир. Метатузилмалар асосидаги инновацион жараённинг самараси ҳам инновацион жараённинг “майдони”, инновациялар бозорларини кенгайтириши ва ҳам меҳнатни тақсимланишининг самарадорлигини ўсиши ва илмий – техник ва инновацион салоҳиятларни ошишидан иборатдир. Метатузилмаларни ҳар томонлама каттароқ ривожланиши кўшма инновацион жараённинг орбитасига нафақат жуда йирик фирмаларни, балки

хар хил кўламдаги инновацион бизнес, кредит – молия ташкилотлари ва молия институтларини жалб қилади.

Стратегик альянслар “юмшоқ тузилмалар”нинг энг муҳим шаклларида бири бўладилар. Уларнинг мақсади янги технологияларни ишлаб чиқариш ва узатишни такомиллаштириш каналларини фаоллаштириш, ҳамда илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини тадбиқ этишда ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи вазифаларни амалга оширишдир.

Кўп илм талаб қиладиган соҳалар (роботлар, автоматлаштирилган оқимли линияларни ишлаб чиқариш, микроэлектроника)даги стратегик альянслар ИТТКИ такрор ишлаб чиқариш даврасининг бир неча ёки барча босқичларини қамраб оладилар. Бу алоҳида яшаш даври доирасидаги кўшма илмий фаолият ҳақидаги кооперацион билимлар турларининг кенг турли туманлигига ҳалақит бермайди. Стратегик альянсларнинг яна бир хусусияти янгиликларни ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришни технологик тайёрлашган қаратилаётган алоҳида эътибордан иборатдир. Гап шундаки, йирик компаниялар кўпинча мавжуд ишлаб чиқариш аппаратининг янгиликларини қабул қилишга камроқ уқувга эгаллигига дуч келадилар. Бу ерда тадбиқ этиш ва биринчи саноат намунасини ишлаб чиқариш босқичи энг тор жой бўлади. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра йирик компаниялар кичик ихтисослашган тадбиқ этувчи бизнес билан альянс шаклидан бажонидил фойдаланадилар.

Стратегик альянслар олдида илмий тадқиқотлар мажмуасини ўтказиш, тегишли мутахассисларни қидириб топиш ва тайёрлаш, молиявий ресурсларни излаб топиш, лабораториялар, тадбиқ этиш марказлари, маҳсулотни синовлардан ўтказиш ва сифатини назорат қилиш бўлинмаларни ташкил қилиш вазифалари турибди. Бозор талабларини қатъийлашгани ва талабни турли туманлашгани сари альянс фаолиятининг майдони кўшни ва турдош ишлаб чиқаришларга ҳам тарқалади. Ҳар томонлама ривожланган альянслар бошқа молия – саноат гуруҳлари олдида катта афзалликка эгалар,

бир томондан бозордаги рақобат афзаллигини танлаб олган ҳолда ушлаб қолиш имконияти, бошқа томондан сармоялар киритишларнинг истиқболли соҳаларини муваффақиятли ўзлаштиришга асосланганлар.

Консорциумлар фирмалараро интеграциялашишнинг истиқболли тури бўлади. Инновацион давранинг барча босқичларини интеграциялаш учун мўлжалланган бўлиб, улар, қоидага кўра, фаол илмий-тадқиқот, саноат ва ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш учун ташкил қилинганлар. Россия авиация консорциуми мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жаҳон бозоридаги инновацион соҳада икки турдаги консорциумлар кенг тарқалганлар. Биринчи турдаги консорциумлар фундаментал ва амалий характердаги шахсий узок муддатли илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга мўлжалланганлар. Улар башоратланадиган узок муддатли муваффақиятга юқори технологик соҳаларда кўринишдаги устувор илмий тадқиқотларга қаратилган. Бу ерда бўлғувси бозор муваффақияти ҳали кўзга ташланмайди, аммо илмий-тадқиқотлар корпорациялар ва давлатларнинг асосий илмий-техник сиёсатига кирадилар.

Масалан, АҚШ да бундан консорциумлар қаттиқ жисм физикаси, жуда юқори ўтказувчанлик ҳодисаси, сунъий ақлнинг тадқиқотини ўрганиш учун ташкил қилинадилар. Улар “ташқарида”ги, университетлар ва илмий марказларнинг йирикроқ лабораториялари базасидаги ИТТКИни рағбатлантириш учун ташкил қилинганлар. АҚШ ва Японияда ўнлаб йирик корпорациялар бундан консорциумлар натижаларини молиявий қўллаб-қувватлари ва назорат қилишни амалга оширадилар.

Инновацион фаолиятни кучайтириш учун фирмалараро кооперациянинг бошқа турлари, ҳар хил илмий-саноат мажмуалари, ҳамда молия-саноат гуруҳларининг кўпгина турларидан ҳам фойдаланилади. Бу тузилмаларнинг энг муҳим вазифалари хўжалик алоқаларини барқарорлаштириш ва ички рақобат муҳитини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солиниши, ишлаб чиқаришни пасайишига қаршилик қилишларини кучайтиришдан иборатдир. Иқтисодиётни

ривожланишида хўжалик юритувчи субъектларнинг миқдорий ва сифатий таркиби, уларнинг интеграцияланган сармоялари тизими элементлари билан муносабатдошлиги биринчи ўринга чиқарувчи гуруҳлар энг катта аҳамиятга эгалар.

Кўп илм талаб қиладиган соҳаларда фаолият юритувчи молия-саноат гуруҳида ақлий бўғин етакчи роль ўйнайди.

Маълумки, Россияда саноат корхоналари базасида вужудга келган молия-саноат гуруҳлари катта аҳамиятга эга, улар учун технологик аломат ва ишлаб чиқариш алоқаларининг характери бирлашишларнинг ўзига хосрок тури бўлиб хизмат қилади. Молия-банк тузилмаларининг сармояларни кўпайтирилиши ва тез қайтаритилишига қаратилган қисқа муддатлари банкларга юқори технологик ва кўп илм талаб қиладиган соҳаларда метатузимларни шакллантиришда фаол иштирок этишга имкон бермайди.

Банк бизнесининг ўзига хослиги айниқса каттиқ метатузилмалар деб аталувчиларда яққол намоён бўлади.

Улар технологик занжирча бўйича бирлашган, ҳар хил соҳаларга тегишли бўлган ҳар хил бозорларга хизмат кўрсатувчи фирмаларни бирлаштирадилар деб ҳисоблаш қабул қилинган. Бу ерда инновацион давра ғоятда қийинлаштирилган, асосий ҳаракатларни корхонанинг технологик даражасини ошириш ва тўлдирувчи, бир бирларини ўрнини босувчи, имитацион (тақлид қилувчи) янгиликларни тадбиқ этишга қаратиш керак. Россия тузилмасидаги энг кенг тарқалган вертикал турдаги холдинглар амалда инновацион фаолиятда иштирок этмаганлар.

Маълумки, ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини янгилаш ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳаракат қилишларида кўмир, газ, нефть, металлургия, автомобиль ва бошқалар каби кўп сармоя талаб қиладиган соҳалар компаниялари катта қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Тўқимачилик ва целлюлоза-қоғоз саноатининг энг йирик фирмалари кўпинча инновацион турдаги қарорларни қабул қилишга мойилликларини йўқлигини намоён қилганлар. Россия иқтисодиётида бир қатор субъектив ва объектив

сабаблар оқибатида амалга рақобат кучлари таъсиридан тўлиқ химояланган конгомерот (иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларига тегишли бўлган ва тўғридан тўғри ишлаб чиқариш кооперацияси билан боғланмаган корхоналар бирлашмаси) туридаги макротузилмалар энг юқори ривожланишга эришганлар. Сармояларнинг ёпиқ бозори ва тартибларнинг ишлаб чиқариш тизимларининг мажмуасидан иборат бўлган ҳолда, конгломерат радикал технологик ривожланиш учун деярли имконият қолдирмайди. Россияда талабни торайтирувчи ва яшаб қолиш мураккабликларининг ўтиш иқтисодиёти шароитларида конгломератли тузилмаларни вужудга келиши зарурият бўлган. Шунга қарамасдан сармояларни бирлаштиришнинг конгломертли тури жамлашнинг жадаллаштирилган жараёнига эга соҳалар (нефть-газ саноати, металлургия)даги тўлдирувчи интеграциялашиш ҳисобига зиён келтурвчи ишлаб чиқаришларни қутқарувчиси бўлади.

Вужудга келаётган молия-саноат гуруҳлари фирмалараро кооперациясининг горизонтал тамойили кичик ёки ўрта инновацион давра ва тез янгиладиган маҳсулотларга эга корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун айниқса самаралидир. Бу тузилмалар соҳавий ишлаб чиқариш бирлашмалари (масалан; кимё саноатидаги “Русхим”, “Промприбор”) базасида вужудга келишлари мумкин. Бундай бирлашмалар сотиш бозори учун рақобатлашиш, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш, илмий-техник ахборотларни эътибор билан жамлаш ва янгиликларни тадбиқ этишни жадаллаштиришга кўмаклашишга мойиллар. Интеграциялашишнинг горизонтал тури яна мураккаб инновацион даврага эга бир турдаги корхонларга (масалан, авиация саноатидаги) ҳам тарқаладилар. Бу ерда инновацион давра марказий ўринни эгаллайди, унда мураккаб кўп илм талаб қиладиган буюмларнинг юқори сифатли параметрлари ва мамлакат ва жаҳон бозорларидаги рақобатли ўринлари айниқса муҳимдир.

Хўжалик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ташкил қилишнинг қатъий иерархик шаллари салбий тенденцияларини бетакрорлаштириш ва инновацион фаолликни аста секин ўсишининг муҳим

воситаларидан бири бўлади. Амалда вертикал интеграциялашган компаниялар ҳар томонлама ривожланишнинг ҳар хил усулларига мурожаат қиладилар. Аммо ҳатто қайта ишловчи соҳалар (“Магнитогорская сталь”, “Металлоиндустрия”)да ҳам инновацион жараёнлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва навларни янгилашдан иборат бўладилар.

Вертикал интергациялашган фирмаларни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракат қилишда вужудга келадиган мураккаб муаммолар нафақат Россия иқтисодиёти учун хосдир. Масалан, яқинда “Бритиш петролеум” ўзининг электрон саноатдаги 4 млрд. доллардан ортиқ суммадаги активларини, бир вақтда ҳам ашё мажмуаси ва нефть бизнесидаги корхоналарни харид қила туриб, сотди. Вертикал интеграциялашган корхоналарни устуворлик қилиши жаҳон иқтисодиётида мураккаб инновацион жараёнлар ва юқори технологик маҳсулотни тадбиқ этиш учун тўсиқларни яратади.

Аммо вертикал интеграциялашиш имитацион янгиликлар билан боғлиқ компанияларнинг самарадорлигини ошириш ва эгилувчанлигини кучайтиришга тўсиқ бўла олмайди.

Йирик америкалик олим М. Портернинг фикрига кўра, конгломерат туридаги ҳар томонлама ривожланиш кўпгина америка соҳаларининг рақобатбардошлигига зарар етказди. Инновацион фаолиятни ривожланиши ва бозор рағбатларини кучайишида тор ихтисослашиш асосидаги ҳар томонлама ривожланиш алоҳида роль ўйнайди. Бу фирма ичидаги илмий тадқиқотлар ва ишламаларнинг ролини кучайиши ва операцияларнинг бутун мажмусини амалга оширилиши билан яқиндан боғлиқдир.

Инновацион фаолиятни иқтисодиётни ривожланишининг муҳим тенденцияси сифатида кўриб чиқишда инновацион жараёнларнинг янги ташкилий шакллари уларни давлат, илмий, бозор ва ижтимоий институтлар тизимида киритилиши асосида интеграциялаш муаммоси биринчи ўринга чиқади. Инновацион бизнесни институционал тузилмаларга

киритилиши даражасини ошиши нафақат инновацион фаолликни пасайтиради, балки, аксинча, инновацион жараёнларнинг ўзини ўзи ташкил қилувчи тузилмаларни такомиллаштириш ва вужудга келтириш қобилиятини оширади.

АҚШда пайдо бўлган инновацион жараённинг институционал тузилмалари бу икки тенденцияларни бирлашишига яққол мисол бўлса олади. Инновацион жараённинг ҳам йирик саноат компаниялари доирасида ва ҳам илмий-техник ва инновацион лойиҳалар асосида амалга оширилаётган анъанавий ташкилий моделлари “бўлинма-инкубаторлар”нинг ёпиқ илмий техник муҳитга уларни кичик аптрепренер (эга, ижрачи) гуруҳлар билан тижоратлаштириш босқичига “етказиш” билан суянади. Юқори касбий инновацион бўлинмаларнинг ихчамлиги ва тор ихтисослашишига қарамасдан инновацион лойиҳа молиявий муваффақият ва фойдани тез олиш билан қатъий боғланган. Бунда ишга доир давр 5 йилдан ошмаслиги керак.

4.Инновацион марказлар


Илмий ғояларни ишлаб чиқиш ва уни кейинчалик материаллаштиришда янги ташкилий тузилмалар-инновацион марказлар катта роль ўйнайдилар. Булар ўз ичига университетлар ва илмий-ишлаб чиқариш фирмаларини ўз ичига олувчи янгилик киритишларнинг вужудга келган технологик фаол компанияларидир. Бу моделда инновацион бизнес кенг инновацион инфратузилма ичидаги барқарор ўзаро алоқаларни қўллаб қувватлайди, ахборотларни норасмий алмашиш ва янгиликларни сотиш каналларини шакллантиришнинг ривожланган тармоғига эга. Силиконли водий бундай альянснинг энг машҳур вариант бўлади.

Инновацион марказлар таркибида қуйидагиларга эга:

- технологик парклар (илмий, ишлаб чиқариш, инновацион, бизнес-парк ва ҳ.к.)(3-расм);
- технополислар;
- фан ва технологиялар минтақалари;
- инновациялар инкубаторлари.

Технопарк иерархик тузилмасини куриш асосида модулли тамойил ётади. Уни куришда фойдаланиладиган биринчи элемент инкубатордир. Технопарк ҳар бири инновацион хизматларнинг ихтисослаштирилган мажмуасини тақдим этувчи марказларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Технополис – бу технопарклар, инкубаторлар йиғиндиси ва шаҳар ҳаётини таъминловчи турли туман тузилмаларнинг мажмуасидир. Фан ва технологиялар минтақаси ўз ичига технополислар, технопарклар ва инкубаторларни, ҳамда илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватловчи шохланиб кетган инфратузилмани олиши мумкин.




3– расм. Технопаркнинг тузилиши.

Технополислар ўзлари жойлашган минтақаларни ривожланишига шакллантирувчи таъсир кўрсатадилар ва қуйидагиларга ёрдам берадилар;

- инновацион фаолликни ошириш;
- инновацион инфратузилмани шакллантириш;
- янгиликларни тижоратлашувини жадаллаштириш;
- саноатни таркибий қайта куриш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш;

- инновацион фаолият механизмларини такомиллаштириш, инновацион соҳани институционаллаштириш (қандайдир янги ижтимоий институтларни таъсис этиш);
- саноатни ривожланишининг кўп илм талаб қилишини кучайтириш;
- иқтисодиётнинг инновацион қобилиятини такомиллаштиришга.

Технопаркка давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан раҳбарлик қилиш учта асосий йўналиш: қонунчилик, молиялаштириш ва ривожлантириш дастурлари, тўғридан тўғри иштирок этиш бўйича амалга оширилади. Ҳукумат кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлашнинг йирик кўламли дастурларини ишлаб чиқади, янги технологияларни ривожлантиришни рағбатлантиради, фан ва саноатни кооперациялаштиришнинг ёрдам кўрсатади. давлат молиявий ва қонунчилик ёрдамидан ташқари мижоз фирмалар, ҳамда кўп илм истеъмол қиладиган корхоналарга ҳар хил квоталар ва субсидияларни тақдим этади. Маҳаллий ҳокимиятлар инновацион лойиҳа устида ишлаш ва унинг асосида кичик кўп илм истеъмол қиладиган фирмаларни ташкил қилишга мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашувчи шароитларни тақдим этадилар. Технопарк таъсисчилари ва улар томонидан ечиладиган масалаларнинг базавий чизмаси 4 – расмда кўрсатилган.



4-расм. Технопарк таъсисчилари ва улар томонидан ечиладиган масалаларнинг базавий чизмаси.

Инкубаторларнинг ажралиб турган аломати ва ташкилий хусусияти шундан иборатки, улар аниқ товарни эмас, мустақил хўжалик субъектини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Шундай қилиб, янги кичик инновацион фирмалар технопаркларнинг “маҳсулоти” бўлади. Инкубаторда ҳар хил ишлаб чиқариш бирликларини бўлиши фирмаларга уларни ушлаб туришга харажатларни анча қисқартириш имкониятини беради. Бу ерда, мисол учун, иншоотнинг ижараси, секретарлик, телефон, компьютер хизматларидан биргаликда фойдаланиш учун пастроқ нарх белгиланган. Тадбиркор фаолиятининг бошланғич босқичида инкубатор менежлари томонидан бошқарув соҳасида ёрдам кўрсатилади, у малакали юристлар, ҳисобчи, маркетинглар хизматлари тармоғига кира олади. Инкубаторнинг, тижорат корхонаси сифатидаги даромадлари иншоат ва идора ускуналарини ижарага олиш учун олинадиган ижара ҳақи, турли туман касбий хизматларни сотишдан даромадлардан вужудга келади.

Бизнес паркда фирмаларнинг кенгроқ турли туманлиги ҳаракат қиладилар. Инкубаторда ташкил қилинган, унга тегишли бўлган ва технологияларни топшириш ва илмий-маслаҳат хизматларини кўрсатишга ихтисослашган муаллифлик фирмалари; инкубатордан чиққан мустақил фирмалар; йирик корхоналарга тегишли бўлган, паркка йирик саноатнинг фан, кичик ва ўрта бизнес соҳасидан ўтган бозорнинг ҳар хил талабларини ҳажми ва вақти бўйича қаноатлантирувчи илмий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштирувчи фирмалар. Ушбу нуктаи назардан уни ташқи муҳитга мослашиши тизимнинг муҳим хусусиятидир. Турли туман талабни қаноатлантириш учун корхона кичик серияли ва ноёб маҳсулотни ишлаб чиқаради, унинг катта қисми буюртмага, шартномага мўлжалланган. Бу бошидан ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги барқарор алоқаларнинг юқори даражасини белгилаб беради.

Кўпгина япон фирмаларининг ташқи муҳитга юқори мослашувчанлиги сотишлар ва маркетингни ташкил қилиш билан ҳам изоҳланади, чунки буюртамани шакллантириш, талаб ва сотиш каналларини шакллантириш одатда маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш босқичларидан олдин келадилар. Фирмаларни бозор талабларига юқори мослашувчанлигида рақибларни бозорга киришларини чегараловчи асосий тўсиқлар ташкилотнинг рақобат афзалликларини ташкил қилишга қобилияти бўлади, фирманинг илмий-техник тажрибаси, технологияларнинг даражаси ва янгилиги, патентли монополия, тадқиқот базасининг мавжудлиги, ходимларнинг юқори малакаси улар сифатида бўлади. Фирманинг тараққий этишида бойликлар, ижодий ёндашиш ва касбий ўсиш ва меҳнат фаолиятининг обрўсини ўсиши билан бирга бўлувчи инновацион ривожланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ишлаб чиқаришни инновацион йўналтирилганлиги бошқарувнинг инновацион характери билан яқиндан боғланган: маъмурий усуллар социал-психологиклар томонидан сиқиб чиқарилади, ходимнинг меҳнат унумдорлигини ошиши эса уни бошқарув қарорларини қабул қилишга дахлдорлиги ва сифатан янги меҳнат ундовчи сабаблар билан боғланади.

Стратегик марказ билан яқиндан боғланган кичик бўлинма ходимлари учун ўзини янги-инновацион фаолиятнинг фаол иштирокчиси сифатида кўрсатиб менежернинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиш хосдир. Кичик бўлинмаларда меҳнатга ундовчи сабаблар сезиларли равишда кучайтирилади, ташаббус рағбатлантирилади. Бошқарувнинг инновацион характери яна шунда намоён бўладикки, кичик мустақил инновацион бўлинмалар кундалик фаолиятда йирик бюрократик ташкилотлар учун хос бўлган, қарорларни горизонтал ва вертикал бўйича мувофиқлаштиришнинг мураккаб тадбирлари билан боғланган эмаслар.

Замонавий япон корпорацияларида юқори менежер, инновацион ёндашишлар ва бошқариш рационаллиги тамойилларига амал қилган ҳолда, қаттиқ ёппасига назорат қилишни қўллашга ҳаракат қилмайди. Аксина,

эгиловчан шериклик алоқаларни мўлжаллаш энг катта самара беради (масалан, “Фудзицу”, “Сони”, “Мацусито” ва бошқа фирмалар).

Бошқариш таъсирининг эгиловчан усуллари бошқарув вазифаларининг кўпчилиги (режалаштириш, ундовчи сабаблар, мувофиқлаштириш ва назорат)га, ҳамда бошқарув объектига.

Инновацион ишлаб чиқаришнинг асосида технологик тизимларнинг эгиловчанлиги, ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлиги, ускуналарни қайта созланувчанлиги ва ишлаб чиқариш қувватларини қайтадан ихтисослаштирилганлиги ётади. Технологияларни эгиловчанлиги ва ўзгарувчанлиги ишлаб чиқаришни инновацион жараённинг ҳар хил босқичларида параллел равишда фаолият юритиш асосида горизонтал бўйича ташкил қилиш билан бирлашади. Масалан машинасозлик ва асбобсозликдаги технологик жараёнларнинг кўпчилиги дискретли (узилишли) характерга эга, бу ноу-хауни билдиради. Бу фирмалар белгиланган шартларда технопаркнинг хизматлари: ахборот, коммуникация, маркетинг, патентлицензияли, реклама нашриёт, лизинг, воситачилик ва бошқа хизматларини харид қилишлари мумкин. Фирмани паркта бўлиши муддати шартномада келишиб олинган ва лойиҳада истиқболлиги ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш имконияти боғлиқдир. Паркнинг ҳимояси остида фирмалар янги технологиялар, тадбиркорлик усулларини фаол ўзлаштирадидлар, маркетинг тузилмаларида касб эгаларидан фойдаланадилар ва натижада ўз маҳсулотларининг юқори рақобатбардошлигини таъминлайдилар.

Технологиялардан ташқари Ғарбда технологияларни кичик ва ўрта бизнесга топшириш тизими кенг тарқалган. Масалан, Энхедеза, бундай ишни техник ва ижтимоий фанлар университети қилади, у ерда ихтисослаштирилган марказлар 1920 йиллардаёқ ташкил қилинганлар. Бу дастурларнинг асосий вазифаларидан бири ғоялар бўйича тадбиркорларни топишдир. Махсус дастур бўйича ишловчи мутахассислар газеталарда шахсий лойиҳаларини ёки бир қатор фирмалар менежерларининг ғояларини

босиб чиқарадилар. Бу ерда яна ўз ишини бошлаш ва бизнесни бошлаш учун маблағлар топиш таклиф қилинади. Тадбиркорларнинг жавоблари таҳлил қилинади, кейин улар билан суҳбат ўтказилади. Инкубатор даври давомида ИК одатда университет илмий гуруҳлари билан ҳамкор қиладилар. Бундай компанияларнинг ажралиб турувчи аломати-банкротликнинг жуда паст даражасидир.

Инновацион марказлар, технопарклар ва технополислар мисолида инновацион инфратузилманинг аҳамият айниқса сезиларлидир, у фанни бозор муҳитига кириши, илмий-техник соҳада тадбиркорликни ривожланиши ва янгиликларнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига ёрдам беради. Инновацияларнинг тижорат муваффақиятининг эҳтимоли махсус институтлар, ташкилотларни шаклланиши ва ягона инновацион соҳада шаклланган инновацион жараёни таъминлаш тизимлари туфайли кескин ошади.

Инновацион соҳада инновацион инфратузилма марказий роль ўйнайди, у инновацион фаолиятни ривожлантириш учун маблағларни самарали тақсимлаш ва хизматлар кўрсатишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун ташкилий, моддий, ахборот, молия ва кредит базасидан иборат бўлади.

Инновацион инфратузилманинг ҳолати миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш модели ва технологик ривожланиш даражаси билан маҳкам боғланган. Ривожланганроқ мамлакатларга хос бўлган иқтисодий ўсишнинг инновацион модели ўсишнинг нобуюмли, инновацион ва ахборот омиллариининг ролини ошиши, ҳамда кўп илм истеъмол қиладиган соҳаларни жуда тез ривожланиши билан таърифланади. Бундай мамлакатларда инновацион тузилмани ривожланиши консалтинг, инжиниринг, ахборот ва телекоммуникацион хизматларни ташкил қилинишига асосланган.

Инновацион инфратузилмада илмий, давлат ва ижтимоий институтларидан ташқари молиявий, инвестицион ресурсларни жамланиши ва инновацион фаолият хатарларини диверсификациялашга ёрдам берувчи

инвестицион институтлар муҳим роль ўйнайди. Бу ерда суғурта компаниялари, нодавлат нафақа фондлари, инвестицион банклар, инвестицион ва венчурли фондлар, молиявий ва инвестицион компаниялар энг муҳим инвестицион институтлар бўладилар.

Калитли сўзлар: венчурли сармоядорлар, хатарли сармоялар, ҳар томонлама ривожланиш стратегияси, инновацион фирмалар, фирмалараро альянслар, саноат компаниялари ассоциацияси, саноат компаниялари, метатузилма, консорциум, конгломерат туридаги макротузилма, технопаркнинг тузилиши.

Қисқача хулосалар

ИИТКИ лойиҳаларини режалаштириш ва бошқариш ИТТКИ дан ажратиб бўлмайдиган ноаниқлик аломатига эга. Режалаштириш ва бошқаришнинг асосий элементлари: лойиҳани белгилаш ва унинг мақсадини қўйиш, бу мақсадларга эришишнинг режаси, параметрларнинг эришилган ва режавий даражаларини солиштириш учун воситалар, бошқарув таъсирлари, лойиҳа “ИТИТКИ ишлаб чиқариш бозор” йўли бўйича ҳаракатлангани сари бошқарув жиддий ўзгаришларига дучор бўлади.

Лойиҳалар порфелини режалаштиришда хатарнинг маъқул даражасидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳалар сонини чегаралаш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳанинг муҳимлиги эмас балки унинг муддатларининг устуворлиги муҳим бўлади.

Ташкилий шакллардан ҳеч бири ИТТКИ вазифаларига мувофиқ барча мезонларни қаноатлантира олмайди. ИТТКИ соҳаси учун бошқарувнинг матрицали тузилиш ва венчурли бошқарув кўпроқ тўғри келади. Келажакда йирик фирмалар ИТТКИни ташкил қилишнинг гибридли шакллари: узоқ муддатли “оддий” лойиҳалар учун матрицали ва “алоҳидаги” қисқа муддатлилар учун венчурли қўллашлари мумкин.

Таъкидлаш керакки, ташкилий тузилма илмий-техник инновацияларни мақсадга эришишини кафолатламайди, балки ҳаммаси бўлиб фақат асосни шакллантиради.

Назорат саволлари:

1. Инновацион фирманинг эволюциясидаги интеграциялашиш ва диверсификациялаш (хар томонлама ривожланиш) нинг ролини изохлаб беринг.
2. Хар томонлама ривожланмаган компаниянинг корпоратив стратегиясини таърифланг.
3. Фирмани хар томонлама ривожланиши стратегиясининг олти та турини баён қилинг.
4. Инновацион фаолият янги ташкилий шакллариининг ўзига хослиги нимадан иборат?
5. Фирмалар ассоциациялари турлари ва уларнинг вазифаларини айтиб беринг.
6. “Юмшоқ метатузилмалар” нима ва улар нима учун инновацион ўзгаришларнинг самарадорлигини оширади?
7. Нима учун консорциумлар фирмалараро интеграциялашишнинг истиқболли тури бўладилар?
8. Инновацион фаолиятдаги молия-саноат гуруҳларининг ролини ёритиб беринг.
9. Вертикал ва горизонтал интеграциялашган тузилмалардаги инновацион фаолиятнинг хусусиятларини баён қилинг.
10. Инновацион жараённинг қандай институционал тузилмаларини биласиз?
11. Инновацион марказлар нимадан иборат ва улар иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишга қандай таъсир кўрсатадилар?
12. Технопаркларнинг таъсисчилари ва улар томонидан ечиладиган масалаларни санаб ўтинг.
13. Инновацион инфратузилманинг инновацион фаолиятини ривожланишидаги ролини таърифлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январдаги мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. “Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.” Под редакцией Б.З. Мильнера, ИНФРА – М, 2010.
4. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. “Инновационный менеджмент” Учебное пособие для вузов. – М.: “Феникс”, 2009.
5. Каплан С., Фостер Р. “Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия.” Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.
6. Управление в условиях кризиса. / Пер. с англ. 2 – е изд. – М.: Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.

4 – Мавзу. Инновацион менежментнинг методологияси

Режа:

1. Инновацион менежментга илмий ёндашишлар.
2. Инновацион менежментга тизимли ёндашиш.
3. Янгиликларнинг яшаш даври концепциясининг моҳияти.

1. Инновацион менежментга илмий ёндашишлар.

“Бошқарув” тушунчаси ҳар хил объектларга таъсир кўрсатиш сифатида талқин қилинади, у тартибга солиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадига эга. Бошқарувнинг илмий асослари бўйича дастлабки дарсликларда ишлаб чиқаришни бошқариш одамлар жамоаларига уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш учун мақсадга қаратилган таъсир кўрсатиш сифатида белгиланган. Бошқарув тушунчасининг инглизча маъноси “менежмент” сўзи билан акс эттирилади. Менежмент мазмуний нуқтаи назардан – бу бошқариш, раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш усули, меҳнат сармоялар ва бошқалар каби ресурслардан каттароқ самарадорлик билан фойдаланиш. Шундай нуқтаи назар асосида инновацион менежмент – бу инновацион фаолият, унинг ресурслари, янгиликларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда социал – иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили сифатида инновацияларнинг каттароқ самарадорлигига эришиш мақсадида иштирок этаётган одамларни бошқаришнинг мақсадга қаратилган тизимидир.

XIX асрнинг охирида пайдо бўлган бошқарув ҳақидаги фан ривожланишнинг мураккаб йўлини босиб ўтган. Бошқарувдаги амалий тажрибани умумлаштиришга биринчи ҳаракатлар илмий менежмент мактабини яратиш билан алмашган, Ф.У. Тейлор унинг асосчиси бўлган. Бунинг оқибатида дастлабки назариялар ўрнига илмий-техник ва социал – техник ва социал-иқтисодий омилларни мураккаб йиғиндисини ҳисобга олишни талаб қилувчи назариялар келган. Менежментнинг кейинги

мактаблари бошқарув фикрини эволюциясига асосланган. Масалан, белгиланган босқичда олимлар бошқарув назариясини иккита: ёпиқ ва очик тизимлар ва менежментнинг рационал ва социал омиллар нуктаи назарда кўриб чиқа бошлаганлар.

Илмий – техник тараққиёт ва ташқи муҳитнинг шиддатли эволюцияси шароитида бошқарув назарияси ва амалиётининг эволюцияси содир бўлган. Бошқарув ҳақидаги фаннинг ҳар хил мактаблар ва ёндашишлар таъсири остидаги эволюцияси асосий босқичлари 1 – жадвалда берилган.

1 – жадвал.

Бошқарув ҳақидаги фаннинг ҳар хил мактаблар ва ёндашишлар таъсири остидаги эволюцияси асосий босқичлари.

Бошқарувнинг мактаблари ва ёндашишлари	Вақтли дарв, йил							
	+							
	1885	1920	1930	1940	1950	1960	Ҳозирги вақтда	
Бошқарувнинг Классик мактаби		→						
Хулкий мактаби			→					
Илмий мактаби	→							
Жараёдли ёндашиш		→						
Тизимли ёндашиш		→						
Яшаш даврли ёндашиш					→			
Микдорий математик ёндашишлар					→			
Социал-психологик ёндашиш					→			
Лойихали ёндашиш		→						
Маркетингли ёндашиш					→			

Илмий фан сифатидаги бошқарув эволюциясининг хусусияти шундан иборатки, у бошқарув фикрининг бир неча мактаблари асосида ривожланган, улар кўпинча мос келганлар, қисман эса бир бирларини тўлдирганлар, такомиллаштирганлар. Бу шунинг билан изоҳланадики, ҳам анъанавий ва ҳам инновацион менежментда ҳар хил мактабларнинг билимлари ва усулларидан фойдаланилган, бошқарув жараёни эса ҳам менежментнинг назарий концепцияларига ва ҳам ҳар хил назарий мактаблар ва илмий ёндашишларга суянган.

Бу бошқарув объектининг юқори мураккаблиги ва камрок детерминацияланганлиги (асосланганлиги) билан изоҳланади. Аслида илмий, техник, технологик, социал ва аралаш тизимларни мувофиқ бошқаришнинг алгоритмини ишлаб чиқиш зарур бўлган.

Менежмент фан сифатида социология, психология, мантик, педагогика, фаншунослик, математика ва кибернетика, ҳар хил техник ва иқтисодий фанлар усулларининг кенг турли туманликларидан фойдаланувчи фанлараро тадқиқотдир.

Бошқарув фанининг эволюцияси бошқарувнинг мазмуни ва тамойилларини бойитиш, ҳамда унинг вазифалари, усуллари ва йўлларини такомиллаштиришга асосланади.

Инновацион менежментга фан сифатидаги ҳар хил концепциялар ва ёндашишлар 2 – жадвалда берилган.

2 – жадвал.

Инновацион менежментдаги концепциялар ва ёндашишларнинг таснифи⁷

Асосий, базавий ёндашишлар ва концепциялар	Уларни амалга ошириш шакллари ва натижалар
Классик мактаб	
1.Меҳнат таъсироти тамойиллари.	1.Интизом.
2.Мақсад ва раҳбарликнинг умумийлиги.	2.Тартиб.

⁷ «Теп: Управление инновациями:Статистический подход: Гибкие корпоративные стратегии выживания и лидерства в новой экономике (на спирале). Котельников В.Ю. – М.: ЭКСМО, 2007

3. Ҳокимият ва жавобгарлик.	3. Адолат ва мукофот.
4. Марказлаштириш ва марказлаштирмасликнинг нисбати.	4. Самарадорлик.
5. Менежментнинг вертикал занжири.	5. Компаниянинг асосий мақсадига бўйсунуш
Хулкий мактаб	
1. Эътибор марказида инсоний ресурс.	1. Ходимлар салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш.
2. Ташкилотни шахслараро муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш билан шакллантириш.	2. Унумдорликни ошириш.
3. Ходимлар хулқини эҳтиёжлар, манфаатлар, бойликлар орқали тартибга солиш.	3. Ходимнинг қаноатланганлигини ошириш.
4. Ходимларни унвончи сабаблар	4. Мукофотлашлар ва рағбатлантиришларнинг эгилувчан тизими.
Илмий мактаб	
1. Менежментнинг фаолияти ва вазифаларининг таҳлилидан фойдаланиш.	1. Мувофиқ фаолият юритиш учун шароитлар яратиш.
2. Ходимларни танлаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш.	2. Меҳнат унумдорлигини кўпайтириш.
Жараёнли ёндашиш	
1. Менежментни жараён сифатида тушуниш.	1. Бошқарувнинг эгилувчанлик, узликсизлик ва интенсивлик.
2. Жараёнга таъсир кўрсатиш омилларининг таҳлили.	2. Бошқарув вазифаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.
3. Бошқарув жараёни ўзаро боғлиқ вазифалар тизими сифатида.	3. Бошқарув усуллариининг ўзаро боғлиқлиги ва бир бирларини тақазо қилиши.
4. Мувофиқлаштирувчи фармойиш берувчи ва назорат қилувчи вазифаларнинг роли.	4. Бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш.
Тизимли ёндашиш	
1. Менежментни мураккаб иерархик социал-иқтисодий-иқтисодий ва илмий-техник тизим сифатида кўриб чиқиш.	1. Таъсир қилиш йўллари ва усуллариининг мантикийлиги, менежер вазифаларининг мувофиқлиги.
2. Тизимнинг ташқи ва ички муҳитининг таҳлили.	2. Таҳлил асосида синтетик ва асосланган қарорларни қўллаш.
3. Тизимни бошқарувчи, бошқариладиган таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи тизимчаларга бўлиш.	3. Бошқарув қарорларининг самарадорлиги, уларнинг натижавийлигини ошириш.
4. Тизимдан илмий-техник ва “инсоний” ташкил қилувчиларни ажратиш	4. Техник, социал-психологик, эконометрик, эргономик ва бошқа усуллари қўлланма.
5. Тўғридан тўғри, тесқари алоқалар, ўзаро	5. Ташкилотнинг талаблари ва мақсадларига

<p>ҳамкорлик ва бир бирларини тақазо қилиш самараларини ҳисобга олиш.</p> <p>6.Кутишлар назариясини қўллаш.</p>	<p>эпчиллик, мослашувчанлик ва уйғунлик.</p> <p>6.Ишдан чуқур қаноатлашиш ва ўзини ўзи акс эттириш ўзини ўзи амалга оширишга эришиш.</p>
<p>Яшаш даврли ёндашиш</p>	
<p>1.Ташкилотнинг яшаш даврини социал организм сифатида кўриб чиқиш.</p> <p>2.Яшаш даврлари босқичларини ўрганиш.</p> <p>3.Ривожланишнинг кескин нуқталарини белгилаш.</p> <p>4.Яшаш даврлари асосида башоратлаш ва режалаштириш.</p> <p>5.Ўтиш тенденцияларини аниқлаш.</p>	<p>1.Аниқ режалаштириш, мувофиқлаштириш ва раҳбарлик.</p> <p>2.Менежернинг хабардорлиги ва омилкорлигини ошириш.</p> <p>3.Аниқроқ ва мувофиқроқ қарорлар қабул қилиш.</p> <p>4.Самарали стратегияни ишлаб чиқиш эҳтимоли.</p> <p>5.Фирманинг ривожланишини ўсишини башоратлаш ва ҳар томонлама ривожланиш ва янги бозорларга бостириб кириш йўлларини топиш.</p>
<p>Миқдорий математик ёндашишлар</p>	
<p>1.Эконометрик моделларини қўллаш.</p> <p>2.Ишлаб чиқариш вазифалари аппаратини қўллаш.</p> <p>3. “Харажатлар-самарадорлик” усули бўйича кўплик регрессияси (орқага қайтиш) усулларини қўллаш.</p> <p>4.Стохатик (эҳтимолли) моделларни қўллаш.</p>	<p>1. Бошқарув қарорларининг юқори аниқлиги, самарадорлиги ва сифати.</p> <p>2. Фирма ривожланишининг устувор йўналишларини танлаш.</p> <p>3.Ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китобларининг аниқлиги.</p> <p>4. Натижаларнинг ноаниқлигини бартараф қилиш, хатарларни пасайтириш.</p>
<p>Лойиҳали ёндашиш</p>	
<p>1.Инновацион лойиҳа туридаги янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва тижоратлаштиришни ташкил қилиш.</p> <p>2.Лойиҳани бизнес-режалаштириш</p> <p>3.Лойиҳанинг таҳлили.</p> <p>4.Лойиҳани баҳолаш.</p> <p>5.Инновацион лойиҳани молиялаштирилишини ташкил қилиш.</p>	<p>1.Стратегик режалаштиришнинг алоҳида тури, керакли ишлаб чиқариш-техник ва маркетинг тадбирларини танлаш.</p> <p>2.Янгилик, унинг истеъмол ва қийматий кўрсаткичларини тадқиқот қилиш бўйича кўп кадамли тадбирлар. Ресурсли, технологик ва молиявий имкониятларни тадқиқот қилиш.</p> <p>3.Балансли ҳисобот ва пул оқимларини ҳаракатланиши асосида техник-иқтисодий, режавий, тижорат, экологик ва молиявий ўтказиш.</p> <p>4.Лойиҳанинг молиявий барқарорлиги ва тижорат самарадорлигини баҳолаш. Ўзини ўзи оқлаш муддати, даромадлик индекси, соф дисконтлаштирилган даромад ва рентабелликнинг ички меъёрини ҳисоблаш, хатарларни ҳисобга олиш.</p> <p>5.Молиялаштиришга эҳтиёжни белгилаш, манбаларни қидириб топиш ва лойиҳа остидаги пул оқимларини ташкил қилиш.</p>

Маркетингли ёндашиш	
<p>1.Инновацион фирмани маркетинг стратегиясига қаратиш.</p> <p>2.Инновацион маркетингнинг аниқ стратегиялари: рақобат афзаллиги стратегияси, импортни ўрни босиш, харажатлардаги етакчилик, янги бозорларга бостириб кириш ва ҳ.к.ишлаб чиқиш.</p> <p>3.Янгиликни бозорга кириб бориши стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>4.Оператив тактик инновацион маркетинг. Маркетингнинг турини танлаш.</p> <p>5.Маркетингнинг харажатлари ва даромадларини башоратлаш ва режалаштириш.</p>	<p>1.Фирма, унинг тизимчалари ва ходимлари фаолиятининг бўлажак истеъмолчининг сўровларини ҳисобга олиш билан янгиликларни тижоратлаштиришга йўналтириш.</p> <p>2.Бозорнинг номланиш тадқиқоти. Бозор ҳолатининг таҳлили ва башорати. Бозор сиғими, тузилиши ва сегментларга бўлинишининг тадқиқоти. Талаб, рақиблар ҳулки, рақобат турлари ва шакллариининг тадқиқоти ва башорати.</p> <p>3.Янгиликни бозорга киришининг мақсадини белгилаш, варианти ва вақтини танлаш. Янгиликни жойлаштириш тадбирлари ва босқичларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4.Янгиликни бозорга кириб боришининг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш. Маркетингнинг креатив, конверсион, раҳбатлантирувчи ва бошқа турлари тадбирлари. Сотиш каналларини шакллантириш. Реклама компанияси, кўргазмалар, презентациялар, синовли ва тўғридан тўғри сотишлар, сервисли ва кафолатли хизмат кўрсатиш ва ҳ.к. ташкил қилиш.</p> <p>5.Янгиликни сотишлар ҳажмининг таҳлили ва башорати, маркетинг даромадларини баҳолаш. Даромадлар бўйича нархли эгилувчанликни белгилаш. Рақибларнинг нарх сиёсатини ўрганиш. Инновацияларнинг нарх сиёсатини ишлаб чиқиш. Маркетинг харажатларининг таҳлили. Янгиликни бозор томон ҳаракатлантириш харажатларини шакллантириш.</p>

2 – жадвалдан келиб чиқишига, инновацион менежментга ҳар хил концепциялар ва ёндашишларнинг аҳамияти тенг эмас. Тизимли, маркетингли, яшаш даври ва лойиҳавий ёндашишлар стратегик ва ҳам оператив инновацион менежментда энг катта ўринни эгаллайдилар. Улар инновацион бошқарувнинг алоҳида турини шакллантирадидилар. Социал-психологик ва миқдорий эконометрик усуллар бошқарув қарорларини таҳлил қилиш, башоратлаш ва ишлаб чиқишда қўлланиладилар.

Жадвалда тизимга келтирилган маълумотлар инновацион менежментнинг қуйидаги энг характерли аломатларини ажратишга имкон беради:

- мураккаб иерархик арилиш илмий-техник ва социал-иқтисодий тизимлар инновацион менежментнинг объекти бўладилар;

- инновацион менежментнинг мақсадга эришиш ҳақидаги ҳар хил тасаввурларга эга турли туман инновацион тизимлардан иборат;
- инновацион жараёнлар эҳтимоли характерга эгалар ва ўзининг моҳияти бўйича кучсиз детерминацияланган (асосланган)лар;
- инновацион жараёнлар ижодий характерга эга;
- инновацион тизимларда инновацион соҳа ходим-инноватор марказий субъект бўлади;
- новатор ва инновацион менежернинг инновацион фаолият субъектлари сифатидаги шахсини таъсир кўрсатишнинг энг янги усулларини қўллашни талаб қилувчи мураккаб социал тизим сифатида кўриб чиқиш керак;
- инновацион фаолиятнинг натижавийлигини ошириш учун эгилувчан, мослашувчи маънавий-ахлоқий ва шахсий ёндашишлардан фойдаланиш керак.

2. Инновацион менежментдаги тизимли ёндашиш.

Инновацион менежментда батафсил таҳлил ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш тизимли ёндашишда тўлиқроқ очилади. Тизимли таҳлилнинг марказий тушунчаси тизимдан, яъни бир бирлари ва атроф муҳит билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи таркибий қисмлар ва элементларнинг мураккаб ички қурилиши, катта сонига эга объектдан иборат.

Инновацион менежмент учун ташкилотни очик тизим сифатида тушуниш асосий далил бўлади. ташқи муҳит билан яқин ўзаро ҳамкорликда бўла туриб, у ташқи муҳит томонидан ҳам тўғридан тўғри ва ҳам воситали кўп сонли таъсирларга дуч келади. Бир вақтда ташкилот ички микромуҳитга эга, унинг элементлар ҳам муҳит омиларига ўзаро боғлиқ бўлади.

Ташкилот тизим сифатида тизимнинг ўзи ва унинг ташқи ва ички муҳити элементлари томонидан ҳаракатланувчи кучлар, ўзаро ҳамкорликлар, ўзаро таъсирлар ва ўзаро кириб боришларнинг мураккаб ансамблидан иборатдир. Тизим ва унинг ташқи муҳити чизмали равишда 1-расмда кўрсатилган.

Ташқи муҳит ташкилотга тўғридан тўғри ва воситали таъсир кўрсатади. Давлат ва қонунчилик идоралари, институтлар, касаба уюшмалар, илмий ва инновацион ташкилотлар, ишлаб чиқариш омиллари бозорлари, сармоядорлар, рақиблар, етказиб берувчилар, истеъмолчилар, касбий воситачилар ва ҳ.к. тўғридан тўғри таъсир кўрсатиш муҳитининг муҳим элементлари бўладилар.

Халқаро социал-маданий ва иқтисодий муҳит, сиёсий, экологик омиллар, фан ва техниканинг ҳолати, ҳамда жамиятни қадриятли йўналтирилиши ва унинг инновацион ғояларга мойиллиги воситали таъсир кўрсатиш муҳитининг таркибий қисмлари бўладилар.

Қонунлар ва давлат идоралари

Ресурслар

ва сармояларни
етказиб берувчи
лар.


Рақиблар.

институтлар.

Истеъмолчилар

Воситали таъсир кўрсатиш

муҳити.



Тўғридан тўғри

таъсир кўрсатиш муҳити:

- Халқаро ҳодисалар
- Илмий-техник омиллар
 - Сиёсий омиллар
 - Социал омиллар
- Иқтисодиётнинг ҳолати

1-расм. Ташкилотнинг тизим сифатидаги ташқи муҳити.

Фирманинг ички муҳити омилларига, масалан, илмий-техник салоҳият, рухий ҳолат, инфратузилма, ходимлар малакасининг даражаси ва ҳ.к. киради.

Тизимнинг элементлари мустақил ва сифатли бўлинмайдиган бирликдир. Бир бирлари ва атроф муҳит билан ўзаро ҳамкорликни улар моддий, энергетик ва ахборотли муҳит билан таърифлайдилар. Белгиланган яхлитлик ва мақсадга йўналтирилганликка эга ўзаро ҳамкорлик қилувчи элементларнинг масофавий – вақтли агрегатлари (йиғиндилари) вазифавий тизимчаларда ажратадилар. Тизимни тизимчаларга бўлиниши тизимнинг иерархиясини очишга ва унинг ҳар хил даражада батафсил текширишлигини кўриб чиқишга имкон беради.

Тизимнинг мураккаблиги иерархия даражаларининг сони, тизимда айланиб юрувчи ахборотларнинг ҳажми, ҳамда унинг тузилишининг мураккаблиги, элементларнинг сони ва алоқалари билан белгиланади. Алоқаларнинг йиғиндисини тизимнинг тузилмасини ташкил қилади. Ҳар бир тизим қўйилган мақсадга эришишга қаратилган фаолият юритиш алгоритмига эга.

Тизимни тизимнинг кировчи бошқарувчилари, тўлқинланувчи, ўзгарувчанлари ва чикувчи параметрлари ўртасидаги алоқани акс эттирувчи модель ёрдамида шакллантирадилар. Катта ва мураккаб тизимлар ва кичик тизимларнинг йиғиндисидан иборат бўлади ва улардан ҳам миқдорий ва ҳам сифатий нисбатларда фарқ қиладилар.


Катта ва мураккаб иерархик тизимларга қуйидагилар хос:

- умумий мақсадларнинг мавжудлиги (белгиланиш);
- яхлитлик ва тугалланганлик;
- бажарилаётган вазифаларнинг катта миқдорлари ва катта сони;
- вазифаларнинг кўп жиҳатлилиги ва турли туманлилиги;
- ҳулқнинг мураккаблилиги ва ундовчи сабабларнинг кўп жиҳатлилиги;

- мусобақалувчи, рақобатлашувчи ва ҳар томонга йўналтирилганлиги тенденцияларининг мавжудлиги.

Тизимни ичида содир бўлаётган катта тизимлар каби ноаниқлик ва ахборотларнинг эҳтимол бўлган тўлиқ эмаслиги хос бўлган, қарама-қарши йўналишдаги жараёнлар унинг самарадорлигини пасайтириш мумкин.


Инновацион тизимнинг 2-расмда берилган мураккаб, кўп босқичли, кўп композицияли тизимини кўриб чиқамиз. Кириш, чиқиш ва ташқи муҳит тизимнинг ташқи муҳити бўлади. Тизимнинг кирувчи параметрлари – бу моддий, энергетик, ахборот ва когнитив (илмий билимлар) оқимларидир. Чиқувчи параметрлар янги жараёнлар, маҳсулотлар, хизматлар, фойда, ходимларнинг янги билимлари, ишлаб чиқаришни ўсиши, янги сегментлар ва янги бозорларни ўзлаштирилиши, социал жавобгарлик, ходимларнинг қаноатлантирилганлигидан иборатдир.



2 – расм. Инновацион менежмент тизими

Инновацион менежментнинг ички микромуҳити – фирманинг ташкилий, технологик, социал – психологик ва техник – иқтисодий муҳитидан иборатдир.

Мураккаб, катта тизим тизимчаларнинг йиғиндисидан иборат бўлади ва таъминловчи, илмий, бошқарувчи ва бошқариладиган кўпбосқичли, мураккаб тизимчалардан ташкил топади. Ўз навбатида бошқарувчи тизимга кичик тизимчалардан ташкил топади, улар ўртасида учта асосий босқичларга эга иерархик тузилма кўринишидаги тобелик мавжуд. Бунда иерархиянинг пастроқ босқичига тегишли бўлган ва биргаликда ҳаракат қилувчи тизим иерархиянинг кейинги юқори босқичига тегишли бўлган тизимчанинг барча вазифаларини бажаради. Инновацион менежментнинг бошқарувчи тизимчасини кўриб чиқамиз. Ташкилотнинг иерархик мураккаб, катта тизим сифатидаги киришлари ва чиқишлари 3 – расмда тасвирланган.



3-расм. Инновацион менежмент тизимидаги кириш ва чиқиш параметрлари

Бошқарувчи тизимга инновацион менежмент катта тизими иерархик тузилмасининг учинчи ва энг юқори босқичи бўлади. У кичик тизимчалардан ташкил топган, бошқарувнинг мақсадлари, вазифалари, усуллари ва тузилмалари тизимидан иборат бўлган иерархиянинг иккинчи босқичи ҳар хил тизимчалари операцион бошқарув тизимидан иборатдир. Ниҳоят, иерархиянинг биринчи, пастки босқичида бошқарувнинг типик маҳаллий тизимлари турадилар. Масалан, бошқарув вазифалари тизимчаси режалаштириш, ташкил қилиш, раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, ундовчи сабабларни бошқариш, ўзаро ҳамкорлик ва назорат қилиш жараёнларини ташкил қилишнинг типик жараёнлари ўзаро боғланган йиғиндисидан иборатдир. Ҳар бир типик жараён якка ҳаракатлар тизим элементларидан ташкил топади. Бунда барча элементлар, жараёнлар, тизимчалар ҳар хил турдаги ва кўп сонли алоқалар ва ўзаро ҳамкорликларга эга. Масалан, назоратнинг типик жараёни фаолият натижавийлиги кўрсаткичлари шаклидаги стандартларни белгилаш, дастлабки назора, фаолият юритиш кўрсаткичларини берилган стандартлар билан солиштиришни ўз ичига олувчи жорий назорат ва натижаларни ўлчашдан ташкил топади. Якуний назорат навбатдаги босқичлар ёки умуман бутун иш тугагандан кейин амалга оширилади.

Нazorатнинг типик жараёнларида алоқаларнинг биринчи босқичидаги таҳлили анча мураккаблилиги билан таърифланади. масалан, жорий ва якуний назорат тескари алоқаларга асосланади, шунинг бир вақтда раҳбарнинг ходим ҳаракатининг характери, ишнинг мақсадларини ўзлаштириш, таъсир кўрсатишни, қўллаш бўйича ҳаракати бошқарувчи тизимни кўпгина ораси очик тескари алоқага эга қилади.

Бошқариладиган тизимга ҳам иерархиянинг бир неча босқичларидан ташкил топади. Бошқариладиган тизимчанинг биринчи босқичидаги асосий вазифа унинг тизимчалари (ишлаб чиқариш, ходимлар, молия ва маркетинг)ни мувофиқ фаолият юритишдир. ишлаб чиқариш тизимчаси

энергетик, моддий ва ахборот оқимлари ва таъсир кўрсатишнинг техник – технологик омилларига асосланган уларни ишлаб чиқиш усулларининг мураккаб бириктирилиши билан таърифланади.

Инновацион менежментнинг
бошқарувчи тизимчаси

Мақсадлар тизимчаси	Вазифалар тизимчаси	Усуллар тизимчаси	Бошқарувнинг ташкилий тизимлари тизимчаси
— стратегик мақсадлар	— стратегик режалаштириш ва башоратлаш	— маъмурий	— тармоқли
— тактик	— оператив режалаштириш	— таҳлилий ва башоратли	— кўйилган штабли
— оператив	— жараёнлар ва ўзаро ҳамкорликларни мувофиқлаштириш, ташкил қилиш	— мантикий-дидактик	— матрицали
— вазифавий	— ундовчи сабабларни бошқариш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш	— иқтисодий	— дивизионли
— узоқ муддатли		— эвристик	— вазифавий
— қисқа муддатли			
— устуворлик даражаси			
— иерархия			
— даражаси			

Иерархия иккинчи босқичи ишлаб чиқариш тизимчасининг ажралиб турувчи хусусияти оқимларни мувофиқлаштириш ва мувофиқ тақсимлаш вазифасидан, шу жумладан иерархиянинг биринчи, пастки босқичи типик технологик жараёнларини декомпозициялаш ва агрегациялаш (бириктириш) дан иборатдир. Бунда ҳар бир типик жараён киришлар, чиқишлар, ҳолатнинг ҳар хил параметрлари, бошқарув ва берилган мақсаддан четга чиқишларга эга кичик тизим бўлади.

Кўпгина типик жараёнлар иерархиянинг пастки даражасидаёқ детерминацияланганлик (асосланганлик)нинг пастки даражаси билан таърифланади. Айниқса бу “инсоний ресурслар” тизимчасига тегишлидир. тушунарлики, иерархиянинг юқорироқ даражаларида тизимнинг ноаниқлиги

ўсади. Шунинг учун тизимларнинг ноаниқлигини бартараф қилиш учун иерархиянинг барча босқичларида жараёнларни маҳаллий барқарорлаштириш, эгилувчан, мослашувчан жараёнлар ва бошқарув тизимларини, ҳамда ўз ичига башоратли устунни таҳлил қилиш, бошқарув қарорларининг дарахтини яратиш, яшаш даврили ва эҳтимолли ёндашишларни қўллаш, эконометрик, статистик, имитацион ва вазиятли моделлаштиришдан фойдаланишни оловчи менежментнинг янги усуллари каби тизимчаларни бошқариш вазифаларини алоҳида ажратиш зарур.

Мураккаб тизимчаларни бошқаришда эвристик моделлаштириш, кўп босқичли мувофиқлаштириш асосий усуллар бўлишлари мумкин. Эвристик моделлар ходимларни бошқариш тизимларига нисбатан кўпроқ қўлланадилар, кўп босқичли мувофиқлаштириш эса, ишлаб чиқариш ва маркетингни бошқариш тизимларига нисбатан қўлланилади.

Кўриб чиқилган бошқарувчи ва бошқариладиган тизимчалар таъминлаш тизимчаси, илмий тизимга, фирма микромуҳити каби асосий тизим ягона бир бутун сифатидаги ташкилотнинг ташкил қилувчилари бўладилар.

Ташкилот “очиқ тизим” сифатида фаолиятнинг турли туман шакллари, жиҳатлари ташкилий тузилмаларнинг бирлиги билан таърифланади, фалсафа вазифасига эга.

Ташкилотни фаолият юритишининг мувофиқ шартларини аниқлаш учун тизимчалар, типик жараёнлар ва барча даражадаги элементларни ташкил қилувчи катта, мураккаб тизимларнинг кўрсаткичлари ва хусусиятларини умумлаштириш зарур. Очиқ тизим сифатидаги ташкилот инновацион фаолиятини куришнинг умумлаштирилган тамойиллари 3 – жадвалда берилган.

3-жадвал

Очиқ тизим сифатидаги ташкилот инновацион фаолиятини куришнинг
тамойиллари

Куриш тамойиллари	Мазмуни
1.Тизимнинг яхлитлиги	Тизим элементларининг яхлитлиги ва ўзаро ҳамкорлиги. Ташқи таъсирларга тизим ягона бир бутун сифатида жавоб қайтаради. Корхонанинг автоном тизим сифатидаги оператив, ишлаб чиқариш, молия, инвестицион, инновацион, стратегик фаолиятининг яхлитлиги.
2.Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги	Тизимнинг таркибий қисмлари тўғридан тўғри ва тескари алоқа билан боғланганлар. Масалан ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулоти меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, технологиялар, ташкил қилишлар, ходимларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида олинади.
3.Вазифаларни асосланганлиги	Корхона вазифалари беихтиёр эмас, балки ишлаб чиқаришнинг мақсадлари, талабнинг талаблари, ресурсларнинг мавжудлигига мувофиқ шаклланади ва ўзгарадилар.
4.Иерархиклик	Тизимнинг ҳар қандай горизонтал ва вертикал даражаларида элементлар (технологик занжирчанинг бўғинлари, таркибий бўлинмалар, алоҳида ходимлар ва х.к) ўртасидаги иерархик ўзаро ҳамкорлик таъминланиши керак.
5.Элементларнинг автономлиги	Тизимнинг ҳар қандай вертикал ва горизонтал даражаларида бошқа бўлинмалар ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган вазифалар аниқ чегараланадилар. Масалан, ТНБ, ходим, бош конструктор хизматлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари ва х.к. бир бирига боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажарадилар, яъни автоном равишда ҳаракат қиладилар.
6.Мослашувчанлик, синхронлик, бир текислик	Тизимнинг барча бўғинлари ва таркибий элементлари вақтда синхронлаштирилганлар ва қандай ва қатъий белгиланган усуллар ва йўллар (ишлаб чиқариш жараёнларининг регламентлар (иш тартиби), қўлланмалар. Техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасининг меъёрий талаблари, экологик меъёрларга риоя қилиш, меҳнат жараёнларининг тарифини белгилаш)дан фойдаланишда ташкилотнинг асосий мақсадлари билан мослашганлар.
7.Мослашувчанлик, эгилувчанлик	Тизимни ўзгаришларга мослашувчанлиги, масалан, ишлаб чиқариш аппаратини янги техника, технологияларга мослашувчанлиги, ходимларни инновацион ва ташкилий ўзгаришларига мослашуви ва х.к.
8.Бошқарувчанлик	Ускунани ишлашида тўхташлар ва бекор туришларни йўқлиги, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар хил босқичларининг бир текислиги ва синхронлиги, ходимларнинг сабабсиз ишга келмасликлари ва келмай қолишларининг йўқлиги. Ахборот ва моддий оқимларнинг тартибга солинганлиги, бошқарувчи бўғиннинг буйруғи бўйича вазифаларни бажарилишининг мунтазамлиги.

9.Кўп вазифавийлик, кўп жиҳатлик	Тизимнинг қайтадан йўлга қўйилишга, янгиликларни тадбик этилишига, ходимлар тез қайта ўқитилишига, навларни ўзгариши ва кенгайишига, қисми ёки тўлиқ модернизацияланишга янгилаштиришга ва ҳ.к. қобилияти.
10.Равшанлик	Техник ва ишга доир ҳужжатларнинг ягона атамашунослиги, тизимнинг барча бўғинларига нисбатан талабларнинг ягоналиги, жазолар, меъёрлар ва тартибга солувчи базанинг ягона тизими. Ташқи таъсирлар таъсири остида қайтадан йўналтирилиши имконияти.
11.Мувофиқлик	Энг муҳим хусусият-барча бўлинмалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконияти, асосий вазифаларга қаратилганлик. Барча юқорида санаб ўтилган тамойилларга риоя қилиш билан таъминланади.

3. Янгиликлар яшаш даври концепциясининг моҳияти

Жаҳон ва мамлакатимиз техник – иқтисодий ривожланишининг узок муддатли тенденцияларни тадқиқот қилиш шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётлар тузилмаларининг ўзгаришлари ва олға силжишлари ва халқаро меҳнат тақсимот билан бирга бўлувчи қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг динамикаси илмий – техник тараққиёт ва инновацион ўзгаришлар билан тўғридан тўғри боғлиқ иқтисодиётнинг даврий тебранишларига боғлиқдир. Худди инновацион ривожланишнинг даврий концепцияси илмий-техник тараққиётни бир томондан ишлаб чиқариш такомиллаштиришнинг муҳим йўли сифатида тушунишга олиб келади.⁸

Инновацион жараёнлар, маҳсулотлар ва тизимларнинг яшаш давлари концепцияси асосида ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ва босқичларини вақтли, ресурсли ва ташкилий синхронлаштириш мумкин. Инновацион жараёнларни даражалар бўйича ва босқичма босқич ўрганиш учун маҳаллий, вақтда бўлинган ахборотлар характерлидир, шунинг билан бир вақтда яшаш

⁸ А.М. Мухамедияров “Инновационный менеджмент”-М.: Инфра-М., 2008

даврала ёндашиш янгиликларни яратиш ва ўзлаштириш жараёнини динамик синхронлаштирилган тизим сифатида кўриб чиқади.

Инновацион фаолият битта мантиқий занжирга бирлаштирилган бир қатор тадбирлардан ташкил топади. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини (инновацион давранинг) ҳар бир босқичи ривожланишнинг ўзининг мантиқига бўйсунди, ўзининг қонуниятлари ва хусусиятларига эга. Илмий изланишлар, тажриба – конструкторлик ва технологик ишламалар, инвестицион – молиявий, маркетинг тадбирлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ташкилий тузилмалар бирга бирлашган ҳолда битта асосий мақсад – янгиликни яратишга бўйсунди.

Маркетинг тадқиқотлари бағрида вужудга келган товарлар, талаб ва технологияларнинг яшаш давралари қисқа вақт ичида иқтисодий объектлар, жараёнлар ва тизимларни ўрганишда устувор ҳолатни эгаллаганлар. Мисол учун, ташкилотлар, саноат ишлаб чиқариши соҳалари, техник буюмлар, қурилиш конструкциялари, машиналар ва механизмлар яшаш давралари концепцияси анча ривожланганлар.

Инновацион фаолиятни ўрганиш учун янги товар, янги техника ва технологиялар, ҳамда очик тизимлар сифатидаги инновацион ташкилотларнинг яшаш давралари энг катта аҳамиятга эга.


Иқтисодий объектлар сифатидаги технологияларнинг эволюцияси ва ўзгаришни ўз ичига олувчи катта технологик тизимлар концепцияси яшаш давраларининг унумдорроқ замонавий ғояси бўлади. Масалан, катта технологик тизимларнинг яшаш давраларини тадқиқот қилиш ҳам анъанавий ҳам янги технологик парадигмалар (намуналар) доирасида ривожланаётган техника ва технологиялар авлодларининг назариясига олиб келади.

Технологик тизимларни ривожлантириш икки йўналиш бўйича: базавий технолгияларни такомиллаштириш ва тубдан янгиларни яратиш билан амалга оширилади. Технологияларни яхшиланиши ва модернизацияланиши, уларни етуклик босқичига ўтиши ва бозорни ушбу

товарлар билан тўлдирилганлиги сари эски прагдама доирасидаги бундан кейинги технологик ривожланиш фойдасиз бўлиб қолади, сотишлар ҳажми ва фойда пасаяди. Вужудга келган технологик тартиб доирасида тубдан янги қарорлар, “ёриб ўтувчи” технологиялар вужудга келадилар, бу янги технологик тартиблар, ишлаб чиқаришлар, соҳаларга асос солади.

Барча иқтисодий объектлар, жараёнлар ва тизимларнинг яшаш давраи бир хилдаги назарий базага эга: ҳар қандай яшаш давраи яратилишдан бошланади, ўсиш, етуклик, сўниш ва таназзул босқичларини ўтади.

Товарнинг намунавий яшаш давраи 1 - расмда берилган. Инновацион менежментнинг кўп сонли объектлари: инновацион корхоналар, янги техника ва технология, янги товарлар ва хизматлар яшаш давраининг худди шундай динамикаси тузилишига эгалар.



6-расм. Янги товарнинг яшаш давраи:

I-яратилиш ва ўсишни бошланиш босқичи; II-тез ўсиш, III-ўсишни секинлашуви, балоғат; IV – барқарорлашиш, V – Сўриш, эскириш, таназзул.

Инновацияларнинг яшаш давраи концепцияларининг афзаллиги шунда намоён бўладики, 4 қуйидагиларни таъминлайди:

вақтли омилини ҳисобга олишни,
жараённинг марказий тенденциясини аниқлашни,
ўзгаришлар динамикасини намунавийлигини,
жараённи кучайишининг мантиқини,
моддий, ахборот ва молия оқимларининг кўргазмалилиги ва равшанлигини;

босқичларни жараёнларни математик моделлаштириш имкониятини,
башоратлашнинг муқобил усулларини қўллаш имкониятини;






Товар-техника-технология, янги товар - талаб – технология, ишлаб чиқариш омиллари – фирманинг рақобат афзалликлари – фирмани ривожланиши туридаги ҳар хил иқтисодий объектларнинг ўзаро алоқаларини аниқлашни.

Яшаш давраларининг математик моделларини яратиш инновацион менежментдаги яшаш давраи концепциясининг энг муҳим афзалликларидан бири бўлади.


Яшаш давралари динамикасини таърифловчи математик вазифалар 4 – жадвалда берилган. Яшаш давраи алоҳида участкалардан ташкил топган, улардан ҳар бири ҳар қандай иқтисодий объектни ривожланиши даражаси вақтни у ёки бу қисмида вужудга келадиган ички ва ташқи шароитларни ривожланиши даражасига боғлиқлигининг математик баёнига эга. Бу инновацион менежерга ривожланишнинг суръатлари ва даражасини ўзгариши бўйича қарорларни ишлаб чиқаришга имкон беради.

4- жадвал

Яшаш давралари динамикасини баён қилувчи математик вазифалар.

Яшаш давраи босқичи	Вазифани белгиланиши	Вазифани бошқарилиши	Вазифани баён қилувчи эгри чизикнинг кўриниши
Яратилиш	Комбинацияланган экспоненциал (намойиш қилинувчи)- босқичли вазифаси		
Ўсишни жадаллашиши	Экспоненциал вазифа		
Ўсишни секинлашиши	Торнквистнинг Иккинчи вазифаси		
Етуклик	Паробола		
Пасайиш	Тўғридан тўғри		

Инновацион менежер мувофиқ қарорларни қабул қилиш учун энг натижавий имкониятни очик тизим сифатидаги ташкилотнинг таҳлили ва батафсил яшаш давраи асосида олади. Ташкилотнинг яшаш давраи 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Ташкилотнинг яшаш давраси.

I – инновацион тадбиркорлик босқичи, юқори ижодий имкониятлар; II – инновацион фаолиятни фаоллашиши, номоддий активларни шакллантириш, жамоадаги норасмий мулоқат; III-янгиликларнинг йирик серияларига чиқиш, барқарор ташкилий тузилмалар, иқтисодий самарадорликка эътибор бериш; IV-тузилмаларни мураккаблашиши, ривожланишнинг янги вариантларини кидириб топиш, марказлашишни тугатиш, ҳар томонлама ривожланиш, янги бозорларга ўтиш, V-қўлдан берилган имкониятлар ва технологияларни эскириши, инновацион фаолиятни давом эттириш учун бирлашишлар ва ютилишлар зарурияти.

Ташкилотларнинг уларнинг рақобати курашида мавжуд бўлишлари нуқтаи назаридан яшаш давлари назарияси И. Адизес томонидан кўриб чиқилган. И. Адизес концепцияси 1990 йилларнинг ўрталарида Ҳарбий иқтисодиётда кенг тарқалган эди. Вазиятли таҳлилга асосланган И. Адизес концепцияси ташкилотни яратилиши, тез ўсиши, етуклиги, барқарорлиги ва таназзули босқичларини батафсил тадқиқот қилади. Муаллиф фирмани ўсиши касаллиги унинг ташқи ва ички муҳитдаги вазиятларга боғлиқ ҳулқининг хусусиятларини кўрсатади, уларнинг сабабларини тадқиқот қилади, “ташҳис” қўяди ва “башорати”ни беради: “соғломлаштириш” ёки “ўлимга олиб борадиган” имкониятлари ва йўллари кўрсатади. И. Адизес биринчи марта фирманинг яшаш давраи босқичларини “касалликнинг оғирлиги” билан, яъни давра фазаларини мувофиқ ўтишидан четга чиқишлар билан боғлайди.

У менежментнинг хатоларини ва уларни тузатиш бўйича тўғри ҳаракатларни кўрсатади, шунинг билан бир вақтда чорасиз вазиятлар ва менежер ҳаракатларнинг фойдасизлигини ажратади. Фирманинг ўсиш назарияси фирманинг кўпгина “касалликлари” ни олдини олишни намоён

қила туриб, тадқиқотчилар эътиборини эскириш сабабларига жамлайди. Масалан, тараққий қилиш ва эскириш ва таназзулни келишидан узоқлашиш омиллари орасида фирманинг инновацион фаоллиги ва устувор рақобатли афзалликларни шакллантириш ажратади.

Ташкилотни ташкил қилиш босқичида ижодий жараён эркин ўтади, у ташқи муҳит вазиятларини таҳлил қилиш ва айниқса рақобат механизмларини ўрганишга асосланади. Фирмани ташқи муҳитга вазиятли ёндашиши ўсиш имкониятларини ҳис қилиш ва керакли ресурсларни олинишини таъминлашдан иборат бўлади, улар орасида янги билимлар ва технологиялар, ноу-хаулар алоҳида роль ўйнайди.

Биринчи босқич учун ташқи ва ички муҳит омилларининг юқори ноаниқлиги хосдир. Адизес рационал кутишлар гипотезасини таҳлилнинг куруллари кўринишида таклиф қилади. Бозорлар, рақиблар ва истеъмолчиларни товарга жавоблари ҳақидаги менежер олиш мумкин бўлган барча ахборотлардан фойдаланган ҳолда, талабнинг ўртача кутилган даражаси, нархларнинг динамикаси, рақиблар билан курашиш натижасининг эҳтимолини белгилаш мумкин.

Рационал кутишлар гипотезаси объектив ва субъектив эҳтимоллар нисбати муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилади, яъни мослаштирилган кутишлар ва кутилган фойдалиқнинг эртароқ назариясига катта улуш кўшади.

Ташкилот яшаш даврасининг иккинчи босқичида инновацион бизнес кенгаяди, яъни самарали яратиш ва янгиликларни тадбиқ этиш фирмани иқтисодий ўсишига асос бўлиб хизмат қилади. Худди янгиликлар рақобат афзалликларини ички ресурслар (малакали ходимлар, янги техника ва технология, инвестициялар)дан мувофиқ фойдаланиш имкониятини яратадилар.

Ушбу босқичда бошқарувнинг адекват ташкилий тузилмалари ва усулларини танлаш муҳим вазифа бўлади. Фирмани ўсиш босқичи Адизес

тахминларига асосланади, тўлиқ бўлмаган ахборотлар шароитида кутилган фойдалиқни кўпайтириш гипотезаси танловни таҳлил қилишнинг дастлабки жойи бўлиши мумкин. Худди шу ерга ташкилотнинг узоқ муддатли ютуқни кўпайтириш мумкин бўлган стратегик ҳулқини моделлаштириш имконияти кўйилган, қисқа муддатли даврда барча янгиликлар ҳам фойдани катталишини намоиш қилмайдилар.

Молиявий барқарорлик ва ўсишнинг динамиклигини таъминловчи жараёнларнинг мувофиқ нисбати ушбу босқичда ташкилот соғломлигининг ўлчами бўлади. “Касалликларни олдини олиш” ақлий активларни шакллантириш, мустаҳкам илмий-техник базани яратиш, бошқарувнинг норасмий психологик усулларида фойдаланишга тўғри ёндашишдан иборат бўлади.

Етуқлик босқичи барқарор ва унумдор технологияларнинг пойдеворига, инновацияларнинг самарадорлигини ошишига асосланади. Бу ерда фирма фаолиятнинг турли туманлигини кенгайтириш, сотишлар ҳажмини анча кўпайтириш, янги тузилмалар ва бўлинмаларни пайдо бўлишини мўлжаллайди. Кўпинча фирма йирик, иерархик мураккаб ташкилотга айланади, унда бозор иштирокчиларининг сони нисбатан катта эмас ва улар фаолиятнинг кўламлари, рақобат афзалликлари ва иқтисодий натижалар бўйича солиштириш мумкин. Битта иштирокчининг ҳулқи умуман бозорнинг ҳолатига ва демак, рақибларнинг ҳолати ва ҳулқиға албатта таъсир кўрсатади.

Агар инновацион бизнесни яратилиши босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатлари муҳитнинг ҳолатига ҳеч қандай сезиларли таъсир кўрсатмаса, чунки мукамал рақобат сифатида бозорнинг бошқа иштирокчиларининг ҳулқи ҳам бойликлар нарҳига ғоятда кам таъсир кўрсатади, унда бу ерда кутишлар назарияларининг қуроллари кенг қўлланилади. Етук йирик фирма олдини олиш учун на мукамал олдиндан кўришга ва на рационал танловга эга. Барқарорлашиш босқичида рақобат

курашидаги таназзул ва мағлубиятдан қочиш учун ривожланишнинг янги вариантларини қидириб топиш, марказлаштириш жараёнларини ваколатларни бошқача топшириш билан мувофиқ бирлаштириш зарур.

Юқори инновацион фаолликка эга энг муваффақиятли фирмалар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантиришлари, шунинг асосида бундан кейинги янгиланиш стратегиясини қуришлари ва янги бозорларга бостириб киришлари керак.

Аммо кўпгина йирик фирмаларни ривожланишида ҳамма вақт ҳам ҳар томонлама ривожланиш ва инновацион ривожланишнинг афзалликларидан фойдаланиб бўлмайди. Қўлдан чиқарилган имкониятлар, товарлар ва технологияларни эскириши фирмани оғир “касалликлар”га олиб келади. Аввалги рақобат афзалликларини “суғуриб олиш”, янгилаш ва қайтаришга катта меҳнат билан эришилади. Кўпгина фирмалар, самарали йўлни топа олмай, қайта ташкил қилишлар, бирлашишлар ва ютиб юборилишларга мурожаат қилишга мажбурлар. Қўлланган ҳаракатларнинг самарасизлигида фирманинг “касаллиги” зўраяди ва банкротлик эҳтимоли ўсади. Адизес назарияси ҳозирча бизнинг шароитимизда камроқ қўлланилади, аммо катта имкониятлар ва истиқболларга эга.

Ташкилотнинг яшаш даври концепция асосий дастлабки тамойилларининг алоҳидаги аҳамиятини намоён қилади, улар иқтисодий объектлар ва тизимларни уларнинг ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш нуқтаи назаридан ўрганишни талаб қилади. Давравий ёндашишларнинг тизимли таҳлил билан яқин алоқаси шунинг билан изоҳланади, бунинг асосида инновацион фаолиятни бошқариш жараёнига тизимлилик, бутлик ва яқунланганликни киритиш мумкин бўлади.

Инновацион фаолиятда корхона, ташкилот, техника ва технология, товарлар ва хизматлар каби иқтисодий объектлар ва тизимлар узлуксиз янгиланишга йўналтирилган воситалар ва усулларнинг яхлит йиғиндиси сифатидаги иерархик бирга тобе бўлиш ва ўзаро ҳамкорликда кўриб

чиқилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар хил кўлам ва даражадаги инновацион жараёнлар иқтисодий тизимларни ривожланишининг асосини ташкил қиладилар.

Ҳар хил ишлаб чиқариш, илмий-техник, ташкилий, креатив ва социал тизимларда ўтувчи инновацион жараёнларнинг хусусиятларни тадқиқот қилиш инновацион менежментнинг натижавийлигини оширишнинг асосида ётади.

Инновацион жараёнда динамик тизим сифатида нафақат янги ғоялар, янги билимларни яратиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тизимчасини, балки ғояни тажрибали намунада ишлаб чиқаришли рўёбга чиқариш учун янги ускуна, янги технология, янги материалларни қўллашни ҳам ажратиш керак. Янгилик киритиш илмий-техник гавдалантириш босқичини ўтади, у муҳандислик таклифлари, лаборатория синовлари, конструкторлик хужжатларини яратилиши, тажриба намуналарини яратилиши ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг натижаси бўлади. Янгилик киритишдан ҳақиқий самара фақат унинг бозор шароитларидаги тарқатилиши, диффузияси ва тижоратлаштирилиши натижасида намоён бўлади.

Инновацион менежментдаги бошқарув жараёнларини батафсил таҳлил қилиниши ва такомиллаштирилиши тизимли ёндашишда тўлиқроқ очиб берилади. Тизимли таҳлилнинг марказий тушунчаси тизимдан, яъни мураккаб ички қурилишга, бир бирлари ва атроф муҳит билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи таркибий қисмлар ва элементларнинг катта сонига эга объектдан иборатдир.

Инновацион менежмент учун ташкилотни очиқ тизим сифатида тушуниш асосий далил бўлади. Ташқи муҳит билан яқиндан ўзаро ҳамкорликка эга бўлган ҳолда, у ташқи муҳит томонидан ҳам тўғридан тўғри ва ҳам воситали кўп сонли таъсирларга дуч келади. Бир вақтда ташкилот

ички микромуҳитга эга, унинг элементлари ҳам ташқи муҳит омилларига ўзаро боғлиқликда бўладилар.

Тизимнинг элементлари мустақил ва шартли бўлинмайдиган бирликдир.

Ҳар бир типик жараён ягона ҳаракатлар тизим элементларидан ташкил топади.

Калитли сўзлар: Тизимнинг яхлитлиги, яшаш давраси концепцияси, ташкилотнинг яшаш давраси, инновацион менежмент тизими, мақсадлар тизимчаси, вазифалар тизимчаси, янгиликларнинг коммуникатив алоқалари турлари, доиравий тармоқ, тўлиқ тармоқ, юлдузсимон тармоқ, бошқариладиган вазифавий тизимлар.

Қисқача хулосалар:

“Бошқарув” тушунчаси ҳар хил объектларга таъсир қилиш сифатида талқин қилинади, у уни тартибга солиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадга эга.

Инновацион жараёнлар, маҳсулотлар ва тизимларнинг яшаш давраси концепцияси асосида ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ва босқичларини вақтли, ресурсли ва ташкилий синхронлаштириш мумкин.

Технологияларнинг иқтисодий объектлар сифатидаги эволюцияси ва ўзгаришларини ўз ичига олувчи катта технологик тизимлар концепцияси яшаш давраларининг энг унумли замонавий ғояси бўлади.

Барча иқтисодий объектлар, жараёнлар ва тизимларнинг яшаш давралари биргина назарий базага эга: ҳар қандай яшаш давраси, яратилишдан бошланади, ўсиш, етуклик, сўниш ва таназзул босқичларини ўтади.

Назорат саволлари:

1. Бошқарув ҳақидаги фан эволюциясининг асосий босқичларига таъриф беринг.

2. Инновацион менежментнинг концепцияси ва ёндашишларини таърифлаб беринг.
3. Инновацион менежментнинг характерли аломатларини баён қилинг.
4. Ташкилотни очик тизим сифатида тушуниш нимадан иборат?
5. Ташкилотнинг ташқи муҳитига таъриф беринг.
6. Фирма ички муҳити омилларини санаб беринг.
7. Тизимнинг элементлари нима?
8. Тизимнинг тузилиши ва параметрларини таърифлаб беринг.
9. Менежментнинг бошқарувчи тизимчаси нима?
10. Инновацион менежмент тизимидаги алоқалар турларини таърифланг.
11. Инновацион менежмент тизимидаги иерархиянинг қайси босқичларини айтиб бера оласи?
12. Тизим сифатидаги ташкилот инновацион фаолиятини фаолият юритишининг мувофиқ шароитлари остида нима ётибди?
13. Тизим сифатидаги ташкилот инновацион фаолиятини курилишининг асосий тамойилларини таърифлаб беринг.
14. Янгиликларнинг яшаш давраси концепцияси нимадан иборат?
15. Технологик тизимларни ривожланишининг яшаш давраси концепцияси нимадан ташкил топади?
16. Янги товарнинг яшаш давраси босқичларини санаб беринг.
17. Ташкилот яшаш давраси босқичларини айтиб беринг.
18. Ташкилотнинг яшаш давраси босқичларининг хусусиятларини таърифлаб беринг.
19. Ташкилотнинг яшаш давраси босқичлари унинг инновацион фаолияти билан қандай боғланган.
20. Инновацион фаолиятни бошқариш жараёни фирманинг яшаш давраси билан қандай боғланган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январдаги мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. “Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.” Под редакцией Б.З. Мильнера, ИНФРА – М, 2010.
4. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. “Инновационный менеджмент” Учебное пособие для вузов. – М.: “Феникс”, 2009.
5. Каплан С., Фостер Р. “Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия.” Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.
6. Управление в условиях кризиса. / Пер. с англ. 2 – е изд. – М.: Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.

5- Мавзу. Корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил қилиш.

Режа:

1. Инновацияларни ташкил қилиш тушунчаси.
2. Илмий-техник ва инновацион соҳадаги ташкилотларнинг таснифи.
3. Инновацион ривожланишнинг ташкилий шакллари.
4. Келажакдаги инновацион ташкилотларнинг хусусиятлари.

1. Инновацияларни ташкил қилиш тушунчаси.

Иқтисодий ривожланишни инновацион йўналтирилганлиги, технологик янгилинишнинг ўсиб бораётган зарурияти инновацион фаолиятда ташкил қилиш тамойиллари ва таркибий-ташкилий ўзаро алоқаларга аниқ ва мос келишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Гап инновацион импульсларни иқтисодий ҳақиқатга киритишнинг мувофиқ йўлларини қидириб топиш ҳақида кетмоқда. Тушунарлики, инновацион ўзгаришларни кенгайтириб боргани сари инновацион ривожланишнинг вазифавий – элементар базасини илмий асосланган шаклланиши талаб қилинади.

Инновацияларни ташкил қилиш ўз ичига учта асосий жиҳатларни олади:

- инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;
- Ташкилотнинг инновацион фаолиятдаги зарурий вазифаларни бажаришга қаратилган жараёнлари ва ҳаракатларининг мажмуасини;
- Тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари тизимчалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларни.

Ушбу нуқтаи назардан инновацияларни ташкил қилишни инновацион фаолиятни тартибга солиш жараёни сифатида, субъект, фирма, институт, инновацион корхона сифатида, бўлинмаларнинг таркиби ва ўрнини белгилаб берувчи, ҳамда инновацион фаолиятда амалга ошириладиган шакллар, усуллар, жараёнлар тадбирларини тартибга солувчи ташкилий тузилмалар сифатида тушуниш керак.

Ташкилот фирма нуқтаи назаридан одамларнинг бирлашмаси ёки инновацияларни амалга ошириш бўйича ишларни бажариш ҳақидаги уларнинг келишуви сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Турли хилдаги элементли ва турли ўлчамлардаги фирмалар, компаниялар, ассоциациялар, ОЎЮ, илмий институтлар, технополислар, технопарклар ва ҳ.к. инновацион фаолиятининг субъектлари бўладилар. Бу барча ташкилотлар ишлаб чиқаришни ҳақиқий янгиланишини амалга оширувчи асосий манбалар ва хўжалик юритувчи субъектлар бўладилар. Яшаш даврасининг “ўзининг” босқичи билан яқиндан боғланган махсус инновацион бизнесни пайдо бўлиши вақтнинг тақозоси бўлади.

Масалан, инновацион корхоналар ва ташкилотлар фундаментал тадқиқотлар (академик ва ОЎЮ сектори ва ИТИ (амалий илмий тадқиқотлар ва ишламалар)га ихтисослашишлари мумкин, булар илмий инновацион корхоналар, Олий ўқув юртлари, кичик тадбиркорлик субъектлари, илмий-техник мажмуалар ва бирлашмалар бўлишлари мумкин. Тажрибавий намуналарни яратиш ва тадбиқ этиш босқичи билан ҳам тадбиркорлик тузилмалари ва ҳам ИТТКИ нинг ривожланган базасига эга фирмалар, институтлар ва корпорациялар боғланганлар. Амалий ИТТКИ ва ТКИ базасида инноватор-избосарлар базавий технологик, илмий-техник ва маҳсулотли янгиликларни яратадилар.

Илмий-техник ва маҳсулотли янгиликларни тадбиқ этиш ва ишлаб чиқариш билан, қоидаги кўра, яхши ресурс базаси, малакали ходимлар, бозордаги белгиланган ўринларга эга йирик фирмалар шуғулланадилар.

Тадқиқотчилар фирманинг ўлчамини кашфиётлар сони билан боғламасалар ҳам, Ғарбий Европада инновацион ривожланишнинг катта тажрибаси тўпланган. Аммо Франция ва Буюк Британияда шундай фикр тарқалганки, илмий ишлаб чиқишлар босқичида академик ва ОЎЮ сектори ва кичик фирмалар асосий ролни ўйнайдилар.

Тажрибали ишлаб чиқариш, маркетинг ва сотиш босқичида турли кўламли бизнес илгарига чиқади, шунинг билан бир вақтда янгиликларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш йирик ва ўрта корхоналар ва саноат компанияларида амалга оширилади.

Инновацион фаолиятда вужудга келган меҳнатни иқтисодий тақсимланишининг турига мувофиқ кичик ва ўрта кўламдаги корхоналарнинг кўпчилиги ярим фабрикатлар, бутловчиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган, ҳамда асосий бизнесни таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажарувчи йирик фирмаларнинг субпудратчилари бўладилар.

Янгиликларни яшаш даражасининг ўз босқичига бош фирмадан куртаклаб чиққан (“спин. офат”) деб аталувчи, илмий-техник янгиликларни мустақил равишда ишлаб чиқувчи бўлинмалар ҳам хизмат кўрсатадилар. Инновацион корхоналар яна улар фаолиятининг объекти бўлган инновацияларнинг устувор турига кўра ҳам фарқланадилар. Масалан, улар куйидаги синфларга бўлинадилар:

- янги илмий кашфиётлар, қўллашнинг янги усуллари ва пионерли (биринчи) кашфиётларни мўлжалловчи етакчи инноваторлар;
- олдин қилинган кашфиётлар асосидан тубдан янги жараёнлар ва маҳсулотларни яратувчи етакчи инноваторлар;
- эски усул асосида базавий инновацияларни яратувчи инноваторлар;
- янгиликни ишлаб чиқарувчи, модернизацияловчи ва рационаллаштирувчи инноваторлар;

- олдинги маҳсулотлар ва технологияларни ўринни босувчи янгиликни яратувчи инноваторлар;
- янгиликларни сотишлар ва маркетингга ихтисослашувчи инноваторлар;
- янги бозорлардаги талабни қаноатлантирувчи инновацияларни яратувчи инноваторлар;
- халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларида янгиликларнинг диффузияси, тарқатилиши ва кўпайтирилиши билан шуғулланувчи инноваторлар.

Инновацион корхоналар ҳам ишлаб чиқарилаётган инновацияларнинг янгилиги даражаси (тубдан янгилар, нисбатан, қисман, маҳаллий янгилик ёки имитацияга эгалар) мувофиқ ихтисослашадилар.

2.Илмий-техник ва инновацион соҳа ташкилотларнинг таснифи.

Илмий – техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифи 1-жадвалда берилган.

Аломатлар	Тамойилда асосланувчи ташкилотлар				
Ихтисослашишнинг тури					
	предметли			Адресли(истъемолчи учун)	
	маҳсулотли	технологик	ресурсли	Илмий натижалардан фойдаланиш	Соҳа, корхонага хизмат кўрсатиш
Илмий– техник маҳсулотнинг тури	Ихтисослашган ташкилотлар				
	ФТ	АТ (ИТИ)	ТКИ	Тажрибавий намуналарни яратиш	Тажриба партиялари, биринчи серияларни ишлаб чиқариш

Фаолиятнинг характери	Бажарувчи ташкилотлар		
	ИТТКИ	Фанга, шу жумладан турлари бўйича хизмат кўрсатиш вазифалари	
Билимлар соҳаларининг характери	Фанлар соҳасидаги ташкилот		
	табiiй	техник	Ижтимоий ва гуманитар
Комбинациялаштиришдан фойдаланиш	Ташкилот		
	Комбинациялаштиришдан фойдаланувчи	Комбинациялаштиришдан фойдаланмайдиган	
“Тадқиқот ўзлаштириш” давраси босқичларини камраб олиниш даражаси	Қамраб олувчи ташкилотлар		
	Катта босқични	Иккита ва кўпроқ босқични	
	ФТ, АТ, ТКИ, Ўз	ФТ, АТ, АТ, ТКИ, ФТ-АТ-ТКИ, ФТ-АТ-ТКИ-Ўз	
Яратиш тамойили	Ташкилотлар		
	Доимийлар	Вақтинчалар	

3.Инновацион ривожланишнинг ташкилий шакллари

Ташкилий шакллар марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тузилмаларнинг синерчизма (хамкорлиги) асосида хўжалик юретишнинг янги тамойиллари билан яқиндан боғланганлар. Инновацион ривожланишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у иккита қарама-қарши тенденцияларни ҳисобга олишнинг зарурлигича асосланади.

Бир томондан, инновацион жараён – бу ғояни вужудга келишидан то ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши, ривожланиш ва ёйилишигача бўлган ягона оқимдир. Инновацион тизимнинг фундаментал ғоядан то бозор муваффақиятигача бўлган барча босқичлари ўзаро яқиндан боғланганлар ва ўзаро асосланганлар. Шунинг учун инновацион ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш учун босқичларнинг ворислиги ва

жараёнларнинг вақтдаги узлуксизлигини таъминловчи тизимли таркибий ўзаро ҳамкорликлар биринчи даражали аҳамиятга эгалар. Бу хусусият ривожланмаган бозор инфратузилмаси ва бозор механизмларини такомиллашмаганида яққол намоён бўлади.

Бошқа томондан, илмий билим, кашфиёт, саноат ихтироси ўзининг моҳияти бўйича дискретли (алоҳида қисмлардан ташкил топувчи ва стохастик (эҳтимолли, тасодифий)дир. Илмий билимни вужудга келиши, уни материаллаштириш ва тижоратлашиши ўртасида коррелляция (ўзаро алоқа) йўқлиги кўп сонли тадқиқотлар билан белгиланган. Шунинг учун бундан нуқтаи назардан корхона инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ИТТКИ босқичидан то маркетинг ва сотишларгача бўлган тўлиқ мажмуасини амалга ошириши шарт эмас.

Бозор механизмларини такомиллашуви шароитида, иккинчи тенденцияга мувофиқ фирмалараро кооперациялар алоҳида роль ўйнай бошлайдилар. Инновацион фаолликни ошиши қуйидаги иккита муҳим тенденциялар: ўзини ўзи ривожлантиришга қодир инновацион ташкилотларни вужудга келиши ва инновацион тузилмаларни ҳар хил институтларнинг тизим ва фирмалараро ўзаро ҳамкорликларга киритила олиниши билан яқиндан боғланган.

Замонавий инновацион фирма ҳам инновацион жараёнларнинг кўп вариантлилиги ва кичикроқ детерминацияланганлиги (яъни асосланганлиги) оқибатида вужудга келувчи ташкилий тузилмаларнинг турли туманлиги билан таърифланади. Инновацион фирмани ташкилий лойиҳалаштириш ташкилий – бошқарув тузилмалари ва ишлаб чиқариш аппаратининг янгиликларни тадбиқ қилиш, ўзлаштириш ва диффузияси ўртасидаги ўзаро алоқага боғлиқ. Замонавий бошқарув назариясида амалда мувофиқ ташкилий тузилмалар ва инновацион бизнеснинг шакллари танлашда қатъий афзалликлар йўқ. Тўғри инновацион кичик ва ўрта бизнеснинг кўрина

бошланган тор ихтисослашиши оддийгина икки ва уч даражали ташкилий тузилмалар билан боғланган.⁹

Хориждаги кичик бизнесда тадқиқот фирмалари жами 5-10% ни ташкил қиладилар, шунинг билан бир вақтда йирик корхоналар орасидаги 70% гача компаниялар илмий бўлинмалар, инновацион йўналтириш ва бошқаларга эгалар. Кичик инновацион бизнес кўпроқ даражада амалий тадқиқотлар, конструкторлик ишламалари, ҳар хил янгиликларни ўзлаштириш, эксперт, реклама, консалтинг ва воситачилик хизматларини тақдим этишга қаратилган. Кичик ва ўрта корхоналар бозор тоқчаларини тор ихтисослашган маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилган ҳолда, янгиликларнинг кичик серияларини ишлаб чиқаришни мўлжаллайдилар. Бундан ташқари, масалан, машинасозлик ва асбобсозликда ноёб ва кичик серияли ускуналар асбоблар, қуролларни ишлаб чиқариш, қоидага кўра, кичик ва ўрта корхоналар улушига тушади.

Йирик бизнес ва айниқса жуда йирик фирмалар, етарлича молиявий, моддий ва одам ресурсларига эга бўлган ҳолда, ишлаб чиқариш аппаратининг пастроқ мойиллиги ва янгиликларни қийинчилик билан қабул қилувчи иерархик алоқаларнинг шавқатсизлигидан қийналадилар. Ташкил қилиш механизмларини такомиллаштириш мантиқига кўра инновациялар мувофиқлаштириш ва фирмалараро кооперациянинг муаммоси бўлиб қоладилар.

1990 йилларнинг охирига келиб Ғарбда инновацион ва ижодий фаолликни ташкил қилишнинг янги шакли-ташкилий лойиҳалаштириш ва “модулли ихтисослашиш” тамойилларига асосланган ақлий ўзини ўзи бошқарувчи ассоциацияни яратиш бўйича катта ҳаракатлар қилинмоқда. У

⁹ Акофф Р, Магидсон Д., Эддисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации», 2007.

мустақил бўлинмаларнинг ассоциацияланган фаолият доирасидаги юқори инновацион фаоллигига эришишга имкон беради.

XXI аср инновацион ташкилотлардаги инқилобий ўзгаришлар линияли, вазифавий, маркетингли ва бошқа тузилмаларни қамраб олишлари керак, улар ягона ахборот ва молия тизимлари томонидан хизмат кўрсатилган товарлар ва хизматларни мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил ички корхоналар бўлишлари керак. “Ақлий ўзини ўзи бошқарувчи ассоциациялар” доирасида бу ички корхоналар ёки ассоциация ичидаги ташкилий бозорлар деб аталувчиларнинг иштирокчилари бўладилар.

Олдин қатъий иерархик қурилмадан иборат бўлган ташкилот мустақил жамоалар, очиқ социал тизимларнинг мажмуаси бўлади. Ташкилот ичидаги табақалаш иш гомогенизациялашиш (яъни бир турлича айланиш) билан алмашади, унда ижодий характер, ўзгаришларга юқори мослашувчанлик, ташқи муҳитга эгилувчан инновацион жавоб қайтариш ва кучсиз сигналлар бўйича самарали бошқариш асосий афзалликлардан бўлади.

1980 йиллардаги ташкилотларнинг муҳим вазифаларни ўзаро – алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар тизимини ташкил қилиш жараёни билан боғланган “интерташкилийлар” сифатида таърифлаб туриб, менежментнинг ҳозирги замон назариячилари XXI асрнинг бошидаги компанияларга нисбатан “интерташкилий ўзини ўзи ташкил қилувчи тизим” атамасини қўллайдилар. Бунда инновацион ривожланиш содир бўлаётган ўзгаришларнинг марказий оқими сифатида кўриб чиқилади.

4.Келажак инновацион ташкилотларининг хусусиятлари

Ташкилий лойиҳалаштириш, янги моделлар ва тузилмалардан фойдаланиш менежментининг муҳим йўналишларидан бўлади. Келажак инновацион ташкилотларининг хусусиятлари 1- расмда кўрсатилганлар. Улар тизимчалар ва элементларнинг сифатини ва уларнинг очик тизим сифатидаги ташкилот ичидаги алоқаларини намоиш қиладилар.

Янги турдаги ташкилот мўлжаллашнинг икки ўқиға эға:

биринчиси – ички тузилмалар, элементлар, омиллар ва тизимчаларнинг ички ўзаро ҳамкорлигига. Бу мўлжал марказлаштиришни тугатилиши ва бўлинмаларнинг мустақиллигига асосланган, бу уларнинг юқори манёрвчанлиги, оперативлиги, ташкилий шаклларининг кўплиги, янги усулларининг ихчамлигини таъминлайди.

Иккинчи ўқи ташқи муҳитга қаратилган, у узок муддатли тенденциялар, барқарорликни амалга ошириш билан боғлиқ. Тизимни ташқи муҳитда фаолият юритиши. Ташкилотни ривожланишининг бу иккинчи тенденцияси синергик (ҳамкорлик) самарасини яратувчи механизмни жипслашиши ва интерграциялашишга асосланган, у ҳаракатларнинг битта



мақсадига қаратилган бирлашишлардан ташкил топувчи самараларни кўпайишидан иборатдир. Бу шуни билдирадики, у элементларнинг оддий суммасидан самарадан кўпроқдир, яъни ўзини ўзи ривожлантириши ва такомиллашишга асосланган мураккаб тизимларда, инновацион ташкилот ҳам уларга киради, катта синергик (ҳамкорлик) самараси кузатилади.

Ривожланишнинг иккита тенденцияларни умумлаштириш асосида аломатларнинг тўртта асосий вазифавий категориялари вужудга келади, яъни тизимни мослашуви, унинг ташқи муҳитга жавоб қайтариши нуқтаи назаридан мақсадга эришиши, элементларнинг интеграциялашиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамда ўзини ўзи ташкил қилишнинг ички тамойили тизимнинг гомеостазини қўллаб қувватлаш.

Инновацион тизимнинг хусусиятлари иккита қарама қарши тенденциялар: бир томондан марказлаштиришни тугатиш ва табақалаштириш ва бошқа томондан марказлаштириш ва интеграцияланган жараёнларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга асосланган.

Тизим умуман мувофиқ фаолият юрита олиши учун, унда ташкилотни мавжуд бўлишининг ҳар хил масофавий ва вақтли давраларида воситачилар, инновациялар манбалари, муқобил элементлар (етказиб берувчилар, шериклар, пудратчилар ва бошқалар) ролини ўйнашга қодир турли туман вазифавий тизимчалар ва элементларни жамланиши содир бўлади.

Ташкилотнинг кўпгина шакллари тизимнинг масофавий доирасини ташкил қилади, ўзининг фаолиятида турли туман янги усуллар, маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланувчи иштирокчилар, тизимчалар ва муқобил элементларни кўплиги эса алоқаларнинг кўплиги билан ўзаро боғланган ва чатишиб кетган, бу ташкилотнинг умумий яшаш қобиляти ва барқарорлигини ошишини таъминлайди.

Масалан, хўжалик бўлинмалари ва ташкилий тузилмаларнинг ўзаро алоқаси инновацион ривожланиш талаблари бурчаги остида кўриб чиқилади. Бозор иқтисодиётида ҳар бир фирма ўзининг ташкилик тузилмасини

мустақил равишда белгилайди. Аммо умумий яшаш қобилиятини ошиши фирманинг учта асосий вазифавий тизимчалари (ИТТКИ ва маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш технологияси ва маркетинг)ни мувофиқ фаолият юритиши билан яқиндан боғланган.

Ташкилотнинг вазифавий тизимчалари тури технологик операциялар алоқаларининг характериға мос келиши ва янгиликларни ишлаб чиқиш босқичларини шартнома асосида ёки соф бозор алоқалари ишлаб чиқариш ва сотиш билан параллел ташкил қилишга қаратилиши керак.

Маҳсулотни бўлинмалар орасидаги ўзаро ҳамкорликларни ташкил қилишнинг бундай тамойили молия, моддий ва ахборот оқимларини, ходимнинг тажрибаси ва билимларини, тайёр маҳсулот ва хизматларни эпчил тақсамиланишиға асосланган.

Калитли сўзлар: Инновацияларни ташкил қилиш, инновацияларни ташкил қилишнинг жиҳатлари, инновацион фаолият субъектлари, инновацион корхоналар илмий – техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифи, инновацион ривожланиш, инновацион ривожланиш, инновацион жараён, келажакнинг инновацион ташкилотлари.

Қисқача хулосалар:

Инновацион ташкилот ўз ичига асосий жиҳатни олади:

- инновацион фаолиятнинг янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда амалға оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъект;
- ташкилотнинг инновацион фаолиятдаги керакли вазифаларни бажаришға қаратилган жараёнлари ва ҳаракатлари мажмуаси;
- тизимни ички тартибға солиниши ва унинг элементлари ва тизимчалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашишини таъминловчи тузилмадир.

Ташкилий шакллар марказлашган ва марказлашмаган тузилмаларнинг ҳамкорлиги асосида хўжалик юритишнинг янги тамойиллари билан яқиндан боғланган. Инновацион ривожланишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у иккита қарама қарши тенденцияларни ҳисобга олиш зарурлигига асосланади.

Ташкилий лойиҳалаштириш, янги моделлар ва тузилмалардан фойдаланиш менежментнинг муҳим йўналиши бўлади.

Инновацион тизимнинг хусусиятлари иккита қарама қарши тенденциялар: бир томондан марказлашганликни тугатиш ва табақалашув, бошқа томондан марказлашиш ва интеграциялаш жараёнларининг ўзаро ҳамкорликларини такомиллаштиришга асосланганлар.

Назорат саволлари:

1. Инновацияларни ташкил қилиш тушунчасига нималар киради?
2. Ташкилотни субъект сифатида ва инновацион фаолиятнинг жараёни сифатида таърифлаб беринг.
3. Инновацион корхона фаолиятининг соҳаси нимадан иборат?
4. “Ташкилот тури”нинг инновациялар яшаш давраси босқичлари билан алоқасини баён қилинг.
5. Илмий – техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифини беринг.
6. Замонавий инновацион фирма қандай хусусиятлар билан таърифланади?
7. Инновацион фаолият турининг корхона ўлчамига боғлиқлигини баён қилинг. Кичик бизнеснинг ролини ёритинг.
8. “Ақлий ўзини ўзи бошқарувчи ассоциация” нима?
9. Инновацион ташкилотларнинг хусусиятларини баён қилинг.
10. Инновациялардан синергик самара нима?
11. Ташкилотдаги хусусиятларнинг уни мувофиқ фаолият юритиши учун аҳамиятига мисоллар келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январдаги мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. “Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.” Под редакцией Б.З. Мильнера, ИНФРА – М, 2010.
4. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. “Инновационный менеджмент” Учебное пособие для вузов. – М.: “Феникс”, 2009.
5. Каплан С., Фостер Р. “Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия.” Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.
6. Управление в условиях кризиса. / Пер. с англ. 2 – е изд. – М.: Изд. “Альпина-Бизнес-Букс”, 2009.

6 – Мавзу. Корхонадаги инновацион стратегияни танлаш.

Режа:

1. Корхоналардаги инновацион фаолиятнинг зарурлиги.
2. Инновацион стратегиянинг моҳияти, унинг корхонанинг умумий стратегияси билан алоқаси.
3. Корхонанинг инновацион стратегиясини шакллантириш.
4. Инновацион стратегияларнинг турлари ва кўринишлари.

1. Корхоналардаги инновацион фаолиятнинг зарурлиги

Мамлакатимиз корхоналаридаги кўп йиллар давомида мавжуд бўлган режалаштириш амалиётининг таҳлили уни корхона режасини ишлаб чиқишга эмас, балки шакллантириб бўлинган режавий вазифани бажаришга қаратилганлигини кўрсатади. Бу авваллари саноат корхоналари фаолият юритган объектив сабаблар, ҳамда иқтисодиётни ривожланишининг олдинги босқичида корхоналар олдида турган вазифалар билан изоҳланади. Чамаси бундай амалиёт хўжалик юриштишнинг ҳозирги шароитларига мос келмаса керак.¹⁰

Ҳозирги пайтдаги корхона иқтисодиёти учун хос бўлган мураккаб ҳолат аввал амалда бўлган бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизими билан боғлиқдир. У ресурсларни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш, давлат бюджети ҳисобидан ишлаб чиқариш инвестицияларини текинга молиялаштириш, ишлаб чиқарувчиларнинг якка ҳокимлиги, мулкчиликнинг давлат шаклидан фарқланувчисининг йўқлиги ва хўжалик юриштишнинг бир турдаги шакларини кўзда тутди. Яна қуйидагилар мавжуд бўлган:

¹⁰ “Теп 3: Управление инновациями: Стратегический подход: Гибкая корпоративные стратегии выживания и лидерства в новой экономике (на спирали)”. Котельников В.Ю. М.: Эксмо, 2007.

бошқарувнинг кўп босқичи тузилмаси ва фаолиятнинг якуний натижаларидан олинган даромадлар ва инвестициялар боғлиқлигини йўқлигидан келиб чиққан муассасавий узилиш ва ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг ажралиб қолиши.

Юқорида санаб ўтилган сабаблар, ҳамда хўжалик алоқаларининг уйғунлигини бузилиши билан боғлиқ бир қатор бошқалар қайта ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари ва хўжалик соҳаларида мутаносибсизликни келтириб чиқарган, дефицитни чуқурлашуви ва ишлаб чиқариш интизомини пасайиши мамлакатдаги иқтисодий таназзул ва истеъмол бозори ва пул муомаласидаги ҳолатни кескинлашувига сабаб бўлган инновацион соҳада таназзул пайдо бўлишига кўмаклашганлар.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар ва мураккабликлар вужудга келган шароитларга адекват стратегияни, корхонани ривожланишини шакллантиришга имкон берувчи ҳақиқий режалаштиришга эҳтиёжни кучайтиради.

Стратегик инновацион режалаштириш бозор туридаги иқтисодиёт шароитида корхонадаги режалаштиришнинг умумий тизимидаги тизимга бўлади. Корхонадаги стратегик инновацион режалаштиришнинг объекти инновацион фаолиятдан иборат бўлади, уни кўриб чиқа туриб, куйидагиларни айтиш мумкин:

- Ҳозирги шароитларда корхонадаги инновацион фаолият стратегияси инновацион стратегияларни корхонани ривожланишининг асосий мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Ресурсли таъминлаш ва хатар омилини ҳисобга олиш, Ташқи муҳитнинг ҳолати ва шахсий инновацион имкониятларни олдиндан башоратлаш ва мустақил ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти пишиб етилган;
- эҳтимол бўлган катта фойдани олиш мақсадларида янги рақобатбардош маҳсулотни яратиш ва уни техника ва технологияларнинг замонавий даражасида ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий – техник сиёсатни

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш инновацион фаолиятнинг асосий мазмуни бўлиб қолган;

- инновацион стратегияни амалга оширишда ИТТКИ нинг стратегик аҳамияти ўсади, ва шунинг билан бир вақтда уларни амалга оширишдаги хатар даражаси ошади;
- инновацион фаолият корхонадаги фаолиятнинг қолган барча турлари ва ҳаммадан аввал, ишлаб чиқариш ва маркетинг билан биргаликда амалга оширилади.

2. Инновацион стратегиянинг моҳияти, унинг корхона умумий стратегияси билан алоқаси

Бозор муносабатлари қанчалик кенг тарқалган бўлсалар, шунчалик равшанки, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат афзалликлари улар томонидан танланган стратегия ва уни амалга оширишнинг муваффақиятига яқинроқ боғлиқликда бўлади. Шунинг учун корхона стратегиясига борган сари каттароқ эътибор қаратилади. Унинг умумий яхлитлигида у бир неча элементларнинг суммаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Улар орасида – тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник, маркетингли ва инновацион бор. Охиргисининг моҳияти шундан иборатки, у стратегиянинг қолган барча элементларини белгиланган маънода “ютиб юборади”: улардан ҳар бири сапчиш билан “маъқулланган” янгиликлар, яъни инновациялардан фойдаланиш имкониятига эгалар. Ушбу нуқтаи назардан инновацион стратегияни товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳал қилинадиган муаммоларнинг бутун доираси учун таянч сифатида кўриб чиқиш тўғри бўлади.

Корхона стратегияси илмий – техник тараққиётни бошқариш стратегиясини шакллантиради ва йўлга солади, яъни инновацион фаолиятнинг роли, ўрни, базаси ва маъносини белгилаб беради. Ўз навбатида инновацион стратегия корхона стратегиясини чуқурлаштиради, аниқлаб

беради ва амалга ошишига кўмаклашади. У яна мақсадларга эришиш ва миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан корхона ташқарисидаги устуворликларни қўйишга ёрдам беради, масалан:

- ресурслардан рационал фойдаланишга;
- юқори самарали ва қулай социал – иқтисодий натижаларга эришишга;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотларининг барча тармоқларида ва бутун “Фан. Тадқиқот. Конструкторлик ишлари – тажрибавий ишлаб чиқариш фойдаланишга киритиш” давраси бўйича вақт ва ҳам ишларни амалга оширишнинг рационаллиги ва сифати нуқтаи назаридан янгилик киритишларнинг тежамкорлигига ва амалга оширилишига эришиш.

Корхонанинг умумий стратегияси ва илмий – техник тараққиёт соҳасидаги стратегия ўртасидаги алоқа, ҳаммадан аввало, янги маҳсулотни тадбиқ этилиши ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларда амалга оширилади. Илмий – техник янгиликлар соҳасидаги стратегия корхонада унинг фаолияти муаммоларининг бутун мажмуаси билан узлуксиз боғлиқ қайта ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланиши стратегияси доирасида амалга оширилади. Янги маҳсулотни тадбиқ этиш стратегияси корхона нимани, қачон ва қандай, қандай техник – иқтисодий даражада, ҳамда қандай шароитларда ишлаб чиқаришини белгилаб беради. У резервлардан талаблар даражасини ошириб, уларни бажаришнинг асосий йўллари раціоналлаштирган ҳолда, қачон ва қандай фойдаланишни кўрсатади. Янгилик киритишлар стратегиясини умумий стратегия контексти билан қандай муносабатларда бўлиши, бу янгиликлар ажратилган ҳолда вужудга келадиларми, булар жуда муҳимдир. Бу ҳолда уларни ҳаётга иқтисодий тадбиқ этилиши уларни пайдо бўлиши босқичидаёқ бузилиш хавфи остида бўлади.

Инновацион стратегия корхонадаги қайта ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишининг, унинг сифатий таърифлари нуқта назаридан самарали динамикасини таъминлайди. У умумий стратегияда двигатель ролини ўйнагандек бўлади. Бир қатор саноати ривожланган мамлакатларда худди инновацион стратегия корхонанинг рақиблар, истеъмолчилар, етказиб берувчилар билан муносабатларини таърифлайди. Корхона умумий стратегиясининг тури унча боғлиқдир.

Демак, инновацион стратегия йўналишларини белгилаш, истиқболли ривожланишнинг устуворликларини танлаш, корхонани ривожланиши ва санаб ўтилган, мақсадларга эришиш учун тадбирлар мажмуасига талабларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадга қаратилган фаолиятдан иборат бўлади.

3. Корхонанинг инновацион стратегиясини шакллантириш

Инновацион стратегия, корхонанинг стратегияси, иқтисодий ҳолати, илмий – техник салоҳияти, илмий – техник вазифалар портфели ва бу вазифаларнинг ўзларининг бир бирлари билан боғловчи ҳар хил боғлиқликларни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз жараёни натижасидан иборат бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарга яхши маҳсулотга эга бўлиш етарли эмас, у рақиблардан орқада қолмаслик учун янги технологияларни пайдо бўлиши орқасидан эътибор билан кузатиши ва уларни ўз фирмасига тадбиқ этишни режалаштириш керак. Қўйилган мақсадларга эришиш учун бир қатор стратегик воситалар мавжуд.

Стратегияни қарорлар қабул қилиш жараёни сифатида белгилаш мумкин. Уни танлаш режаларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари ўтказишни белгилаб беради.

Стратегик режалаштириш қуйидаги иккита асосий мақсадни кўзлайди:

1. Ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланиш. Бу ички стратегия деб аталувчидир. Сармоялар, технологиялар, одамлар каби чекланган ресурслардан фойдаланиш режалаштирилади. Бундан ташқари янги

соҳалардаги корхоналарни харид қилиш, истиқболсиз соҳалардан чиқиш, корхоналарнинг самарали “портфели” инвестицион таклифлар мажмуасини шакллантириш амалга оширилади.

2. Ташқи муҳитга мослашиш. Қуйидаги вазифа қўйилади: ташқи омиллар (иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий омиллар, демографик вазиятлар ва бошқалар) ни ўзгаришига самарали мослашишни таъминлаш.

Стратегияни ишлаб чиқиш ташкилотнинг умумий мақсадини шакллантиришдан бошланади. Мақсадни қўйилиши фирманинг ташқи муҳит, бозор, истеъмолчи билан алоқаларида муҳим роль ўйнайди.

Умумий мақсад қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- фирма фаолиятининг асосий йўналиши;
- ташқи муҳитдаги ишчи тамойиллар (савдо истеъмолчига муносабат, ишга доир алоқаларни олиб бориш тамойиллари);
- ташкилотнинг маданияти, унинг анъаналари, ишчи муҳит;
- “сифатни умумий бошқарилиши” ни қамраб олиш.

Кейингиси бозор муносабатларини ривожланишида ғоятда долзарб бўлади.

Ташқи муҳитдаги жараёнлар ва ўзгаришлар фирмага ҳаётий муҳим таъсир кўрсатади. Ташқи муҳит билан боғлиқ асосий омиллар – бу иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, рақобатдир. Шунинг учун асосий рақибларни белгилаш ва уларнинг бозордаги ўринлари (бозордаги улуши, сотишлар ҳажмлари мақсадлари ва ҳ.к)ни аниқлаш зарур, рақибларнинг кучли ва кучсиз томонларини синчиклаб ўрганиш ва уларнинг натижаларини шахсий кўрсаткичлар билан солиштириш рақобат кураши стратегиясини яхшироқ ўйлаб кўришга имкон беради.

Ички муҳитнинг таҳлили фирма фаолиятидаги кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Стратегия назарий ва эмпирик (тажрибага асосланган) тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси бўлади. Ташкилотлар, уларнинг асосий қарорларни қабул

қилувчи раҳбарлари ўзларини янгиликлардан фойдаланиш стратегияси билан қанчалик боғланганлари билан фарқланишлари мумкин. Агар юқори раҳбарият янгилик киритишни амалга оширишга ҳаракатларни қўллаб қувватласа, унда уни ташкилотларда тадбиқ этишга қабул қилиниши эҳтимоли ошади. Корхонанинг мақсадига мувофиқ стратегия шакллантирилади.

4. Инновацион стратегиянинг турлари ва танланиши

Фирманинг бозордаги янгилик киритишлар стратегияси ҳужумкор ва химоявий характерга эга. Компания одатда мувофиқлаштирилган бозор томонида таърифланувчи инновацион стратегияларнинг ўзининг мажмуасига эга. Бундай мажмуа ўз ичига ҳам хатарли (ҳужумкор) ва ҳам хавфсиз (химоявий) стратегияларни олади.

Ҳужумлар стратегия бозорнинг белгиланган сегменти ва сотиш соҳасидаги инновациялар нуктаи назаридан етакчи корхона бўлишга ҳаракат қилиш ва бўлишни билдиради.

Компания томонидан янгилик киритишларни фаол қидириб топиш ва ишлаб чиқишга қаратилган ҳужумкор стратегияни хўжалик фаолиятининг ҳам ўзлаштирилган ва ҳам унинг учун янги соҳалар сифатида қабул қилиш ташкилий тузилмадаги катта ўзгаришларни тақазо қилади.

Инновацияларнинг ташаббускорлари оширилган хатар шароитида ишлашдилар, аммо таъсис этувчи характерга эса янгилик киритишларни муваффақиятли амалга оширилишида ишлаб чиқаришнинг ўртагача нисбатан пастроқ салмоқли ҳаражатларига эга янги рақобатбардош маҳсулот портфелини мавжудлигида акс эттирилувчи “иқтисодий мустаҳкамлик” захираси мавжуд.

Аммо саноати ривожланган мамлакатлар фирмаларининг амалиёти дарак беришига, одатда ҳатто йирик ва кудратли корхоналар ҳам товарлар турларининг кенг доирасида тажовузкор стратегиядан фойдалана олмайдилар ва таваккалчилик қилмайдилар. Қоидага кўра, фақат у товарларнинг бир ёки

бир неча алоҳида олинган турларига нисбатан, уни ўтказиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлган ҳолдагина қўлланилади.

Ҳужумкор стратегия мавқеини эгаллаш ва сақлаб қолиш маъносида жудаям мураккабдир. У ўзини ишлаб чиқаришнинг корхона ресурсларини жамлаган муносиб истиқболли соҳасини танлашда оқлайди. Фаолият соҳаси (сегмент) ни тўғри танлаш янги маҳсулот билан ёриб ўтиш, тор соҳада инновацияларни амалга оширишга юқори харажатлари тўсиғини енчиб чиқишни стратегик режалаштириш имкониятини беради. Нисбатан қисқа давр (икки – уч йил) давомида бу соҳада корхона устуворлик қилиши, илғор ўринларни ушлаб туради. Кейинчалик, рақиблик қилувчи корхона ушбу товарлар истеъмолчиларининг кенг даражасини эгаллашга ҳаракат қилган вақтда унга ё бошқа самарали инновацияларни қайта мўлжаллаш, ёки қатъий рақобат шароитларида сотиш бозорлари учун курашга киришга тўғри келади.

Фирма фаолиятининг танлаб олинган умумий стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, бозорда маҳсулотга нисбатан стратегия танланади. Унинг моҳияти фирма имкониятларини бозордаги вазиятга мувофиқлаштиришдан иборат, яъни ички муҳит ташқи муҳитга ўхшаш бўлиши керак. Стратегиялар ҳар хил бўлишлари мумкин, асосийси – ҳар бир аниқ бозор ва товар учун муносибини танлашдир.

Ҳужумкор – тажаббускор ёндашишнинг қуйидаги базавий стратегияларини ажратиш мумкин.

1.Харажатлар бўйича афзалликларга эришиш. Бу ҳолда компаниянинг сиёсати арзонроқ ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш ҳисобига рақобат афзаллигига эришишдан иборатдир. Масалан, қиммат турувчи бирга бўлувчи хизматлардан воз кечиш, ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг арзонроқ моделларини яратиш, арзонроқ технологиялардан фойдаланиш ҳисобига. Бундай стратегияда фирма кенг бозор ва товарларнинг катта миқдорини ишлаб чиқаришга қаратилади. Оммавий ишлаб чиқариш солиштирма харажатларни лимитлаштириш ва паст нархларни ўрнатишга имкон беради.

Бу пировардида рақибларга нисбатан фойданинг юқори улушига эга бўлиш, таннархни ўсишига тезкор жавоб қайтариш нархлар даражасини мўлжалловчи истеъмолчиларни жалб қилиш имкониятини беради. Шунинг билан бирга, бундай стратегия етарлича молиявий ресурсларга эга бўлмаган фирма учун ғоятда хавфли бўлиши мумкин, чунки у маҳсулот истеъмолчилари сонини вақтинча камайиши ва рақиблар билан нархли курашга олиб келиши мумкин.

2. Бозорнинг аниқ сегментига мўлжалланган стратегия. Ушбу ҳолда фирма бозорнинг ўзига хос сегментини ажратади ва паст нархлар ва ноёб таклифлар йўли билан ўзига хос истеъмолчиларга мўлжалланган бир неча асосий товарларга ҳаракатни жамлаб ва рақиблар қаноатлантира олмаган бозорга хизмат кўрсатишда алоҳида обрўни яратиш билан, харажатларни назорат қилади. Маҳсулотга ноёбликни бериш, ҳаммадан аввал, рақиб маҳсулотларига нисбатан унинг сифати ва ўзига хос истеъмол хусусиятларини ошириш ҳисобига амалга оширилади – масалан, компаниянинг етакчилик ҳолатига маҳсулотларни, рақиблик қилувчи фирмалар тўлиқ даражада тақдим эта олмайдиган бирга бўлувчи хизматларга эга мажмуаларни сотиш ҳисобига эришилади. Муҳим жиҳати ўз маҳсулотини “уни бозорда таниб олинишни таъминлаш билан ҳақиқий ажратилиши” бўйича ҳаракатларни бирлаштиришдир. Бунда ушбу маҳсулотнинг сифат ё компаниянинг ўзининг номи билан ёки ушбу маҳсулот учун махсус ишлаб чиқилган савдо маркаси билан ўзао боғланади.

3. Янги бозорларни мўлжаллаш. Бир вақтда янги товарларни ишлаб чиқиш ва янги минтақаларни ўзлаштиришни кўзда тутати. Бу энг хатарли ва қиммат стратегия, аммо худди у корхонанинг беқарор ташқи муҳитдаги барқарорлигини таъминлайди. Фирма ўзининг рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиши мумкин бўлган фаолият соҳасини аниқлашга ҳаракат қилади.

Ушбу стратегия доирасида бир қатор вариантлар кўздан кечирилади:

- Хатарнинг кичик улушига эга фирма фундаментал ишловчи, аниқ бир ерга жамланган стратегияга суянган ҳолда, муваффақиятга эришиш имкониятига эга;
- Бозорнинг катта улушини назорат қилувчи фирма умумий харажатлар бўйича афзалликлар натижасида рақиблардан ўзиб кетиши мумкин.
- Жиддий илмий – техник салоҳият ва молиявий имкониятларга эга фирма ҳар томонлама ривожланиш стратегиясини қўллаб, ўз товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаши мумкин.

Инновацион фаолиятда ўз рақибларидан ўзиб кетиши ва бу ўзиб кетишни ўстиришни мўлжалли замонавий бозорда катта афзалликка эришувчи фирмалар тажовузлар бозор харакатлари стратегиясининг асоси бўлади.

Ўртача хужумлар стратегия “иккинчи энг яхши ишлаб чиқарувчи”, баъзи бир ҳолларда бевосита етакчи фирмдан келувчининг мавқени таъминлайди. Одатда уни, яна фаолиятнинг баъзи бир турларида, қудратли ва йирик фирмалар қўллайдилар.

Бу стратегия бошқарув нуқтаи назаридан мураккабдир, чунки доимий равишда муваффақиятга даъвогарлар гуруҳида иккинчи ўринни сақлаб қолиш, самарали инновацион сиёсатни ўтказиш зарур.

Ўртача хужумкор стратегия кенг истеъмолчига мўлжалланган (оммавий сотиш, натижада катта даромад), шунинг билан бир вақтда фаол хужумкор стратегия мураккаб инновацияларга ҳақ тўлай оладиган илғоррок истеъмолчилар бозорларида юқори рентабелликни таъминлашга қаратилган.

Мудофаа стратегияси ўртача корхонанинг, баъзи бир ҳолларда рақобат йўқлиги сабаби (масалан, баъзи бир соҳалардаги рақобат учун имконият бўлмаган яқка ҳокимлик ҳолати) бўйича сотиш қийинчиликларини еча олмайдиган корхонанинг мавқеини сақлаб қолишга қаратилган.

Ушбу стратегиядан фойдаланувчи корхоналар одатда тадқиқотлар ва ишламаларда баъзи бир ҳолларда инновацион фаолиятдаги илғор ўринларни эгаллаш ва сақлаб қолиш билан боғлиқ бошқа харажатларда катта даражада тежамкорлик қиладилар. Улар ушбу соҳадаги илғор корхоналарнинг тажрибаси ва ютуқларини қабул қилишнинг ҳар қандай имкониятларидан фойдаланадилар, бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ўз харажатларини мақсадга қаратилган ҳолда пасайтирадилар.

Мудофаа стратегиясини қўллаш одатда ишлаб чиқарувчига бозорда мустаҳкамланиб қолишга камроқ имконият беради, унда ҳужумкор стратегияга эга ишлаб чиқарувчилар тўсиқлар ва камситишларсиз ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин. Агар ҳатто “ҳимояланувчи” ишлаб чиқарувчи бундай бозорга киришга ҳаракат қилса ҳам, у сотишнинг белгиланган соҳаси (фараз қиламиз ривожланаётган мамлакатлар бозори) томонидан тақдим этилаётган бошқа имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Баъзи бир корхоналар ички бозордаги яқка ҳукмронлик шароитларида бу стратегиядан муваффақиятли фойдаланадилар.

Қолдиқли стратегиянинг моҳияти эгаллаб бўлинган бозорда инновацион жиҳатдан ўртача ёки ҳатто қоқоқ маҳсулотлар билан мустаҳкамланиб қолишга интилишдан иборатдир. Одатда у ушбу босқичда инновацион фаолиятнинг ушбу участкасидаги етакчи ишлаб чиқарувчи рақобат курашидан чиққан вақтда ҳаракат қилади. Баъзида, асосан кичик корхоналар учун энди йирик ишлаб чиқарувчиларни жалб қилмайдиган қолдиқли талабдан фойдаланиш бўлади. Бунинг учун тадқиқотларга ва ўзлаштириб бўлинган ютуқларни тадбиқ этиш учун кичик харажатлар зарурдир.

Қолдиқли стратегиядан фойдаланиш (масалан, мамлакат маҳсулотларини хорижий бозор томон ҳаракатлантириш) кўпгина ҳолларда осон иш эмас. Рақобатни етарлича баҳолай олмаслик ёки вақтни нотўғри белгилаш (олдинга чопиб кетиш ёки жудаям узоқ орқада қолиш) сотишда

йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ҳар хил ҳолда қолдиқли стратегиядан фойдаланиш вақтли доиралар билан чегараланган ва сотиш соҳасидаги юқори эҳтиёжни кўзда тутуди (масалан, бошқа фирма маҳсулотларининг ўзлаштириб бўлинган навларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда тез қайта мўлжалланиш ёки консерватив истеъмолчилар билан ишлаш).

Табиийки, хўжалик амалиётида баён қилинган стратегияларнинг ҳар хил модификациялари мавжуд. Аммо шубҳа йўқки, ҳар бир алоҳида корхона ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳалари ва турлар ва маҳсулотларнинг навли гуруҳлари учун ҳар хил инновацион стратегияларни параллел равишда қабул қилишлари мумкин.

Корхона ривожланишининг самарали инновацион стратегиясини танлаш жараёни инновацион фаолиятнинг ҳар хил турдаги янгилик киритишларида намоён бўлувчи ҳар хил шакллари баҳолашни кўзда тутуди. Аммо амалда бу ҳолатни амалга ошириш катта қийинчиликларга дуч келади. Улардан асосийси – менежментнинг объекти сифатида кўриб чиқиладиган инновацион жараён хўжалик фаолиятининг ҳар томонини қамраб олиши ва вазифавий ёки ишлаб чиқариш тизимчасининг таркибий қисми бўлишидир. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- берилган турдаги ва белгиланган муддатларда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- илмий – техник салоҳиятдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш;
- фаол ташқи иқтисодий операцияларни олиб бориш;
- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва хўжалик фаолиятининг жамият учун салбий бўлган оқибатларни бартараф этиш ва ҳ.к.

Тушунарлики, буларнинг барчаси инновацион стратегияга киритилиши керак. Бунда айтиб ўтилган мақсадлардан биринчиси маҳсулотлар ва ишлаб

чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва янги маҳсулотлар ва жараёнларни ўзлаштиришни кўзда тутди. Бу, камида, асосий фаолиятнинг молиявий натижаларини пасайтирмаслик ва бунинг учун бизнеснинг ташқи муҳити ўзгарган ҳолда корхонанинг бозордаги ўрнини сақлаб қолишга имкон беради. Кўрсатиб ўтилган мақсадларнинг иккинчиси ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқарув жараёнларини рационаллаштирилишига асосланади. Бунга ишлаб чиқариш ва вазифавий тузилмаларни такомиллаштириб, ресурслар (ходимлар, ахборот, молия, моддий)дан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириб, ишлаб чиқариш – техник ва муҳандислик базасини рационал равишда асослаб, эришиш мумкин. Ташқи иқтисодий фаолиятда муваффақиятларни жиддий мўлжаллаш (учинчи мақсадга эришиш) ҳам жаҳон бозоридаги рақобатбардошликнинг истиқболларини таъминловчи тегишли бошланишни кўзда тутди.

Экологик характердаги муаммоларга келсак (юқорида санаб ўтилган мақсадлардан тўртинчиси назарда тутилди), унда ечимни қуйидагиларда қидириш керак:

- чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ҳам истеъмолчи ва ҳам ишлаб чиқарувчилар учун экологик хавфсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- талаб қилинган ҳолда табиатни муҳофаза қилувчи иншоатларни қуришдан.

Корхона асосий фаолиятининг барча кўрсатиб ўтилган жиҳатлари у ёки бу даражада инновацион жараён доирасида бўлади. Бу уларни инновацион стратегияни ишлаб чиқишга қаратилган менежментнинг ўзига хос объектлари сифатида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

Инновацион стратегия хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хослигини акс эттирувчи бошқарув қарорлари орқали амалга оширилади.

Товар ишлаб чиқарувчилар инновацион стратегиясининг асосий қоидалари дастурда гавдаланадилар, унда уни амалга оширишнинг муддатлар, ресурслар, ижрочилар бўйича ўзаро боғланган мақсадлар, вазифалар ва босқичлар шакллантириладилар, дастурга ишлаб чиқиладиган объектни юритишнинг ўзига хослигини акс эттирувчи аниқ тадбирларнинг рўйхати илова қилинади. Аммо, кейинчилардан қатъий назар, ҳамма вақт инновацион дастурни амалга оширилишини боришида ҳал қилинадиган умумий тартибдаги бир қатор бошқарув вазифалари мавжуд. Хусусан, корхонанинг юқори раҳбариятига қуйидагилар зарур: янги маҳсулотларни сотишда даромадларни кўпайтиришнинг аниқ мақсадларини кўйишга эътиборни жамлаш, инновацион жараённи жадаллаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, ИТТКИ соҳасига инвестициялар киритиш ҳажмларини ўсишини таъминлаш, ҳамда ходимларнинг барча категориялари учун самарали ундовчи сабабли механизмларни яратиш ва қўллаб қувватлаш. Фақат кўрсатиб ўтилган вазифаларни комплекс ҳал қилишдагина дастур, демак, умуман корхонанинг инновацион стратегиясини ҳам муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Микро ва макросоҳанинг аниқ шароитларига кўра корхона инновацион стратегиянинг иккита асосий турлари: пассив характерга эга мослашувчи, ёки ҳужумкор, фаолдан бирини танлаши мумкин. Барқарор турли-пулли муносабатлар шароитида мослашувчи стратегия камроқ самаралидир. Бу ерда, инновация, қоидага кўра, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, бозордаги ўринларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни, маҳсулотларни қўллашнинг янги соҳаларини ўзлаштиришнинг дастлабки базаси, бошқача қилиб айтганда бизнинг янги турдаги, яъни ҳужумкор стратегиясининг моҳиятини ташкил қилувчи фаол воситаси бўлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз амалиётида юқори илмий – техник салоҳияти ва қаноатли вужудга келган ишлаб чиқариш базасига эга йирик товар ишлаб чиқарувчилар олдида инновацион стратегиянинг у ёки бу

турини танлаш муаммоси кескин турибди. бунда муаммо ҳам ички **боҳор**даги кучли рақиблар учун ва фаолиятнинг ўз соҳаларидаги якка ҳокимлар учун ҳам бир хил даражада долзарбдир, чунки якка ҳокимлик абадий бўлмайди. Аммо бугун бизнинг мамлакатимиз шароитларида ҳужумкор инновацион стратегияни кенг тарқалиши ҳақида гапиришга ҳали эрта.

Амалий тажрибани объектив мавжуд бўлган етишмаслиги кўпгина товар ишлаб чиқарувчилар яшаб қолиш чегарасида мувозанатни сақлаб қолаётган вақтдаги шароитда ностандарт қарорлар қабул қилишнинг хатари ва эҳтимол бўлган оқибатларидан қўрқиш, кўпгина корхоналар ривожланишнинг фаол инновацион стратегиясини қўллашга жазм қилолмасликларига олиб келади. Кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар мослашувчи стратегияни афзал кўрадилар.

Калитли сўзлар: стратегик режалаштириш, инновацион стратегия, ички стратегия, ташқи муҳитга мослашиш, сифатни бошқариш, иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, рақобат, бозор улуши, сотишлар ҳажми, ҳужумлар стратегия, мудофаа стратегияси, харажатлар бўйича афзалликлар.

Қисқача хулосалар:

Стратегик инновацион режалаштириш бозор туридаги иқтисодиёт шароитида корхонадаги режалаштиришнинг умумий тизимида тизимча бўлади. Корхонадаги стратегик инновацион режалаштиришнинг объекти инновацион фаолиятдан иборат, уни кўра чиқа туриб, қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Ҳозирги шароитларда корхонада инновацион фаолият стратегияси (инновацион стратегия) ни корхонани ривожланишининг асосий мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ресурсли таъминланиш ва хатар омилини ҳисобга олиш, ташқи муҳитнинг ҳолати ва шахсий инновацион имкониятларини олдиндан башоратлаш билан мустақил ишлаб чиқиш зарур;

- Иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида янги рақобатбардош маҳсулотни яратиш ва уни техника ва технологияларнинг замонавий даражасида ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий – техник сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш инновацион фаолиятнинг асосий мазмуни бўлади;
- инновацион стратегияни амалга оширишда ИТТКИнинг стратегик аҳамияти ошади ва шунинг билан бир вақтда уларни амалга оширишда хатар даражаси кўпаяди;
- инновацион фаолият корхонадаги фаолиятнинг қолган барча турлари билан ва ҳаммадан аввал, ишлаб чиқариш ва маркетинг билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Корхонанинг умумий стратегияси ва илмий – техник тараққиёт соҳасидаги стратегия ўртасидаги алоқа, ҳаммадан аввал, янги маҳсулотни тадбиқ этиш ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларда амалга оширилади. Илмий – техник янгиликлар соҳасидаги стратегия корхонадаги, унинг фаолият муаммоларининг бутун мажмуаси билан узлуксиз боғланган қайта ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланиши стратегияси доирасида амалга оширилади.

Инновацион стратегия корхона стратегияси, иқтисодий ҳолати, илмий – техник салоҳияти, илмий – техник вазифалар портфели ва вазифаларнинг ўзларини бир бирлари билан боғловчи ҳар хил боғлиқликларни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз жараёнининг натижаси бўлади.

Фирманинг бозордаги янгилик киритишлар стратегияси ҳужумлар ва мудофааси характерга эга. Компания одатда ўзининг бозор томонидан мувофиқлаштириш билан таърифланувчи инновацион стратегиялар мажмуасини яратади. Бундай мажмуа ўз ичига ҳам хатарли (ҳужумкор) ва ҳам хавфсиз (мудофаали) стратегияни олади.

Назорат саволлари:

1. Корхонадаги стратегик инновацион режалаштиришнинг объекти нимадан иборат?
2. Инновацион стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
3. Илмий – техник тараққиёт соҳасидаги корхонанинг умумий стратегияси ўртасида алоқа қандай тартибда амалга оширилади?
4. Стратегик режалаштириш қандай мақсадларни кўзлайди?
5. Корхонанинг умумий мақсадида нималар ҳисобга олиниши керак?
6. Сиз инновацион стратегияларнинг қандай турларини биласиз?
7. Тажаввужкор ёндашишнинг қандай базавий стратегиялари мавжуд?
8. Бозорнинг аниқ сегментига мўлжалланган стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
9. Янги бозорларга мўлжалланган стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январидagi мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Вертакова Ю.В, Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика” М.: Высшее экономическое образование, 2008.
4. “Инновационный тип развития экономики” Учебник. / Под общес ред. А.Н. Фоломьева. М. РАГС, 2008.

5. Мухамедьяров А.М. “Инновационный менеджмент” – М.: Инфра – М, 2008
6. Новицкий Н.А. “Инновационная экономика России: Теоретико – методологические основы и стратегические приоритеты”. – М.: “Либроком”, 2008.
7. Давила Т., Шелтон Р., Эпштейн М. “Работающая инновация: Как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду” – М.: “Баланс Бизнес, Букс”, 2007.
8. “Теп3: Управление: Стратегический подход: Гибкие корпоративные стратегии выживания и лидерства в новой экономике (на спирали)”. Котельников В.Ю. – М.: ЭКСМО, 2007.

7. Мавзу. Корхоналардаги ҳақиқий инвестициялар, янгиликлар ва инновациялар портфелини шаклланиши.

Режа:

1. Инвестициялар портфелини бошқаришнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.
2. Инвестициялар киритиш қоидалари.
3. Янгиликлар ва инновациялар портфелларини шаклланиши.
4. Сармояларнинг нархи ва ўртача ўлчанган қийматини белгилаш.
5. Инвестицион лойиҳанинг бизнес – режаси.

1. Инвестициялар портфелини бошқаришнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

Корхонанинг инновацион портфели унча кирувчи, амалга ошириш учун кўриб чиқишга қабул қилинган ҳақиқий лойиҳалар ва дастурлар мажмуасидан иборатдир. Уни бошқаришнинг асосий мақсади корхона инвестицион сиёсатини уни ривожланишининг ҳар хил босқичида

самаралироқ амалга оширишдан иборатдир. Портфелни шакллантираётиб, сармоядор ўзи томонидан танланган инвестицион стратегия доирасида куйидаги саволларга жавоб топиши керак: Корхона қандай аниқ лойиҳаларни қабул қилиши керак? Инвестицион режа ва бюджетда капитал киритмаларнинг қандай умумий ҳажмини кўзда тутиш керак? Корхонанинг инвестицион портфели қандай манбалардан молиялаштирилиши керак?

Ушбу саволларга жавоблар яқиндан боғланганлар. Муаммо эса капитал ҳаражатларнинг қайси турлари маблағларнинг мавжуд манбаларидан молиялаштирилишининг оддий ечимидан иборатдир, чунки жалб қилинган қарз маблағларининг ҳажми корхона раҳбариятининг назорати остида бўлади. Шунинг учун инвестицион лойиҳа ва уни молиялаштириш манбаларини танлаш энг яхши ҳолда биргаликда қабул қилиниши керак. Лойиҳани танлашнинг худди шундай мезонлари уни амалга ошириш учун зарур бўлган сармоялар (шахсий ва молия бозоридан жалб қилинганлар)нинг қийматини ҳисобга олмасдан белгиланиши мумкин эмас. Шаклланган инновацион портфелнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ушбу саволларга тўғри жавобларни беришга имкон беради.

Ҳақиқий инвестициялар портфелини бошқаришда капитал киритмаларнинг куйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

1. Уларни амалга ошириш катта моддий ва пул ҳаражатлари билан боғлиқдир.
2. Капитал киритмалардан қайтарилишни келажакдан бир қатор йиллар давомида олиш мумкин.
3. Капитал киритмаларнинг башоратида албатта хатар ва ноаниқлик элементлари мавжуд.
4. Одатда капитал киритмалар сифатида кўриб чиқиладиган инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги усуқуналарни харид қилиш ва корхонанинг ўз стратегик ва тактик

мақсадларига эришиш қобилиятини ошириш билан бевостита боғлиқ бошқа капитал харажатларни кўзда тутати.

Инвестицион фаолиятнинг асосий мақсадларига эришиш жараёнида бир қатор вазибалар ҳал қилинади.

1. Корхона иқтисодий ривожланиши суръатларини ошириши. Инвестицион сиёсатнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодий ривожланиши суръатлар ўртасида тўғридан тўғри алоқа мавжуд. Сотишлар ва фойданинг ҳажми қанчалик юқори бўлса, бошқа тенг шароитларда капитал киритмаларга шунчалик кўп маблағлар қолади. Аммо амалиётда бу шартга ҳамма вақт ҳам риоя қилинмайди. Кўп нарса харид қилинаётган моддий – техник ресурсларга нархлар, фойдани солиққа тортилиш даражаси, сармоялар бозоридаги кредит учун ўртача фойзли ставка, корхона томонидан соф фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашга тақсимланиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Агар бу омиллар инвестицион сиёсатни амалга ошириш даврида нисбатан барқарор бўлсалар, унда сотишлар ҳажми кўпайганда корхона соф фойданинг каттароқ қисмини ўз ихтиёрида, яъни капитал киритмаларга қолдириши мумкин.

2. Инвестицион фаолиятдан фойда (даромад)ни кўпайтириш. Корхона иқтисодий ривожланишининг имкониятлари бухгалтерия ҳажмларига эмас, балки солиққа тортишдан кейин қоладиган соф фойдага боғлиқ. Шунинг учун портфелда бир неча инвестицион лойиҳалар мавжудлигида сармояларга киритилган сармояларга соф фойданинг энг катта меъёрини таъминлайдиган лойиҳани танлаш тавсия этилади. Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш учун инвестицион таҳлилда нафақат соф фойданинг кўрсаткичи, балки амортизацион ажратмалардан ҳам фойдаланилади, яъни лойиҳа томонида яратиладиган бутун пул оқими ҳисобга олинади.

3. Хатарларни камайтириш. Инвестицион хатарлар турли туманлар ва инвестиция киритишларнинг барча турлари билан бирга бўладилар. Ноқулай шароитларда улар нафақат инвестициялардан фойда (даромадни, балки бутун

авансга берилган сармояларни ёки уларнинг бир қисмини йўқотилишини келтириб чиқаришлари мумкин. Шунинг учун энг хатарли лойиҳаларини амалга оширишдан воз кечган йўли билан инвестицион хатарни чегаралаш тавсия этилади. Кўпгина ҳолларда сармоядорлар амалда жуда бўлмаганда лойиҳани расмий таҳлилида хатарни инкор қиладилар. Таҳлил натижалари кўпинча бир маъноли бағолар шаклини қабул қиладилар, хатар эса фаҳм-фаросат билан ҳисобга олинади. Масалан, лойиҳа 10 млн. сўм миқдоридagi соф дисконтлаштирилган даромад келитиришга ваъда беради, аммо ундан воз кечадилар, чунки уни муҳокама қилишда корхона раҳбарлари лойиҳа ғоятда хатарли деган хулосага келадилар. Бир маъноли ёндашишнинг моҳияти шундан иборатки, лойиҳавий хатарни миқдорий баҳолашга ҳақиқий ҳаракат қилинмайди (масалан, лойиҳадан кутилган даромаддан тарқоқликни ҳисоблаш ёрдамида). Бундай ёндашиш, агар корхона дирекцияси уни баҳолашдан четга чиқишларнинг миқдори ва эҳтимол бўлган йўналиши ҳақидаги ҳақиқий тасаввурга эга бўлганда ўзини оқлаши мумкин. Кўпгина корхона раҳбарияти лойиҳанинг хатарлилиги важдан унинг ташаббускорлари фикридан фарқлироқ алоҳида фикрга эгалар. Бу фикрни лойиҳани баҳолашга киритиш яхшироқ қарорни таъминлаши мумкин, чунки у лойиҳа ташаббускорига ўзига тегишли бўлган ахборотларнинг каттароқ ҳажмини кўриб чиқиш имкониятини беради. Бундан ташқари, бундай ахборотларни шакллантириш жараёни корхонанинг қарорлар қабул қилишга ҳақиқийроқ нуқта назарлардан ёндашишга мажбур қилиши мумкин.

Бир маъноли баҳолаш усулининг асосий камчилиги шундан иборатки, у лойиҳадан якуний натижанинг эҳтимоллироқ миқдорини беради. Ушбу камчилик кўпгина раҳбарларни ноаниқликни баҳолашнинг бошқа усуллари қидиришга мажбур қилади (масалан, математик статистик, аналоглар ва бошқа усулларни).

4. Корхонанинг молиявий барқарорлилиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш. Капитал инвестициялар киритиш катта миқдордаги молиявий

ресурсларни ва узоқроқ муддатга четга тортиш билан боғлиқ, бу жорий хўжалик операциялари бўйича ҳисоблашишлар учун маблағлар етишмаслигига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, айрим лойиҳаларни молиялаштириш жалб қилинган қарз маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Кейинчаларни корхона баланси пассивида кескин кўпайиши узоқ муддатли даврда молиявий барқарорликни йўқотилишига олиб келишга қодир. Шунинг учун, капитал киритмаларни молиялаштириш манбаларини беглилаб туриб, олдиндан молиялаштириш схемаси корхонанинг молиявий мувозанатига қандай таъсир кўрсатишини башоратлаш зарур.

Капитал инвестициялар киритиш жараёнида корхона молиявий ҳолати орқасидан кузатишнинг асосий объектлари қуйидагилар:

- фаолиятнинг барча турларидан соф пулли оқим (пул маблағларини оқиб келиши минус оқиб кетиши);
- сармояларнинг тузилиши (шахсий ва жалб қилинган сармоялар ўртасидаги нисбат);
- корхонанинг бозор қиймати (нархи);
- узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзларнинг тўлаш муддатлари бўйича таркиби;
- активларнинг таркиби ва тузилиши;
- жорий (фойдаланиш) харажатларининг таркиб ва уларни пасайтириш имкониятлар;
- молиявий операцияларни оширилган хавфли ҳудудларда жамланганлик даражаси;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг динамикаси;
- молиявий ва инвестицион менежментини тадбиқ этишнинг самарадорлиги;
- курилиш – монтаж ишларини амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқариш жадвалларини бажарилишининг давомийлиги;

- янгидан ишга туширилган объектлар ва ишга тушириладиган мажмуалар бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштирилганлик даражаси;
- қурилиш жараёнининг керакли (ҳам ички ва ҳам ташқи) молиялаштириш билан таъминланганлиги.

5. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишини жадаллаштириш. Амалга оширишга мўлжалланган лойиҳалар иложи борича тезроқ бажарилишлари керак, чунки шунинг билан қуйидагиларга эришилади;

- умуман корхонани иқтисодий ривожланишини жадаллашиши;
- соф фойда ва амортизацион ажратмалар шаклидаги қўшимча пул оқимларини тезроқ шаклланиши, у дастлабки инвестицияларнинг ўрнини қоплашнинг манбаси бўлиб хизмат қилади;
- Қарз маблағларидан фойдаланиш муддатларини қисқариши, бу сармоядорга кредиторларга фоизли тўловларни тежашга имкон беради;
- бозор ҳолатини ноқулай ўзгариши, ҳамда инфляциядан йўқотишлар билан боғлиқ инвестицион хатарларни пасайиши.

Инвестицион портфелни бошқаришнинг барча санаб ўтилган вазифалари яқиндан боғланганлар. Масалан, корхона ривожланишининг юқори суръатларига юқори даромадли лойиҳаларни танлаш ва уларни амалга оширилишини жадаллаштириш ҳисобига эришилади. Ўз навбатида фойда (даромад) ни кўпайтириш инвестицион хатарларни ўсиши билан бирга бўлади, бу уларни нейтраллашишини таъминлайди. Ушбу хатарларни камайтирилиши корхонанинг инновацион фаолият жараёнидаги молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашнинг муҳим шarti бўлади. Демак, инвестицион портфелини бошқаришнинг устувор вазифаси лойиҳалар ривожланиши унинг етарлича молиявий барқарорлигида юқори суръатларини таъминлашдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳисобга олиш билан ҳақиқий инвестициялар портфелини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури белгиланади. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ташқи инвестицион муҳитни тадқиқот қилиш ва инвестицион товарлар бозоридаги ҳолатни башоратлаш;
- корхоналар инвестицион фаолиятнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;
- танланган стратегияни амалга ошириш учун инвестицион ресурсларни шакллантириш стратегиясини белгилаш;
- алоҳидаги лойиҳаларнинг капитал харажатларнинг даромадлиги, хавфсизлиги, ликвидлиги ва ўзини ўзи қоплаши мезонлари ва улардан энг устуворларини танлаш бўйича инвестицион жалб қилишлигини қидириб топиш ва баҳолаш;
- инвестицион портфелини шакллантириш ва уни самарадорликнинг танлаб олинган мезонлари бўйича таҳлил қилиш;
- лойиҳаларни амалга оширилишини жорий режалаштириш ва оператив бошқариш (лойиҳаларни амалга оширишнинг календарь режалари ва бюджетларини тузиш);
- самарасиз инвестицион лойиҳалардан чиқиш ва озод бўлган сармояларни қайтадан инвестиция қилиш ҳақидаги қарорларни тайёрлаш.

Агар инвестицион портфелнинг ҳақиқий самарадорлиги кутилгандан паст бўлса, унда лойиҳадан чиқиш ҳақида қарор қабул қилинади ва бундай чиқишнинг шакллари белгиланади (активларни сотиш, акцияларга ўтказиш ва ҳ.к.). Фақат шундан кейин сармоядор манфаатларига жавоб берувчи янги юқори самарали лойиҳалар танлаб олинади.

2. Инвестициялар киритиш қодалари.

Инвестициялар киритишнинг барча шаклларидаги муваффақиятларнинг умумийроқ шартлари қуйидагилардан иборат:

- керакли ахборотларни йиғиш;
- сармоядор қизиқаётган соҳалар бўйича бозор ҳолатининг истиқболларини башоратлаш;
- инвестицион товарлар бозоридаги ҳулқ стратегиясини танлаш;
- инвестицион тактикага ва шунингдек стратегияга ҳам эгиловчан жорий тузатишлар киритиш.

Инвестициялар киритишнинг энг самарали усулини танлаш эҳтимол бўлган вариантларни аниқ белгилашдан бошланади.

Муқобил лойиҳалар навбатма навбат бир бирлари билан солиштириладилар ва улардан даромадлиқ, хавфсизлик ва ишончилик нуқтаи назаридан энг яхшиси танлаб олинади. Инвестиция киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда сармояларни қаерга: ишлаб чиқаришгами, кўчмас мулкками, қимматбаҳо қоғозларгами, қайта сотиш учун товарлар харид қилишга ёки валютага киритиш фойдалироқлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун инвестиция киритишида амалиёт томонидан танлаб олинган қуйидаги қодаларга риоя қилиш тавсия этилади.

1. Муддатларнинг молиявий муддатлар тамойили (“олтин банк қоидаси”) дейдики: маблағларни олиш ва тақсимлаш белгиланган муддатларда содир бўлиши керак, ўзини ўзи оқлашининг узоқ муддатларига эга капитал киритмаларни узоқ муддатли маблағлар (узоқ муддатли банк кредитлари ва тўлашнинг узоқ муддатларига эга облигацияли қарзлар) ҳисобига молиялаштириш мақсадга мувофиқдир.
2. Хатарларнинг мувофиқлаштирилганлик тамойили – айниқса хатарли инвестицияларни шахсий маблағлар (соф фойда ва амортизацион

ажратмалар ҳисобига молиялаштириш мақсадга) мувофиқдир. Ушбу ҳолда корхона ўзини ўзи молиялаштириш тамойилига риоя қилади ва ўзини қўшимча қарзли мажбуриятлар билан боғламайди.

3. Энг юксак рентабеллик қоидаси – сармоядорга энг катта (энг юксак) даромадлиликка эришишни таъминловчи капитал киритмаларни танлашни тавсия қилади. Ғарбий иқтисодчи олимларни ҳисоблашларига компанияни фойдани (демак, сармояларга даромадлик меъёри)ни кўпайтиришга интилиши раҳбариятнинг акциядорлар бойлигини кўпайтириш истагига тенгдир. Бу тасдиқни тушунтириб берамиз. Фойдани кўпайтиришга қарама қарши бўлган мақсадларнинг кўпчилиги ҳақиқатда иккинчи даражали бўладилар. Акциядорлар компаниянинг эгаси сифатида бошқа мақсадларга (масалан, рақобат курашидаги етакчиликка) эришиш учун қандай нархни тўлашлари кераклигини билишлари керак. Бундан ташқари компания дирекцияси акциядорлар олдида ҳисобот берадилар. Агар раҳбарият фаолияти киритилган сармояларга уларга маъқул фойдани келтирмаси, улар алмаштирилишлари мумкин, ёки фирма ютиб юбориш объекти бўлади. Демак, фойдани кўпайтириш асосида инвестицион қарорларини қабул қилиш мезонларидан компания иши самарадорлигини баҳолаш учун (агар фойдани кейинги тақсимланишидан абстраккланилса) фойдаланиш мумкин. Бу жуда муҳимдир, чунки ҳозирги вақтга қадар компания самарадорлигини ўлчашнинг самаралироқ усули ёки акциядорлар ва умуман жамиятнинг узок муддатли бойлигини таъминловчи бошқа муқобил мақсадлар таклиф қилинмаган.

4. Ушбу капитал киритмадан соф фойда банк депозитига пул маблағларини жойлаштириш миқдоридан ошиб кетиши керак.

5. Инвестицияларнинг рентабеллиги ҳамма вақт инфляциянинг ўртача йиллик суръатидан юқори бўлиши керак.

6. Вақт омили (пулларнинг вақтли қиймати)ни ҳисобга олишга аниқ инвестицион лойиҳанинг рентабеллиги ҳамма вақт муқобил лойиҳалар даромадлигидан юқоридир.

7. Корхона активларининг лойиҳа амалга оширилган кейинги рентабеллиги кўпаяди ва ҳар қандай ҳолда ҳам банк фоизининг ўртача ставкасидан ошиб кетади:

$$P_a > СП$$

бу ерда P_a – активларнинг рентабеллиги, %; СП – кредит бозоридаги банк фоизларнинг ўртача ставкаси.

8. Кўриб чиқилаётган лойиҳа корхонанинг товар бозоридаги ҳулқининг асосий стратегиясига ишлаб чиқаришнинг рационал навли тузилмасини шакллантириш, инвестицион харажатларни ўзларини ўзлари оқлаш муддатлари, ишлаб чиқариш ва муоммалар харажатларини қоплашнинг молиявий манбаларининг мавжудлиги ва даромадларни лойиҳадан фойдаланиш даври давомида келиб тушишининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан мос келиши керак.

Ҳақиқий лойиҳаларга инвестициялар киритиш – вақт бўйича узок жараёндр. Шунинг учун уларни баҳолашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

а) лойиҳаларнинг хатарлигини – харажатларнинг ўзини ўзи оқлаш муддати қанчалик узун бўлса, инвестицион хатар шунчалик юқори;

б) пулларнинг вақтдаги қийматини, чунки вақт ўтиши билан пуллар инфляция оқибатида ўз қийматини йўқотадилар;

в) лойиҳанинг сармоялар киритишнинг муқобил вариантларига нисбатан хатарнинг кичикроқ даражасида даромадни кўпайиши ва компания акциялари курси қийматини ўсиши нуқтаи назаридаги ўзига жалб қила олишлигини, чунки бу мақсад сармоядор учун белгилаб берувчидир.

Сармоядор, кўрсатиб ўтилган қоидалардан амалиётда фойдаланиб, ўзининг стратегик мақсадларига жавоб берувчи асосланган қарорни қабул қилиши мумкин.

3. Янгиликлар ва инновациялар портфелини шакллантириш.

Товарларнинг рақобатбардошлиги, ташкилотнинг молиявий, техник, социал, ташкилий ҳолати, унинг рақобат афзалликларини таҳлил қилиш натижалари асосида ташкилотнинг фаолият юритиш ва мажмуавий ривожланиш сиёсати шакллантирилади. Ташкилотнинг сиёсати – ташкилот раҳбарияти томонидан фаолиятнинг қандайдир соҳаси (техник, иқтисодий, социал, ташқи иқтисодий ва ҳ.к)да ўтказиладиган асосий йўли, стратегик тадбирлар тизимидир. Янгиликлар яъни инновацияларни тадбиқ этиш ҳар қандай стратегиянинг асоси бўлади.¹¹

Инновацион фаолият, айниқса инновацион тадбиркорликнинг мақсади инновацияларни амалга ошириш йўли билан натижа олишдан иборатдир. Инновацион фаолият соҳасини белгилаш учун ташкилотнинг асосий стратегиялари (мақсадлари)ни таърифловчи қуйидаги белгиларни киритамиз:

К – Ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифатини ошириш. Стратегия ташкилот фойдасини кўпайишига, аммо катта хатар билан, олиб келади;

Ц – Товар нархини қолган стратегияларни ўзлаштиришсиз сақлаб қолишда пасайтириш. Ушбу стратегия ишлаб чиқарилган товар ва

¹¹ Р.А. Фатхудинов «Инновационный менеджмент: классификация, структура и отличительные черты инновационных организаций: Экономические законы, законы организации, научные подходы и принципы и др.»: Учебник для вузов. Изд. 5-е, испр., доп. «Питер», 2007

Ўзлаштирилган технологияларни бозорга мустаҳкам равишда тадбиқ этиш, сотишга қаратилган. Стратегия, қоидага кўра, ташкилот фойдасини камайишига олиб келади.

С – ишлаб чиқарилаётган товар таннархини янги технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги усуллари, менежментни ўзлаштириш ҳисобига пасайиши. Стратегия, қоидага кўра ташкилот фойдасини кўпайишига олиб келади.

V – ушбу бозор учун қолган стратегияларнинг ўзгаришсиз товар ишлаб чиқариш дастури (сотишлар ҳажми)ни кўпайиши. Стратегия кўлам самарасидан фойдаланиш ҳисобига фойдани кўпайишига олиб келади.

Р – сотишнинг янги бозорини ўзлаштириш, эски ва янги товар сервисини ошиши. Стратегия, қоидага кўра, ташкилот фойдасини кўпайишига олиб келади.

Ташкилотнинг санаб ўтилган стратегияларини амалга ошириш учун инновациялар зарур. 1-жадвалда ташкилот стратегияларини амалга ошириш учун зарур бўлган инновацияларнинг асосий турлари санаб ўтилган.

1-жадвал

Ташкилот стратегияларини амалга ошириш учун зарур бўлган
инновациялар турлари

Ташкилот стратегиясини амалга ошириш учун зарур бўлган инновацияларнинг турлари	Ташкилотнинг асосий стратегияси				
	К	Ц	С	V	Р
1.Кашфиётлар асосида бутунлай янги товарни яратиш	+		+		+
2.Ноу-хау асосида ишлаб чиқарилаётган товарни такомиллаштириш	+				
3.Кашфиётлар асосида янги технологияни тадбиқ этиш			+		
4.Ноу-хау асосида амалдаги технологияни такомиллаштириш			+		

5. Ноу-хау асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш			+		
6. Ноу-хау асосида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш			+		
7. Менежмент тизимини шакллантириш ёки такомиллаштириш	+		+	+	+
8. Ташкилот (хом ашё, материаллар, бутловчилар ва ҳ.к)нинг “чиқиш” сифатини яхшилаш	+				
9. Ташкилотнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш	+		+		
10. Тактик маркетинг вазифалари (реклама, товарни бозорга томон ҳаракатлантиришни рағбатлантириш тизими)ни такомиллаштириш					+
11. Истеъмолчидаги товар сервиси сифатини ошириш				+	
12. Ташкилот товарларининг мавжуд бозорини кенгайтириш		+			+
13. Янги бозорни ўзлаштириш					+

Эслатма. “+” белгиси ташкилотнинг тегишли стратегиясини амалга ошириш учун инновацияларни амалга ошириш зарурлигини билдиради.

Ташкилотнинг стратегиялари ва мақсадларига мувофиқ улар ҳар хил бирлашишлари мумкин. Қўшимча (1-жадвалга) белгилар киритамиз:

1-стратегияни ўзгармаслигини таърифлови индекс (эски вариант);

2-стратегияни янгиланишини таърифловчи индекс (янги вариант).

Масалан, сифатни ошиши, солиштира нархни пасайиши, таннархни пасайиши, сотишлар ҳажмини ўсиши, мавжуд ёки ўзлаштирилган янги бозорни кенгайтиши.

Тушунамизки, товарнинг сифат сақланиб қолинганда истеъмолчининг фойдаланиш харажатлари ўзгармайди; сифатни ошишида истеъмолчининг харажатлар пасаяди (ишлаб чиқарувчининг харажатлари ўсишига нисбатан юқорида суръатларда); кашфиётлар асосида янги товарни киритиш сифатини ошиши ва товар таннархини пасайишига олиб келади.

1 – жадвалда белгиланган инновацияларнинг ташкилот стратегиясига таъсирлари ва қўшимча қабул қилинган шартлар асосида ташкилот товарларини қайта ишлаб чиқаришнинг характерлироқ турларини шакллантириш мумкин (2 - жадвал)

2 – жадвал

Товарларни қайта ишлаб чиқаришнинг асосий турлари

Ташкилот стратегияларини бирлашиши	Товарларни қайта ишлаб чиқариш турлари
1. $K_1C_1V_1P_1$	Оддий қайта ишлаб чиқариш (инновацияларсиз)
2. $K_2C_1V_1P_1$	Оширилган сифатли товарни оддий қайта ишлаб чиқариш
3. $K_1C_2V_1P_1$	Товарни уни паст нархда сотиш учун оддий қайта ишлаб чиқариш
4. $K_1C_1C_2V_1P_1$	Товарни ресурсларни тежайдиган технологик бўйича қайта ишлаб чиқариш
5. $K_2C_1C_1V_2P_2$	Эски ва янги бозорлар учун янги товарни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш
6. $K_1C_2C_2V_2P_1$	Янги технология бўйича тайёрланган эски товарни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш
7. $K_1C_1C_1V_1P_2$	Эски ва янги бозорлар учун эски товарни оддий қайта ишлаб чиқариш
8. $K_2C_2C_2V_2P_2$	Эски ва янги бозорлар учун технологик бўйича янги товарларни кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш (қайта ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб тури)

Ушбу мавзуда баён қилинган тавсиялар бўйича бажарилган ишнинг асосида ташкилотнинг янгиликлар ва инновациялар портфели шакллантирилади. Инновациялар портфели ташкилотга тадбиқ этиш (киритиш) керак бўлган харид қилинган ва шахсий янгиликларнинг мажмуавий асосланган янгиликлар рўйхатидан иборатдир. Янгиликлар портфели ташкилот томонидан сотиш учун ишлаб чиқилган янгиликларнинг

рўйхатидан иборат. Инновациялар портфелининг мисолли йириклаштирилган портфели 3 – жадвалда, янгиликлар портфели 4 – жадвалда берилган.

3 – жадвал

Ташкилотга тадбиқ этиш керак бўлган инновациялар портфели
(шакл)

Инновацияларнинг номи ва тури	Инновацияни тадбиқ этиш мақсади	Инновацияни тадбиқ этиш жойи	Тадбиқ этиш муддатлари		Тадбиқ этишга харажатлар		Тадбиқ этишдан кутилган самара	
			боши	охири	Табиий шаклда	Минг сўм	Табиий шаклда	Минг сўм

4 - жадвал

Ташкилотнинг ишлаб чиқиши ва сотиши керак бўлган янгиликлар портфели (шакл)

Инновацияларнинг номи ва тури	Янгиликлар ғояси	Янгиликнинг даражаси	Ишлаб чиқарувчи (бўлинма, ижрочилар)	Тадбиқ этиш муддатлари		Тадбиқ этишга харажатлар		Тадбиқ этишдан кутилган самара	
				боши	охири	Табиий шаклда	Минг сўм	Табиий шаклда	Минг сўм

Шундай қилиб, стратегик маркетингнинг илмий ёндашишлари ва усуллари асосида товарларнинг рақобатбардошлик меъёрлари, ташкилот инновациялари ва янгиликлари портфеллари ишлаб чиқилган. ИТТКИ босқичида ишлаб чиқаришдаги инновациялар ва янгиликларни рақобатбардошлигини амалга ошириш имконияти тадқиқот қилинади.

4.Сармояларнинг нархи ва ўртача ўлчанган қийматини белгилаш.

Ҳар бир корхонага ўзининг ишлаб чиқариш савдо фаолиятини молиялаштириш учун пул маблағлари зарурдир. Ушбу аниқ шаклдаги фаолият юритишнинг давомийлигидан ишлаб чиққан ҳолда ва активлар ва пассивлар қисқа муддатли ва узоқ муддатлига таснифланадилар.

Корхона учун маблағларнинг у ёки бу манбаларини сафарбар қилиш белгиланган ҳаражатлар билан боғлиқдир:

- акциядорларга дивидендлар;
- корпоратив облигациялар эгаларига – фоизлар;
- банкларга улар томонидан берилган кредитлар учун фоизлар тўлаш керак.

Молиявий ресурсларнинг белгиланган ҳажмидан фойдаланилганлик учун тўлаш керак бўлган, ушбу ҳажмга нисбатан фоизларда акс эттирилган маблағларнинг умумий миқдори “сармояларнинг нархи” деб аталади. Энг соз ҳолда фараз қилинадикки, оборотли активлар қисқа муддатли мажбуриятлар, оборотдан ташқарилар эса – узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобига молиялаштирадилар. Шунинг учун ҳар хил манбаларни жалб қилишга ҳаражатларнинг умумий суммаси мувофиқлаштирилади.

Нарх концепцияси сармоялар назариясида асосий бўлади. У корхона ўзининг бозор қийматини пасайтирмаслик учун таъминланиши керак бўлган инвестиция қилинган сармоянинг даромадлиқ меъёрини таърифлайди.

Амалиётда қуйидаги иккита тушунчани фарқлаш керак.

1. Ушбу корхона сармояларининг нархи.
2. Амалдаги корхонанинг умуман сармоялар бозорида хўжалик юритувчи субъект сифатидаги нархини.

Биринчи тушунча корхонадаги мулкдорлар (акциядорлар) ваа кредиторлар олдидаги қарзга хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келган нисбий йиллик ҳаражатларда акс эттирилади. Иккинчиси ҳар хил

параметрлар, хусусан активларнинг қиймати, шахсий сармояларнинг ҳажми, фойда ва бошқалар билан акс эттирилади. Иккала тушунча миқдоран ўзаро боғлангандирлар. Масалан, агар корхона рентабеллиги “сармоялар нархи”дан бўлган инновацион лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган бўлса, унда компаниянинг қиймати ушбу лойиҳа тугаллангандан кейин пасаяди. Шунинг учун компания менежерлари инновацион қарорларни қабул қилиш жараёнида сармояларнинг “нархи”ни ҳисобга оладилар. Баланснинг пассивида ҳам шахсий ва ҳам маблағларнинг ёлланма манбалари кўрсатилади. Ушбу манбаларнинг тузилиши корхоналарнинг турлари, хўжалик тармоқлари, мулкчилик шакллари ва тадбиркорлик фаолияти соҳалари бўйича жиддий фарқланадилар. Маблағларнинг ҳар бир манбаси бўйича нархи ҳам бир хил эмас, шунинг учун корхона сармоялари “нархи” (қиймати) одатда ўртача арифметик ўлчаш бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Асосий мураккаблик маблағларнинг аниқ манбаси ҳисобига олинган сармоя бирлиги қийматини ҳисоблашдан иборатдир. Баъзи бир манбалар учун сармоялар “нархи”ни етарлича аниқ белгилаш мумкин (масалан, акциядорлик сармояси, банк кредити, облигация қарзи нархини). Маблағларнинг бошқа манбалари бўйича бундай ҳисоблашларни бажариш анча қийин (масалан, тақсимланмаган фойда, кредиторлик қарздорлиги ва бошқалар бўйича). Ташқи аломати бўйича тақсимланмаган қайтадан инвестиция қилинган фойда корхонани молиялаштиришнинг текин манбаси кўринади, аммо ундай эмас. Тақсимланмаган фойда корхона мулк эгалари, акциядорларига тегишлидир. Худди улар уни ишлаб чиқаришга киритиш керакми, ёки дивидендлар тўлашга йўналтириш кераклигини ҳал қиладилар. Шунинг учун тақсимланмаган фойдани сармоянинг элементи деб билиш керак, унга ўз пулларини кирита туриб, акциядорлар кўшимча даромад олишни хоҳлайдилар. Шунинг учун тақсимланмаган фойданинг қиймати оддий акцияларни жойлаштиришдан олинган сармоя нархига мос келади. Молиялаштиришнинг ички манбасини сафарбар қилишда тақсимланмаган

фойда шакли бундай ҳаражатларда йўқ бўлади. Бунда қуйидагиларни ёзиш мумкин:

$$Ц_{\text{нп}} = Ц_{\text{оа}}$$

бу ерда $Ц_{\text{нп}}$ – тақсимланмаган фойданинг нархи (қиймати); $Ц_{\text{оа}}$ – оддий акцияларнинг қўшимча шаклидаги акциядорлик сармоясининг жалб қилиниши нархи (қиймати). Ҳатто сармоя “нархи”нинг тахминий миқдорини билиб ҳам, инвестицион лойиҳаларни баҳолашни қўшиш билан аванс қилинган маблағлар самарадорлигининг қиёсий таҳлилини ўтказиш мумкин.

Сармоянинг ўртача қилинган қиймати (СЎЎҚ) сармоядорлар ўз киритмаларидан кутадиغان фойданинг энг кичик меъёридан иборатдир. Амалга ошириш учун танлаб олинган лойиҳалар жуда бўлмаганда СЎЎҚ дан кам бўлмаган рентабелликни таъминлашлари керак. СЎЎҚ корхонага маблағлар манбаларининг ҳар хил турларидан жалб қилиш тўғри келадиган шахсий қийматлар (нархлар)дан ўртача ўлчанган миқдор сифатида ҳисобланади яъни:

- 1) оддий ва имтиёзли акциялар (префакциялар) қийматидан ташкил топувчи акциядорлик сармоялари.
- 2) Облигацияли қарзлар.
- 3) Кредиторлик қарздорликлари ва бошқалар.

СЎЎҚ ни ҳисоблаш учун стандарт формула қуйидагидир:

$$СЎЎҚ = \sum Ц_i \quad (6)$$

бу ерда $Ц_i$ – маблағларнинг i – манбасининг нархи, $У_i$ – сармояларнинг умумий ҳажмидаги маблағларнинг i – манбасининг салмоғи, бирлик улуши.

СЎЎҚ ни белгилашнинг биринчи босқичи – молиявий ресурсларнинг санаб ўтилган турларининг шахсий қийматларини ҳисоблашдир. Иккинчи босқич – олинган нархлардан ҳар бирини маблағлар манбалари умумий суммасидаги ресурслар салмоғига қайта кўпайтириш. Учинчи босқич – олинган натижаларни жамламоқ.

Хатар нуқтаи назаридан СЎЎҚ ни кутилган сармоёга фойда меъёрининг хатарсиз қисми сифатида белгиланади, у одатда федерал ва субфедерал қарзлар облигациялари бўйича даромадлиқнинг ўртача меъёрига тенг.

СЎЎҚ концепцияси кўп қиррали ва кўп сонли ҳисоблашлар билан боғланган. Кундалик амалиётда экспресс-таҳлил бўлиши мумкин, унда СЎЎҚ деб банк фоизининг (минтақавий ва Россия кредит бозоридаги) ўртача ставкаси қабул қилинади. Бундай ёндашиш бутунлай мантиқийдир, чунки инвестиция киритиш вариантыни танлашда фойданинг кутилган меъёри (инвестицияларнинг рентабеллиги) юқори бўлиши керак, яъни **Р СП**. СЎЎҚ дан лойиҳаларни амалга оширишга танлашдаги инвестицион таҳлилда фойдаланилади.

1. Лойиҳаларнинг соф жорий қиймати (С.Ж.Қ)ни ҳисоблаш мақсадида пул оқимларини дисконтлаштириш учун. Агар **СЖҚ 0**, унда лойиҳа бундан кейинги кўриб чиқишга қўйилади.
2. Лойиҳаларнинг даромадлиги ички меъёри (ДИМ) билан солиштиришда.

Агар **ДИМ СЎЎҚ**, унда лойиҳа сармоёдорлар ва кредиторлар манфаатларини қаноатлантирилишини таъминловчи сифатида амалга оширилиши мумкин. **ДИМ = СЎЎҚ** шароитида корхона ушбу лойиҳага бефарқ қарайди. **ДИМ СЎЎҚ** шароитида лойиҳадан воз кечилади. СЎЎҚ ни ҳисоблаш 1 – жадвалда берилган.

1 – жадвал

Акциядорлик компанияси бўйича СЎЎҚ ни ҳисоблаш

Маблағлар манбалари	Компания учун манбанинг ўртача қиймати, ўртача йиллик фоиз	Манбанинг баланс пассивидаги салмоғи, бирликнинг улуши
Оддий акциялар	28	0,50
Имтиёзли акциялар	15	0,10

Корпоративли облигациялар	20	0,05
Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	30	0,20
Кредиторлик қарздорлиги	10	0,15
Жами	-	1,0

Жадвал маълумотларидан келиб чиқишига $C\ddot{U}\ddot{U}K = 24\%$ ($28 \times 0,5 + 15 \times 0,1 + 20 \times 0,05 + 30 \times 0,2 + 10 \times 0,15$). Марказий банкнинг 2001 йилдаги ҳисоблаш ставкаси 25% ни ташкил қилган. Демак, сармояларни юқори кўрсатилган нисбатларда жалб қилиш компания учун фойдалидир, чунки **$C\ddot{U}\ddot{U}K$ СП (24% 25%)**.

$C\ddot{U}\ddot{U}K$ ни белгилаб инвестицион лойиҳаларни баҳолашга ўтиш мумкин, бунда шуни назарда тутиш керакки, инвестицияларнинг рентабеллиги сармояларнинг ўртача ўлчанган қиймати ($C\ddot{U}\ddot{U}K$)дан юқори бўлиши керак.

5.Инвестицион лойиҳанинг бизнес – режаси

Инвестицион сиёсат доирасида ҳар хил тадбирларнинг таркиби ва амалга ошириш муддатларини белгилаш ва уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш учун корхоналар инвестицион лойиҳаларнинг бизнес режаларини ишлаб чиқадилар, улар экспертиза ўтказилгандан кейин уларнинг дирекциялари томонидан тасдиқланадилар ва “амалий фаолият” учун дастур амал бўлиб хизмат қиладилар.

Бизнес – режа саноати ривожланган мамлакатлар учун стандартли ҳужжатдан иборат, унда ҳақиқий инвестицион лойиҳанинг концепцияси асосланган ва унинг асосий параметрлари келтирилган. Бу ҳужжат қайд этилган кўринишидаги ахборотларга эга ва уни фойдаланувчиларга вақтда ва масофада топшириш учун махсус мўлжалланган ўзига хос дастурий маҳсулотдан иборатдир.

Бизнес – режа инвестицион лойиҳанинг барча манфаатдор иштирокчилари: бўлажак сармоядорлар ва кредиторлар, экспертлар, маҳаллий маъмуриятга ва ҳ.к ишга доир ахборотларни етказиб бериш учун мўлжалланган. Бизнес – режани ҳужжат сифатида тушуниш ҳам унда мавжуд бўлган ахборотларнинг аниқлиги билан боғлиқ, бу маъсул шахсларнинг тегишли ёзуви билан тасдиқланади. Ҳаммадан аввал бизнес – режадан янги маҳсулотни янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ёки техник қайта жиҳозлаш ёки амалдаги ишлаб чиқаришни қайта куриш асосида уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш воситасида ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун молиялаштиришнинг ташқи манбаларини сафарбар қилиш билан боғлиқ узок муддатли инвестицион қарорларни асослаш учун фойдаланилади.

Асосийси бу ерда шундан иборатки, бизнес – режада барча ҳолларда инвестицияларнинг ҳақиқий активлар – бинолар, иншоотлар, машиналар ва ускуналардаги асосланиши берилади. Уни ишлаб чиқишда мажмуавийлик ва тизимлик тамойиларига амал қилинади. Мажмуавийлик бизнес-режада мавжуд бўлган ахборотлар (иқтисодий, техник, маркетинг, ҳақиқий, молиявий ва бошқалар)нинг тўлиқлигини билдиради. Тизимлилик белгиланган схема (лойиҳани баён қилинишининг ички мантиқи ва уни бўлажак сармоядор томонидан амалга оширилишининг самарадорлигини исботланишига мувофиқ қурилган тизим) бўйича баён қилишни кўзда тутди. “Бизнес” сўзи инвестицион лойиҳани амалга оширувчи корхона ишлаб чиқриш – тижорат фаолиятининг бозор муҳитини ҳисобга олишни акс эттиради.

Ҳозирги замон амалиёти шундан дарак берадики, корхона ҳақиқий инвестициялар киритишни амалга ошириши учун қуйидаги асосий параметрлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак:

- ўзининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг кўлами;
- ўз лойиҳасининг хом ашёли, техник ва ходимлар билан таъминланиши;

- керакли капитал киритмаларнинг ҳажмлари ва уларни қайтарилиши муддатлари;
- лойиҳани амалга ошириш учун жалб қилинадиган молиявий ресурслар;
- ушбу лойиҳа билан боғлиқ хатарлар ва улардан ҳимояланиш усуллари.

Санаб ўтилган кўрсаткичлар билан бир қаторда бизнес – режани ишлаб чиқиш учун лойиҳанинг иқтисодий муҳити ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Бу маълумотлар таркибига одатда қуйидагилар киритилади:

- инфляция умумий индексини башоратли баҳолаш ва бутун лойиҳани амалга ошириш давридаги алоҳида маҳсулотлар (хизматлар) ва ресурсларга нархларни мутлоқ ва нисбий (инфляциянинг умумий индексига нисбатан) ўзгаришининг башорати;
- валютанинг алмаштириш курси ва бутун лойиҳани амалга ошириш давридаги хорижий валютанинг ички инфляцияси индексини ўзгаришининг башорати;
- солиққа тортиш тизими ҳақидаги маълумотлар (солиққа тортиладиган база, солиқнинг ставкаси, солиқни тўлашнинг даврийлиги солиқ бўйича имтиёзлар, солиқ тўловларини ҳар хил даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши).

Инвестицион лойиҳалаштиришда корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашга эҳтиёж қуйидаги вақтда вужудга келади:

- лойиҳавий материалларда лойиҳа иштирокчисининг барқарор молиявий ҳолати, унинг ўзига қабул қилган молиявий мажбуриятларини бажаришга қодирлиги;
- амалдаги корхонада амалга ошириладиган лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш. Ушбу ҳолда таҳлил, лойиҳани амалга

оширилиши корхона молиявий ҳолатини ёмонлаштирмасликка ишонч ҳосил қилиш учун, умуман корхона бўйича ўтказилади.

Бундай баҳолаш ўтган давр учун бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича стандартли молиявий коэффициентлар – ликвидлик, тўлов қобилияти, активларни айланувчанлиги ва активлар, шахсий сармоялар ва стоиш ҳажмларининг рентабеллиги ёрдамида амалга оширилади. Бундай таҳлилнинг методикаси махсус молиявий адабиётларда ба ён қилинган. Корхона молия – иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари бўйича бошқа сармоядорлар (кредит берувчи банклар, лизингга берувчилар, давлат бошқарувчи идоралари ва ҳ.к) лойиҳада иштирок этиш ёки лойиҳа ташаббускорини молиявий қўллаб қувватлаш ҳақида қарор қабул қиладилар.

Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда яна унинг кредитли тарихи ҳам ҳисобга олинади. Агар лойиҳа акциядорлик жамияти шаклидаги янги юридик шахсини ташкил қилишни кўзда тутса, унда унинг акциядорлари ва мўлжалланган акциядорлик сармоясининг миқдори ҳақидаги дастлабки ахборотлар зарур.

Бизнес – режани ишлаб чиқиш ва баён қилинишига ёндашишлар инвестицион лойиҳаларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилади. Капитал киритмаларнинг катта ҳажмини талаб қилувчи лойиҳалар, ҳамда тубдан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорга чиқариш билан боғлиқ лойиҳалар учун уни мукамал режаси тузилади. Кичикроқ лойиҳалар учун бу ҳужжатнинг қисқача вариантини (10-15 бет) ишлаб чиқиш етарлидир.

Ишга доир амалиётда ушбу ҳужжатга белгиланган талаблар вужудга келган, уларга риоя қилиш уни қўллашга кўрғазмаси қулай қилади. Бундай талабларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- йўналтирилганлик, чунки бизнес – режа инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг якуний мақсадини акс эттириши керак;

- кўп вазифавий белгиланиш, чунки унинг ахборотларидан манфаатдор шахсларнинг ҳар хил категориялари фойдаланишлари мумкин;
- ахборот материали (матн, ҳисоб – китоблар, расмлар ва жадваллар) ни баён қилишнинг қисқалиги ва мантиқийлиги;
- ушбу ҳужжатда келтирилган ахборотларнинг ишончлилиги, чунки унинг барча қоидалари ва хулосалари лойиҳа ташаббускорининг шахсий тадқиқотлари ва ташқи ахборотли манбаларга асосланиши керак;
- материални баён қилинишининг қатъий изчиллиги, у умумий қабул қилинган бўлади ва қуйида алоҳида бўлимлар шаклида берилган, улардан ҳар бири инвестицион лойиҳанинг ҳар хил жиҳатларини таърифлайдилар.

Инвестицион лойиҳанинг бизнес-режаси қуйидаги тахминий тузилмага эга бўлиши керак;

- титул варағи;
- кириш қисми (резюме);
- корхона кирган соҳа ҳолатининг обзори;
- ишлаб чиқариш режаси (маҳсулот, хизматлар ва бошқалар);
- бозорнинг таҳлили ва маркетинг режаси;
- ташкилий режа;
- хатарни баҳолаш ва инвестицияларни суғурталаш;
- молиявий режа;
- молиялаштиришнинг стратегияси;
- лойиҳани амалга оширишини боришида амалга оширилган харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни;
- илова.

Молиявий режа бизнес – режанинг асосий бўлимларидан бири бўлади. Уни ишлаб чиқишга айниқса синчиклаб ёндашиш керак, чунки у сармоядорни қизиқтираётган асосий саволга: инвестиция қилинаётган сармояни қайтариш қачон ва қандай шаклларда амалга оширилади? – жавоб қайтаришга ёрдам беради.

Бизнес – режанинг кўриб чиқилаётган бўлими бир қатор ҳисоблашлар (қадамлар) натижасини акс эттиради. Масалан, пул оқимларининг календар режаси (инвестицион лойиҳани амалга оширилишини боришидаги пул маблағларини келиб тушиши ва сарфланишининг жадвали) корхонанинг ишлаб чиқариш сотиш, инвестицион ва молия фаолиятига тегишли бўлган ҳисоблашларнинг учта блокини ўз ичига олади. Ҳар бир блок бўйича ҳисоб – китоблар пул оқимларини оқиб келиши ва оқиб кетишини сальдосини белгилаш билан яқунланади, яъни:

- ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятининг сальдоси – соф фойда ва йиллар бўйича амортизацион ажратмаларнинг суммасидир;
- инвестицион фаолият сальдоси инвестицияларнинг тўлиқ ҳажмини инвестиция қилинган шахсий маблағлардан айириш билан ташкил қилинади (қайта инвестиция қилинган соф фойда ва амортизациядан ташқари);
- молиявий фаолият сальдоси қарз маблағлар суммаси (шу жумладан инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун чиқарилган акцияларни сотиш) ва қарзларни тўлаш, фоизларни тўлаш ва акциядорларга дивидендларни тўлаш учун зарур бўлган маблағлар ўртасидаги фарққа тенгдир.

Пул оқимлари умумий сальдосининг ижобий миқдори инвестицион лойиҳа муваффақиятининг шарти бўлади, уни корхонанинг ишлаб чиқариш – сотиш, инвестицион ва молиявий фаолияти яқуний сальдосини жамлаш билан топадилар. Демак, инвестицион лойиҳани амалга оширувчи корхона учун уни амалга оширишдан иқтисодий самара

ҳисобот даври учун умумий сальдонинг йиллик миқдорлари суммаси билан белгиланади.

Турли вақтлардаги тўловлар ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш давридаги тушумларни солиштирилишига уларни биринчи (базавий) йилга келтириш ҳисобиги, яъни дисконтлаштириш асосида эришилади. Пул оқимлари (тўловлар ва тушумлар)ни дисконтлаштириш ва уларнинг сальдосини белгилаш инвестицияларни амалга оширишнинг бўлғувси самарасини асосланганроқ баҳолаш (соф дискониллаштирилган даромад – СДД - шаклида) учун зарур.

Инвестицион лойиҳани молиялаштириш стратегияси бизнес – режанинг молиявий бўлимини баён қилинишини яқунлайди. Корхона инвестицион сиёсати доирасидаги ҳақиқий лойиҳаларни бир бирлари билан инвестиция қилиш жараёнида олинадиган энг катта умумий иқтисодий самарага эришиш мезонларидан келиб чиққан ҳолда ажратилган молиявий ресурсларнинг ҳажмлари ва амалга ошириш муддатлари бўйича мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилаётган шахсий маблағлар қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг бошида корхонанинг банклардаги счетларида бўлган бўш пул маблағлари;
- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида қайта инвестиция қилинадиган соф фойда ва амортизация шаклидаги даромаднинг бир қисми;
- корхонанинг уни ишлаб чиқаришини қайтадан ташкил қилишдаги ортиқча ва ишдан чиққан мулклар ва амортизация қилинмаган асосий воситаларни сотишдан пул маблағлари;
- корхона акцияларининг қўшимча эмиссияси (босиб чиқарилиши)дан олинган маблағлар.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари сифатида кредитлар ва қарзларни жалб қилиш варианты (жалб қилинаётган маблағларнинг ҳажми, кредитлар ва қарзлар бўйича фоизли ставка, фоизларни тўлаш ва улар бўйича асосий қарзни тўлашнинг боши ва охири)ни танлаш инвестиция қилиш мақсадида йўналтирилган шахсий маблағлардан энг катта иқтисодий самара олишни мўлжаллайди.

Лойиҳани амалга оширилишини боришида қилинган харажатларнинг натижавийлигини баҳолаш тижорат ва бюджет самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Лойиҳалар тижорат самарадорлигининг энг муҳим таърифи капитал харажатларнинг ўзини ўзи оқлаши муддати (даври)дан (йиллар ва ойларда), бюджет самарадорлигини эса – бюджетга тушумлар ҳажмининг бюджетдан ассигнованиялар ҳажмига нисбатидан иборат бўлади.

Инвестицион лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилган шахсий маблағларнинг ўзини ўзи оқлаши муддати маблағларни тақдим этишни бошланишидан шахсий маблағлар ҳажми амортизациянинг жамланган суммаси ва фойданинг қолдиғи (солиқларни тўлаш, кредитларни қоплаш, қарзлар бўйича фоизлар ва акциялар бўйича дивидендларни тўлашдан кейинги) тенглашадиган вақтгача даврга тенг.

Умуман инвестицион лойиҳанинг ўзини ўзи оқлаши муддати (молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига харажатлар) инновация қилишни бошланишидан капитал киритмалар ҳажми амортизация ажратмалар ва соф фойданинг суммаси ҳажмига тенглашадиган пайтга қадар даврга тенг.

Инвестицион дастур доирасида курилатган объектларни молиялаштиришнинг ҳар хил манбалари жалб қилинган ҳолда корхоналар лойиҳаларни амалга ошириш даври давомида тўловларни барча шериклар (иштирокчилар) учун муносиб тақсимланишини кўзда тутадилар. Қарз маблағлари жалб қилинган ҳолда энг кичик фоизли тўловлар ва уларни

тўлашнинг энг катта муддатлари таъминланади. Инвестицион лойиҳаларнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш корхона томонидан танланган ҳақиқий инвестициялар портфелини бошқариш стратегияси билан яқиндан боғланган.

Калитли сўзлар: инвестициялар портфели, капитал киритмалар, фойдани кўпайтириш, хатарларни камайтириш, инвестицион лойиҳалар, инвестиция киритиш қоидалари, чегаравий рентабеллик, сармоянинг ўртача ўлчанган қиймати, инвестицион лойиҳанинг бизнес режаси, молиявий ҳолат, ташкилий режа, молиявий режа, молиялаштиришнинг стратегияси, ишлаб чиқариш режаси, лойиҳанинг ўзини ўзи оқлаш муддати.

Қисқача хулосалар:

Корхонанинг инвестицион портфели унга кирувчи амалга ошириш учун кўриб чиқишга қабул қилинган ҳақиқий лойиҳалар ва дастурларнинг мажмуасидан иборатдир. Уни бошқаришнинг асосий мақсади корхонанинг инвестицион стратегиясини унинг ривожланишининг ҳар хил босқичларида самаралироқ амалга оширишдан иборатдир. Портфелини шакллантира туриб, сармоядор ўзи томонидан танланган инвестицион стратегия доирасида қуйидаги саволларга жавоб топиши керак.

Ҳақиқий инвестициялар портфелини бошқаришда капитал киритмаларнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

1. Уларни амалга ошириш катта моддий ва пул харажатлари билан боғлиқдир.
2. Капитал киритмалардан қайтарилишни келажакдаги бир қатор йил давомида олинади.
3. Капитал киритмаларнинг натижаларини башоратлашда албатта хатар ва ноаниқлик элементлари мавжуд.

4. Одатда капитал киритмалар сифатида қараладиган инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини оширишни кўзда тутди.

Назорат саволлари:

1. Корхона инвестицион портфелига таъриф беринг.
2. Ҳақиқий инвестициялар портфелини бошқаришда қандай масалалар ҳал қилинади?
3. Корхона инвестицион портфелини бошқаришда ҳал қилинадиган масалаларнинг ўзаро алоқаси нимадан иборат?
4. Инвестиция қилишнинг барча шаклларидаги муваффақиятнинг умумий шартларини айтиб беринг.
5. Инвестиция қилишнинг умумий қоидаларини айтиб беринг.
6. Ҳақиқий лойиҳалардаги инвестицияларни баҳолашда қандай омиллар ҳисобга олинади?
7. Нима ҳар қандай корхона сармояси нархини таърифлайди?
8. Умуман нима амалдаги корхона нархини кўрсатади?
9. Сармояларнинг ўртача ўлчанган қийматини ҳисоблаш методикасини беринг.
10. Лойиҳа бизнес – режасини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган асосий параметрларни айтиб беринг.
11. Лойиҳа бизнес режаси таркибига қандай бўлимлар киради?
12. Инвестицион лойиҳалар тижорат ва бюджет самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг 29 январидagi мамлакатнинг 2009 йилдаги социал – иқтисодий ривожланишининг якунлари ва 2010

йилдаги иқтисодий дастурининг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

2. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.

3.Вертакова Ю.В, Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика” М.: Высшее экономическое образование, 2008.

4. “Инновационный тип развития экономики” Учебник. / Под общес ред. А.Н. Фоломьева. М. РАГС, 2008.

5. Мухамедьяров А.М. “Инновационный менеджмент” – М.: Инфра – М, 2008

6. Новицкий Н.А. “Инновационная экономика России: Теоретико – методологические основы и стратегические приоритеты”. – М.: “Либроком”, 2008.

7. Давила Т., Шелтон Р., Эпштейн М. “Работающая инновация: Как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду” – М.: “Баланс-Бизнес, Букс”, 2007.

8. Фатхудинов Р.А. “Инновационный менеджмент: Классификация, структуры и отличительные черты инновационных организаций; Экономические законы, законы организации, научные подходы и принципы и др.”. Учебник для вузов. Изд. 5-е, испр., доп. “Питер”, 2007.

8 – Мавзу. ИТТИР ни ташкил қилиш в лойиҳалаштириш.

Режа:

1. ИТТИРнинг вазифалари, тамойиллари ва босқичлари
2. Инновацион ташкилотнинг патент-лицензияли фаолияти
3. Инновацион лойиҳалаштиришнинг асослари
4. Инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси.

1. ИТТИРнинг вазифалари, тамойиллари ва босқичлари

Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТИР)нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- табиат ва жамиятни ривожланиши соҳасида янги билимлар олиш, уларни қўллашнинг янги соҳалари:
- ишлаб чиқариш соҳасидаги материаллаштиришнинг ташкилот товарлари рақобатбардошлиги меъёрларининг стратегик маркетинги босқичида ишлаб чиқилган имкониятларини назарий ва тажрибавий текшириш;
- янгиликлар ва инновациялар портфелини амалда бажариш.

Санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги, ташкилотларнинг рақобатбардошлиги, аҳолининг турмуш даражасини оширишга имкон беради:

ИТТИРнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш рационал бошқарув қарорларини қабул қилишда менежментнинг аввалироқ кўриб чиқилган илмий ёндашишлари, тамойиллари, вазифалари, усулларини бажарилиши. Илмий менежментнинг қўлланиладиган таркибий қисмларининг миқдори бошқарув объектининг мураккаблиги, қиймати ва бошқа омиллар билан белгиланади.

2. Инновацион фаолиятни кишилик капитални ривожланишига қаратиш.

ИТТИР ишларнинг қуйидаги босқичларига бўлинадилар:

- фундаментал тадқиқотлар (назарий ва изланишли);
- амалий тадқиқотлар;
- тажриба – конструкторлик ишлари;
- тажриба, экспериментал ишлар, улар ўтган босқичлардан ҳар бирида бажарилишлари мумкин.

Назарий тадқиқотлар натижалари илмий кашфиётлар, янги тушунчалар ва тасаввурларни асосланиши, янги назарияларини яратилишида намоён бўладилар.

Изланишларга қуйидаги тадқиқотлар кирадики, уларни вазифаси буюмлар ва технологияларни яратишнинг янги тамойилларини, материаллар ва уларнинг бирикмаларининг янги, олдин номаълум бўлган хусусиятларини, менежмент усулларини очишдан иборатдир. Изланиш тадқиқотларида одатда мўлжалланган ишнинг мақсади, маълум, назарий асослар кўпроқ ёки камроқ равшан, аммо аниқ йўналишлар маълум эмас. Бундай тадқиқотларни боришида назарий тахминлар ва ғоялар тасдиқ топадилар, улар баъзида инкор этишлари ва қайта кўриб чиқилишлари мумкин.

Фундаментал фаннинг инновацион жараёнларни ривожланишидаги устувор аҳамияти шунинг билан белгиланадики, у ғояларнинг генератори сифатида бўлади, янги соҳаларга йўл очади. Аммо фундаментал тадқиқотларни жаҳон фанига ижобий кириш эҳтимоли фақат 5% ни ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида соҳавий фан бу тадқиқотлар билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмайди. Фундаментал тадқиқотлар, қоидага кўра, давлат бюджети ҳисобидан танлов асосида молиялаштирилишлари

керак, ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам қисман фойдаланишлари мумкин:¹²

Амалий тадқиқотлар олдин кашф қилинган ҳодисалар, жараёнларни амалда қўллаш йўлларини тадқиқот қилишга қаратилганлар. Улар техник муаммоларни ҳал қилиш, ноаниқ назарий масалаларни аниқлаб олиш, кейинчалик тажриба конструкторлик ишлари (ТКИ)да фойдаланиладиган аниқ илмий натижалар олишни ўзларига мақсад қилиб қўядилар.

ТКИ – ИТТКИнинг яқунловчи босқичи, бу лаборатория шароитлари ва тажрибали ишлаб чиқаришдан саноат ишлаб чиқаришига ўзига хос ўтишдир. Ишлаб чиқишлар остида мунтазам ишлаш тушунилади, улар ИТИ натижасида олинган мавжуд билимлар ва ёки амалий тажрибага асосланганлар.

Ишлаб чиқишлар янги материаллар, маҳсулотлар ёки қурилмаларни яратиш, янги жараёнлар, тизимлар ва хизматларни тадбиқ этиш ёки ишлаб чиқарилаётган ва амалга киритилганларни анча такомиллаштиришга қаратилганлар. Уларга қуйидагилар киради:

а) муҳандислик объекти ёки техник тизимнинг белгиланган конструкциясини ишлаб чиқиш (конструкторлик ишлари);

б) ғоялар ва янги объектив вариантларини, шу жумладан нотехникни, чизма ё белгили воситалар тизим даражасида ишлаб чиқиш (лойиҳа ишлари);

в) технологик жараёнларни, яъни физик, кимёвий, технологик ва бошқа жараёнларни белгиланган фойдали натижани ишлаб чиқарувчи меҳнатнинг яхлит тизими билан бирлаштирувчи усулларни ишлаб чиқиш (технологик ишлар).

Ишлаб чиқишлар таркибига статистика яна қуйидагиларни киритади:

¹² Акофф Р., Магидсон Д., Эддисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации», 2007.

- тажрибавий намуналар (яратилаётган янгиликларнинг принципиал хусусиятларига эга ноёб моделлар)ни яратиш;
- Уларни техник ва бошқа маълумотлар олиш учун зарур вақт давомида синовдан ўтказиш ва тажриба тўплаш, у кейинчалик янгиликларни қўллаш бўйича техник ҳужжатларда ўз аксини топиши керак;
- қурилиш учун лойиҳа ишларининг белгиланган турлари, улар олдинги тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланишни кўзда тутадилар.

Тажриба, экспериментал ишлар илмий тадқиқотлар натижаларини тажрибали текшириш билан боғлиқ ишлаб чиқишлар турларидир. Тажриба ишлари янги маҳсулотларнинг тажрибали намуналарини тайёрлаш ва ўрганиб олиш, янги (такомиллаштирилган) технологик жараёнларни ўрганиб олиш мақсадига эга. Экспериментал ишлар ИТТКИ ўтказиш учун зарур маҳсус (ностандарт) ускуналар, аппаратлар, асбоблар, қурилмалар, стендлар, матнларни тайёрлаш, таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишга қаратилганлар.

Фаннинг тажриба базаси – тажриба, экспериментал ишларни бажарувчи тажрибали ишлаб чиқаришлар (завод, цех, устахона, тажриба – экспериментал бўлинма, тажриба станцияси ва ҳ.к) мажмуасидир.

Шундай қилиб, ТКИ нинг мақсади янги техника намуналарини яратиш (модернизациялаш) дан иборат, улар тегишли синовлардан кейин серияли ишлаб чиқаришга ёки бевосита истеъмолчига топширишлари мумкин. ТКИ босқичида техник тадқиқотлар натижаларининг якуний текширилиши ўтказилади, тегишли техник ҳужжатлар ишлаб чиқилади, янги техниканинг намуналари тайёрланади ва синовдан ўтказилади. Исталган натижаларни олиш эҳтимоли ИТИ дан ТКИ сари ошиб боради.

Янги маҳсулотни саноат ишлаб чиқаришни ўзлаштирилиши ИТТКИ нинг якунловчи босқичи бўлади.

ИТТКИ натижаларини тадбиқ этишнинг қуйидаги даражалари (соҳалари) ни кўриб чиқиш керак:

1. ИТИ натижаларидан яқунланган ИТИ нинг ривожланиши бўлган ёки фан ва техниканинг бошқа муаммолари ва йўналишлари доирасида бажарилаётган бошқа илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқишларда фойдаланиш.
2. ИТТКИ натижаларидан экспериментал намуналар ва лаборатория жараёнларида фойдаланиш.
3. ТКИ ва экспериментал ишлар натижаларини тажрибали ишлаб чиқаришда ўзлаштириш.
4. ИТТКИ ва тажрибали намуналар синовлари натижаларини серияли ишлаб чиқаришда ўзлаштириш.
5. Техник янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг кўламда тарқатиш ва бозор (истеъмолчилар)ни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш.

ИТТКИ ини ташкил қилиш ҳужжатларнинг қуйидаги соҳалараро тизимларига асосланади:

- Давлат стандартлаштириш тизими (ДСТ);
- Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (КХЯТ);
- Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (ТХЯТ);
- Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИЧТТЯТ);
- Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қийин тизими;
- Давлат маҳсулотлар сифати тизими;
- Давлат “Техникадаги ишончлик” тизими;
- Стандартлар ва меҳнат хавфсизлиги тизими (СМХТ) ва бошқалар.

2.Иновацион ташкилотнинг патент лицензияли фаолияти.

Халқаро даражадаги ақлий мулкни ҳуқуқий тартибга солишни вужудга келишини Саноат мулкни муҳофаза қилиш, патентлар, товар номларидан фойдаланиш, шу жумладан улардан ноқонуний фойдаланилганлик учун жазолаш бўйича тadbирлар Париж конвенцияси (1883й) боғлайдилар. Ақлий мулкка ҳуқуқ III иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактда беғлилаб берилган. Бизнинг давлатимиз кашфиётга мамлакат устуворлигини ҳимояланишини таъминлаш мақсадида Париж конвенциясига кўшилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қонунчилик бу соҳадаги кўпгина халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва йўналишини акс эттиради. Кашфиётларни хорижий патентлантиришда марказий ўринни конвенцион устуворликни тақдим этиш ҳақидаги масала эгаллайди. Гап конвенция иштирокчиси бўлган мамлакатлардан бири томонидан патентлаштиришга дастлабки ариза берган санани эътиборга олиш ҳақида кетаяпти, у ушбу дастлабки аризани берган кундан бир йилдан кўп бўлмаган чегарада белгиланади. Бундан кашфиётнинг янгилиги ушбу мамлакатда ариза берилган кундан эмас, балки дастлабки ариза кундан бошлаб белгиланади. Бу имтиёзли (бир йил) кашфиётдан фойдаланишининг тижорат имкониятини белгилаш (масалан, лицензияларни сотиш), хорижда аризаларни расмийлаштириш учун зарур материалларни синчиклаб тайёрлаш, кашфиётнинг рекламасини амалга ошириш имкониятини беради. Конвенция кашфиётларга, агар улар халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда намоиш қилинсалар, вақтинчалик (бир йил давомидаги) ҳимояни беради.

Кашфиётга ҳуқуқларни расмийлаштириш муаллифлик гувоҳномаси ёки патент олиш йўли билан амалга оширилади. муаллифлик гувоҳномаси кашфиёт томонидан таклифни тан олиншини, кашфиётнинг устуворлигини ва шахснинг у томонидан кашфиётга олинган муаллифликни тасдиқлайди. У ҳудудий ҳаракатга эга, яъни у томонидан тасдиқланган кашфиётдан бошқа

давлатларда агар у ерда патентланмаган бўлса, тўсиқсиз ва текинга фойдаланиш мумкин эмас.

Патент – бу муаллифликнинг тасдиқловчи ва унинг эгасига кашфиётга фавқулодда ҳуқуқ берувчи ҳужжатдир. Бунинг остида ҳеч кимни кашфиётдан патентнинг эгасисиз фойдаланиши мумкин эмаслиги кўзда тутилади. Моҳияти бўйича, патент – бу саноатнинг намунаси ёки товар белгисини рўйхатга олиниши билан мустаҳкамланган кашфиётга мулк эгасининг унвонидир. Бу ҳолда кашфиётдан фойдаланишга розилик қисман фойдаланишга лицензияни топшириш (сотиш) ёки патент ҳуқуқларини тўлиқ топшириш йўли билан акс эттирилади.

Патентли ҳимоялашнинг барча масалалари патент маҳкамаси томонидан тартибга солинади. У саноат мулки объектларини ҳимоялаш соҳасидаги ягона сиёсатни амалга оширади, кашфиётлар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига буюртмаларни кўриб чиқишга қабул қилади, давлат томонидан рўйхатга олишни амалга оширади, патентлар беради, расмий маълумотларни нашр қилади, патент қоидаларини босиб чиқаради ва ҳ.к.

Патент қонуни патентларни амалда бўлим муддатларини белгилайди, улар давлат томонидан рўйхатга олишга тақдим этилаётган саноат мулкининг турига боғлиқ.

Кашфиётга патент ариза келиб тушган санадан бошлаб 20 йил давомида амалда бўлади фойдали моделга гувоҳнома 5 йил давомида давомида амалда бўлади. Патент эгасининг илтимосига кўра у 3 йилгача узайтирилиши мумкин. Саноат намунасига патент 10 йил давомида амалда бўлади ва яна 5 йилгача узайтирилиши мумкин.

Патент қонуни саноат мулки объектларининг патент қобилияти мезонлари мажмуасини белгилаб беради. Улар остида уни яратувчиси томонидан ҳимоялаш патентини олиш учун ушбу объект қаноатлантириши керак бўлган шартлар тушунилади.

Фойдали моделларга, агар улар янги ва халқ хўжалиги соҳаларида саноатли қўлланиладиган бўлсалар, ҳуқуқий ҳимоя тақдим этилади.

Саноат намунаси остида маҳсулотнинг ташқи кўринишини белгилаб берувчи унинг бадий – конструктив ечими тушунилади, агар у янги, ноёб ва халқ хўжалиги соҳаларида саноатли қўлланиладиган бўлса, ҳуқуқий ҳимоя берилади.

Патент қонунида патент қобилияти деб ҳисобланмайдиган ақлий мулк учун объектларининг рўйхати берилади.

Масалан, қуйидагилар кашфиётлар ва фойдали моделлар сифатида ҳимояланмайдилар:

- илмий назариялар ва математик усуллар;
- хўжаликни ташкил қилиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш усуллари;
- ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлари ва дастурлар;
- иншоатлар, бинолар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизмалари;
- буюмларнинг фақат ташқи кўринишига тегишли бўлган, эстетик эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган қарорлар;
- интегралли микросхемаларнинг технологиялари;
- жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид бўлган қарорлар;
- фақат буюмнинг тактик вазифаси билан асосланган қарорлар;
- архитектура объектлари (кичик архитектурик шакллардан ташқари), саноат, гидротехник ва бошқа кўчмас иншоатлар;
- босма маҳсулотлар;
- суюқ газсимон, соғилувчи ёки шунга ўхшиш моддаларидан барқарор бўлмаган шаклли объектлари.

Патентни расмийлаштириш тартиби Патент қонуни томонидан тартибга солинади.

Лицензиялаштириш технологиялар билан савдонинг, ўз ичига патентлар, лицензиялар, ноу-хаулар билан битимларни олувчи, асосий шакллариининг биридан иборатдир.

Лицензия алоҳида шахслар ёки ташкилотларга патент билан ҳимояланган кашфиёт, техник вазифалар, ишлаб чиқаришнинг технологик ва конструкторлик сирлари, товар белгиси ва ҳ.к.дан фойдаланишга рухсатдан иборатдир. Лицензияни бериш тижорат операцияси бўлиб, патент эгаси (лицензар) ўзининг контрагенти (лицензиати)га патентлар, ноу-хау, товар белгилари ва ҳ.к.га ўз ҳуқуқларининг белгиланган доирасида фойдаланишга лицензия беради.

Лицензиялаштириш манфаатдор томонлар томонидан лицензион битим – шартномани қабул қилиш йўли билан амалга оширилади, унга мувофиқ кашфиёт, технологик билимлар, тажриба ва ишлаб чиқариш сирларининг эгаси ўзининг контрагентига ақлий мулкдан фойдаланишга лицензия беради. Битида лицензиядан фойдаланишнинг ишлаб чиқариш соҳалари ва ҳудудий чегаралари белгиланади.

Лицензион битим бир неча патентлар ва улар билан боғлиқ ноу-хауларни мажмуавий топширишни кўзда тутиш мумкин. Бу ҳолда лицензион битим, қоидага кўра, лицензар томонидан тегишли инжиниринг (муҳандислик-маслаҳат) хизматларини, шу жумладан лойиҳалаштириш, лицензион ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ноу-хау, ишга тушуриш-созлаш ишлар, ходимларни тайёрлаш ва ҳ.к. кўрсатишни кўзда туттади.

Лицензион битимлар муस्ताқилларга, улар технология ва технолгик битимлар бўлғувси фойдаланишга уларнинг жойи ва шароитларидан қатъий назар топширилишини кўзда туттади ва бирга бўлувчиларга бўлинади, бунда лицензияни топшириш билан бир вақтда қурилиш, ускуналарнинг бутловчи

қисмларини етказиб бериш ёки инженеринг хизматлари кўрсатишга шартнома тузилади.

Сотувчи (лицензиор)га харидор (лицезиат)га лицензион битим предметида фойдаланиш ҳуқуқини бергани учун мукофотлаш лицензион тўловлар воситасида амалга оширилади, улар битим амалда бўлиш даври давомида харидор даромадидан даврий ажратмалар ёки эксперт баҳолари аосида олдиндан белгиланган бир вақтдаги тўловлар кўринишида бўлишлари мумкин.

Даврий ажратмалар (роялтлар) оборот, лицензион маҳсулотни соф сотишлар қийматидан фоиз тўлаш каби белгиланиши мумкин ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига ҳисоблаш билан белгиланади. Бир вақтдаги тўлов лицензиардан ҳужжатларни топширилишини кўзда тутувчи **реушал** (бутунлай олинадиган) тўлов шаклида бўлиши мумкин. Лицензион мукофотлашнинг келтирилган шаклларининг ҳар хил бирикмалари бўлишлари мумкин.

Янги техник ечимлар, кашфиётлар ва товарлар одатда патентлаштириладилар, бу патент эгасига улардан фойдаланишга фавқулодда ҳуқуқни беради. Лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқлари характери ва ҳажми бўйича қуйидаги турларга бўлинадилар:

- патентли (патентдан тезисли ноу-хаусиз фойдаланиш ҳуқуқи берилади);
- бепул (ноу-хаудан фаолиятнинг ҳар хил соҳаларида фойдаланиш ҳуқуқи берилади);
- оддий (патентдан фойдаланиш ҳуқуқига лизензиат ва лицензиор эга бўлади);
- фавқулодда (лицензиат томонидан патентда яқка ҳукмрон ҳолда фойдаланиш);
- тўлиқ (патентдан бир киши бўлган лицензиат шартнома томонидан келишилган муддат давомида фойдаланилади).

Ақлий мулкка эгалик қилиш ва бошқариш тартиби Патент қонуни, махсус “электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоялаш ҳақидаги”, “интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий ҳимоялаш ҳақидаги” қонунлар томонидан тартибга солинади.

3.Инновацион лойиҳалаштиришнинг асослари

Иқтисодиётга лойиҳаларни бошқаришнинг нисбатан янги концепцияси (Project Management) жадал равишда кириб келмоқда. Бу концепциянинг асосини лойиҳасига ҳар қандай тизимнинг вақт ва маблағлар сарфланиши билан боғлиқ дастлабки ҳолатини ўлчашга қараш ташкил қилади. Олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича бюджет ва вақтли чегаралашлар доирасида амалга оширилган бу ўзгаришлар жараёни эса – лойиҳаларни бошқаришдир. Ҳозирги вақтга келиб лойиҳаларни бошқариш барча саноати ривожланган ва янги саноатли мамлакатларда инвестицион фаолият методологияси томонидан тан олинган. Мамлакатимиз амалиётида бу концепция дастурий – мақсадий дастурлар (ДМД)ни қўлланилишида ўз аксини топган.

“Инновацион лойиҳа” тушунчаси қуйидагича кўриб чиқилиши мумкин:

- инновацион фаолиятни мақсадли бошқариш шакли;
- инновацияларни амалга ошириш жараёни;
- ҳужжатлар мажмуаси.

Инновацион лойиҳа инновацион фаолиятни мақсадли бошқаришни шакли сифатида фан ва техникани устувор йўналтирилган ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари (вазифалари)га эришишга қаратилган тадбирларнинг ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро асосланган ва ўзаро боғланган мураккаб тизимидан иборатдир.

Инновацияларни амалга ошириш жараёни сифатида – бу инновацияларга олиб келувчи илмий, технологик, ишлаб чиқариш,

ташкилий, молиявий ва тижорат тадбирларини белгиланган изчилликда бажариладиган мажмуасидир.

Шунинг билан бир вақтда инновацион лойиҳа – бу лойиҳа мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник, ташкилий, режавий ва ҳисоблаш – молиявий ҳужжатларнинг йиғиндисидир.

Бу учта нуқта назарларни ҳисобга олиш билан, қуйидаги таърифни бериш мумкин: инновацион лойиҳа – бу масофа ва вақтда муаммоларни ҳал қилиш, инновацион жараёнларни ташкил қилиш бўйича илмий асосланган мақсадлар ва тадбирларни белгилаб берувчи ҳужжатларининг йиғиндисидир. Мақсадлар ва тадбирларни илмий асосланишига менежментга илмий ёндашишларга риоя қилиш, замонавий усулларни қўллаш йўли билан эришилади.

Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик лойиҳа раҳбари (лойиҳа менежери) ва илмий техник кенгаши (ИТК) томонидан амалга оширилади. ИТК таркибига илмий – техник ечимларни танлаш, улар амалга ошириш даражаси, лойиҳавий мақсадларга эришиш учун зарур тадбирларнинг тўлиқлиги ва бутлиги учун жавобгарликка эга, ижрочиларни танлов асосида танлаш ва олинган натижаларнинг экспертизасини ташкил қилувчи лойиҳанинг тематик йўналишлари бўйича етакчи мутахассислар кирадилар.

Лойиҳа раҳбари – юридик шахслар, унга буюрмачи лойиҳа: режалаштириш, лойиҳа иштирокчилари ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш ваколатларини топширади. Лойиҳа раҳбари ваколатларининг аниқ таркиби буюртмачи билан шартнома томонидан белгиланади. Лойиҳа жамоаси – лойиҳа раҳбари томонидан бошқариладиган ва лойиҳани амалга ошириш даврида режавий кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш мақсадида ташкил қилинадиган ўзига хос ташкилий тузилмадир. Лойиҳа жамоасининг таркиби ва вазифалари лойиҳанинг кўламлари мураккаблиги ва бошқа таърифларига боғлиқдир. Ўз

вазифаларининг бир қисмини бажариш учун ишлаб чиқувчи ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилиши мумкин. Лойиҳани қўллаб қувватловчиларга инновацион марказлар, дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб қувватловчи фондлар, консалтинг фирмалари, мустақил экспертиза ташкилотлари, патент-лицензия фирмалари, аудиторлик фирмалари, кўргазма марказлари ва ҳ.к кирадилар.

Инновацион лойиҳаларни таснифлаш инновацияларни таснифлашлар асосида амалга оширилади. Масалан, тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш даражаси бўйича инновацион лойиҳалар, давлатлараро, давлат, минтақавий, соҳавий, алоҳида корхонаникига бўлинишлари мумкин.

Лойиҳаларни шакллантириш ва асослаш тамойиллари, мақсадлари, босқичлари ва усуллари, уларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш механизми биз томонимиздан олдин кўриб чиққан мавзулардан катта фарқ қилиши мумкин эмас. Олдинги 9 мавзу биз томонимиздан инновацион лойиҳаларни илмий асослаш, уларни материаллаштириш ва самара олиш учун кўриб чиқилган эди. Якуний масалаларга дарсликнинг 10-13 мавзулари бағишланган.

Такрорлаймизки, инновацион лойиҳани туркумлаштиришнинг чуқурлиги, лойиҳалаштиришда ҳисобга олинган илмий ёндашишлар ва тамойиллар, қўлланиладиган менежмент усуллари миқдори лойиҳанинг бош менежери (лойиҳа менежери) ва ИТК аъзолари томонидан муаммонинг мураккаблиги, лойиҳанинг қиймати ва инновацион ташкилот ташқи ва ички омиллари ҳолатига мувофиқ белгиланади.

Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан якунланади. “Лойиҳа ҳужжатлари” нинг ягона таркиби ҳали белгиланмаган ва ҳар бир аниқ ҳолда унинг таркиби дастлабки (техник иқтисодий) вазифада белгиланади. Ҳар қандай даражадаги инновацион лойиҳа қуйидаги бўлинмаларни ўз ичига олиши керак:

- муаммо (ғоя)нинг мазмуни ва долзарблиги;

- лойиҳа раҳбарининг резюмеси;
- маркетинг тадқиқотлари ва муаммони туркумлаштириш асосида қурилган лойиҳа мақсадлари дарахти;
- лойиҳа мақсадлари дарахтини амалга ошириш бўйича тадбирлар тизими;
- лойиҳани мажмуавий асосланиши;
- лойиҳани амалга оширилишини мажмуавий таъминланиши;
- ИТК нинг таърифи;
- лойиҳанинг эксперт хулосаси;
- лойиҳани амалга ошириш механизми ва ундовчи сабаблар тизими.

Лойиҳани амалга ошириш механизми ўз ичига инновацион ташкилотнинг тузилиши, унинг бўлинмалари ва лавозимли кўрсатмалари ҳақидаги қоидалар, оператив – календар режалар ва тармоқли моделлар (жадваллар), лойиҳани бошқариш дастурлари, лойиҳанинг вазифалари, масалалари ва мақсадларини бажарилишини мажмуавий таъминлаш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш режаларини олади.

Лойиҳани топширилиши ва шартномани ёпилишини ўз ичига олувчи лойиҳани яқунлаш тартибини белгилаш, инновацион лойиҳалаш масалаларидан бири бўлади.

Инновацион лойиҳа бўлим – лойиҳа концепцияларини ишлаб чиқишда буюртмачи томонидан қабул қилинган қарорларнинг уни амалга оширишда олинган натижаларга мос келишини белгилаш демакдир. Ишни топшириш ва қабул қилишга нисбатан барча талаблар шартнома томонидан белгиланади. Агар тайёр объект лойиҳани амалга оширишнинг натижаси қабул қилиш ва фойдаланиш синовларини ўтказиш керак. Улар қуйидагиларни ўз ичларига оладилар: ишлаб чиқишнинг техник – иқтисодий параметрларини режалаштирилган кўрсаткич билан солештирилишини ўтказиш; фарк

қилишлар сабабларини аниқлаш, топилган фарқ қилишларни бартараф қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва чалаларни бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

Агар қабул қилиш синовлари натижасида лойиҳа талабларига жавоб берадиган маҳсулот олинса, унда комиссиянинг тайёр объектларни қабул қилиш бўйича баённомаси расмийлаштирилади. Синовлар натижаси тайёр маҳсулот (объект янгилик ва ҳ.к)ни топшириш – қабул қилиш даврида жавобгарликни ишлаб чиқувчи ташкилотлардан буюрмачига топшириш учун асос бўладилар.

Шартномани ёпиш қуйидаги босқичларда ўтказилади:

- молиявий ҳисоботни текшириш;
- расфортлаштириш;
- бажарилмаган мажбуриятларни аниқлаш;
- бажарилмаган мажбуриятларни якунлаш.

Молиявий ҳисоботларни текширишга буюртмачи ва ижрочи ташкилотлар ҳисоботига киради. Буюртмачининг молиявий ҳисоботини текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади: якунланган ишларнинг бутун ҳажмига счёт – фактурадан кўчирмаларни текшириш; олинган тўловларни тақдим этилган счёт – фактуралар билан мувофиқлаштириш; ўзгаришлар бўйича хужжатларнинг мавжудлигини текшириш; буюртмачи томонида амалга оширилган ушлаб қолинган суммани назорат қилишни.

Ижрочи молиявий ҳисоботини текшириш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- етказиб берувчилар ва биргаликдаги ижрочиларнинг тўловларини текшириш;
- буюртмалар суммасини етказиб берувчиларнинг юк хатлари бўйича харидларга мос келиши;
- етказиб берувчига муддати ўтган тўловларни қидириб топиш;

- тегишли ушлаб қолишларни тасдиқлаш.

Бундан текширишларнинг натижалари лойиҳа бўйича якуний молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун маълумотлар олишга имкон беради. Ушбу босқичда ижрочилар билан якуний ҳисоб китоблар амалга оширилади.

Паспортлаштириш шартномани ёпишни ташкил қилишнинг муҳим элементларидан бирдан иборатдир. У қуйидаги изчилликда ўтказилади:

- бўлимларнинг ижрочилари керакли иловаларга ҳисоботларни бош ташкилотга бўлим бўйича тақдим этадилар;
- кейинги якуний ҳисоботни ИТКга бўлим бўйича тақдим этади;
- ИТК бўлим бўйича ҳисоботларни қабул қилади ва далолатномаларни расмийлаштиради;
- бош ташкилот умуман лойиҳа бўйича ҳисобот тайёрлайди ва уни Бош буюрмачига юборади. Шартнома ёпилади.

4.Инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш.

Инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси – қуйидагиларни мажмуавий текшириш ва назорат қилиш тадбирларидир:

а) лойиҳа таркибига ва инновацион менежмент таркибига кирувчи меъёрий – услубий, лойиҳа – конструкторлик ва бошқа ҳужжатлар тизимининг сифати; б) лойиҳа раҳбари ва унинг жамоасининг касбий маҳорати; в) инновацион ташкилотнинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти, рақобатбардошлиги; г) бажарилган ҳисоб – китобларнинг ишончлиги, хатарнинг даражаси ва лойиҳанинг самарадорлиги; д) лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмининг сифатлари, қўйилган мақсадларга эришиш имкониятларини.

Қўйилган вазифалар давраси бўйича инновацион лойиҳалар экспертизасини сертификациялаш билан таққослаш мумкин. Йирик экологик, ахборот, инсонпарварлик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган, халқаро ёки миллий аҳамиятга эга қимматбаҳо инновацион лойиҳалар бўйича экспертиза эмас, балки сертификациялашни ўтказиш тўғри деб ҳисоблаймиз.

Экспертизада текшириладиганларнинг ҳажми ва гуруҳлиги бош буюртмачи томонидан инновацион лойиҳанинг тури ва хусусиятларига кўра белгиланади.¹³

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилот (ИҚТТ)нинг тавсияларига мувофиқ инновацион лойиҳаларнинг экспертизасини қуйидаги тамойиллар асосида ўтказиш керак:

1. Экспертиза натижалари, мутахассисларни танлаш бўйича мунозарали вазиятларда ҳакамлик ролини бажарувчи, уни ўтказувчи тадқиқотларнинг мустақил гуруҳини мавжудлиги;
2. Тадқиқотлар соҳасидаги фаолиятда кўшимча қийматини ҳисоблашда янгилик киритишлар ишлаб чиқаришнинг сифатида кўриб чиқилади;
3. Назарда тутилаётган самарадорликни белгилаш имконият ва назорат қилиш учун вақтга эга бўлиш учун ўрта муддатли истиқболда харажатларни олдиндан башоратлаш ва режалаштиришни ўтказиш;
4. Назорат қилиш усуллари давлат даражасидаги илмий-техник сиёсатга раҳбарлик қилишни ривожлантириш истиқболлари билан боғланган бўлиши керак.

Лойиҳаларни экспертиза қилишда тадқиқотлар ва ишламалар натижаларини социал, иқтисодий ва экологик муҳитга бўлажак таъсирини ҳисобга олиш зарур. Экспертиза нафақат лойиҳаларни миқдорий, балки сифатий баҳолашга ҳам эга. Қарорлар қабул қилишга эксперт гуруҳининг ҳар бир аъзоси томонидан берилган баҳолар ҳисобга олинади. Экспертлар ишлаб чиқарилаётган лойиҳага тегишли бўлган ҳар қандай ахборотларни талаб

¹³ Акофф Р., Магидсон Д., Эддисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации», 2007.

қилишлари мумкин. Ҳар қандай эксперт гуруҳига экспертиза буюртмачисининг юқори малакали вакили киритилиши мумкин.

ИХТТ томонидан тавсия қилинган инновацион лойиҳалар экспертизасининг санаб ўтилган тамойилларини қуйидагилар билан тўлдириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Эксперт гуруҳи ушбу соҳада шартнома асосида ишловчи еттитадан кам бўлмаган мутахассислардан ташкил топиши керак;
2. Эксперт гуруҳининг иши мустақиллик, объективлик, касб маҳорати, бутлик, тизимлилик, ишнинг якуний натижаларидан манфаатдорлик тамойилларида ташкил қилиниши керак;
3. Эксперт гуруҳининг асосий вазифаси объектни лойиҳалаштирилаётганда инновацион ташкилот томонидан инновацион менежментнинг илмий ёндашишлари, тамойиллари ва усулларига риоя қилинишини текширишдан иборат бўлиши керак.

Инновацион менежмент ва ҳар қандай тузилмона фаолият юритиши бўйича меъёрий – услубий ҳужжатларнинг юқори сифатини таъминлаш инновацион лойиҳанинг юқори сифатига, эксперт гуруҳи ишининг ташкилийлиги ва натижавийлигига эришишнинг муҳим шарти бўлади.

Ҳужжатларни қуйидаги асосий аъломатлар бўйича таснифлаш мумкин:

а) меъёрий – услубий таъминлаш иерархиясининг даражаси халқаро ҳамжамият, мамлакат, минтақа, шаҳар, қишлоқ, фирмадир.

б) ҳужжатнинг ҳуқуқий статуси – ижро қилиниши мажбурийлар (қонунлар, стандартлар, фармонлар, қарорлар, қоидалар, дастурлар, режалар, расмий буйруқлар) ва тавсиявийлар (қўлланмалар, услубиётлар, йқрикномалар ва ҳ.к.);

в) ҳужжатнинг мазмуни – техник (инвестицион лойиҳалар, конструкторлик – технологик ҳужжатлар, услубиётлар ва ҳ.к), иқтисодий (техник-иқтисодий асослаш, молиявий, бухгалтерия, солиқ ҳужжатлари,

бизнес-режалар ва ҳ.к), ташкилий (ташкилий лойиҳалар, ташкилий тузилма устави, баённомалар, йўриқномалар ва ҳ.к).

Фирма ҳужжатларининг мажбурий атрибутлари (аломатлари) – ҳужжатнинг мақсади, ишлаб чиқиш учун асос, ушбу мақсад (вазифа, хизмат менежмент тизимининг тизимчалари)нинг ўрни, мақсад (вазифани ҳал қилишда роя қилиниши зарур бўлган илмий ёндашишлар ва тамойилларга ишоралар) ахборотнинг истеъмолчилари, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидалари, ижрочиларнинг эҳтимол бўлган доираси, ишнинг сифати, ресурсларни тежаш, муддатларга нисбатан талаблар, жазолар, ахборот манбалари. Услубий ҳужжатларда бу маълумотлардан ташқари аниқ услублар берилиши керак.

Ҳужжатларни сифатнинг қуйидаги мезонлари бўйича баҳолаш таклиф қилинади:

1. Ҳужжатнинг мажмуавийлиги, яъни унда техник, экологик, эргономик, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа масалалар уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳужжатни мақсадга қаратилганида кўриб чиқиш;
2. Ҳужжат (объект) ни экологик, хавфсизлик, ўзаро алмаштира олиниши, патентли софлиги, ҳуқуқий ҳимояси ва бошқа масалалар бўйича халқаро талабларга мос келиши даражаси;
3. Жаҳон ютуқларидан фойдаланилганлик даражаси ва ҳужжатни жаҳон стандартлари билан уйғунлашуви интеграциялашиши;
4. Ҳужжатни ишлаб чиқишда қўлланилган илмий ёндашишлар (тизимли, маркетингли, қайта ишлаб чиқарувчи, вазифавийлар)нинг сони;
5. Ҳужжатни ишлаб чиқишда қўлланилган замонавий усуллар (вазифавий – қийматий таҳлил, моделлаштириш, башоратлаш, мувофиқлаштириш ва бошқалар)нинг сони. Агар бу усулларни

объектини ишлаб чиқишда қўллаш тавсия этилса, унда бу талаб хужжатда аниқ қайд этилиши керак;

6. Бошқарув қарорларининг иқтисодий асосланганлиги;
7. Хужжатни такрорланиши, унинг истиқболлиги, қўллаш кўлами;
8. Хужжатни илмий доиралар, бошқарувнинг давлат ва минтақавий идоралари ва амалиётда маъқулланганлиги;
9. Хужжатни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг обрўси ва уни ишлаб чиқарувчиларнинг малакаси;
10. Хужжатни мувофиқлаштирган ва тасдиқлаган идоралар;
11. Хужжатни расмийлаштиришда стандартларга риоя қилинишининг даражаси, тушунчаларнинг бир маънолиги, баён қилишни аниқлиги, ишончлилиги, кўрғазмалилик.

Сифатнинг санаб ўтилган мезонлари (талаблари)га жавоб берувчи хужжатлар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўладилар. Хужжатнинг сифати товарлар, фирмалар, мамлакатларнинг рақобатбардошлиги таъминлашнинг асосий шarti бўлади.

Инновацион лойиҳаларнинг экспертизасини ўтказиш методикаси бошқарув қарорларини таҳлил қилиш, башоратлаш, ишлаб чиқишнинг усуллари ва йўлларига асосланади. Қуйидагилар экспертизанинг энг кенг тарқалган усуллари бўладилар.

- инновацион лойиҳага киритилган ва эксперт (сертификацион) синовлар натижасида олинган кўрсаткичларни объектни қўллашнинг экологиклиги, эргономиклиги, хавфсизлиги бўйича халқаро ва миллий талаблар, унинг бирга бўла олишлиги, ўзаро алмаша олишлигининг экспертизаси, ушбу соҳадаги жаҳон ютуқларининг бошқа параметрлари билан солиштириш усуллари;
- экспертли;
- индексли
- балансли

- график (жадвалли) ва бошқа усуллар ва йўллар.

Бу усуллар муқобил эмаслар, улар бир бирларини тўлдирадilar.

Битта таркибий қисм (бўлим, муаммо) учун битта усул қўлланилади, бошқаси учун бошқа. Ҳар қандай усулни қўллашда инновацион менежментнинг илмий ёндашишлари ва усулларини қўлламадан бўлмайди. Қуйида С.Д. Ильенкова раҳбарлиги остидаги жамоа томонидан ёзилган “Инновацион менежмент” дарслигида баён қилинган лойиҳаларни экспертиза қилиш методикаси баён қилинади.

Федерал илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун давлат буюртмачилари томонидан танлов асосида олинган дастурлар ижрочилари билан давлат шартномалари тузилади.

Эксперт баҳоси эксперт анкетаси саволларига жавоблар кўринишида шакллантирилади ва эксперт якуний хулосасининг қуйидаги вариантларини кўзда тутди:

5– лойиҳа шубҳасиз қўллаб қувватлашга лойиқ;

4 - лойиҳа қўллаб - қувватлашга лойиқ;

3 – қўллаб – қувватланиши мумкин;

2 – лойиҳа қўллаб - қувватлашга лойиқ эмас;

1- лойиҳа эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқишга лойиқ эмас.

Эксперт баҳосида объектив экспертизани қийинлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади. Бу “манфаатларнинг жанжали” билан боғлиқ бўлиши мумкин: Экспертнинг илмий манфаатлари ва лойиҳа мазмуни мос келмайди; эксперт лойиҳасининг раҳбари ва ижрочилари билан, илмий раҳбарият лойиҳа раҳбари ёки ижрочилари билан илмий раҳбарият раҳбар (лойиҳа асосий ижрочиларидан бири билан шериклик, молиявий), қариндошлик муносабатида турган ёки туради.

Эксперт баҳоси лойиҳанинг илмий мазмуни ва муаллиф (ёки муаллифлар жамоаси) илмий салоҳиятининг таҳлил асосида берилди. Лойиҳа илмий мазмунининг таҳлилида қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Лойиҳа ғоясини баён қилинишининг аниқлиги (аниқ, ноаниқ);
2. Тадқиқот мақсадлари ва усулларининг аниқлиги (аниқ, ноаниқ);
3. Лойиҳанинг сифат таърифлари (лойиҳа қуйидагиларга эга: фундаментал характер; фанлараро ёки тизимли характер; амалий характер);
4. Илмий бошланиш (қуйидагилар мавжуд: лойиҳада шаклланган муаммони ҳал қилишда катта илмий ва методологик бошланиш; берилган мавзу бўйича нашрлар; муаммони ҳал қилишнинг илмий – услубий ишлаб чиқилиши йўқ);
5. Муоммалани қўйилишининг янгилиги (тадқиқот муаммоси муаллиф томонидан биринчи марта шакллантирилган ва илмий асосланган; муаллиф томонидан муаммони ҳал қилишга ноёб ёндашишлар таклиф қилинган; лойиҳада шакллантирилган тадқиқот муаммоси фанга маълум ва муаллиф томонидан муаммони ҳал қилишга ноёб ёндашишлар таклиф қилинмаган).

Муаллифлар жамоасининг илмий салоҳияти лойиҳа илмий мазмунининг таҳлилни ҳисобга олиш билан баҳоланади (муаллифлар/иштирокчилар эълон қилинган ишни бажаришга қодир; эксперт ишни бажариш имкониятига шубҳа қилади).

Шундай қилиб эксперт нафақат лойиҳанинг баёнини бериши, балки қуйидагиларни баҳолаши ҳам керак: унинг билимларнинг ушбу соҳаси учун долзарблиги; лойиҳа тадқиқотларнинг устувор йўналишларига кирадими ёки йўқлигини; қўйилган муаммонинг янгилигини; лойиҳани ривожланишининг истикболлари; иштирокчиларнинг сифатли таркибини, ҳамда юқорида келтирилган тизим бўйича лойиҳа баҳосини асосланишини.

Экспериментал лаборатория тадқиқотлари учун экспертиза қуйидаги саволларга жавобни кўзда тутди:

- Тадқиқотлар дастури тайёрланганми?
- Сўров учун анкеталар тайёрланганми?

- Пилотажли тадқиқот ўтказилганми?

Экспертиза бир неча лойиҳаларнинг қиёсий таҳлили асосида ўтказилади. Экспертизанинг учта босқичи кўзда тутилади.

- Биринчи босқич – лойиҳани дастлабки кўриб чиқилиши ва куйидаги вазифаларни ҳал қилиниши:
- Иккинчи босқич экспертизада иштирок этиш учун лойиҳаларни танлаш;
- Рад этилган лойиҳалар бўйича асосланган хулосаларни тузиш;
- Экспертизанинг якка даражасида ўтган ҳар бир лойиҳа бўйича экспертларни белгилаш.

Экспертиза натижаларини шакллантириш рейтинг асосида амалга оширилади. Якка тартибдаги лойиҳанинг рейтинги иккинчи босқичда белгиланади.

Учинчи босқичда лойиҳа бўйича хулосалар берилади (лойиҳанинг умумий рейтингига тузатишлар киритилиши мумкин, молиялаштириш ҳақида қарорлар қабул қилинади).

Калитли сўзлар: фундаментал тадқиқотлар амалий тадқиқотлар, тажриба – конструкторлик ишлари, экспериментал ишлар, ИТТКИни ташкил қилиш, патент, фойдали моделлар, саноат намуналари, лицензиялаштириш, лицензия роялтилар, инновацион лойиҳа, инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси.

Қисқача хулосалар:

Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)нинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- Табиатни ва жамиятни ривожланиши соҳасида янги билимларни олиш, уларни қўллашнинг янги соҳалари; Ишлаб чиқариш соҳасида стратегик маркетинг босқичида ишлаб чиқилган ташкилот товарлари рақобатбардошлигининг меъёрларини

материаллаштириш имкониятларини назарий ва экспериментал текшириш;

- Янгиликлар ва инновациялар портфелини амалда амалга ошириш.

Патент – бу муаллифликни тасдиқловчи ва унинг эгасига кашфиётга фавқулодда ҳуқуқни берувчи ҳужжатдир.

Лицензиялаштириш технологиялар билан савдонинг ўз ичига патент, лицензия, ноу-хау ва х.к билан битимларни олувчи асосий шакллари билан бирдир.

Лицензия – айрим шахслар ёки ташкилотларга патент билан ҳимояланган кашфиёт, техник вазифа, ишлаб чиқаришнинг технологик ва конструкторлик сирлари, товар белгисидан фойдаланишга рухсат беришдан иборатдир.

Иқтисодиётга лойиҳаларни бошқаришнинг нисбатан янги концепцияси (Project Management) жадаллик билан кириб келмоқда. Бу концепциянинг асосини лойиҳага вақт ва маблағлар сарфланиши билан боғлиқ ҳар қандай тизимнинг дастлабки ҳолатини ўлчаш сифати қараш ташкил қилади.

Инновацион лойиҳа – инновацион жараёнларни масофада ва вақтда ташкил қилиш муаммосини ҳал қилиш бўйича илмий асосланган мақсадлар ва тадбирлар тизимини белгилаб берувчи ҳужжатлар йиғиндиси.

Назорат саволлари:

1. ИТТКИ нинг асосий вазифаларини санаб беринг.
2. ИТТКИ қандай босқичлардан ташкил топади?
3. Изланиш тадқиқотлари амалийдан нима билан фарқланади?
4. ИТТКИни тақшил қилиш ҳужжатларининг қандай тизимига суянади?
5. Патентларнинг инновацион фаолиятдаги роли қандай?
6. Ақлий мулкнинг қандай объектлари Ўзбекистон Республикасининг Патент Қонуни томонидан ҳимояланмайди?

7. Лицензиялаштириш нимадан иборат?
8. Лицензиялар қандай турларга бўлинадилар?
9. Инновацион лойиҳа қандай бўлимлардан ташкил топади?
10. Инновацион лойиҳани амалга ошириш механизми қандай?
11. “Инновацион лойиҳа экспертизаси” тушунчаси қандай элементларни ўз ичига олади?
12. Инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси қандай тамойиллар асосида ўтказилади?
13. Инновацион лойиҳалар экспертизаси методикасининг хусусиятлари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. В.П. Баранчев “Управление знаниями в инновационной сфере” Учебник. Издательство ООО фирма “Благовест”, Москва – 2007.
3. “Инновационный тип развития экономики” Учебник / Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. - М.: РАГС, 2008.
4. Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Под редакцией Б.З. Мильнера, ИНФРА-М, 2010.
5. Коэн Д. “Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании” – Олимп – Бизнес, 2007.
6. Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. “Инновационный менеджмент:” Учебник. – М.: Высшее образование, 2007.
7. Горбунов А. Национальная конкурентоспособность. – М.: “Анкил”, 2010.

9- Мавзу. КОРХОНАЛАРДА ЯНГИЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ЯРАТИШНИ БОШҚАРИШ

Режа:

- 1. Корхоналардаги ИТТКИни бошқариш.**
- 2. Инновацион давр босқичлари бўйича ИТТКИ харажатларининг тузилиши.**
- 3. Янгиликларнинг сифат кўрсаткичлари.**
- 4. Янгиликларни яратиш ва татбиқ этишни бошқариш.**

1.Корхоналардаги ИТТКИни бошқариш

Иқтисодий ривожланиш характеридаги жиддий ўзгаришлар мамлакат товарлари рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш зарурлиги илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш ларни фирмалар ва саноат компанияларида кескин заруратга айлантирган. Хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашиш фирма фаолиятининг кўпгина томонларини қайта кўриб чиқишни тақозо этган.

Фирмани бошқаришнинг асосига инновацион стратегияни технологик янгилаш ва илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришларнинг турли-туман шакллари фаоллаштириш сиёсати қўйилган. ИТТКИ ташкилий тузилмасини қайтадан куриш, тадқиқотлар йўналишлари турли-туманлигини кенгайтириш, саноат фирмаларининг фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги фаоллигини ошириш вужудга келган.

Саноати ривожланган мамлакатларда XX асрнинг кейинги ўн йилликларида саноат ИТТКИ миллий илмий салоҳиятининг йирик ташкил этувчиси ва рақобат афзаллигининг муҳим манбаига айланган. Саноат компанияларида фан янгилик киритишларнинг асосий ва амалда тугамайдиган манбаи сифатида янгиликларнинг аниқ истеъмолчилари билан

бирлашган. Саноат сектори доирасида ИТТКИнинг фаол кенгайиши зарурлиги шундай далил билан тасдиқланадики, маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилиши орқали илмий тадқиқотлар натижалари тижоратлашади ва жамиятнинг эҳтиёжини қаноатлантиради.

ИТТКИ ривожланишини бошқаришнинг яна бир хусусияти бошида новатор ва ташкилотчилар турган ишларни жамоавий ташкил этишга суянишдир.

Инновацион фаолият, айниқса фундаментал ва амалий тадқиқотларни бажаришда ноаниқлик ва хатарнинг юқори даражаси билан таърифланади. Янгилик киритиш лойиҳасини танлаш ва қарорлар қабул қилишда ҳам хатар элементи жуда катта. У ахборотларнинг тўлиқлиги кўзда тутилган лойиҳанинг сифати, қарорлар қабул қилиш усуллари ва ёндашувларга боғлиқ. Янги товарни серияли ишлаб чиқариш зарурати энг кам бўлади. Аммо бозорга чиқиш ва янгилик киритиш диффузиясида янгиликларнинг ноаниқлик ва хатар элементлари яна ўсади, янгиликларни сотишнинг барқарор ҳажми ва юқори рақобатбардошлигида эса камая бошлайди. Кейингилар инновациялар яшаш даврларининг ҳар хил босқичларида уларни бошқариш хусусиятларидир.

Кўпгина ижодий ғоялар билимлар ўсишининг мантиқий изчил жараёни ва тафаккурнинг анъанавий шарҳи бўлмайди. Тижорат новаторлик ташкилотлари ҳамма вақт ҳам беихтиёр ижодий ҳодисаларга боғлиқдир. Корхонанинг оддий, анъанавий фаолиятида “бошқариш усуллари ва ёндашувлари тасодифга жуда кам жой қолдирилади, аммо тадбиркорлик лойиҳаларининг муваффақияти кўпроқ даражада бу лойиҳалар асосланган ғоялар ва концепцияларнинг сифатига боғлиқ”, - деб ёзади янгиликлар бўйича машҳур мутахассис Брайн Твисс.

Илмий тадқиқотлар босқичида айниқса ноанъанавий бошқарув ёндашуви муҳимдир. Бунда ижодий шахсий хусусиятлар эркинлиги, шахсий, гуруҳли, ижодий ва тадбиркорлик манфаатларини самарали қидириш ва лойиҳани танлаш вазифаси билан мос келмаслигини бирга олиб бориш зарур.

Тадқиқотлар илмий босқичи раҳбарининг роли ижодий ходимларини оддийгина танлаш, стратегик вазифаларни қўйиш ва оператив назорат қилиш доирасидан ташқарига чиқади. Ундан ижодий ахлоқий-психологик муҳитни ташкил қилиш, таваккалчиликни рағбатлантириш, олимлар ўртасидаги кенг алоқалар ва уларнинг ахборотга эгалликларининг юқори даражасини таъминлаш, эркин ижодиёт, бардошлилик ва танқидийлик учун шароитлар яратиш талаб этилади.

Олимлар учун тан олиниш ва юқори баҳо, обрў ва пул мукофоти фаолиятнинг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Муаммоларни ижодий ҳал этиш усуллари орасида Б. Твисс таҳлилий ва морфологик ҳамда нотаҳлил усулларни кўрсатади, улар орасида “ақлий хужум”, фантазиялар, метафоралар ассоциациялар, ўхшатишлар ва синектика усулларидаи фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди.

Синектика эътиқодли тафаккурни бартараф этиш асосида ижодий жараёни ташкил қилишга ҳаракат қилади. Ижодий ҳаракатни операцион бошқариш фундаментал, мантиқий ва руҳий жараёнлар асосида изоҳланади. Синектика усуллари ихтисослашган илмий ташкилотларда етарлича кенг тарқалган.

ИТТКИни бошқаришда қарорлар қабул қилишнинг икки соҳаси муҳимдир: лойиҳаларни танлаш ва ишлаб чиқаришни яқунлаш. Бунда амалий тадқиқолар учун етарлича юқори тизимийлик ва мақсадга қаратилганлик ҳосдир. Аммо уларда ҳали ҳам детерминацияланмаганлик (асосланмаганлик) элементи юқори. Мувофиқлаштирилган портфелни

таъминловчи лойиҳалар танлови ўтказилади, у фирма томонидан қўйилган вазифаларни вақтнинг ҳар хил даврларида ресурслардан мувофиқ фойдаланиш билан бир вақтда ҳал қилиш мақсадида шакллантиради.

2. Инновацион давр босқичлари бўйича ИТТКИга

харажатларнинг тузилиши

Ҳозирги замон амалиётида ИТТКИ га харажатлар, қоидага кўра, сотиш ҳажмининг 3 дан 5 %гача қисмини ташкил этади. Инновацион бизнеснинг ўртача статистик фирмаси томонидан ИТТКИ доирасида амалга ошириладиган иш босқичлари бўйича харажатларнинг тақсимланиши 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Инновацион давр босқичлари бўйича ИТТКИга харажатларнинг тузилиши

№	Босқичлар	Яқунга нисбатан % даги харажатлар
11.	Муаммо бўйича илмий бошланиш тадқиқоти, фундаментал тадқиқотларнинг мавжуд маълумотлари таҳлили	3,0
22.	Инновация ғояларини ўрганиш	1,1
33.	Лаборатория экспериментал тадқиқотлари	13,1
44.	Янгиликларнинг лойиҳа-конструкторлик	

	ишлаб чиқилиши	16,7
55.	Янгилик киритиш тажрибаси намунасининг хужжатли ва ташкилий-технологик таъминланиши	

ИТТКИ босқичлари бўйича ўртача статистик харажатлар таҳлилидан келиб чиқишга, янги намунани ишлаб чиқишни хужжатли ва ташкилий-технологик таъминлаш энг катта улушни ташкил қилади. Бу техник-технологик янгиликларнинг ўсиб боровчи таъсири ва замонавий фирмаларнинг шахсий илмий бошланиш ва ИТТКИнинг ривожланган тармоғига эга бўлишга интилишлари ҳақидаги фикрни юзага келтиради.

Корхонанинг ушбу участкасидаги етарлича бўлмаган фаоллиги хориждаги йирик саноат компаниялари раҳбарлиги таъминламаганлигидан келиб чиқади. Масалан, 1999 йилда 500 йирик ТМК раҳбарларидан фақат 3,4 % фирмалари етарлича шахсий илмий-техник бошланмаган эгаллигини таъкидлаган, 32,8 % унинг етарлича эмаслиги, 34,8 % эса шахсий илмий тадқиқотлар ва янги технологияларни ишлаб чиқишга эга эмасликларини айтганлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган компаниялар ярмининг инновацион фаолияти такомиллаштирилган инновациялар, янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган. Сўралган компанияларнинг бундан кейинги режаларига келсак, 24,6 % шахсий илмий-техник ва фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга зарурат кўрилган.

Кейинги ўн йил ичидаги хориждаги йирик корпорациялар ривожланишининг ўзига хослиги шундан иборатки, ўтказилаётган ИТТКИнинг ҳажми ва амалий аҳамияти бўйича улар нафақат кичик бизнесдан, балки ОЎЮ ва академик фандан ҳам ўзиб кетган. Йирик

фирмалар патент ва ноу-хауларни сотиш бўйича шубҳасиз устуворликка эга, бу куйидаги маълумотлар билан тасдиқланади: патентларнинг япон бозорида хорижий сотувчилар савдоларининг 40%га яқинига тегишли равишда йирик фирмалар 39,9 %, академик ва ОЎЮ секторлари - 11 %, кичик ва ўрта бизнес – деярли 10 % га эга.

Саноат фирмаларининг инновацион йўналтирилганлиги ана шунда яққол кўринадик, ИТТКИга бозор ҳолатининг қисқа муддатли ўзгаришларига нисбатан камроқ боғлиқ бўлган узок муддатли истикбол сифатида қаралади. Жаҳоннинг кўпгина саноат компаниялари ИТТКИга савдоларнинг 4дан 7%гача суммали ҳажмларини сарфлайди.

ИТТКИдаги тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришларда давлатнинг иштироки амалда пасайган мамлакатларда инновацион фаолиятнинг ривожланиши миллий иқтисодиёт ривожланишининг номуқобил варианты бўлиб кўрилади. Мамлакатимиздаги вазият академик секторнинг оғир ҳолати ва ОЎЮ фанининг етарлича бўлмаган натижавийлиги билан янада мураккаблашади.

Мамлакат бозорида лойиҳавий молиялаштиришни ҳақиқатда йўқлиги, ақлий мулк бозорининг қониқарсиз ҳолати, технологиялар трансфертининг йўлга қўйилган амалиёти йўқлиги, ҳамда янги технологияларнинг импортига чекловлар йирик компанияларда ИТТКИни ривожлантириш вазифасини илгари суради. Япония ва АҚШ фирмалари учун ИТТКИ турларининг нисбий аҳамияти куйидаги маълумотлар билан ифодаланади (2-жадвал).

2-жадвал

Япония ва АҚШ фирмалари учун ИТТКИ турларининг нисбий аҳамияти, %да

№	ИТТКИ тури	Япония	АҚШ
---	------------	--------	-----

11.	Янги технологиялар соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар	15,9	8,4
22.	Мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш ва модернизациялаш соҳасидаги тадқиқотлар	26,6	35,9
33.	Янги маҳсулотларнинг ўзлаштирилиши	33,9	29,9
44.	Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш жараёнининг янги усуллари ўзлаштириш	23,9	26,1
	Жами	100,0	100,0

Замонавий компаниялардаги тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришларни гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин: янги технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар, мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш ва модернизациялаш соҳасидаги тадқиқотлар, янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ўзлаштирилиши.

Ишлаб чиқаришни янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот навларини ўзгартириш, янги ишлаб чиқариш технологияларини татбиқ этишни турли йўللар билан: патентлар, лицензиялар, ноу-хауларни харид қилиш, компания ИТТКИнинг фундаментал бўлинмаларида шахсий тадқиқотларни ўтказиш, янгиликларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш учун фирма ичидаги венчурли бўлинмаларни ташкил қилиш воситасида амалга ошириш мумкин.

Йирик компанияларнинг олдида ИТТКИни қўлга киритишнинг турли муқобиллари вужудга келади – илмий ишлаб чиқаришларнинг юқори даражасига эга кичик фирмаларни ютиб юбориш ҳисобига, фирмалараро тадқиқотчилик ва ишлаб чиқариш кооперацияси ҳисобига қўшма корхоналар ташкил қилиш йўли билан ва ҳоказо. Йирик корхоналар кичик инновацион бизнес устидан назорат ўрнатиш ёки кейинчалик харид қилиш билан молиялаштириш учун хатарли сармоялар фондини ташкил қилиши мумкин.

Компанияда илмий бошланишларни яратиш ва ишлаб чиқаришнинг янгилашганини илмий таъминлашнинг ҳар бир варианты муқобил асосда кўриб чиқилади ва қуйидагиларни ҳисобга олувчи аниқ вазиятга асосланади:

- янгиликнинг таърифи;
- унинг фаолият соҳасига мос келиши;
- янгилик яшаш даврининг хусусиятлари ва босқичлари;
- инновацион инфратузилманинг ривожланганлик даражаси;
- молиявий, моддий ва ахборот ресурслари билан таъминланганлиги;
- ходимларнинг малакаси, касбий кўникмалари ва техник тажрибаси;
- ишлаб чиқариш тизимларининг техник-ташкилий даражаси;
- фирмаларнинг соҳавий тегишлилиги ва ҳоказо.

Кўпгина, айниқса давлат иштироки паст даражада бўлган мамлакатларда ИТТКИни ташкил этиш шакллари “портфели”даги энг катта салмоқни фирма ичидаги ишлаб чиқариш ва янгиликларни ИТТКИ бўлинмалари базасида татбиқ этиш эгаллаб туришда давом этади.

Янги ташкилий тузилмалар ва ИТТКИни бошқаришнинг янги усуллари яратиш илмий тадқиқот ва конструкторлик бўлинмалари тизими фаолиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, агар анъанавий корхонага матрицали, дивизион ёки тармоқли тузилмалар доирасида янгиликларни ишлаб чиқишнинг чизиқли – изчил ишлаб чиқилиши хос бўлса, у ҳолда замонавий корхоналарда ИТТКИни

бошқаришга лойиҳавий ёндашув муваққат мақсадли лойиҳавий гуруҳларни бошқариш тизими ёки йирик корпорациялар доирасида инновацион венчурли бўлинмаларни ташкил қилиш устуворлик қилади.

Янгиликларни ишлаб чиқишнинг анъанавий чизиқли – изчил усули илмий ишлаб чиқаришнинг технологияларнинг радикал алмашувига тўсик бўлувчи моддий-техник базасининг инертлиги ўсиши сингари объектив сабаблари оқибатида янгиликларнинг янгиланиш суръатлари секинлашувини келтириб чиқаради.

ИТТКИнинг сифати ва самарадорлигига раҳбарликнинг ундовчи сабабларини пасайтирувчи, коммуникациялар ва янгиликларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга масъул бўлган турли вазифавий бўлинмалар ҳаракати мувофиқлашганлигини ёмонлаштирувчи соф маъмурий усулларнинг устунлиги таъсир кўрсатади. Лойиҳали бошқарув усулларини қўллаш, **муваққат** лойиҳа жамоаларини ва фирма ичидаги венчурларни ташкил этиш йирик компаниялардаги инновацион жараённи такомиллаштиради.

Янгиланишнинг самарадорлигига инновацион фаолиятнинг турли омиллари: инновация маҳсулотининг сифати, қўлланилаётган технологик қарорларнинг сифати ва лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий-техник шароитлари таърифи таъсир кўрсатади. Буюмнинг техник даражаси, унинг технологиялилиги, ресурсни истеъмол қилиши, унификацияланганлик ва стандартлаштирилганлик даражаси, эски ва янги моделларнинг қиёсий техник-иқтисодий самарадорлиги ўзлаштирилаётган буюм ёки янги маҳсулот сифатини белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади.

9.3. Янгиликларнинг сифат кўрсаткичлари

Буюмларнинг ҳар қандай параметрлари ва хусусиятлари инновацияларнинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Янгилик киритишнинг техник даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун кўрсаткичлар, хусусиятлар, уларни ўлчаш усули, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш босқичлари бўйича бўлинади.

Таърифларнинг тўлиқ бўлиши учун табиий ёки қийматли акс эттиришдаги хусусиятларнинг ҳам мутлақ, ҳам нисбий кўрсаткичлари кўлланилади. Шу билан бирга нисбий кўрсаткичлар – одатда эскининг мутлақ кўрсаткичларининг янги ёки яхшиланган намунага нисбати ҳамда моддий истеъмол қилиниши, меҳнат истеъмол қилиниши, қувватнинг ўлчов бирлигига таннарх, унумдорликнинг солиштирма ва харажат кўрсаткичларидир. Бу параметрлар янгиликнинг техник даражаси ва сифатини баҳолашнинг асосидир.

Агар янгиликларнинг яқка (хусусий) кўрсаткичлари фақат унинг хусусиятларидан бирига тегишли бўлса, мажмуавий кўрсаткичлар энг муҳим таърифлар кетма-кетлигини етарлича тўлиқ акс эттиради. Бундай маҳсулот учун унинг техник ва технологик такомиллиги янгиликнинг техник даражасини эски маҳсулотнинг асосий хусусиятлари билан қиёслаш орқали белгиланади. Асос сифатида стандартлаштириб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Бунда янги маҳсулот яшаш даврининг барча босқичлари унинг якуний босқичи сотилиши ва истеъмолида фойдаланишга бўйсунди. Ушбу нуқтаи назардан лойиҳалаштиришга илмий-техник фаолиятнинг босқичи сифатида қараш мумкин эмас, чунки ИТТКИнинг барча босқичлари янги товар намунасининг истиқболли ривожланишига, шу жумладан фойдаланиш самарадорлигига қаратилган. Масалан, техник - фойдаланиш омиллари зарурий фойдаланиш таърифларини таъминлаш харажатларини белгилайди, янги намунанинг вазифавий хусусиятлари эса маҳсулотни модернизациялаш

истиқболи ва ундан фойдаланиш ва унинг бозорда бўла олиши муддатига таъсир кўрсатувчи вазифавий параметрлари (куват, ишончилиги, унумдорлиги, хизмат муддати) нинг динамик захирасини белгилайди.

Ташкилий-иқтисодий омиллар макроиқтисодий, микроиқтисодий ва ташкилий жиҳатларни янгиликни ишлаб чиқишнинг сифати ва қийматига таъсирини таърифлайди. Конструктив-технологик омиллар маҳсулотнинг зарур кўрсаткичларига эришиш харажатларини белгилайди, технологик ишлаб чиқиш қийматини ўз ичига олади. Ихтисослашишни чуқурлаштирувчи ва маҳсулотларнинг стандартлашуви ва унификациялашишига кўмаклашувчи омиллар, айниқса ажралиб туради.

Бу кўрсаткичлар якка ва энг янги намуналарни татбиқ этишда кичик роль ўйнайди, чунки оммавий ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратилади. Бу ерда маҳсулотнинг янгилиги, унинг техник ва технологик мукамаллиги биринчи ўринга чиқади, янги модел жаҳон бозоридаги шундай товарнинг энг яхши намуналари билан қиёсланади.

Татбиқ этилаётган янгиликнинг техник даражасини баҳолаш интеграл ёки ўртача ўлчанган кўрсаткич асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда асосий умумлаштирувчи кўрсаткич буюмнинг белгиланиши ва истеъмол билан боғлиқ.

Татбиқ этилаётган маҳсулот сифатининг умумлаштирувчи кўрсаткичини ҳисоблаш учун, одатда, эксперт баҳолари қўлланилади, чунки мавжуд ахборотлар миқдорий моддий усулларни қўллаш учун етарли бўлмайди.

Сифатнинг хусусий кўрсаткичлари салмоғи коэффициентларини белгилаш тадбирлари тўрт босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда хусусий кўрсаткичлар ва уларнинг салмоғи кўрсаткичларига тегишли анкета саволлари ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда “экспертлар жамоаси” танлаб

олинади, бунда унинг иштирокчилари сони 20 дан кам бўлмаслиги керак, бу ерда буюртмачилар, ишлаб чиқарувчилар, менежерлар, маркетинглар вакиллари бўлиши керак. Сўров бир неча босқичлар ва албатта яширин ҳолда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир босқичнинг охирида олинган натижаларини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Натижалар сўровларни эҳтимолли усуллар ёки тартибга солиш усуллари: ранжировкалаш (бир қаторга териш), бевосита баҳолаш, изчил солиштириш, преференциялаш (афзаллик бериш) усули билан математик ишлаб чиқиш тўртинчи, якуний босқич ҳисобланади.

Ранжировкалашдан олдин келувчи агрегацияланган баҳолаш усули етарлича тез-тез қўлланилади. Янгилик киритишнинг интеграл кўрсаткичларини белгилашга энг яхши ёндошув асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқариш – фойдаланиш ва ташкилий иқтисодий омилларга вазилавий боғлиқлиги кўринишидаги математик моделларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Янги маҳсулотнинг талаб этиладиган техник даражасига эришиш учун зарур инвестициялар ҳажми ҳам етакчи роль ўйнайди.

Агар асосий миқдорий кўрсаткични қўллашнинг иложи бўлмаса, ўртача ўлчанган миқдорлар қўлланилади. Хусусий кўрсаткичларнинг ўртача ўлчанган арифметик ёки геометрик миқдоридан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолда янги маҳсулотлар лойиҳалари вариантларини энг катта йўл қўйилладиган четга чиқишлар шароитларини қиёслаш ва барча ташкил этувчилар аҳамият ва таъсир этиш даражасини белгилаш зарур.

Ишлаб чиқариш-технологик кўрсаткичлар янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган ресурслар барча турларининг харажатлари билан боғлиқ. Конструктивлик унификациялаш кўрсаткичлари маҳсулотнинг ворислиги, такрорланиши, стандартлаштириш ва унификациялаш даражасига

боғлиқдир. Янги маҳсулотнинг фойдаланиш хусусиятлари айниқса ажралиб туради.

Буюмнинг иқтисодий параметрларини ифодалаш учун омилли таҳлил қўлланилади. Бу ерда меҳнат истеъмоли, энергия истеъмоли, материал истеъмоли ва таннарх технологик жараёнларнинг вазифалари кўринишида тақдим этилади.

Тубдан янги лойиҳаларни таҳлил қилиш, фундаментал ва амалий тадқиқотларни башоратлаш учун мақсадлар дарахти ёки башорат графаси деб аталувчи тузилишга асосланган усуллардан фойдаланилади.

Башоратли графа усулининг моҳияти ҳам инновацион муқобилни ва ҳам инновацион эҳтиёжни, шу жумладан зарур ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолашни ақс эттирувчи мақсадлар дарахтини яратиш ва таҳлил қилишдан иборат. Бунда иизчил тақдим этилаётган вазиятлар ходисаларнинг содир этилиш эҳтимоли ёрдамида баҳоланади.

4. Янгилик киритиш ва тақдим этишни бошқариш

Ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг қайд этилган ишлаб чиқариш омиллари ва детерминацияланган турига мўлжалланган марказлашган бошқарув қайтарилмайдиган ҳолда ўтмишда қолди. Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар қандай фирма ўз инновацион стратегияси ва ташкилий тузилмасини мустақил равишда белгилайди, қўлланиладиган технологиялар турини танлайди, зарур технологик ускуналарни танлаб олади ва керакли миқдор ва сифатдаги моддий ва номоддий ресурсларни оборотга жал этади.

Фирманинг янгилик киритишдан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ташкил қилиш алоҳида босқичлардан иборат ғоят мураккаб тадбирлардан ташкил топади, улар умуман янгиликнинг яшаш даврига таъсир кўрсатади.

Лойиҳавий ёндашув бутун илмий ишлаб чиқариш доирасини чиқишга асосланади, унда янгиликларни ишлаб чиқиш, яратиш, татбиқ этиш ва тарқатишдан тортиб маҳсулотни фойдаланишдан олиб ташлашгача бўлган жараён тушунилади. Инновация бўйича илмий-ишлаб чиқариш давра тушунчаси принципиал техник-технологик тизимлар ҳамда тажрибали намуналар алмашуви ва ускуналарнинг мавжудларини алмаштиришга тегишлидир.

Ишлаб чиқаришдаги технологик қарорлар, техника ва тайёр маҳсулотлар моделларининг доиравий айланиши ва алмашуви инновацион жараённинг асосий мазмуни ҳисобланади. Ишлаб чиқариш тизимларининг яшаш даври ишлаб чиқиш босқичидан бошланади. Бу ерда илмий тадқиқотлар, тажрибавий намуналарни тузиш ва яратиш, синовларни ўтказиш амалга оширилади.

Маҳсулот мураккаблашгани ва модернизациялангани сари бу босқич боргани сари каттароқ аҳамият касб этади. Биринчи босқич серияли ишлаб чиқаришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан яқунланади. Маҳсулотнинг илм истеъмоли қанча юқори бўлса, кичик серияли ишлаб чиқаришнинг роли ва қўлланилаётган технологик қарорларнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги шунчалик юқори.

Кейинги босқич ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва технологияларни танлашни ўз ичига олади. Янги материаллар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш усулини танлашга ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий тайёргарлигини ташкил қилиш тизими ва зарур технологик ускуналарнинг таркиби катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИЧТТЯТ)га мувофиқ маҳсулотларни оммавий ва серияли ишлаб чиқаришга технологик тайёрлаш технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳозларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг тажрибавий намунасини ишлаб чиқариш ва

синовдан ўтказиш, умуман ишлаб чиқариш тизимини ташкил қилиш ва вужудга келтиришни ўз ичига олади.

Технологик жараённи ишлаб чиқишда таъсир кўрсатиш усуллари операция турлари ва уларнинг изчиллиги, маҳсулотла, оралик турлари, деталлар ёки қисмларни олишусуллари белгиланади. Ниҳоят, жараённинг асосий, ёрдамчи ва якуний босқичлари бирлаштирилади. Технологик ускуна унинг техник таърифлари (қуввати, ишончлилиги, унумдорлиги) ёши, эскириш даражаси, таъмирланишнинг технологик таърифлари бўйича танлаб олинади.

Яратилаётган ишлаб чиқариш тизимларида керакли усқунанинг тузилиши алоҳида аҳамиятга эга. У монтаж қилинаётган усқуна ҳамда мавжудларини модернизациялаш ва эскирганларини ҳисобдан чиқариш таҳлили нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Усқунанинг ишлашидаги тайёрлаш-яқунлаш ва ёрдамчи вақтни қисқартириш имкониятига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Яратилаётган технологик тизим дейилганда техникани танлашда усқунанинг ишлаш тартибидан тўлиқроқ фойдаланиш, иш вақтини технологик, операция ичидаги, тизим ичидаги ва бошқа йўқотишларини қисқартиришга қаратилган ташкилий-технологик тадбирларни кўзда тутиш зарур.

Технологик жараённинг сифати унинг янгилик яратиш қобилиятида амалга оширилади. У техник-технологик таърифлар ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Таҳлилнинг кенг қўлланиладиган техник-иқтисодий ва вазифавий-қийматий моделлари жараёнларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш ва ишлаб чиқариш тизимларини мувофиқ фаолият юритиш алгоритминини топиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам табиий, ҳам қийматий акс эттиришда баҳоланади. Бунда барча ишлаб чиқариш харажатлари, янги маҳсулот бирлигига сотиш нархи ва сотишдан кўзда тутилган тушумни кўрсатиш муҳимдир. Шунини ҳисобга олиш керакки, инновацион лойиҳаларнинг кўплиги учун бошланғич даврда қувватларни юклаш 20% ва ҳатто камроқ бўлиши мумкин.

Бундай вазият ҳам янги маҳсулотни бозорга чиқишигача тижорат қийинчиликлари, ҳам хомашё, бутловларни етказиб бериш, ускуналарни созлаш, янги ускуналар ва янги технологияларга хизмат кўрсатувчи ходимларни танлашнинг кенг доираси натижасида вужудга келади. Бундай жиҳатлар техник-иқтисодий асослашни тузиш ва инновацион лойиҳани муҳандислик ўрганишида кўриб чиқилади.




Ишлаб чиқариш босқичида янги маҳсулотни ўзлаштириш, тажрибавий партияни ишлаб чиқариш ва янги маҳсулотни серияли, сўнгра оммавий ишлаб чиқаришга ўтиш бўйича ишлар мажмуаси амалга оширилади. Ишга туширилаётган қувватлар эҳтиёжни белгилаш кетма-кет босқич ва ҳар бир кетма-кетлик учун янги маҳсулотни таклиф этилаётган ишлаб чиқарилиши ёки савдолар ҳажмининг оралиқ миқдорларига мувофиқ алоҳида амалга ошириш керак. Ҳар бир босқич учун материал ва ишчи кучига аниқ эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда ускуналардан фойдаланишнинг энг янги варианты (параллел, изчил, аралаш ёки хавфсиз-айланма)га афзаллик бериш керак.

Ресурсларга эҳтиёж ва харажатлар ҳар бир босқич учун ҳисоблаб чиқилиши ва молиявий ресурслар ва савдолар ҳажми билан аниқ тузатишлар киритилиши мумкин. Йўқотишлар, брак, тўхтаб қолишларни кўзда тутиш керак. Қувватларнинг турлича юкланишида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларидаги харажатлар харажатларни тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларидаги мутаносиб тақсимланиши асосида ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, техник-технологик янгиланишнинг усули ва вариантыни танлаш унинг аниқ вазияти, янгилик киритишнинг характери, корхонанинг соҳаси, ресурслари ва илмий-техник салоҳиятига мос келишига боғлиқ.

Технологик тизимларни мувофиқлаштириш учун инновациялар турини алмаштиришга режали ўтиш бўйича тадбирлар тизимини қўллаш зарур. Масалан, ишлаб чиқаришнинг бир туридан бошқасига ўтишнинг бир неча вариантлари мавжуд. Одатда бошқасига ўтишнинг изчил, параллел, аралаш усуллари ажратилади. Қоидага кўра, ишлаб чиқаришнинг янги турига ўтиш қўлланилаётган жараёнлар ва бўлғуси янгиликларнинг техник ва технологик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир.

Самарали изчил – параллел (аралаш) усул бир қатор афзалликларга эга. Аммо уларни амалга ошириш учун ўтувчи ёки гибридли деб аталувчи моделларни яратиш зарур. Янги маҳсулотларга изчил – параллел ўтиш текис, ишлаб чиқаришни тўхтатмай, маҳсулотларни гибридли гибридли моделларни қўллаш йўли билан аста-секин янгилашда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацияларни татбиқ этишнинг бундай усули Зил, BMW, FordВаз ва бошқа автомобил гигантларида кенгрок тарқалган. “Ишлаб чиқариш ҳажми - вақт” боғлиқликлар графиклари кўринишидаги янги маҳсулотларга ўтишнинг асосий усуллари 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтишнинг асосий усуллари¹⁴

Илмий-техник янгиликни муваффақиятли амалга ошириш ва уни инновацион товарга айлантириш учун технологик қарорлар ва талаб қилинаётган ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнларининг кейинчалик бошқаришга эга танловини таҳлил қилиш зарур.

Бошқарувнинг асосида нафақат вақтнинг ушбу пайтида, балки истиқболда ҳам энг яхши бўлган технологик ечимларни танлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тадбирларнинг мақсадга қаратилган тизими ётади.

Янгилик киритиш лойиҳасини амалга ошириш учун технологик ечимни танлаш муқобиллик асосида амалга оширилади. Танлаш мезонлари ғоятда турли-туман, аммо молиявий мақсадга мувофиқлик ва технологик амалга оширилиши ҳал этувчи ҳисобланади. Буни одатда қабул қилинаётган лойиҳанинг рентабеллиги, унинг технология, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар, ижрочиларнинг сифати ва сони жиҳатидан амалга ошириш мумкинлиги тушунилади.


Умуман технологик ечимни танлашга 50 дан ортиқ, шу жумладан молиявий, иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, экологик, бозор ва бошқа мезонлар таъсир кўрсатади.

Технологик ечимларнинг эҳтимолий вариантларини таҳлил қилишда технологик жараённинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларининг ўзаро алоқасини белгилаш ва харажатларни камайтириш ва татбиқ этилаётган янгиликнинг мувофиқ сифатига эришишга кўмаклашувчи омилларни

¹⁴ Румянцова А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработки довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт Петербург, 2007.

аниқлаш муҳимдир. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ташкилий-технологик омиллари: қўлланилаётган технологиянинг илғорлик даражаси, ишлаб чиқиш тартиблари, технологик жараёнларнинг параметрлари, техник жиҳозланганлик даражаси, ускуналарни танлашнинг тизимлилиги ва уни унификациялаш даражаси катта роль ўйнайди.

Ташкилий омилларга ишлаб чиқаришнинг тури (якка, серияли, оммавий), технологик жараёнларни вақтда ташкил қилиш усули (узлуксиз ёки дискретли) ускуналардан фойдаланиш даражаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, партиянинг ўлчами ва ҳоказолар киради. Бунда айрим омилларнинг ўзаро алоқасига алоҳида эътибор қаратилади, чунки уларнинг пайдо бўлиши оқибатида фойдали ёки зарали бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулотни материални истеъмол қилишга нафақат деталнинг ўлчами ва оғирлиги, балки танлаб олинган тайёрлаш тури, уни олиш усуллари, ишлаб чиқариш тартиби ҳам таъсир кўрсатади. Технологик жараённи меҳнат истеъмоли ва операцияни бажариш вақтининг меъёрига констукциянинг мураккаблиги, аниқлашнинг талаб этиладиган даражаси ва сиртига ишлов беришнинг тозаллиги, ходимнинг малакаси таъсир кўрсатади. Татбиқ этилаётган янгилик даражаси ва сифатини танлаш тадбирлари умуман 5-6 босқичдан ташкил топади ва 4-расмда кўрсатилган.



Энг кичик технологик таннарх, энг катта унумдорлик маҳсулотнинг максимал даражаси ва сифати ҳамда қўлланилаётган технология даражаси танланган технологик ечим мувофиқлигининг ечим бўлиб хизмат қилиши мумкин. Керакли технологик жараённи танлашдан мақсад – фойдаланилаётган ресурсларда энг кам сарфлашларда берилган истеъмол хусусиятларига, сифат даражасига эга янгиликни самарали ишлаб чиқиш.

Технологик ечимни танлашда, аввало, таҳлил қилинаётган технология яшаш даврининг қандай босқичида тугалланганлигини ҳисобга олиш керак. Бундай концептуал ёндашув тубдан янги тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришлар натижаларини моддийлаштиришда ҳал этувчи бўлиши мумкин.

Катта технологик тизимларнинг яшаш даври концепцияси, шу жумладан эволюция ҳам яшаш даврларининг самаралироқ замонавий ғояси ва технологияларнинг иқтисодий объектлар сифатидаги ўзгариши ҳисобланади. Уларнинг тадқиқ этилиши анъанавий ҳамда янги технологик парадигмалар доирасида ривожланаётган техника ва технологиялар авлодлари назариясига олиб келади.

Технологик тизимларни ривожлантириш икки йўналиш бўйича амалга оширилади: асосийларини такомиллаштириш ва тубдан янги ва модификацияланган технологияларни яратиш. Технологиялар такомиллашгани, уларни етуклик босқичига ўтиши бозорнинг ушбу товар билан тўлдирилгани сари вужудга келган доирада бундан кейинги технологик ривожланиш фойдасиз бўлади, савдолар ва фойданинг ҳажми камайиб кетади. Техника ва технологиялар ривожланишининг мавжуд йўналишлари негизида янги қарорларнинг ёриб чиқиши вужудга келади., бу янги ишлаб чиқаришлар ва соҳаларга асос солади.

Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш учун техник-технологик ечимларни таҳлил қилишдан ташқари атроф-муҳитга экологик таъсир кўрсатиш ҳамда технологияларга эришиш манбаларига эътибор қаратиш зарур, кейингилар модернизациялаш, технологияга тўлиқ ҳуқуқни қўлга киритиш ёки технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига биргаликда эгалик қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Таянч иборалар

ИТТКИни бошқариш, ИТТКИга харажатлар, ИТТКИ турлари, ИТТКИни харид қилиш муқобиллари, янгиликларнинг сифат кўрсаткичлари, эксперт баҳолари, янгилик техник даражасининг интеграл кўрсаткичи, лойиҳавий ёндашув, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтиш усуллари, технологик ечимни танлаш чизмаси.

Назорат саволлари

1. Янгиликларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва ишлаб чиқаришда менежернинг олдида қандай вазифалар туради?
2. ИТТКИ ривожланиш хусусиятларини таърифланг.
3. Илмий тадқиқот босқичида менежернинг олдида қандай вазифалар туради?
4. Замонавий фирмадаги ИТТКИга харажатларни таърифланг.
5. ИТТКИнинг инновацион мўлжаллаш оyi деганда нимани тушунаси?
6. Ишлаб чиқаришнинг илмий асосланишини танлаш боғлиқ бўлган омилларнинг тузилиши қандай?
7. Ишлаб чиқаришнинг илмий асосланишини танлаш қандай омилларга боғлиқ?

8. Қандай омиллар янгиланишнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади?

9. Янгиликнинг техник даражасини баҳолаш кўрсаткичларини таърифланг.

10. Янгилик техник даражаси интеграл кўрсаткичи тузилишини кўриб чиқинг.

11. Татбиқ этилаётган кўрсаткич сифатининг умумлаштирувчи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?

12. Ишлаб чиқариш тизимининг яшаш даври ҳақида гапириб беринг.

13. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш босқичига таъриф беринг.

14. Технологик жараённинг сифати нимадан иборат?

15. Янги маҳсулотни ўзлаштириш бўйича ишлар мажмуасини тасвирланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

2. Баранчеев В.П. Управление знаниями в инновационной сфере: Учебник. – М.: Издательство ООО фирма “Благовест”, 2007.

3. Инновационный тип развития экономики: Учебник. /Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. – М.: РАГС, 2008.

4. Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. /Под редакцией Б.З. Мильнера. – М.: Инфра-М., 2010.

5. Коэн Д. Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании. - М.: Олимп-Бизнес, 2007.

6. Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. Инновационный менеджмент: Учебник. – М.: Высшее образование, 2007.

7. Румянцева А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработку довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2007.

**10- Мавзу. КОРХОНАЛАРДА ЯНГИЛИКЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ
АСОСЛАРИ**

Режа:

- 1. Технологияларнинг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг таснифи.**
- 2. Ишлаб чиқариш ташкилий-техник даражасининг вазифалари, хусусиятлари ва босқичлари.**
- 3. Ишлаб чиқариш ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш ва башоратлаш.**
- 4. Ишлаб чиқариш ташкилий-техник даражасининг иқтисодий масалалари.**

1. Технологияларнинг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг таснифи

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни экспериментал текшириш ИТТКИнинг таркибига киради. Аммо технологик тайёрлашг таркибига ресурсларнинг турларига эҳтиёжни меъёрлаштириш бўйича ташкилий иш, ишлаб чиқариш ва меҳнат, капитал қурилишни ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш (инновацион

фаолият) ҳам киради, ИТТКИга нисбатан 3-10 марта кўпроқ харажатларни талаб этади.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи меҳнат ашёларини кўпроқ механик ишлаб чиқишдан материя харақатланишининг турли-туман мураккаб шакллари, айниқса жисмоний, кимёвий, биологикжараёнлардан мажмуавий фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ технологик инқилоб ёрдамида таърифланади.

Технология нафақат операцияларни бажариш тартиби, балки меҳнат ашёларини танлаш, уларга таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ускуналар, асбоблар, қуроллар, назорат воситалари билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг шахсий ва буюмли элементларини вақтда ва масофада бириктириш, меҳнатнинг мазмуни, асосий ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ҳам белгиланади.

Шунинг учун тубдан янги технологияларни ўзлаштириш бир вақтда янги воситалар ва меҳнат ашёларидан самарали фойдаланиш шарт-шароитидир. Нима учун?

Биринчидан, гап операцияларнинг борган сари кўпроқ майдаланиши ва демак, уларнинг ҳамиша бир хиллиги, ёқимсизлиги кўпайиши йўналиши бўйича ривожланиши мумкин бўлган дискретли (узук-узук) кўп операцияли жараёндан кам операцияли ишлаб чиқариш жараёнига ўтиш ҳақида кетмоқда.

Иккинчидан, меҳнат ашёларини механик ишлаб чиқиш узлуксиз жараёнлар: тебранишли ишлов бериш, кукунли мерталлургия, аниқ пластик деформациялаш, эритилувчи моделлар, марказдан узоқлашиш, босим остида, штамповка бўйича аниқ қуролга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

Учинчидан, ярим тайёр маҳсулотларни тўлиқ қайта ишлашга эга ёпиқ технологиялар (чиқиндисиз технология)га ёндашув бошланмоқда.

Тўртинчидан, технологияда борган сари кўпроқ экстремал шароитлар: ўта паст ва ўта юқори ҳарорат ва босим, чуқур вакуум, беихтиёр портлатиш усуллари, ядроли нурлантириш ва бошқалардан фойдаланилмоқда.

Бешинчидан, янги технология, одатда, электр энергиясидан нафақат ҳаракатга келтирувчи куч сифатида, балки меҳнат ашёларини бевосита ишлаб чиқариш – электр кимёвий, электр физик (лазерли, электр учқунли, электр импульсли, электр алоқали), юқори частотали тоқлар билан ишлаб чиқишда фойдаланиш билан боғлиқ.

Юқори қувватли энергиянинг электрон тармоғидан материалларни иссиқликка чидамлилигини ошириш, эритувчиларсиз бўйаш, бир зумда полемерлаш, оқар сувларни дезинфекциялаш учун фойдаланилади. Лазер технологиясидан пайвандлаш, кесиш, иссиқлик билан ишлов бериш, деталларни мустаҳкамлаш, тешиқларни ямаш, алоқасиз назоратда фойдаланилади.

Олтинчидан, энг янги технология учун кўчма механик агрегатлар ва унификацияланган аппаратларга эга турли-туман машиналардан, электр қувватидан материалларни ишлаб чиқаришда универсал воситачи сифатида фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ катта универсаллик хосдир.

Еттинчидан, янги технологиялар кўпинча соҳаларо характерга эга. Масалан, металлургия ва машинасозлик пластик деформациялаш, шестерналлар, ўқлар, валлар, роликлар, пармалар ва бошқа метизлар прокатини қаттиқ штамповкалашдан фойдаланилади.

Фан-техника инқилоби даврининг энг оммавий саноат технологияси пленарлидир. Унинг ёрдамида мантиқий ва эслаб қолувчи қурилмалар учун интеграл схемалар таркибидаги оптик, магнитли, акустик, қттиқ моддали кўп сонли транзисторлар ҳамда турли физик сигналлар учун датчиклар (ўлчагичлар) ишлаб чиқарилади. Физика-кимё жараёнлари (фотография, пленкаларни олиш ва ҳоказо) механик ишлаб чиқаришларнинг ўрнини босади. Бу бир текисликда минглаб ва ўн минглаб ўхшаш асбобларни шакллантириш, ЭҲМдан фойдаланишни лой ихалаштириш ва кейин микропроцессорлар ва бошқа энг мураккаб тузилишга эга буюмларни яратиш имконини беради.

Юқори фан-техника салоҳиятига эга саноат корхоналарида фундаментал илмий кашфиётларга асосланувчи ва солиштирма харажатлар, ресурсларнинг кескин пасайиш и, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатидан тубдан оширувчи, ишлаб чиқаришни мажмуавий автоматлашиши, экологик тозаликни таъминловчи 200га яқин кам операцияли асосий технология мавжуд.

Якка машиналар ўз ўрнини умумий ишлаб чиқариш даврини бажарувчи технологик мажмуаларга бўшатиб бермоқда. Янги технология ускуна ва маҳсулотга нисбатан узоқ муддат илғор бўлиб қолади, секинрок эскиради. Шунинг учун унга инвестициялар тезроқ ўзини-ўзи оқлайди. Технологияларнинг таснифи 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Технологиялар таснифи

№	Тасниф белгилари	Технология турлари
11.	Қўлланиш соҳаси	Фан ва таълим, информатика, саноат, хизматлар соҳаси, соғлиқни сақлаш,

		қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо
22.	Янгилик даражаси	Кашфиётлар асосида дунёда беқиёс; ноу-хау асосида ташкилот учун беқиёс
33.	Ривожланиш даражаси	Тараққий этган, ривожланаётган, қотиб қолган эскирган
44.	Технологияни қўллаш соҳаси	Бошқарувчи (асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи) ишлаб чиқариш
55.	Белгиланиши	Яратувчи, бузувчи, икки хилдаги белгиланишда
66.	Ресурсларга муносабати	Илмталаб, сармояталаб, энергияталаб, энергия тежовчи, чиқиндисиз, нон операциялилар
77.	Автоматлаштирилганлик даражаси	Қўлли, механизациялаштирилган, автоматлаштирилган, автомат, одамсиз
88.	рақобатбардошлиги	Аниқ мамлакатларда рақобатбардош ва рақобатбардош эмас

Инновацияларни кодлаштиришга эга аналогияларга кўра, технологияларни кодлаштириш мумкин, бу уларни ҳисобга олиш, қидириш, идентификатлаш, ва патентлаш жараёнини автоматлаштириш имконини беради.

2. Ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик тайёрлаш вазифалари, хусусиятлари ва босқичлари

Ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик тайёрлаш (ИЧТТТ) маҳсулотнинг яшаш даври (МЯД) босқичи сингари ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш (ИЧТТ) ва ишлаб чиқаришни ташкилий тайёрлаш (ИЧТТ)ни ўз ичига олади.

ИЧТТТнинг мақсади янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун технологик ва ташкилий ҳужжатларни тайёрлашдан иборатдир.

ИЧТТТнинг вазифалари:

- янги маҳсулотнинг технологиклигини таҳлил қилиш;
- корхонанинг мавжуд технология ва ускуналар ишлаб чиқариш қувватларини таҳлил қилиш;
- янги маҳсулот, ностандарт технология ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқариш, уларни тайёрлашнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- моддий-техник ресурслар турларига эҳтиёжни меъёрлаштириш;
- янги ишлаб чиқариш участкаларини лойиҳалаштириш;
- моддий-техник ресурсларнинг янги етказиб берувчилари билан шартномалар тузиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш нормативларини ҳисоблаш;
- Маҳсулотларни ишга тушириш ва ишлаб чиқаришнинг оператив-календар режаларини ишлаб чиқиш;
- ИЧТТТни оператив бошқариш ва ҳоказо.

ИЧТТТ бўйича ишларни кўп меҳнатталаблиги ва уни ўтказиш харажатлари ИТТКИ харажатларидан анча ошиб кетади. Масалан, АҚШда ИЧТТТ харажатлари ИТТКИ харажатларидан 11 марта кўпроқдир. С. Оржаникидзе номли ДАУда ўтказилган тадқиқотларга кўра, бу нисбат кичик

серияли ишлаб чиқаришда 4,6 дан йирик серияли ишлаб чиқаришда 8,0 гача этади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сериялилиги ўсгани сари мақсадли фан-техника дастурларини ишлаб чиқишга эҳтиёж ортади, улар бу маҳсулотларни йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқариш шароитларида кенг қўламли ўзлаштиришни кўзда тутаяди ва аксинча, янги маҳсулотни яққа ва кичик серияли ишлаб чиқариш шароитларида бундай дастурларга эҳтиёж йўқ. Ишлаб чиқаришнинг бундай турлари учун технологик жараёнларни ЧПУга эга ускуналар, ишлов берувчи марказлар ва эгилувчан ишлаб чиқариш тизимлари (ЭИЧТ) негизида механизациялаш ва автоматлаштириш муаммолари жуда долзарбдир.

Рақобатбардош маҳсулотни йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ишларнинг кенг мажмуасини режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулларини қўллаш зарур; бу усулнинг салмоғи ишлаб чиқариш ҳажмининг 20 %га яқинини ташкил этади. Қолган 80 % и ишлаб чиқаришнинг кичик серияли турларига эга корхоналар маҳсулотларига тўғри келади. Улар учун технологик жараёнларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ишлаб чиқаришнинг техник қайта жиҳозлашнинг махсус ишлаб чиқарилаётган дастурлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёрлаш бу корхонанинг ДС (давлат стандарти) ва сифатнинг техник шартлари томонидан белгиланган маҳсулотни режали тартибда ишлаб чиқаришга технологик тайёрлигини таъминловчи ўзаро боғлиқ фан-техника жараёнлари йиғиндисидир. Саноат маҳсулоти сертификатланиши сабабли маҳсулот сифатига талаблар сезиларлича оширилади.

Ишлаб чиқаришни ягона технологик тайёрлаш тизими (ИЧЯТТТ) - ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни ташкил этиш ва бошқаришнинг давлат стандартларида белгиланган тизими, у фан ва техника ютуқлари асосида узлуксиз такомиллашади ва турли бошқарув даражаларидаги ИЧТТнинг ривожланиши орқали бошқарилади.

ИЧЯТТТнинг асосий мақсади - ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай турини кўрсатилган сифатли маҳсулотлар, ресурсларнинг мувофиқ харажатларида ва мувофиқ муддатларда ишлаб чиқаришга тўлиқ тайёрлигига эришиш учун зарур шароитларни яратиш.

ИЧЯТТТ қуйидагиларни таъминлашга қаратилган: ҳар бир корхона, ташкилот учун фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг илғор ютуқларига мос келувчи ИЧТТ усуллари ва воситаларни танлаш, қўллашга ягона тизимли ёндашув; ишлаб чиқаришни уни узлуксиз такомиллаштириш, мукамалроқ техникани ишлаб чиқаришга тез қайта созлашга юқори даражадаги мослашуви; муҳандислик-техника ишлар муаммосини механизациялашган ва автоматлаштирилган ҳолда бажарилишини оқилона ташкил этиш, шу жумладан ишлаб чиқариш объектлари ва воситаларини қуриш, технологик жараёнлар ИЧТТ бошқаришни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш; ИЧТТнинг бошқа БАТ ва тизимчалари билан ўзаро алоқаси; ИЧТТнинг юқори самарадорлиги.

ИЧЯТТТнинг тузилиши икки омил: ИЧТТнинг вазифавий таркиби ва ИЧТТнинг вазифалари барча даражаларда ҳал этилади ва қуйидаги тўрт вазифа бўйича гуруҳларга ажратилади: маҳсулотнинг технологиклигини таъминлаш; технологик жараёнларни ишлаб чиқиш; технологик жиҳозлаш воситаларини лойиҳалаштириш ва тайёрлаш; ИЧТТни ташкил этиш ва бошқариш.

ИЧЯТТТнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

- ИЧТТ доирасининг тизимли тузилмали таҳлили;
- маҳсулотни тайёрлаш ва назорат қилишнинг технологик жараёнларини туркумлаш ва стандартлаштириш.

ИЧЯТТТ босқичлари:

- корхона ва соҳада мавжуд ИЧТТ тизимлари таҳлили;
- ИЧТТнинг техник ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- ИЧТТнинг ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш (ахборот технологиялари, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторлари, ихтисослаштирилган иш жойлари ва участкалари, ташкилий ҳужжатлар ва лавозимли қўлланмаларни гуруҳли ишлаб чиқиш усуллари ташкил этиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш).

Технологик жараёнларнинг самарадорлигини таҳлил қилишда технология таркибий қисмларини унификациялаш даражасига белгиланган технологияда маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ва мувофиқ дастурини танлаш қонунини амалга ошириш шарт сифатида эътибор қаратиш керак.

ИЧЯТТТда ҳужжатлар. Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (ТХЯТ) талабларига мувофиқ расмийлаштирилади, унинг асосий белгиланиши технологик ҳужжатларни расмийлаштириш, тиклаш ва муомала қилиш, унификациялаш ва стандартлаштириш бўйича ягона ўзаро боғлиқ қоида ва меъёрларни белгилашдир. ТХЯТ ишлаб чиқариш жараёнларини туркумлаш, ҳужжат шакллари ва уларни расмийлаштириш, меъёрлар ва нормативларни ишлаб чиқишни унификациялаш ва бошқа масалаларни кўзда тутди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини туркумлаш – ҳар бир таснифланган гуруҳ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эҳтимолий ишлаб чиқариш қарорларини сметалаш ва таҳлил қилиш; технологик вазифалар мажмуасини бир вақтда ҳал этишда ҳар бир таснифланган гуруҳ

маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ушбу ишлаб чиқариш шароитлари учун мувофиқ намунавий жараёнини ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи ишлар мажмуаси. Намунавий ишлаб чиқариш жараёни маҳсулотларнинг ушбу гуруҳи учун умумий бўлади.

Намунавий ишлаб чиқариш жараёнини икки йўл билан амалга ошириш мумкин:

- Асос сифатида истеъмолчи учун мувофиқ вариантни танлаш талабларига тўлиқроқ жавоб берувчи аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг амалдаги ишлаб чиқариш жараёниолинади.

- Танлаш мезонлари – тараққийлик ва оқилона изчиллик янгидан ишлаб чиқилади (ўтишларнинг бир қисми бир корхонада амалда бўлган жараёнга бошқа қисми - бошқсидагига мос келади).

ТХЯТ томонидан белгиланган шаклларда ишлаб чиқилган технологик хужжатлардан КБАТ учун ахборотларнинг бирламчи массиви сифатида фойдаланиш мумкин. ТХЯТни ишлабчиқаришга татбиқ этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини туркумлаштириш ишлаб чиқаришни ишлаб чиқишга вақтни 35-40%га қисқартириш имконини беради.

Шундай қилиб, ИЧТТТҚнинг фаолиятини қисқартириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари ИЧТТЯТ, ТХЯТ, КБАТни татбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини унификациялаш ва туркумлаш, менежментнинг илмий ёндашувлари қўлланилишини таҳлил қилиш ва жараёнлар ташкил этилганлиги тамойилларига риоя этишдан иборат.

3. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш ва башоратлаш

Ишлаб чиқаришни фирма миқёсида ташкилий-техник ривожлантириш технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш бўйича инвестицион ва инновацион лойҳаларни амалга ошириш асосида амалга оширилади.

Фан-техника тараққиёти ва инновацион сиёсатнинг натижалари ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражаси (ИЧТТД) да акс эттирилади. ИЧТТД инновацион сиёсатнинг натижавийлиги, технология ва жараёнларни ташкил этиш даражасини тизимга “кириш” талабларига мослиги даражаси ёрдамида ифодаланади. Агар “кириш” – бутловчи буюмлар, хомашё, материаллар ва бошқаларнинг сифати рақобатбардошлик талабларига мос келса, у ҳолда “кириш” ни қайта ишлаб чиқариш “жараёни” нинг сифати тизимнинг “чиқиши”да юқори бўлиши керак. Масалан, “кириш” нинг сифати 5 га баҳоланса, яъни рақобатбардошлик талабларига жавоб қайтарса, “жараён” нинг сифати 3 бўлса, у ҳолда чиқишда 3 бўлади. Сармоядор “кириш” сифатини оширишга катта маблағ сарфлаб, “чиқиш”да исталган натижани ола олмайди, чунки технология ва жараёнларни ташкил этиш “кириш”ни сифатли қайта ишлашга қодир эмас. Бошқа вазият: технология ва жараёнларни ташкил этиш рақобатбардошлик талабларига жавоб беради, аммо “кириш”нинг сифати, масалан, ишлаб чиқариш ҳужжатларидаги сифат кўрсаткичлари ва товарнинг ресурслар истеъмоли рақобатбардош эмас, бунда “чиқиш”даги сифат ҳам рақобатбардош эмас. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади: тизимда “кириш” ва “жараён” сифатининг мутаносиб даражасини (яхшиси ташқи ёки ички бозорда рақобатбардошлигини) таъминлаш керак.

ИЧТТД кўрсаткичларини мажмуавий (кўрсаткичлар дарахтининг нолли даражаси, умумлаштирувчи (биринчи даража) ва хусусий (иккинчи даража)га ажратиш мақсадга мувофиқ. Мажмуавий кўрсаткич бўйича жамоанинг келажакни кўзда тутиб, стратегик мақсадларга ишлаши ҳақида

фикр юритилади. Агар стратегик мақсадлар, фирманинг обрўси, ташкилий-ишлаб чиқариш сиёсатига жавоб қайтарилса, у ҳолда тактик мақсадлар, шу билан бирга тизимнинг “чиқиши” талаблари, аниқ бозор талабларига жавоб берилади.

ИЧТТД нинг мажмуавий кўрсаткичини қуйидаги формулалардан бири билан белгилаш тавсия этилади :

$$K_{ИЧТТД} = a_1 K_{Т4} + a_2 K_{ОУ} , \quad (1)$$

$$K_{ИЧТТД} = a_0 + a_3 K_{ТУ} + a_4 K_{ОУ} , \quad (2)$$

$$K_{ИЧТТД} = a_9 K_{ТУ} K_{ОУ} , \quad (3)$$

бу ерда $K_{ТУ}$ - ишлаб чиқариш техник даражасининг умумлаштирувчи кўрсаткичи, бирлик улушлари;

$K_{ОУ}$ - ташкилий ишлаб чиқаришнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи, бирлик улушлари;

a_0 ва a_5 - регрессия тегламаларининг эркин аъзолари;

a_1 ва a_2 - ИЧТТД тегишли умумлаштирувчи кўрсаткичлари оғирлик коэффициентлари, a_1 ва $a_2=1,0$ уларнинг аниқ миқдорлари омилли таҳлил усули ёки эксперт йўли билан белгиланади (a_1 ни 0,5...0,7 доирасида қабул қилиш тавсия этилади, автоматлаштириш даражаси ошиши билан миқдор ошади, a_2 - тегишли равишда 0,3...0,5);

a_3 ва a_4 –тенглама регрессиясининг омиллар алоқаси тўғри чизиқли шакли бўйича коэффициентлари;

a_6 ва a_7 – даражали шаклидаги коэффициентлари.

(1) формула бўйича кўрсаткичлар эксперт йўли билан, (2) ва (3) формула бўйича – корреляцион-регрессив таҳлил усулини қўллаш орқали белгиланади.

Ишлаб чиқаришнинг техник даражаси (K_{TV}) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши ва технологиянинг тарққий этганлиги босқичлари таърифлайди.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий даражаси (K_{OY}) ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ривожланиш даражаси, жараёнларнинг ташкилийлик даражасини ифодалайди.

Ишлаб чиқаришнинг техник ва ташкилий даражалари (K_{TV} ва K_{OY})нинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари хусусий кўрсаткичлардан вазифа сифатида белгиланади:

$$K_{TV} = f1(x_1, x_2 \dots x_n), \quad (4)$$

$$K_{OY} = f2(x_1, x_2 \dots x_n), \quad (5)$$

бу ерда, $f1$, $f2$ – умумлаштирувчи кўрсаткичлар ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик вазифалари;

$x_1, x_2 \dots x_n$ - K_{TV} кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи хусусий кўрсаткичлар:

$x_1, x_2 \dots x_n$ - K_{OY} га таъсир кўрсатувчи хусусий кўрсаткичлар.

ИЧТТД хусусий кўрсаткичларни қуйидаги формулалардан бири бўйича белгилаш тавсия этилади:

$$xi = \frac{\Pi \phi i}{\Pi ni} \quad (6)$$

$$x_i = \frac{P_{ni}}{P_{\phi i}} \quad (7)$$

бу ерда, $P_{\phi i}$ - ИЧТТД нинг умумлаштирувчи кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи i - омилнинг ҳақиқий миқдори;

P_{ni} -меъёри ёки режавий худди ўзи.

(6) формула билан омилнинг ҳақиқий миқдори меъёридан ўшиб кетиши ИЧТТД га ижобий таъсир кўрсатган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, технологик жараёнларнинг тараққийлик даражаси, қисман жараёнларнинг қуввати бўйича мутаносиблиги коэффициенти ва ҳоказо.

(7) формуладан тескари ҳолда, янги омилнинг ҳақиқий миқдорини меъёридан ошиб кетиши ИЧТТД га салбий таъсир кўрсатган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, фирма технологик ускунасининг ўртача ёши, технологиянинг ўртача ёш, жароҳатларни тез-тез бўлиши, ходимлар кўнимсизлиги кўрсаткичига ва бошқалар

Ишлаб чиқаришнинг техник даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси (автоматлар орқасидан кузатиш бўйича ва машиналар ёрдамида ишловчи асосий ва ёрдамчи ишчиларнинг асосий ва ёрдамчи ишчиларнинг умумий сонига нисбати).

2. Технология жараёнларининг тараққиёт даражаси (тараққий этган жараёнларни расмий услубиётларга мувофиқ уларнинг умумий сонига нисбати).

3. Технологик жараёнларнинг ўртача ёши.

4. Технологик ускуналарнинг ўртача ёши.

5. Фирма ходимлари меҳнатининг фонд билан таъминланганлиги (асосий ишлаб чиқариш фондлари фаол қисми қийматининг фирма ходимлари сонига нисбати).

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлиги даражаси (масалан, соҳавий маҳсулотнинг йиллик ҳажми қийматини ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбати).

2. Ишлаб чиқаришнинг кооперацияганлиги даражаси (бутловчи маҳсулотлар умумий ҳажмининг ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбати).

3. Технологик ускуна ишининг алмашув коэффиценти.

4. Фирма штат жадвалининг тўлдирилганлиги, %да.

5. Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг фирма ходимлари сонига салмоғи, %да.

6. Ходимларнинг йил давомидаги қўнимсизлиги коэффиценти, %да, жароҳатларнинг тез-тез бўлиши кўрсаткичи (ҳисоботга кўра).

7. Иш вақтининг йўқотилиши, %да.

8. Жароҳатларнинг тез-тез бўлиши коэффиценти (кўрсаткичи - статистик ҳисоботга кўра).

9. Қисман ишлаб чиқариш жараёнларининг қуввати бўйича мутаносиблиги коэффиценти (кўрсаткичи).

10. Ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлиги коэффиценти.

11. Ишлаб чиқариш жараёнлари реаллиги коэффиценти.

12. Ишлаб чиқариш жараёнлари тўғри/шахслилиги коэффициенти.

13. Ишлаб чиқариш жараёнлари бир маромдалиги коэффициенти.

ИЧТТД санаб ўтилган омилларини тактик бошқариш уларни ошириш резервларини топиш имконини беради. ИЧТТД омилларини стратегик бошқаришни амалга ошириш учун уларнинг келгуси ўзгаришларини башоратлаш зарур.

ИЧТТДнинг хусусий, умумлаштирувчи ва мажмуавий кўрсаткичларининг олинган миқдоридан уларнинг тараққий этганлигини таҳлил қилиш, ИЧТТДни ошириш учун тор жойларни топиш ва стратегик башоратлаш учун фойдаланилади.

ИЧТТДни шартли маълумотларда баҳолаш, таҳлил қилиш ва башоратлашнинг мисолини келтирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини баҳолаш ва башоратлаш учун ўхшаш маълумотлар

	Кўрсаткичлар	Сал моғи	Омиллар миқдори			
			норм атив	ҳақиқий		
				2 006й.	2 007й.	2 008й.
	1	2	3	4	5	6
1.	Ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлиги	0,50	0,75	0,40	0,63	0,72

	ва автоматлашганлиги					
2.	Технологик жараёнларнинг таракқий этганлиги даражаси	0,25	0,80	0,45	0,75	0,75
3.	Шу жараёнларнинг ўртача ёши	0,10	3,0	4,0	2,1	2,3
4.	Шу ускуналарнинг ўртача ёши, йил	0,08	4,0	5,2	3,0	3,8
5.	Фирма ходимлари меҳнати фонд билан таъминланганлиги, млн. сўм/долл.	0,07	25,0	17,0	21,5	22,0
6.	Ишлаб чиқаришнинг кооперацияланганлиги даражаси	0,08	0,60	0,45	0,55	0,63
7.	Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлиги даражаси	0,15	0,95	0,83	0,96	0,97
8.	Шу ускуналар ишлашининг алмашув коэффициенти	0,10	2,20	1,80	2,30	2,35

9.	Фирма штат жадвалининг тўлдирилганлиги, %	0,15	100,0	85,0	97,0	99,3
10.	Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг фирма ходимлари сонига салмоғи, %	0,10	45,0	37,5	46,2	47,5
11.	Ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти, %	0,15	9,0	26,1	12,3	8,9
12.	Иш вақтининг йўқотилиши, %	0,05	2,0	7,5	4,6	2,3
13.	Жароҳатларнинг тез-тез бўлиши коэффициенти	-	-	0,031	0,012	0
14.	Жараёнларининг қуввати бўйича мутаносиблиги коэффициенти	0,07	0,95	0,83	0,32	0,94
15.	Ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлиги коэффициенти	0,05	0,80	0,71	0,76	0,82
16.	Ишлаб чиқариш жараёнлари бир					

маромдалиги коэффициенти	0,10	0,90	0,63	0,75	0,86
-----------------------------	------	------	------	------	------

2-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, 2006 йилда ИЧТТД деярли барча кўрсаткичлари нормативлардан паст бўлган, фирма барча йўналишлар бўйича тартибсиз бўлган.

2007 йилда корхона техник катта жиҳозларни ўтказган, ишлаб чиқариш ускуналари, жараёнларнинг ярмиси янгиланган, бу ишлаб чиқаришнинг даражаси ва жараёнларнинг ташкилийлигини оширишга имкон берган. 2008 йилда техник катта жиҳозлаш яқунланган ва умуман ушбу даврда ИЧТТД нинг барча хусусий кўрсаткичлари яхшиланган.

Компьютерларни қўллаш билан омиллиа таҳлил усулларидадан фойдаланиш учун дастлабки маълумотларнинг етарлича миқдори мавжуд эмаслиги сабабли ИЧТТДнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларини (1) формулабўйича омилларнинг салмоғи (2-жадвалнинг 2-устунига қаранг) ва уларнинг ҳарактини (6-ва 7- формулаларга қаранг) ҳисобга олиш ёрдамида баҳолашнинг экспертли усуллари қўлланади.

2006-2007 йиллар учун маълумотлар хусусий кўрсаткичларнинг динамикасини белгилаш учун 2-жадвалда берилган. ИЧТТД 2008 йил маълумотлар бўйича баҳоланади.

2004 йилда фирма ишлаб чиқаришининг техник даражаси куйидагиларга тенг:

$$K_{TV} = 0,08 \frac{0,72}{0,75} + 0,25 \times \frac{0,75}{0,80} + 0,10 \times \frac{3,0}{2,9} + 0,08 \times \frac{4,0}{3,8} + 0,07 \times \frac{22}{25} = 0,94$$

2004 йилда фирма ишлаб чиқаришининг ташкилий даражаси куйидагиларга тенг:

$$K_{ov} = 0,08 \times \frac{0,63}{0,60} + 0,15 \times \frac{0,97}{0,95} + 0,10 \times \frac{2,35}{0,20} + 0,15 \times \frac{99,3}{100} + 0,10 \times \frac{47,5}{45,0} + 0,15 \times \frac{9,0}{8,9} + 0,05 \times \frac{2,0}{2,3} + 0,07 \times \frac{0,94}{0,95} + 0,05 \times \frac{0,82}{0,80} + 0,10 \times \frac{0,86}{0,90} = 0,98.$$

2008 йилдаги фирма ишлаб чиқаришининг ташкилий-техник даражаси $K_{a1} = 0,55$, $K_{a2} = 0,45$ оғирликда қуйидагиларга тенг:

$$K_{ичттд} = 0,55 \times 0,94 + 0,45 \times 0,98 = 0,96 < 1,0$$

ИЧТТДни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш кўрсатишича, бу даража тизимнинг “чиқиши” талабларига жавоб бермайди.

ИЧТТДни ошириш учун қуйидагилар зарур:

- ишлаб чиқариш даражасини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг тараққий этганлиги даражасини ошириш;
- меҳнатнинг фонд билан қуролланишини ошириш;
- иш вақти йўқотилишини қисқартириш; ишлаб чиқаришнинг бир маромдалигини ошириш.

ИЧТТДни башорат қилишни қуйидаги изчилликда амалга ошириш тавсия этилади:

1. Тизимнинг “кириш” параметрлари – фирма товарларининг унинг стратегиясида белгиланган муддатлардаги рақобатбардошлигини башоратлаш.

2. Таъминловчи тизимчанинг параметраларини башоратлаш.

3. рўйхати 2-жадвалда берилган “жараён” параметрлари (ИЧТТД) тизимнинг “кириши” талабларига мос келишини таъминловчи ИЧТТДнинг хусусий кўрсаткичларини башоратлаш.

4. Башоратли нормативлар бўйича ИЧТТДни баҳолаш.

5. Келгусида ИЧТТДни талаб қилинадиган даражагача оширишга эришишни таъминловчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

6. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташкилий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

4. Ишлаб чиқаришни ташкилий-ишлаб чиқаришли тайёрлашнинг иқтисодий масалалари

Ташкилий-ишлаб чиқаришли тайёрлашнинг иқтисодий масалалари рўйхатига қуйидагилар киради:

- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;
- ташкилий-ишлаб чиқариш даражасини унинг тараққий этганлиги ва тизимнинг кириш талабларига мослиги, рақобатбардошлиги мақсадида таҳлил қилиш;
- бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини оқилона ташкил этиш тамойилларига риоя этилиши таҳлили;
- ИЧТТДни ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий асосланиши;
- ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг асосланиши;
- саноат намуналари, ноу-хаулардан фойдаланишга лицензияларни харид қилишнинг иқтисодий асосланиши;
- материаллар, хомашё, ресурслар, ускуналар, меҳнатга эҳтиёжни меъёрлаш;
- меҳнатни ишлаб чиқиш ва менежментни ташкил қилиш параметрларини меъёлаш;
- ишлаб чиқаришни тайёрлашни иқтисодий асослаш;

• ташкилий лойиҳалар (ташкилий тузилмалар, цехлар, участкалар ва иш жойларини режалаштириш, кооперациялаш ва ҳоказо)ни ишлаб чиқиш ва асослаш

ИЧТТД самарадорлиги кўрсаткичлари:

- ИЧТТДга инвестицияларнинг самарадорлиги;
- ИЧТТДнинг алоҳида объектлар бўйича давомийлиги;
- ишлаб чиқариш жараёнларини оқилона ташкил этиш тамойиллари (мутаносиблик, реаллик, тўғри – аниқлик, узлуксизлик, бир маромлилик ва бошқалар)га риоя этиш кўрсаткичлари;

- ишлаб чиқаришли жиҳозланиш элементларини унификациялаш кўрсаткичлари;

- технологик жараёнларни туркумлаштириш кўрсаткичлари; ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилганлик даражаси;

- ИЧТТДнинг ишлаб чиқариш тизими мавжудлиги;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари;
- технологияларнинг рақобатбардошлиги.

ИЧТТД жаражатларидастлабки (капитал), жорий ва яқунловчига бўлинади.

Даствлабки харажатларга қуйидагилар киради:

- лицензиялар, ноу-хауларни харид қилиш харажатлари;
- лойиҳа – изланиш ишларининг қиймати;
- қурилиш-монтаж ишларини ўтказиш харажатлари;
- усқунани харид қилиш, ўрнатиш ва синов харажатлари;
- қурилаётган ташкилот (корхона) дирекциясини сақлаб туриш харажатлари;
- ходимларни тайёрлаш харажатлари;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани яратиш харажатлари;

- лойиҳани амалга оширишнинг салбий ижтимоий ва экологик оқибатларини бартараф этиш харажатлари;

- такрор ишлаб чиқариш давридаги суғурта бадаллари;

- лойиҳани амалга ошириш учун айланма маблағларни яратиш ва ўсиши учун капитал қўйилмалар ва ҳоказо.

ИЧТТДнинг жорий харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- моддий харажатлар;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий фондларга ажратмалар харажатлари;

- ускуналар ва транспорт воситаларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

- маъмурий қўшимча харажатлар; заводнинг қўшимча харажатлари.

- ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: илмий ёндашувларни қўллаш; кўлам самарасини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситаларини унификациялаш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, технологиялар, ишлаб чиқариш объектларининг рақобатбардошлигини ошириш.

ИЧТТД масалаларидан бири танглик дастурини танлашдан иборат, унда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш жараёнлари анкета варианты тенг самаралидир. Танглик дастури қуйидаги формула бўйича белгиланади:


$$N_{KP} = \frac{3доим1 - 3доим2}{3ўзг.2 - 3ўзг.1}, \quad (5)$$

бу ерда: N_{KP} – танглик дастури икки ишлаб чиқариш жараёнининг тенгсамарали дастуридир.

3 доим 1 ва 3 доим 2 – дастур ўзгаришида шартли равишда ўзгармайдиган технологияларнинг 1- ва 2-вариантлари бўйича тегишли равишдаги шартли-доимий харажатлар.

3 ўзг. - ўзгарувчи дастурга мутаносиб харажатлар (моддий, асосий ишчиларнинг иш ҳақи ва ҳоказо).

Бу нисбатни чизмали қуйидагича тасаввур этиш мумкин (3-расм).



Таянч иборалар

Технология, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш, технологиялар таснифи, ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик тайёрлаш, технологиклик, технологик ҳужжатларнинг ягона тизими, ишлаб чиқариш даражаси, илм истеъмоли, сармоя истеъмоли, энергия истеъмоли, энергия таъминоти, чиқиндисиз технологиялар.

Қисқача хулосалар

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи кўпроқ меҳнат ашёларини механик ишлаб чиқишдан материя ҳаракатларининг турли-туман мураккаб шакллари, айниқса жисмоний, кимёвий, биологик жараёнлардан

мажмуавий фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ технологик инқилоб билан изоҳланади. Шунинг учун тубдан янги технологияларни ўзлаштириш меҳнатнинг янги воситалари ва ашёларидан фойдаланишнинг бир вақтда оқибат ва шарт-шароити бўлади.

Фан-техника инқилобининг оммавий саноат технологияси пленарлидир. Унинг ёрдамида интеграл схемалар таркибидаги мантиқий ва эслаб қолувчи – магнитли, оптик, акустик, каттик жисмли қурилмалар учун кўп сонли транзисторлар ҳамда турли жисмоний сигналлар учун датчиклар ишлаб чиқарилади. Физик-кимёвий жараёнлар (фотолитография, плёнкаларни олиш ва ҳоказо) механик ишлаб чиқишнинг ўрнини босади.

Қуйидагилар ресурслардан фойдаланишнинг асосий шартлари ҳисобланади: илмий ёндашувларни қўллаш, кўлам самарасини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситаларини унификациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, технологиялар, ишлаб чиқариш объектларининг рақобатбардошлигини ошириш.

Назорат саволлари

1. ИЧТТКИ ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш харажатларининг нисбати қандай?
2. Замонавий технологик инқилобнинг асосий белгилари қандай?
3. Технологияларни таснифлаш қандай белгилар бўйича амалга оширилади?
4. Ташкилий-технологик тайёрлаш (ИЧТТТ) нинг вазифаларини айтиб беринг.

5. ИЧТТТ қандай босқичлардан иборат?
6. Ташкилий-технологик даража (ИЧТТД)нинг моҳияти ва хусусиятлари ниядан иборат?
7. ИЧТТД қандай параметрлар билан ифодаланади?
8. Инвестицион фаолият инновациондан қандай фарқланади?
9. ИЧТТТда қандай иқтисодий масалаларни ҳал қилиш зарур?
10. ИЧТТТсамарадорлиги қандай кўрсаткичлар билан ифодаланади?
11. ИЧТТТ харажатлари қандай турларга бўлинади?
12. Деталларни ишлаб чиқаришнинг танглик дастури қандай мақсадлар учун белгиланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
3. Румянцева А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработку довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2007.

4. Инновационный тип развития экономики: Учебник. /Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. – М.: РАГС, 2008.

5. Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. /Под редакцией Б.З. Мильнера. – М.: Инфра-М., 2010.

11- Мавзу. ХОДИМЛАРНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ

Режа:

- 1. Инновацион ташкилотларда ходимларни бошқариш хусусиятлари.**
- 2. Инновацион менежердан талаб этиладиган сифатлар.**
- 3. Ижтимоий бошқарувнинг янги технологиялари.**
- 4. Лойихавий гуруҳларнинг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги.**
- 5. Жаҳон ижтимоий ривожланиш омили сифатида.**

1. Инновацион ташкилотларда ходимларни бошқариш хусусиятлари

Ходимлар корхонанинг муҳим вазифавий тизимчаси ҳисобланиб, инновацион ривожланишнинг қимматли ресурсларидан иборат. Стратегик ва оператив вазифаларга эга бўлган ҳолда, инсон омили ишлаб чиқаришни ахборотлаштиришни интеллектуаллаштиришда марказий ўринни эгаллайди.

Оммавий анъанавий ишлаб чиқариш ва инновацион ривожланишнинг шубҳасизлиги ўртасидаги зиддиятлар аниқса бозор иқтисодиётига ўтишда

кескинлашади. Бу ҳолат ходимларни бошқариш тизими ва инсон ресурсларига муносабатларни ўзгартиришни тақозо этади.

Сўнгги пайтларга қадар “ходимларни бошқариш” тушунчаси бошқарув амалиётида умуман бўлмаган. Ҳар бир ташкилот ходимларни бошқаришнинг вазилавий тизимига эга бўлишига қарамай, бу бошқарув бўлинма раҳбарининг ҳуқуқ доирасига кирган. Ташкилотда ходимларни бошқариш бўйича асосий таркибий бўлинма меҳнат ресурсларини режалаштириш, ходимларнинг ўқиши, малакасини ошириши ва қайта тайёланишини ташкил этишни бажарувчи ходимлар бўлимадир. Аммо бу анъанавий хизматлар меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлинмалари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан ташкилий боғлиқ эмас.

Анъанавий ходимларни бошқариш хизматлари инновацион тизимларда мувофиқ фаолият юритишни таъминлаш учун касбий маҳорат ва ташкилий мақомга эга эмас. Шунинг учун жамоага ижтимоий-психологик ташхис қўйиш, гуруҳли ва шахслараро муносабатларни таҳлил қилиш ва тартибга солиш, жанжал ва стрессларни бошқариш, касбий хусусиятларни ҳисобга олиш ва ходимларнинг ижтимоий-психологик мослашуви, меҳнатга ундовчи сабабларни бошқариш ва ҳоказолар ходимлар иши бўлималари томонидан умуман ҳал этилмаган.

Инновацион жамоаларда булар инновацион менежер томонидан ҳал этилади, шу билан бирга бошқарувнинг анъанавий элементлари меҳнат ресурсларини бошқариш технологиясини ташкил этади. Маълумки, меҳнат ресурсларини бошқариш режалаштириш, ходимларни танлаб олиш ва жойларини ўзгартириш, меҳнат фаолияти баҳлаш ҳамда иш ҳақи миқдорини белгилаш, рағбатлантириш ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш вазибаларини ўз ичига олади.

Меҳнат ресурсларини бошқариш ходимларни касбий йўналтириш ва мослаштириш, жойни ўзгартириш, пасайтириш ва ишдан бўшатиш тизимини ўз ичига олади.

Инновацион ёндашувларнинг анъанавий катта фарқи ходимларни танлаб олиш тизимида намоён бўлади. Анъанавий ёндашувда танлов бўйича ишнинг керакли ҳажми кўпроқ даражада мавжуд ишчи кучи ва унга бўлажак эҳтиёж ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Ноаниқлик ва катта таваккалчилик билан изоҳланадиган инновацион фаолиятда ишчи кучига бўлажак эҳтиёжни башорат қилиш мураккабдир. Мавжуд ходимлар имкониятларини уларнинг стохастик ижтимоий жараёнларга мослашиши нуқтаи назаридан ва малакаларининг инновацион фаолият мазмуни даражасига мослигини баҳолаш зарур.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг инновацион тури касбий муваффақият муомаласини янгича шакллантиради, шу сабабли ходимни танлаш, қайта ўқитиш ва ижтимоий мослаштиришнинг алоҳида тизимини шакллантиради. Янги вазият ноанъанавий ижтимоий технологияларни топишга мажбур қилади, ходимдан туғма ва кейинги олинган сифатларни мавжуд муҳит талаблари билан бирлаштириш, ишга ундовчи сабабларнинг турли-туманлигини қабул қилиш тақозо этади.

Инновацион тузилмалар ходимдан тафаккур кенглиги ва ҳаракатчанлик, идрок этишнинг самарали тизими, ижодга ички эҳтиёжнинг алоҳида турини талаб этади. Улар биринчи навбатда юқори малакали ишчи кучига қаратилган, новатор олим ёки новатор менежер шахси унинг марказий бўғини ҳисобланади. Инновацион фаолиятда ақл соҳиби асосий шахс ҳисобланади, шунинг учун меҳнатнинг маъноли аҳамият ва юқори ички сабаблар муҳим аҳамият касб этади. Новаторнинг асосий шахсига алоҳида талаблар аниқ мослаштирилган ҳаракатлар, коммуникация жараёнлари ва шахслараро муносабатлар билан бириктирилиши керак.

Кўпгина хорижий компаниялар инновацион менежерларни танлов асосида танлаб олишда ходимнинг сифатларини инновацион бошқарувчи фаолияти талабларига мос келиши тестларидан фойдаланади. Танлов иштирокчиларини танлашда мантиқий-дидактик кўникмаларга суянувчи ташкилотчилик қобилиятлари, ташаббускорлик, мақсадга интилиш, мақсадга эришишдаги тиришқоқлик муҳим сифатлардан ҳисобланади. Етакчилик юқори даражадаги жавобгарлик, атрофдагиларга дўстона муносабат, оперативлик ва аниқлик, қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтидалиги билан бирлаштира оладиган номзод юқори баҳо олади¹. Намуна тести 1-жадвалда берилади.

Инновацион фаолиятда ходимларни бошқаришга ёндашувлар анъанавий менежментга нисбатан мутахассисларни режалаштириш ва танлаб олиш босқичидан бошлаб, катта ўзгаришларга учраган. Янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва йирик ташкилдий ўзгаришларда ходимлар сонини башоратлаш кўпгина омилларга эга вазифадир. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ходимлар сифатига қатъий талаблар қўяди ва илғор технологияларни татбиқ этиш ишдан бўшатишларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, илғор технологиялар соҳасида инновацияларни татбиқ этишда Procter&Gamble, Jonson&Jonson, IBM компаниялари Comkon водийсининг бир қатор фирмалари ҳар йили минглаб ишчиларни ишдан бўшатади.

Инновацион ёндашувларнинг анъанавийлардан катта фарқи ходимларни танлаш тизимида ҳам намоён бўлади. Янгилик киритишнинг юқори даражасидан манфаатдор раҳбар, албатта ходимнинг ижодий қобилияти ва ютуқларини аниқлаши керак. Ходимдаги сифатларни баҳолаб,

¹ Егоршин А.П. Управление персоналом. 2-е изд. – Н.Новгород: НИМБ, 2007.

менежер намунавий миқдорий услубиётни нашрлар, патентлар, муайян шахсинг ижодий сифатлари каби сифат мезонлари билан бирлаштиради.

Ходимларни танлаш бўйича вазифалар ҳам мураккабдир. Ходим ҳақидаги мавжуд ахборотлар инновацион бўлинмадаги номзодларнинг аввалги ютуқларига тегишли бўлгани сабабли у бўйича номзоднинг келгуси вазифаларга мослиги ҳақида фикр юритиш мушкул. Шунинг учун ходимларни танлаш босқичида ноанъанавий муаммоларни ҳал этиш, ғояларни илгари суриш ва уларни амалга оширишда тестлар, танловли танлаш тизимидан фойдаланиш керак. Бунинг учун илмий жамоа раҳбари касбий муваффақият тушунча ва мезонларини белгилаши, ходимларни танлаш амалиётида касбий муҳим хусусиятлар, уларнинг динамикасини баҳолаш услубиётини қўллаши, ҳамда ходимларни ўқитиш ва касбий йўналтиришда касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш тамойилларини ҳисобга олиши керак.

Касбий муваффақият омилларининг алоҳида аҳамияти инновацион фаолиятда иштирок этаётган шахсинг олдига юқори талаблар қўяди. Натижада номзоднинг ҳам шахсий психологик хусусиятлари ва касбий кўникмаларини кўриб чиқиш зарур. Шахсни ўрганиш, шахсинг дунё билан муносабати кенглиги, уларнинг умумий тузилиши, иерархиклик ва биргалиги даражаси, якка шахсинг қобиляти ва феъл-атвор каби аниқ параметрларини ўрганиш таклиф этилган.

Бу тадқиқотлар шахс назарияси ва унинг хусусиятларига асосланади. Инновацион фаолиятда иштирок этаётганларнинг касбий муҳим хусусиятлари, уларнинг динамикаси, ҳамда касбий кўникмалари шаклланиши тезлиги энг муҳим ҳисобланади.

2. Инновацион менежердан талаб этиладиган сифатлар

Инновацион менежердан талаб этиладиган сифатларга мос келиш

тести

1-жадвал

Сифатлар	Баллардаги баҳолар			
	4	3	2	1
Ташаббускорлик	Қўшимча вазифаларни излайди, фаол, очиқ	Асосий вазифаларни бажаришда топқирлик ва фаросатни намоён этади	Қўшимча кўрсатмалар -сиз ишнинг керакли хажмини бажаради	Ташаббуссиз, пассив, кўрсатмаларни кутади
Етакчилик	Кучли шахс, ишонч ва дадилликни уйғотади	Самарали буйруқларни маҳорат билан беради	Машаққатли кўл меҳнатини олиб боради	Олиб борувчи
Ходимларга муносабати	Кишиларга нисбатан ижобий, дўстона муносабатда	Муомалада ёқимли, одобли	Баъзида одамови, муомала қилиш қийин	Мижғов, одамови, алоқага тез киришувчи
Масъулият	Ҳар қандай топшириқни бажаришда жавобгарликни сезади	Топшириқларга рози бўлади	Топшириқларга истамай рози бўлади	Ҳар қандай топшириқдан ўзини олиб

				қочади
Ташкилотчилик қобилияти	Жуда қобилиятли, ишонтара олади, мантиқий исботларни яхши билади, оқил	Қобилиятли, ташкilotчи	Ўртача қобилият	Ишонтириш, ва мувофиқлаш тиришга кодир эмас, ёмон ташкilotчи
Қатъийлик	Тез, аниқ, ишончли, тезкор	Пухта, эҳтиёткор, хушёр	Дадил, аммо кўп хато қилади	Шубҳалан увчан ва кўрқоқ
Мақсадга эришишдаги тиришқоқлик	Мақсадга интилувчан, қийинчиликларн и енгиб ўтишдан кўрқмайди	Доимий ҳаракатларни амалга оширади	Тиришқоқли к нинг ўртача даражаси	Тиришқоқ эмас

3. Ижтимоий бошқарувнинг янги технологиялари

Ижтимоий бошқарувнинг техник-ташкилий томони муваффақият мезонларини ишлаб чиқиш, оператив бошқарувнинг зарур технология ва тадбирларини танлашдан иборат. Лойихавий “жамоа”ни шакллантириш тадбирлари ва ижтимоий бошқарувга янгилик киритиш муваффақиятининг муҳим шарти ҳисобланади. “Жамоа” ёки “лойиха гуруҳи”ни танлаш норасмий ижтимоий-психологик ёндашувларга асосланган.

Бу ерда ҳамма нарса: коммуникация ва етакчилик муаммолари, ходимларни ундовчи сабаблар ва эпчиллик билан жавоб бериш, кишиларнинг хулқини бошқариш ва кутилмаган муаммолар ва жанжалли вазиятларни ҳал

этиш муҳимдир. “Лойиҳа гуруҳлари”ни танлаш, одатда, лойиҳа раҳбарининг зиммасига юкланади. Унинг вазифасига мутахассисларини касбий ва ижтимоий-психологик сифатлари бўйича танлов киради.

Лойиҳа “жамоаси” ярим доимий асосида шакллантирилади, бу ерда доимий “ўзак” фақат ушбу муаммо устида ишловчи мутахассислар ва “жамоа”га вақтинча бириктирилиши эҳтимоли бўлган қўшимча техник ходимлар, муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Ушбу лойиҳа устида ишлаш учун “жамоа”га берилган ресурслар, лаборатория ва тажриба ускуналари билан маневр қилиш ҳам кенг қўлланилади, улар ижарага бериш ва марказлаштирилган фонддан вақтинча берилиши мумкин.

Табиийки, ходимлар “ўзаги”, унинг раҳбари, вақтинчалик жамоа ва техник мутахассисларнинг вазифалари фарқланади. Мақсадларнинг бирлиги, фаолият натижаларидан қатъий назар касбий ва инсоний бирдамлик зарурлиги ва фойдалилигига ишонч бундай “жамоа” фаолиятида энг муҳим тамойиллардан ҳисобланади. Бундай тамойиллар асосида келгуси шахслараро мулоқот, қулай ахлоқий муҳит ва албатта новатор ижодини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Инновацион фаолият жараёнида вужудга келадиган вазифаларининг кўп жиҳатлилиги унга турли категориядаги ходимларни киритишни кўзда тутди, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ - ижодий ташаббускорликни намоён этиш, ажойиб ғояларни илгари суришга қодир юқори малакали новатор олимлар. Новатор менежерлар янгилик киритишни жараён сифатида бошқаришлари, янгиликларни ғоядан аниқ тижорат натижасигача силжишини таъминлашлари зарур. Худди улар ноаниқ шароитларда қарорлар қабул қилишлари, молиявий ва тадбиркорлик тавақалчилигига боришлари, инновацион фаолиятни бошқаришдаги ташкилий ва психологик қийинчиликларни енгиб ўтишлари лозим.

Агар новатор олим ва лойиҳанинг раҳбари малакали ходимлар “ўзаги”ни ташкил этса, унинг ёнида янгиликларни аниқ амалга ошириши учун жавобгар ходимларнинг учинчи, энг кўп сонли гуруҳи жойлашади. Бунда “чет” инновацион фаолиятнинг зарурий таркибий қисми бўлади. Лойиҳанинг умумий самарадорлиги унга боғлиқ. Кўллаб-қувватлаш тизимини таъминловчи малакали ходимларнинг бу гуруҳи кўпинча “илмий дарвозабонлар” ёки “бозор дарвозабонлари” деб номланади.

Худди шу ходимлар ташқи муҳит ва ички имкониятларни таъминлайдилар, инновацияларни амалга ошириш бўйича амалий фаолиятни кўллайдилар. Юқори раҳбарият лойиҳа “жамоаси”га ходимлар ҳаракатлари устидан батафсил, босқичма-босқич ва яхлит назоратни кўллаш мумкин эмаслигини тушунишлари зарур. Бундай “жамоа” аъзоларини фақат фавқулодда ҳолатларда бошқа ишга кўчириш мумкин. Лойиҳа раҳбарининг тутган ўрни ҳам ижтимоий-психологик нуқтаи назардан муҳимроқ бўлади. Ресурсларни тақсимлаш, уларни бошқариш, аниқ муддатлар қўйиш ҳукуқи раҳбар шахсий ҳокимлигининг ҳал қилувчи стандартларидан бири ҳисобланади. Агар юқори раҳбарият ёки ходимлар лойиҳа раҳбарининг эгаллаган ўрни бузилса, унда бундай “жамоа”нинг мавжулиги амалда йўқолади.

Шунинг учун новаторлик фирмалари, венчурли бўлинмалар, татбиқ этиш ташкилотларида раҳбарликнинг буйруқбозлик услуби умуман мумкин эмас. Лойиҳа гуруҳи аъзоларининг мавқеи бошқа мезонлар билан белгиланишини тушуниш керак. Масалан, агар анъанавий тузилмада шахснинг ижтимоий мавқеи лавозим иерархиясидаги катталиги, юқори даромади, маълумоти, хабардорлиги ва тажрибаси билан белгиланса, тадқиқот гуруҳларида ходимнинг мавқеи у илгари сураётган ғоялар, унинг ижодий қобилияти, тафаккури кенглиги, таваккалчиликка тайёрлигига боғлиқ.

Лойиҳа раҳбари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Мавқеи юқори раҳбариятдан паст бўлган ҳолда, у аниқ ҳолатни яхшироқ билиши, конструктивроқ ғояларни илгари суриши, лойиҳани тезроқ амалга ошириш учун самарали усулларни қўллаши мумкин.

Тадқиқот гуруҳлари ишида масалаларни ҳал этиш, гуруҳ аъзолари ҳулқини баҳолаш ва умуман улар ишининг самарадорлигига оқилона ёндашишга риоя этиш зарур. Мақсадни кўзлаш, лойиҳани ривожлантириш ва қарорлар қабул қилишнинг расмий тезкор тизими тўлиқ оқилона яратилиши керак, ижодий шахсий хусусиятлар, норасмий усуллар ва ностандарт ёндашувларни мувофиқ интеграциялашдан иборат бўлиши керак. Режалаштириш, бошқарув қарорлари ва назорат ичида “жамоа” иштирокчиларини ижодий ва ролли тақсимланиши содир бўладиган асосини яратди. Гуруҳни самарали ишлаши учун ишончи ва ҳамдардлиги муҳитини яратиш, ходимларни ижодга рағбатлантириш зарур.

4. Лойиҳа гуруҳларининг социал ўзаро ҳамкорлиги

Самарали фаолият юритиш ва юқори самарадорлик гуруҳ аъзоларининг социал ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир. Мақсадлар ва гуруҳнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ролли тузилмасини тартибга солувчи социал меъёрларнинг ўзига хос мажмуасини социал гуруҳнинг ажралиб турувчи аломатлари бўлади. Социал гуруҳлар уларга кирувчи якка шахсларнинг тури, ички тузилиш, социал ўзаро ҳамкорлик бирлашганлик даражаси бўйича фарқланадилар. Лойиҳа гуруҳи учун бу аломатлар ишлаб чиқариш вазифалари мураккаблиги ва етарлича аниқ бўлмаганлиги ва иштирокчиларининг оддий эмасликлари туфайли муҳим роль ўйнайди.

Бир томондан ҳулқ усулларининг муқобиллиги ва бошқа томондан мақуллаш ёки муқофотлашни кутиш социал ўзаро ҳамкорликнинг муҳим

хусусиятлари бўлади. Социал ўзаро ҳамкорликда якка шахслар шахсий мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Ҳар хил рағбатлар ва ундовчи сабабларга эгадир. Гуруҳдаги ижобий ўзаро ҳамкорлик лойиҳани амалга оширишнинг муҳим шарти бўлади. Бу айниқса шунинг учун муҳимки илмий жамоаларга якка шахслар қарама қарши ниятларга эга бўлишлари муҳим. Лойиҳавий “жамоалардаги ” шахслараро алоқалар янгилик киритишни амалга оширишда қўимча ноаниқликни киритишлари мумкин.

Ҳар қандай социал гуруҳни мувофаққиятли фаолият юритиши учун ролларни тақсимлаш зарур. Роллар маъноли юқдан ташқари вазифавий белгиларга ҳам эгадир. Масалан “жамоа ”нинг мақсадли ролларга эга иштирокчилари гуруҳни вазифаларини танлаб оладилар ва уларни бажарадилар. Роллар томонидан қўллаб-қувватловчи иштирокчилардан гуруҳ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва фаоллаштиришга қаратилган хулқ кутилади. “Жамоа ”нинг мақсадли ролларга эга аъзолари вазифасига одатда муаммоларни янгича қўйилиши ғояларини иницирофкалаш, ахборотларни кидириш, ғоялар, мулохазалар, фикрларни ишлаб чиқиш ва башоратлаш, мувофиқлаштириш ва умумлаштириш киради. “Жамоа”нинг қўллаб-қувватловчи ролларга эга аъзолари ишнинг мезонларини белгилайдилар, қарорни баҳолайдилар, мазмунли ва тадбирли чораларни ишлаб чиқадилар, гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг улушини баҳолайдилар муносабатини акс эттирадилар, гуруҳнинг фикрини шакллантирадилар, гуруҳнинг кўрсатмасини ижро этадилар, гуруҳ аъзолрининг фикрлари ва ҳаяжонларини мослаштирадилар.

Ҳар қандай тошкilot, шу жумладан илмий жамоа ҳам ўзига хос социал тизим бўлади, унда гуруҳли ўзаро ҳамкорликлар интенсив равишда амалга оширилади. Расмий ташкilotлар ва меҳнат жамоалари негизда норасмий гуруҳлар ўз ўзидан вужудга келадилар. Кўрсатмаларнинг таъсири қимматлидир ва норасмий гуруҳларнинг гуруҳли меъёрлари кўпинча расмий

бошқарувга нисбатан, натижалироқ бўладилар. Худди шунинг учун тажрибали менежер бундай ташкилот ичидаги тузилма. Жой- жойига қўйиш, социал назорат, норасмий етакчилик ва кўп жиҳатли ўзаро ҳамкорликларда мўлжални яхши олиши керак.

Анъанавий социал менежментда шундай фикр тарқалганлиги, норасмий гуруҳларни пайдо бўлиши рахбарнинг соддалиги ва бошқарувнинг самарасиз усулларининг натижаси бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, норасмий ўзаро ҳамкорликлар расмий ташкилотларнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадилар, улар кейингиларни фаолият юритишини анча яхшилашлари (ёки ёмонлаштиришлари) мумкин. Аммо шунинг аниқ тасаввур қилиш керакки, норасмий ўзаро ҳамкорлик мулоқот, ҳимоя, ҳайрихоҳлик, ҳурмат, кўллаб-қувватлашга чуқур ноташкилий психологик эҳтиёжлар оқибатида вужудга келадилар. Вужудга келган норасмий, социал ўзаро ҳамкорликлардан фойдаланишнинг натижавийлиги рахбар боғлиқ. Шахснинг уюшқоқлиги ва бардошлиги расмий ва норасмий гуруҳларни фаолият юритишининг оқибати бўлади.

Илмий ва лойиҳавий жамоалардаги инновацион фаолиятда якка шахсларнинг психологик хусусиятлари, норасмий статусларнинг ноаниқлиги ва бир хилда фикрлашга эришишнинг мураккаблиги оқибатида норасмий гуруҳларни фаолият юритиши айниқса катта аҳамиятга эга. Ғояларни генерациялашнинг мураккаб жараёни “ақлий ҳужум”, мунозаралар ва жанжаллар, тафаккурнинг ностандартлиги илмий бўлинмалар фаолиятининг алоҳида шароитларини яратадилар. Шу нарса бутунлай равшанки, шахснинг психолригия ва ундовчи сабаб категорияси ўзидан ўзи инновацион фаолият жараёнидаги социал якка шахслар сифатидаги одамлар мулоқоти психологик жиҳатларининг бутун ўзига хос лигини тўлиқ акс эттира олмаслиги мумкин.

Роли хулқ ва «социал бихеваризм» жамоадаги ҳаракатларнинг психосоциал жиҳатини таҳлил қилиш учун асослар яратмайдилар. Ўзининг

моҳисти бўйича социал жараён гуруҳли жараёндир. Инновацион бўлимлардаги гуруҳли фикрлаш ва биргаликда ижод қилишга ўтишни муваффақиятлилигини тушунишнинг бошланғич нуқтаси сифатида коммуникативлик олиниши керак. Социал технология нуқтаи назаридан янги тамойиллар шакллантирилиши керак, уларнинг маъноси «якка шахс» категориясидан «социал ҳаракат» категорияси орқали «психосоциал муносабат» тушунчасига ўтишдан иборатдир. Бу барча социал инновациялар шахсий хулқни биогенли эмас, балки социогенли ва ташкилий-иқтисодий омилларга киритишдан иборат бўлади, худди шунинг учун социал инновациялар иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўладилар.

Коммуникациялар Ушбу нуқтаи назардан нафақат объектлар алоқасининг воситаси сифатида, балки ҳаммадан аввал мулоқот ва ахборотларни алмаҳуви сифатида бўлади. Ушбу жихатдан социал тузилма шахслараро мулоқот жараёнларини барқарорлаштиришнинг натижаси сифатида бўлади. Социал ривожланиш эса коммуникация воситаларини ривожланиши жараёнидан бошқа нарса эмас. Бу ерда ҳам ахборотлар, ғоялар ва билимлар билан алмашиш ва ҳам ўзаро тушуниш, ҳамкорлик ва биргаликда бошдан кечириш каби жараёнлар биринчи ўринга чиқишлари мумкин.

Тушунувчим социология социал ҳаётнингмаъноли элементларни таҳлил қилишга жамланади. Ҳаракатнинг маъноси нафақат объекти аҳамият, балки ҳаммадан аввал якка шахс томонида субъектив идрок этувчи маъно нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак. Ушбу нуқтаи назардан социал ҳаракат кўринишида фақат субъектив маъноси бундай одамларнинг хулқига мос келувчи ҳаракат кўриб чиқилади. Социал маънога тушуниш ҳар қандай биргаликдаги ҳаракатнинг муҳим шарт-шароити бўлади. Биргаликдаги инновацион фаолиятга бундай ёндашиш ҳам ижобий хулқни тушунишга ва

хам якка шахс ва жамоа ўртасидаги субъектив муносабатнинг диалектикасини ҳисобга олишга ёрдам беради.

Анъанавий барқарор иқтисодий фаолиятда ташкилийликнинг муҳим социал тамойили социал тартиб вужудга келади. У маъно социал ҳулқнинг тасодифий эмаслиги, яъни алоҳидаги якка шахслар ва аниқ гуруҳларнинг мувофиқлашганлиги ўзаро бир –бирини алмаштириш ва ўзаро бир –бирини тўлдириши каби турлар билан боғлиқдир. Ушбу асосда стационар жараёнлар детерминацияланган ва олдиндан айтиб бериладиган бўладилар. Барқарорлик, олдин айтиб беришлилик ва аниқлик ҳақидаги тасаввурлар социал бошқарувни соддалаштиради, у ҳам кутишлар муносабати билан ва ҳам белгиланган ўзаро боғлиқликлар доирасида амалга оширилади.

Инновацион жараёнлар, бошқа нарсадир. Бу ерда фақат ҳолатнинг олдиндан айтиб берилишлиги ва тенг бўлмаслиги шароитларида натижага эриши мумкин. Анъанавий фаолиятда социал жараёнлар етарлича инерциялидирлар. Новаторлик фаолияти умуман компенсаторли (тенглаштирувчи) механизмлар йўқ бўлган эски парадигмани бузишга асосланганлар. Эски социал ва ташкилий асосларни қайта ташкил қилмай ва янгиларини моделлаштирмасдан янгиликни татбиқ этиш мумкин эмас.

Социал психологик концепциялар нуқтаи назаридан инновациялар объекти равишда ва тўсатдан вужудга келувчи ва ўз-ўзидан стрессли ҳолатлар ва вазиятларга асосланганлар. Тартибсизлик назарисига мувофиқ номаълум вазият ҳар хил реакцияларни, шу жумладан ваҳимали, оширилган реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Ваҳимадан олдин қисқа муддатли ҳаракатсизлик ҳолати келади. Кўпгина одамларда инновацияга биринчи жавоб тушунмаслик ва қабул қилмасликдир. Кейин гуруҳнинг асосий қисмини янги ғояга аста – секин мослашиши босқичи келади. Фаол қабул қилмаслик, қаршилик ва диссоциация (бўлиши) жараёнлари бўлиши мумкин. Олдинги тизимнинг ўзини ўзи сақлаши мақсадида стресслар ва жанжаллар

муҳитида авж олувчи салбий психологик ва социал реакциялап пайдо бўлиши мумкин. Шу вазиятда социал мослашгувнинг йўллари ва усулларида кўпроқ фойдаланиш керак. Социал тизим сифатидаги гуруҳда янги мақсад пайдо бўлиши керак: тизим ҳолат переметрларининг белгиланган ўзгаришларига дуч келиши ва кейинги мослашув ва барқарорлашувга эга тарқалишнинг янги палласига ўтиш керак.

Социал мослашув- якка шахс ва социал гуруҳнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигининг етарлича узун жараёнидир. Худди шу ерда талаблар ва ҳақиқий таъсири остидаги кутишларни қаноатлантиришни мослашуви содир бўлади.

Социал мослашув ўз ичига якка шахслар ва муҳитни ривожланишидаги ҳақиқий даража ва бўлажак тенденцияларни тушунишни олади. Агар ғояни илгари суришнинг биринчи босқичида психологик қарашлар ва янгиликни қабул қилиш механизмлари кўпроқ ақлсизларга шакллансалар, социал мослашув босқичида худди ҳақиқий имкониятлар субъектлар даъволарни тартибга соладилар. Ходимларнинг янги мақсадга нисбатан боғлиқликдаги табақалашуви ҳақиқатларни социал мослашув ва ҳам инновацион жараёнлар шароитида тушуниш ва қабул қилишни кўзда тутди.

Кейинги босқичда социал жараёнларни пайдо бўлган тузилмани ҳисобга олиш билан барқарорлашуви содир бўлади: «лойиҳавий жамоанинг ўзаги» ўзгариши, янги норасмий етакчи олдинга чиқиши шахслараро муносабатлар янги харктерга эга бўлиши мумкин. Ролларни қайтадан тақсимланиши содир бўлади, тизим беқарор, мувозанатсиз ҳолатдан ташқи муҳит билан мувозанатли ёки «гомостаза» (доимийлик) ҳолатига ўтади. Янгилик киритишларга эътиборни жалб қилиш ва уни амалга ошириш жараёни кетади.

Ушбу нуқтаи назардан бутун инновацион фаолият ҳам ташқи ва ҳам ички муҳитдаги ноаниқлик шароитларида кўп мезонли мувозанатсиз жараёнлардан иборат бўлади. Ҳаракатчанлик ва кўп босқичлилиқ социал гуруҳнинг динамикасини таърифлайди. Бундай тизимни ривожланиши мезоналри орасида ижод, биргаликдаги ҳаракат ва яратишлилик асосийлар бўладилар. Худди биргаликдаги яратиш инновацион ривожланишнинг асоси сиатида ҳаммадан аввал дунёни ва ўзини ўзи билиб олим ва ўзгаритиришга эҳтиёж асосида кўрилади, ижодий шахсни эришганлардан ҳамма вақт қаноатланмаслиги уни ўзини социал турмушнинг бутунлдай тўлиқлигида якка ҳолда тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон йўқлигига асосланади. Ижод нафақат биргаликдаги ҳаракат сифатида, балки кучли ундовчи сабаб ва бир вақда меҳнат жараёнларидан қаноатланганликнинг сабаби бўлади.

5. Жанжал социал ривожланишнинг омили сифатида

Биргаликдаги ижоднинг социал жараёни ўзгарувчанларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида беқарор динамик мувозанат вужудга келади. Якка шахслар ва гуруҳларни ўзаро боғлиқлиги тасодифий ўзгарувчанликка карама-қарши детерминацияланган муносабатларни пайдо бўлишидан иборатдир. Ушбу нуқтаи назардан социал ўзаро боғлиқлик, таркибий қисмлар, ички ва ташқи муҳит, ўртасидаги белгиланган тартибни билдиради. Масалан, концепсус (умумий рози бўлишлик) ички мувозанатни намоён бўлишларидан биридир, бу ички тартиб ташқи муҳитга нисбатан эса ҳам жамоавий ақлли яратиш ва ҳам гуруҳга гуруҳли эгоизм кўринишида бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, инновацион гуруҳнинг тизим сифатидаги социал мавқеи аста секин шаклланади. Қайси ерда янги ролли тақсимланиши, гуруҳни динамика ва социал ўзаро ҳамкорлик мавжуд бўлса, социал мослашувнинг ўзининг меъёрлари амалда бўлади, ҳам ички ва ҳам ташқи муҳитга нисбатан белгиланган асосий вазилар ва меъёрлар бажарилади.

Гап яна у ёки бу тизимни параметрлар ва ўзгарувчанлар тизимнинг ўзининг тузилмаси ўзгармасдан ўзгариши мумкин бўлган зарурий белгиланган миқдорий доиралар ҳақида кетмоқда. Ушбу нуқтаи назардан якка шахслар ва масалан, консенсус ва жанжалнинг нисбатини белгилаб берувчи гуруҳли динамика ҳолати параметрларини психологик реакцияни кўриб чиқиш зарур. Инновацион фаолияни социал жараён сифатида кўриб чиқиш тизимнинг янги ғояни илгари суриш пайтидаги мувозанатсизлик, кейин ғояни мослашишдаги оралик ва гуруҳ аъзолари томонидан уни қарама қаршилиқ қилувчи жараёнлар жанжални мавжудлигидан консенсуснинг мувозанатли ҳолатига кейинчалик эришишига эътиборни қаратиш каби ҳолатлари ўстасидаги ҳаракатчан мувозанатни олади

Жанжал социал ривожланишнинг муҳим ҳолатларидан бири ҳисобланади. Жанжалнинг жараён сифатидаги динамикаси уни мусобақа, мослашиш ва ўзлаштириш билан бир қаторда социал ўзаро ҳамкорликнинг асосий турдаридан бири қилади. Жанжал социал аҳамиятли мақсадларга эришишнинг воситаси бўлади. У инновацион фаолиятнинг фаол ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши керак. Бошқача фикрлаш ва жанжалга йўл кўйишни ғояларни ажойиб алмаштириш билан бир қаторда новаторлик ташкилотларни ривожланишининг меъёри бўлиб қолади.

Албатта, жанжал ҳамма вақт ҳам, айниқса ахлоқий томондан мақсадга муофиқ эмас. Аммо жанжалларни йўқлиги ташкилотни ижодий ўсишни секинлашишиги ва пировардида тўлиқ қотиб қолишга олиб келиши мумкин.

Анъанавий менежмент бошқача фикрлашлар ва жанжалларнинг зарар келтириши ғоясидан келиб чиқади. Тегишли меъёрлар, лавозимли йўриқномалар ва қоидалар ишлаб чиқилганлигидан улар агар жанжалларни олдини ололмасалар ҳам, уни жуда бўлмаганда тезроқ бартараф қилишга мўлжалланганлар. 1970 йиллардаги менежментнинг назарияси ва амалиёти жанжалларни вужудга келишига йўл қўйса ҳам,

аммо уларни якка шахс ва жамоа ёки гуруҳ ва юқори раҳбарлик манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг натижаси деб ҳисобланган. Жанжалсизлик «ижодий муносабатлар» ва «ташкилий ривожланиш» назарияси тарафдорлари томонидан меҳнатни рационал ташкил қилишнинг гарови деб ҳисобланган.

Шубҳасиз, жанжалларнинг бир қисми шахслараро ва гуруҳларародан иборат. Аммо кўпгина жиҳатлардан жанжал моҳияти бўйича илмий мусобақа, ахборотларнинг қўшимча манбаи ва инновацион фаолиятни ривожланишига муқобил ёндошишларга айланади. Жанжал ҳам ташқи ва ҳам ички социал-иқтисодий ва технологик муҳитнинг объектив шароитларидан келиб чиқиши мумкин. Жанжалнинг замонавий тушунишга нафақат уни вужудга келишининг кўп сонли манбалари, жанжалли вазиятларни ривожланиши ва ҳал қилиниши тадқиқот қилиш, балки жанжалнинг вазифавий оқибатларини, шу жумладан социал масофа нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам киради.

Кичик гуруҳлар, айниқса илмий жамоалар учун муҳим социал-психологик тадқиқотларда социал масофа тушунчаси ўз ичига якка шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни, якка шахсларнинг ижод жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини, якка шахсларни инновацион фаолият авж олгани сари уларни яқинлашишлар ва ёки узоқлашишларини билдиради. Бундай мавзуда жанжал жамоадаги яқинлашиш ва бегоналашиш даражаси, унинг социал ва касбий сафарбарлиги, бирлашганлиги ва коринишни топиш имкониятидан иборат бўлади. Касб маҳорати, тажриба, ахборотга эгаллиги даражаси ва бойликлар тизимидан ташқари худди жанжал ижод жараёнининг жамоадаги шахснинг хулқига ундавчи сабаб кўрсатиши даражасини аниқлайди. Новатор олим учун инновацион фаолиятнинг мақсадни мўлжаллаш ва ҳақиқатлар ўртасидаги мосликни йўқлиги жанжалнинг асоси бўлиши мумкин.

Иноовацион фаолиятда нафақат шахслараро ва гуруҳлараро жанжалли вазиятлар, балки илмий ва ташкилий тузилмаларнинг такомиллашганлиги, технологик ва иқтисодий ривожланишлар мақсадларининг зиддиятлилиги жанжалларнинг манбалари бўлиб хизмат қилишлари мумкин. Жанжал ҳар хил тасаввурлар манфаатлар ва бойликларга асосланиши мумкин. Айниқса, кўпроқ жанжаллар якка раҳбарликни йўқлиги, горизонтал тузилмаларни устуворлиги, ташкилотларнинг матрицали ва вазифавий турларида вужудга келадилар. Кўпгина вазиятларда жанжаллар нафақат ташҳис қўйиш вазифасини бажарадилар, балки қўйилган мақсадларга эришининг ягона йўли бўладилар.

Жанжалшуносликда жанжалли вазиятни вужудга келишини башорат қилиш ва жанжални бошқариш алоҳида ўринни эгаллайди. Анъанавий тузилмаларда амалда жанжалларни башорат қилиб бўлмайди. Ваколатларни Аниқ чегаралаш ва бошқаларга топшириш, блокли иерархик биргаликда бўйсунуш тамойилидан фойдаланиш йўли билан жанжали вазиятларни бартарф этиш ва ҳал қилиш мумкин. Жанжалли вазиятлани ҳал қилишнинг йўлларида бири уни бостиришдир. Бостиришга асосланган жанжални ташқи бошқариш жараёни зиддиятларни ҳал қилмайди, балки уни ичкарига ҳайдайди. Инновацион фаолиятда бундай ёндошишлар узоқ вақтли турғун вазиятни келтириб чиқаришлари мумкин.

Очиқ тизимларда жанжални бошқаришга бошқа жиҳатлардан ёндошиши керак. Жанжалга социал-психологик объектнинг вақтинча ҳолати сифатида қаралади ва уни бошқариш вазиятли асосда амалга оширилади. Ҳаммадан аввал мақсадлар, кўрсатмалар, кадриятларни бирга бўла олишнинг таҳлили ўтказилади. Кейин жанжалли вазиятлар расмий ва норасмий битимлар орқали тартибга солиш режаси мўлжалланади. Тушуниб етилган келишув конструктив фаолият билан бирга бўлиши керак. Тизимли

башоратли ёндашиш асосида келишувга эришиш бўйича энг яхши натижаларни олиш мумкин.

Жанжалли вазиятларни бошқаришнинг туркумий усуллари энг унумли бўлади. Умумий аҳамиятга эга мақсадлар ва кадриятларни белгилаш жанжал сабабларини текислайди, аввал душман бўлган томонлар, гуруҳлар ва якка шахсларни фаолиятнинг юқори тамойилларини амалга ошириш учун бирлаштиришга ёрдам беради. Мукофотлар тизими тузилишини бошқариш ходимлар ҳаракатларини яхшироқ бошқариш ва қўйилган мақсадларни амалга оширишга кўмаклашади. Жанжалларни бошқаришнинг бу барча усуллари тизимли- ташкилий асосга эга.

Кўпгина тадқиқотлар натижалари бўйича шундай хулосага келиш мумкинки, гуруҳ аъзоларининг мувофиқ миқдори 5 дан 11 кишигача. 5 тадан камроқ одамдан ташкил топган лойиҳа гуруҳи ҳам унинг социал маъқеи ва ҳам унинг аъзоларининг вазифавий ролларининг етарли бўлмаган равшанлиги туфайли нисбатан паст бошқарувчанлик билан таърифланади. Кичик гуруҳда ролли вазифаларнинг тақсимланиши ўз-ўзидан келиб чиқувчи характерга эга ва касбий талабларга мос келмайди.

11 кишидан ортиқ аъзоларга эга лойиҳа гуруҳи ҳам мувофиққа нисбатан, ёмонроқ бошқарилади, чунки «четки қисм» «ўзакдан» анча узокроқда бўлиши ва у ерда умумий марказий йўналиш билан боғлиқ бўлмаган социал ва психологик жараёнлар содир бўлиши мумкин. Бундай гуруҳда ҳам вақт ҳам гуруҳнинг самарали фаолиятида ёрдам бера олмайдиган норасмий ташкилот вужудга келиши мумкин. Бундай гуруҳлар оширилган жанжалкашлик ва ҳис-туйғули ва психологик муносабатларни касбий устидан устуворлик қилиши билан таърифланади. Катта гуруҳлар иккита ёки кўпроқ душман гуруҳчаларга бўлинишлари мумкин, улар ўзаро келишув тизимини бузадилар ва социал алоқани узиш билан кўркатадилар ва аксинча, ката гуруҳларда касбий фойдали

жанжаллар ва мусобақалашилар ўрнига социал хотиржамликка мослашил тенденцияси устуворлик қилиши мумкин. Бундай гуруҳларда ижодий янгилик киритишни амалга ошириб бўлмайди.

Гуруҳли меъёрлар гуруҳ аъзоларига уларни кутаётган хулқни кўрсатишга қаратилганлар. Меъёрлар унинг аъзоларига ғоятда кучли- ҳам ижобий ва ҳам салбий таъсир кўрсатадилар. Лойиҳа раҳбарига айниқса, ўз ичига ташкилот учун фахрланиш, жамоавий меҳнатга интилиш, қўйилган мақсадга эришишни мўлжаллаш, юқори касб маҳорати ва ҳ.к.ни оловчи ижодий гуруҳли меъёрларни қўллаб-қувватлашни бу меъёрларни қўллаб-қувватловчи психологик механизм деб ҳисоблаш керак. Худди гуруҳда шахсни ўзини ўзи рўёбга чиқариши содир бўлади ва бу жараён гуруҳли динамикага кўпроқ боғлиқдир. Гуруҳда якка шахслар хулқини Рағбатлантириш содир бўлади, уюшқоқлик ва жамоавийлик содир бўлади. Шунинг билан бир вақтда гуруҳ агар шахс гуруҳнинг меъёрларига тушмаса уни гуруҳдан итариб чиқариши мумкин. Юқори уюшган гуруҳлар мулоқот, тушуниш ва келишувнинг юқори даражаси билан таърифланадилар. Худди шу ерда муваффақиятли ишонч ва инновацион муқобилларни амалга ошириш учун микросоциал муҳит яратилади.

Гуруҳни юқори уюшганлиги шахсни бошига ва унинг ижодий қобилятини текислашига олиб келмаслигидан жараёнлар ва касбий табақалашувни инкор қилиши жанжалли вазиятни бошлашига олиб келади, у кейинчалик жанжал вазиятни кескинлашуви ёки шахснинг гуруҳдаги хулқининг мақсадга мувофиқ бўлмаган турига олиб келади. Аммо гуруҳли уюшқоқлик яна ташқи муҳитни ўзгаришига ҳам таъсир қилади.

Калитли сўзлар: инновацион ташкилотлар, ходимларни бошқариш, меҳнат ресурслари, инновацион менежерлар, ташаббускорлик, етакчилик, талабгорлик, янги технологиялар, лойиҳавий «жамоа», раҳбарлик услуги,

лойиха гуруҳлари, социал мослашиш, тизимга башоратли ёндашиш, блокли иерархик биргаликда бўйсунтиш тамойиллари.

Қисқача хулосалар

Ходимлар корхонанинг муҳим вазифавий тизимчаси бўладилар ва инновацион ривожланишнинг қиматли ресурсидан иборатдир.

Инновацион фаолият жараёнида вужудга келадиган вазифаларнинг кўп жиҳатлилиги унга ходимларнинг ҳар хил категорияларини киртишни кўзда тутди, уларни гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ-бу ижодий ташаббускорликни намоен қилиш, ажойиб ғояларни илгари суришга қодир юқори малкакали новатор олимлардир. Новатор менежерлар янгилик киритишларни жараён сифатида бошқаришлари, янгиликларни ғоядан то аниқ тижорат натижасигача илгари силжишини таъминлашлари керак. Худди улар ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилишлари, молиявий ва тадбиркорлик таваккалчилигига боришлари, инновацион фаолиятни бошқаришдаги ташкилий ва бошқарув қийинчиликларини енгиб ўтишлари керак.

Назорат саволлари:

1. «Ходимларни бошқариш» атамаси нимани билдиради?
2. Сиз меҳнат ресурсларини бошқаришнинг қандай босқичларини биласиз?
3. ходимларни инновацион бошқаришни вужудга келиши нима билан боғлиқ?
4. Тестдан ўтказиш учун менежернинг қандай сифатлари мажбурийдир?

5. Инновацион менежментда мутахассиларни режалаштириш ва танлашнинг хусусиятлари қандай?
6. Инновацион фаолиятда ходимларни баҳолашнинг қайси мезонлари айниқса аҳамиятлидир?
7. Касбий муваффақиятнинг омиллари нима?
8. Шахсни ўрганишнинг параметрлари қандай?
9. Шахснинг касбий муваффақиятлилиги қандай белгиланади?
10. Инновацион жараённинг ўзига хослиги ходимларга қўйиладиган талабларга қандай таъсир кўрсатади?
11. Социал бошқарувнинг техник- ташкилий томони нимадан иборат?
12. Лойиҳа жамоасининг тузилиши ва хусусиятларини очиб Беринг.
13. Инновацион жамоага раҳбарлик усули қандай?
14. Гуруҳ аъзоларининг социал ўзар ҳамкорлиги ва шахслараро мулоқоти нимадан иборат?
15. Инновацион жамоаларда ролли тақсимлаш нима учун зарур?
16. Жамоанинг самарали ишида норасмий гуруҳлар ва норасмий етакчиликнинг роли қандай?
17. Инновацион жамоалардаги коммуникация нима?
18. Инновацион жамоалар социал-психологик концепциясининг мазмуни нимадан иборат?
19. Кичик гуруҳларни янгиликларни қабул қилиш жараёнини тасвирлаб Беринг.
20. Инновацион жамоаларда социал мослашувни қандай бошқариш мумкин?
21. Инновацион жараёндаги биргаликда яратиш нимага асосланган?
22. Социал гуруҳдаги консенсус нима ва унга эришининг йўллари қандай?
23. Консенсусга эришиш жараёни механизмини тасвирлаб Беринг.
24. Консенсусга эришиш нимага боғлиқ?

25. Инновацион жараёндаги жанжалларнинг роли қандай?
26. Яратувчи жанжалларнинг хусусиятларини тасвирлаб Беринг.
27. Жанжаллар қандай негизда вужудга келишлари мумкин?
28. Жанжалли вазиятни башоратлаш имкониятларини таърифланг.
29. Жанжалли бошқариш нимадан иборат?
30. Лойиха гуруҳини бошқарувчанлиги асосида қандай омиллар ётади?
31. Гуруҳли меъёрлар гуруҳнинг хулқига қандай таъсир кўрсатади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. –М.: Высшее экономическое образование, 2008.
4. «Инновационный тип развития экономики» Учебник/ Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.
5. Мухамедьяров А.М. «Инновационный менеджмент». –М.: Инфра-М, 2008.
6. Новицкий Н.А. «Инновационная экономика России: Теоретико-методологические основы и стратегические приоритеты». –М.: «Либроком», 2008.

7. Давила Т., Шелтон Р., Эйнштейн М. «Работающая инновация: как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду». –М.: «Баланс бизнес Букс», 2007.
8. Егоршин А.П. Управление персоналом. -2-е изд. –Н. Новгород: НИМБ, 2007.

12- Мавзу. КОРХОНАЛАРДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

МАРКЕТИНГИ

Режа:

- 1. Инновацион маркетингнинг турлари.**
- 2. Стратегик инновацион маркетинг.**
- 3.Оператив инновацион маркетинг.**
- 4.Инновацион маркетингнинг турлари**

Инновациялар маркетинги концепцияси бутун маркетинг хизмати, бозорни тадқиқот қилиш ва корхонанинг рақобат стратегиясини қидириб топишнинг асосий иши бўлади. Инновацияларни қидириб топишнинг бошланғич босқичида маркетинг бўлинмаларининг биринчи даражали вазифасини бажариш:

1. Талаб ва рақобатнинг даражаси;
2. Харидорнинг хулқи ва унинг афзалликларининг динмикаси;
3. Рақобатлашувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ва янгилик бозорида рақобатлашиб қолиш имкониятини ўрганишдан иборатдир.

Маркетинг стратегияси, бозорнинг таҳлили ва оператив маркетинг қуйидаги 6 принциплари босқичлардан иборат бўлади.

- умумиктисодий таҳлил;

- иқтисодий ҳолатнинг таҳлили;
- бозорни махсус тадқиқот қилиш;
- янгиликни кириб бориши стратегиясини ишлаб чиқиш;
- маркетингнинг оператив тадбирлари;
- маркетингга харажатлар ва ундан даромадларни баҳолаш.

Маркетинг концепциясидан шу нарса келиб чиқадики, инновацион маркетинг замонавий тушунишда бизнеснинг стратегияси, фалсафаси, бошқарув тадбирлари ва вазифалари ва методологик асосининг ягоналигидан иборатдир.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун инновацион маркетинг асосида янгиликдир. Саноати ривожланган мамлакатларда фирмани ривожланишининг маркетинги концепцияси ўн йилликлар давомида фахрий ўринни эгаллайди, бунда таъкидлаш керакки, инновацион маркетингни илмий фан сифатида фужудга келиши фақат кейинги ўн йилликларга тўғри келади.

Инновацион маркетинг тушунча сифатида инновацион маркетингдан кенгроқ, у ўз ичига ташкилотнинг вазифаси, тафаккурнинг фалсафаси илмий-тадқиқотлар соҳаси, бошқарув услуги ва хулқни олади. Бу чекланган, мажбур қилинган новаторлик эмас, муносабатларнинг алоҳида тури ва ҳаттоки тўлиқ қабул қилинишидир.

Инновацион маркетинг социал йўналтиришга, издошларга эга. Стратегик ва оператив ташкил қилувчилар унинг энг муҳим турлари бўладилар.

2. Стратегик инновацион маркетинг

Стратегик маркетинг тадқиқотларини асосига бозор ҳолатини кейинчалик бозор сегментларини ишлаб чиқиш, талабни ташкил қилиш ва шакллантириш, харидони моделлаштириш билан таҳлил қилиш қўйилади.

Тадбиркорлик фирмаси бошидан бозорни эгаллаш сегментлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ўзининг истеъмолчиларни яратишга қаратилиши керак. Бозорлар ва ташқи муҳит омилларини таҳлил қилишдан ташқари замонавий маркетинг нафақат бугунги куннинг истеъмолчиларини ўрганади, балки келажакда эҳтимол бўлганларини ҳам шакллантиради.

Стратегик маркетинг корxonанинг маркетинг ва социология хизматлари ходимларининг истеъмолчиларнинг яқиндан алоқасига критилган (анкеталар тўлдири, телефон бўйича сўров, репрезентив танлов олишлар ва ҳ.к.).

Кўпгина кичик ва ўрта фирмалар ўзларининг маркетинг хизматларига эга бўлишга имкониятлари йўқлиги сабабли мутахассислар маслаҳатлари, кўргазмаларига бориш, каталогларни ўрганиш, харидорлар билан бевосита алоқани кенгроқ қўллашлари керак. Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги доимий тесқари алоқага асосланган маркетингнинг мажмуавий тури («Маркетинг мира») хатарни пасайтиришнинг энг муваффақиятли йўли бўлиши мумкин. Тадбиркор харидорларни унинг муҳити, хулқи, истаклари, англаб етолмаган бутун турли туманлигига кўриниши керак.

Нафақат маҳсулотнинг турли туман навларини ишлаб чиқариш, балки бир вақтда ҳаракатларни янгиларини ўрнини алмаштирувчи ва сиқиб чиқарувчи модификацияларни тезроқ илгари суриш мақсадида ўз маҳсулотини муддатидан олдин маҳаллий эскириши тактикасини яратишга жамланиши керак.

Янгиликка талабга муносабатга эга макроиқтисодий омиллар, шу жумладан аҳоли, уни ўсиш суръатлари, аҳоли жон бошига даромад ва истеъмол, истеъмол нархларининг индекси, «истеъмол саватчаси», инфляция суръатлари умумиқтисодий таҳлилга имкон берадилар. Бундан ташқари бунга юридик ва институционал шароитларни ўрганиш, ҳамда бундай маҳсулотнинг импорт ива экспорти, квоталаштириш, стандартлар бўйича чеклашлар, мажбуриятлар, солиқлар ва субсидиялар билан боғлиқ қонунчилик амалиёти ҳам киради. Бунга бундай маҳсулотни миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражаси, импортнинг мавжудлиги ва имконияти, экспортнинг мавжуд даражаси импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тўлдирувчи янгиликлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш зарур.

Иқтисодий ҳолатнинг таҳлили, ҳаммадан аввал, умумҳолатли тенденциялар ва ҳолатни ташкил қилувчи омиллар (ХТО) ни тадқиқот қилиш билан боғланган. Иқтисодий ҳолат бу қайта ишлаб чиқаришнинг омиллари ва шароитларнинг бозорда намоён бўлиши ва уларнинг ташқи ва ички муҳит билан ўзаро алоқасининг шаклидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ХТО ҳолатини ўзгариши динамикаси, унинг йўналиши ва ривожланиши суръатларини белгилаб берувчи, ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бу омилларга ҳам макротаъсирни бу ҳам таъсирнинг аниқ соҳасини киритиш мумкин, масалан, муҳим макроомилларга давравий иқтисодий жараёнлар, хусусийлаштириш, солиқлар, бюджет, социал таъминот, амортизация ажратмалар тизими, техника ва технологиялар соҳасидаги давлат сиё сати элементлари киради.

Уларни бозор жараёнининг ҳар хил томонларига тегишли бўлганлар (талаб, таклиф, нарх омиллари) га, келиб чиқиши бўйича (иқтисодий, сиёсий, социал, илмий-техник ва ҳ.к.), таъсир қилиш йўналтйрилганлигининг бошқарилиши, олдиндан айтилган бўлишлиги бўйича бўладилар.

Ҳолатни ташкил қилувчи омиллар узоқ вақтли (ўн йилгача) ўрта муддатли (уч- беш йил) ва қисқа муддатли, ҳамда давравий, давравий бўлмаган, мавсумий бўлишлари мумкин. Айниқса, товар бозорининг ҳолатини ажаратиш керак. Масалан, макроиқтисодий омиллар кўпроқ даражада машинсозлик ва қурилишдаги ишлаб чиқаришга, мавсумий омиллар. Озиқ-овқатлар бозорига ва даромадлар даражаси истеъмол талаби товарлар бозори ва уй-жой қурилишига таъсир кўрсатадилар.


Ҳолатни тадқиқотлар асосида бозорни тадқиқот қилишнинг тизими кўрилади, унинг асосий блоклари биринчи расмда чизмали равишда кўрсатилган.

Бозор (идорали ва майдонли)ни тадқиқот қилиш бозорнинг мавжуд сиғимини, унинг фирмали тузилмасини, сегментларга бўлинишини, фойда меъёри динамикаси ва янгиликка ўхшаш маҳсулотларни сотилиши ҳажмини фаол баҳолашга асосланган.

Маркетинг стратегияси учинчи босқичининг асосий жиҳати янгиликка истеъмолчининг жавобини батафсил ўрганишга асосланган янги товарга талабни тадқиқот қилиш ва башоратлашдлан иборатдир.

Инновацион маркетингнинг қоидаларига мувофиқ янги товарни қабул қилиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Бирламчи хабардорлик. Истеъмолчи инновация ҳақида хабар топади, етарлича ахборотга эга эмас.
2. Товарни таниш. Истеъмолчи баъзи бир ахборотга эга, янгиликка қизиқади: янгилик ҳақида қўшимча ахборотлар (реклама, проспектлар, маълумотномаларни қидириши мумкин).



1-расм. Бозорни тадқиқот қилиш тизими¹⁵.


3. Янги товарни идентификациялаш. Истеъмолчи янгиликни синовдан ўтказиши ҳақида қарор қабул қилади. Истеъмолчи янгиликни ўзининг эҳтиёжлари билан таништиради.
4. Янгиликдан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш.
5. Истеъмолчи инновация ва харид қилиш эҳтимоли ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида янгиликни синфодан ўтказди.
6. Тест натижалари бўйича янгиликни харид қилиш ёки яратишга инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Янги товарни қабул қилиш босқичларидан ташқари маркетингларига истеъмолчиларни уларни янгиликларга мойилликлари даражаси бўйича таснифлаш зарур. Масалан, қўпгина истеъмолчиларга инновацияларни қабул қилишда қандайдир психологик тўсиқ вужудга келади, аммо самарали реклама ва маркетинг тадбирларидан кейин инновацияни қабул қилган ва қабул қилмаганлар қўрасидаги нисбат қзгаради, биринчиларининг сони қатъий ошиб боради. Кейин эътибор ва товарни истеъмолчилар томонидан қабул

¹⁵ Рычкова Н.В. «Маркетинговые инновации». –М.: КНОРУС, 2009.

қилинишини тақсимланиши 2-расмда кқрсатилган тегишли эгри чизик кқринишини олади.

Расмдан кқринишича истеъмолчиларнинг 80%идан кқпроғи эртами ёки кечми, бари бир янгиликни қабул қилади. Ва истеъмолчиларнинг ҳар хил категорияларда уни қабул қилиш вақти ҳар хил бўлса ҳам энг кқп сонли гуруҳни дастлабки кқпчилик (34%) ва кечга қолган кқпчилик (34%) ташкил қилади.



2-расм. Истеъмолчилар категорияларининг инновацияларнинг қабул қилиниш вақти бўйича эгри тақсимланиши¹⁶

Амалда инновацияларни қабул қилмайдиган истеъмолчилар сони 16 %дан камроқ «новаторлар» категорияларни кам сонлилиги жамиятнинг фақат чекланган қисмига товар янгилигига юқори таъсирчанлик ва мойилликни кқрсатади. +олганларнинг инновацион мойиллигини қимматбаҳо маркетинг ишланмаларини фаоллаштириш йқли билан ошириш мумкин.

¹⁶ Рычкова Н.В. «Маркетинговые инновации». –М.: КНОРУС, 2009.

Янгилик истеъмолчиларнинг алоҳида категориялари учун баъзи бир таърифлар ва изоҳлар 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Инновациялар истеъмолчилари категориялари уларни янги товарга мойилликлари бўйича тасниф ва таърифлар

Истеъмолчилар категорияси	Улуш	Таъриф
Новаторлар	2,5	Хатарга, янгиликни синовдан қтказадилар, бунда таваккалчиликка йқл ққядилар
Дастлабки издошлар	1,5	Қз муҳитидаги фикрларнинг етакчилари, янгиликни эҳтиёткорлик билан бқлса ҳам эрта қабул қиладилар
Дастлабки кқпчилик	34,0	Эҳтиёткор истеъмолчилар, янгиликни қртачадан олдин қабул қиладилар, аммо камдан кам етакчи бқладилар
Кечиккан кўпчилик	34,0	Ишончсизлик кайфиятига эгалар, янгиликни истеъмолчиларнинг кқпчилиги уни синовдан қтказганларидан кейин қабул қиладилар
Қолоқлар	16,0	Анъаналарга содиқ истеъмолчилар.Ё янгиликни умуман қабул қилмайдилар, ёки у анъанавий

		бқлгандан кейин (янгилик бқлмай қолгандагина) қабул қиладилар
--	--	---

Таъкидлаш керакки, инновациянинг характери уни қабул қилиниши суръатларига тўғридан тўғри боғлиқ. Инновациянинг баъзи бир турлари айнан бир кунда оммавий бўлиб кетади, бошқачасига бунинг учун узок вақт талаб қилинади. Инновацияни қабул қилиниши суръатларига бешта таъриф таъсир кўрсатади:

- усулларнинг ворислиги ва бирга бўла олишлиги, янги қабул қилинган истеъмол бойлиги ва инновация истеъмолчиларининг тажрибасига мос келиши даражаси. Масалан, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш техникасини инновацион қўллаш учун дастурий маҳсулотларнинг муваффақияти тизимни истеъмолчиларнинг психологияси ва одатларига, турғун ишчи тартиб ва психологик стрессни камайтириш имкониятига мослашишга боғлиқ;

- Мураккаблик, яъни унинг моҳияти ва татбиқ этиш тамойиллари, ҳамда фойдаланишдан фойдани тушунишнинг нисбатан ёйинлиги;

- инновацияни татбиқ этиш жараёнини бўлинувчанлиги, яъни янгиликни босқичма босқич киритиш ва натижани аста секин баҳолаш имконияти.

- коммуникацион кўргазмалилик, яъни инновацияни қўллашдан фойдалилик ва фойдани тушунарли баён қилиш имконияти.

Бу жиҳатдан қуйидагини таъкидлаш керакки, фойдалилигини миқдоран (моддий) баҳолаш мумкин бўлган инновациялар кўпинча умуман ишлаб чиқариш тизимини фаолитя юритишини сифатли яхшилашга қаратилган инновацияга нисбатан амалда кейингиларнинг объектив ва субъекти

фойдалилиги ғоятда каттароқ воситали самараг олиб келиши мумкин бўлса ҳам, биринчи қарашда ўзига жалб қиладиган кўринади.

Инновацияларни бозорга татбиқ этиш учун зарур умумий хусусиятларидан ташқари истеъмолчи учун сифатнинг аниқ кўрсаткичлари: конструкторлик таърифлари, дизайн истеъмолчилик хусусиятлари, фойдаланиш имкониятлари, қулайлик ва албатта, нарх катта аҳамиятга эга.

Янги товарга талабнинг башорати бозор иштирокчилари ва уларнинг фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқалари тизимли тадқиқот қилишга асосланган. Бозор иштирокчилари: харидорлар, сотувчилар, савдо агентлари, воситачилар, брокерлар, имижмейкерлар, реклама агентликлари маркетинг тизимининг элементлари бўлади. Янгиликни ишлаб чиқарувчилар ва унинг якуний истеъмолчилари ўртасида вазифавий ўзаро алоқани ўрнатиш бозорни тадқиқот қилишнинг муҳим элементи бўлади.

Аммо тизимли таҳлилда рақобат шакллари, усуллари ва даражасини, эҳтимоли бўлган рақибларнинг хулқини таҳлил қилиш марказий рол ўйнайди. Бозорнинг барча иштирокчилари хулқини башорат қилиш ва рақиблар ҳаракатларини баҳолаш янги товарни олдинга ҳаракатлантириш ва унга талабни шакллантиришда ҳал қилувчи бўлади. Демак, янгиликни бозорга кириб бориши стратегиясини ишлаб чиқиш товарнинг янгилиги даражаси, бозордаги рақобатнинг тури ва новатор фирма рақобат афзалликларининг даражасига боғлиқдир.

Ишлаб чиқарилаётган товарнинг тубдан янгилиги, уни тайёрлаш технологияси янгилик яшаш даврининг бошланғич босқичларида фирманинг якка ҳокимлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Тубдан янги маҳсулотга талабни шаклланиши иккита ҳал этувчи жиҳатлари билан боғлиқ: бир томондан янгиликка талабни йўқлиги, янгилик ишлаб чиқарувчининг инновацион якка ҳокимлиги. Бу ҳолда инновацион якка ҳокимлик ва

фойдани катталаштириш шароитларида талабни шакллантирувчи тадбирлар тизимидан ташкил топган креатив характерга эга бўлади.

Бу жараёнлар рақибларни фаолиятлари, рақобат курашини кенг ёяди, ўрнини босувчи товарлар, модификацияланганлар, такомиллашганларни ва имитация қилинганларни яратилиши эҳтимол бўлган натижа бўлади. Янги товардан юқори фойда сармояни ишга қўллашнинг янги соҳаларини кидириб топишни рағбатлантиради, сармояни фойдалироқ соҳаларга оқиб келиши содир бўлади, у монополиялар ва рақобатлашувчи гуруҳларнинг ортиқча сармояларни, ҳамда кичик ва ўрта сармояларни ҳаракатланиши билан бирга бўлади.

Рақобат ташқи муҳитнинг етакчи кўрсаткичларидан биргадир. Менежернинг биринчи даражаси васифаси ўзининг фирмаси ва рақиб фирмаларининг рақобатбардошлигини солиштирма таҳлилидир. Пировардида рақобат курашининг муваффақиятини корхонанинг ички муваффақиятлари ва уларнинг ташқи омиллар билан ўзаро алоқалари белгилаб берадилар.

Корхона рақобат ўринлари таҳлилининг натижалари ҳар хил усуллар билан текширилиши мумкин; ҳам миқдорий ва ҳам сифатий кўрсаткичлар (масалан, бозорда эгаллаган жой)ни таққослаш асосида.

Фаолиятнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш фирманинг бундан кейинги стратегиясини ишлаб чиқиш ва бозор ҳолатини башоратлаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, таҳлил натижалари менежерларнинг ўз фирмасининг камчиликларини бартараф этиш ва рақибни нейтраллаштиришга қаратилган оператив ишнинг асоси бўлади. Корхона рақобатбюардошлигини баҳолаш фирмани бундан кейинги ривожланишининг заифлигини ҳисобга олиш билан башоратлашга имкон беради.

3. Оператив инновацион маркетинг

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури ҳаммадан аввал детерминацияланганликни кескин пасайиши ва умуман тизими мураккаблашишини билдиради. Ташқи муҳитнинг ўзининг социал ва сиёсий жанжаллари ва изтироблари, ахборотли ва технологик ўзгаришлари билан юқори фаоллигида иқтисодий тизим ва унинг тузилма ташкил килувчи хулқи борган сари эҳтимолли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга. Бундай сифатларда корхоналарни яшаб қолиши раҳбарларнинг қобилияти, уларни кутилмаган вазиятларда тўғри йўлни танлай билишлар, хатарни кўра олишларига тўғридан тўғри боғлиқ. Новаторлик фирмаси ривожланишининг мантииқи оғирлик марказини оператив тактик режалаштириш ва бошқаришдан стратегик даражага, бошқарувнинг янги турини шакллантириш даражаси- инновацион маркетингга кўчишига олиб келади. Унда анъанавий тамойилларнинг ҳар хил фрагментлари сақланиб қолинади, аммо улардан вазиятли таҳлилига нисбатан қўлланишида фойдаланилади. Бу янгиликлар, сармоялар манбалари ва янги бозорларни узлуксиз қидириш шароитларида фирма қобилиятини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Инновацион маркетингда самарали раҳбарликнинг усуллари, ёндошишлари ва йўллари вазиятга мувофиқ ўзгаради. Инновациялар яшаш даврининг ҳар бир босқичида маркетингнинг ҳар хил усуллари ва ёндошишлари, ҳар хил стратегияси ва тактикаси талаб қилинади.

Янги товарни сотиш каналларини позициялаштириш (жойлашиши)ни шакллантиришни ўз ичига олувчи янгиликни бозорга кириб бориши стратегияси ва тактикаси маркетинг тадбирларининг муҳим йўналиши

бўлади. Жойлаштириш-янгиликни бозорда мавжуд бўлган товарлар қаторидаги жойини белгилаш тизимини билдиради.

Жойлаштиришдан мақсад –янгиликни бозордаги ўрнини мустаҳкамлашдир.

Янги товарни жойлаштириш ҳаммадан аввал янгилик ва мавжуд бўлган товарлар ўртасидаги Рақобатни билдиради.

Инновацияни жойлаштириш – бу унинг мавжуд бўлганлар қаторидаги ўринни белгилашдан иборатдир. Масалан, маркетинг нуқтаи назаридан инновация остида аналогларига эга бўлмаган сифатан янги товарни, ушбу фирма ёки ушбу бозор учун янги ва мамлакат ва хориж амалиётида аналогига эга имитация қилинган товарни ва қўллашнинг янги соҳасига эга товарни тушуниш мумкин. Тубдан янги товар бозор янгилиги бўлган товардан, модификацияланган товардан, алпликант товар, субститут товардан фарқланади, яъни ҳар қандай инновациянинг белгиланиши бўйича тўлдирувчи, ўринни алмаштирувчи ва сиқиб чиқарувчи янгилик киритишлардан фарқлай олиш керак. Бу жиҳат инновацияни ишлаб чиқариш босқичида алоҳида роль ўйнамайди, аммо янгилик киритишни бозорга киришида ҳал қилувчи аҳамиятни касб этади. Инновациянинг муваффақияти ва маркетингнинг стратегияси ана шунга боғлиқдир.

Жойлаштириш маркетинг фаолиятининг ҳар хил: сотиш, реклама, товар, нарх, сервис ва ҳ.к. йўналишларига таъсир кўрсатади. Инновацион маркетинг концепцияси нафақат Янги харидорларни қўлга киритишни, балки фирманинг Рақобат афзалликларидан мувофиқ фойдаланиш, корхона фаолияти соҳаларини кенг ёйиш ва кенгайтириш ва Янги соҳалар ва Янги бозорларни босиб олиш ҳисобига таъсир кўрсатиш соҳасини кўпайтиришни кўзда тутди.

Инновацион маркетинг учун маркетингнинг барча тадбирлари, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларнинг навлари, ўзаро бир бирларини тўлдирадиган ва ўзаро боғлиқ бўлишини билдирувчи синергизм тамойили муҳим бўлади.

Маркетинг тизимининг яқунловчи босқичи-оператив маркетинг, бу босқичда стратегик инновацион маркетинг концепцияларини амалга оширишнинг янги шакллари ишлаб чиқилади. Оператив маркетинг бозордаги янгилик яшаш давларининг босқичлари билан маҳкам боғланган. Янгилик яшаш даврининг бошланғич нуқтасини белгилаш айниқса муҳим.

Инновацияларни бозорда мавжуд бўлиши яшаш даврининг биринчи босқичида инновацияга эътиборни жамлаш ва диффузиялаш учун ахсус тадбирлар зарур. Масалан, сотишларнинг адекват каналларини шакллантириш, мавжуд бўлган эскиларни модификациялаш ва мослаштириш зарур. Бу ерда маркетингнинг самарадорлиги бир қатор омиллар: инновацион рекламанинг фаоллиги, инновацияни бозорга чиқишининг мувофиқ вақти, инновациянинг мавжуд бўлган товарлар мавзусидаги хулқининг вариантини танлаш, эҳтимол бўлган рақиблар хулқини башоратлаш, ҳамда бозорнинг тузилиши янги товарга қанчалик мос келишига боғлиқ. Бу шароитларда маркетинг нафақат янгиликни бозорда жойлашишини, балки технологик бозорга жойлашишини таъминлаши, янгилик ва бошқа товарлар авлодлари ўртасидаги вазифасивй рақобатни енгиб ўтиши шарт.

Ўсиш босқичида маркетинг ёндошишлари ўзгаради. Инновацион маркетинг креатив характерини ўзгартиради ва рағбативрувчи аҳамиятга эга бўлади. Рекламанинг характери ўзгаради, у ташаббускор, ушбу фирма ва ушбу товарнинг ютуқларига эътиборни жамловчи бўлади. Сотиш каналларининг янги товар остида модификацияланган тармоғидан

фойдаланилади. Ишлаб чиқарувчи фирманинг рақобаи афзалликлари бу ерда етакчи роль ўйнайди.

Товарларнинг балоғатлиги босқичида бозорнинг бошқа иштирокчилари билан тўғридан тўғри рақобат қилишдан қочиб бўлмайдли, ва бунинг натижасида рақобат стратегиясини ўзгариши мумкин. Б уерда харажатлардаги етакчилик стратегиясининг роли ўсади, янгиликнинг нархи эса папсаяди. Худди шу босқичда новатор -корхона янги молификация ёки тубдан янги маҳсулотни бозорга чиқаришга тайёрлайди.

Ушбу босқичда инновацион маркетинг иккита мақсадни кўзлайди: пишиб етилган товарни сотишлар ҳажмини оператив қўллаб-қувватлаш ва уни ўрнига келадиган янгини илгари ҳаракатлантириш стратегиясини яратишни.

Бу стратегия талабга қаратилганлиги билан таърифланади. Фирма худди қайси эҳтиёжларни қаноатлантириши кераклигини белгилаш асосий жиҳат бўлади.

Янги товарларни бозорга кириб бориши, ёки янгилик киритишларнинг «диффузия»си маркетингнинг замонавий тизимлари ва товарни илгарига қараб ҳаракатлантириш каналларини шакллантириш билан таъминланади.

Сотиш бозори учун кураш сиёсатини такомиллаштириш рақобатбардошликни оширишнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланишдан иборатдир. Товарнинг характери ва унинг яшаш даври босқичларига кўра рақобатнинг шакллари ва усуллари (нархли ва нархсиз), реклама усуллари ва товарни илгарига қараб ҳаракатлантиришда фарқлар кузатилади. Масалан, монополист рақобатда янги товарни бозорга чиқиши босқичида менежер нарх сиёсати имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши керак. Агар корхона олдин номаълум бўлган товарни ишлаб чиқараётган ёки янги

бозорга ёриб киришни амалга ошираётган бўлса, унда нархни ҳатто компаниянинг зарарига ҳам пасайтириши ва ушбу босқичдаги зарарни бошқа товарлар ҳисобига қоплаши керак.

Япон компанияларидаги инновацион менежмент бозорга ёриб киришда, қоидага кўра нархни кескин пасайтиришни амалда қўллайди. Кейин бир вақтда фойдани ошириш ва харидорлар доирасини кенгайтириш мақсадида нархлар билан моневр қилишга ўтади. Бунда сотишларнинг ҳажми катта ўзгаришларни бошдан кечириши мумкин. Маркетинг бўйича менежернинг моҳирлиги шундан иборатки, компаниянинг фойдаси ҳам битта товарни сотишлар ҳажмини кўпайиши ва ҳам ушбу товарнинг ўзининг модификациялари ва моделларини пайдо бўлиши ҳисобига ошсин.

Қоидага кўра, замонавий истеъмолчининг турли туман селектив (танлаб олинмаган) талабини қаноатлантириш учун товар йирик партияларда ишлаб чиқарилмайди ва рақобатнинг нархли шакллар имкониятлари ғоятда чекланган. Биттагина компания, масалан IBM нинг бир турли товарларини бозорга бир вақтда чиқаришда рақобатнинг нархли омилларига суянадилар. Нархларнинг динамикаси нафақат товарнинг янгилигига, балки навли сиёсат ва ушбу маҳсулот ўтадиган модификациялар ва авлодлар сонига ҳам маҳкам боғланган.

Инновациялар маркетингини бошқариш нафақат сотишларни кенгайтириш, балки етказиб беришлар ва сотишдан кейинги хизматларни таъминлашдан ҳам иборатдир. Кўпинча бозордаги муваффақият худди маҳсулотнинг фойдаланиш сифатлари ва унга сотишдан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил қилишга боғлиқ. Технологик ривожланишни нотекислиги, туркумлаштирилмаган бозор ва мамлакатдаги инфляция шунга олиб келадикки, нархларнинг рақобати худди шундай маҳсулотга нархларни ўсишининг ҳар хил даражасида ўз аксини топади. Бу бозор патологиясини тараққиё этиши учунг кенг имкониятларни яратади.

Янги товарларни сотишлар ва бозорни қўлга киритишни бошқариш учун математик моделлаштириш, ноаниқликни ҳисобга олиш билан режалаштириш, вазиятли таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Экспертли баҳолаш, априорли ранжировка лаш усуллари, Дельфи усули энг кенг қўлланадиганлардан бўладилар. Бунда ҳар хил омилларни балли баҳолаш ва ўринли салмоқ катта роль ўйнайдилар.

Ҳар хил омиллар аҳамиятини экспертли баҳолаш алоҳида аниқ товар учун бозордаги вазиятни балли тизим ёрдамида баҳолаш ва вазиятни таҳлил қилишга имкон беради.

Оператив маркетинг бундан кейин ҳам ривожланади, вариантли таҳлилга асосланади, бозхор муҳити, талаб, рақиблар, мижозлар ҳақидаги мунтазам ахборотларни йиғиш билан шуғулланади, сотишлар соҳасидаги мақсадларни белгилайди. Булар сотишлар ҳажмини кўпайтириш, бозор улушини кенгайтириш мақсадида қилинади.

Маркетинг хизматлари сотишлар тармоғини шакллантириш, реклама компанияси, кўрғазмалар, синовли, имтиёзли ва тўғридан тўғри сотишларни ташкил қилиш, севисли ва кафолатли хизмат кўрсатишни яратиш билан шуғулланади.

Маркетинг хизматлари маркетинг харажатлари ва даромадларини баҳолашга алоҳида эътиборни қаратади. Харажатларни баҳолаш учун ишлаб чиқариш ва сотишларнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларини таҳлил қилиш, даромадлар бўйича нархнинг ўзгарувчанлигини белгилаш, рақибларнинг нарх сиёсатини ўрганиш зарур. Маҳсулотни бозор томон ҳаракатлантириш (реклама, жамоатчилик билан алоқа, сотишни рағбатлантириш ва ҳ.к.) харажатлари, ҳамда сотишдан кейинги ва сервис хизматини кўрсатишнинг қиймати баҳоланади. Маркетингдан даромадларни баҳолаш қувватларни мувофиқ юкланиши мақсадга мувофиқ

ишлаб чиқариш дастурлари ва сотишлар ҳажмини талаб, маҳсулотнинг таърифлари ва турлари ўзгаришига кўра башоратлашни ҳисобга олинишига эга муқобил ёндошишларни ҳисобга олиш билан ўтказилиши керак.

Калитли сўзлар: инновацион маркетинг, стратегик инновацион маркетинг, бозорни тадқиқот қилиш тизими, бозор сиғими, бозорнинг геометрияси, инновацияларнинг истеъмолчилари, оператив инновацион маркетинг, позициялаштириш (жойлаштириш), инновацияларнинг диффузияси, математик моделлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, маркетинг самарадорлиги.

Қисқача хулосалар

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун инновацион маркетинг унумли янгилик бўлади.

Инновацион маркетинг инновациялар маркетингга қараганда кенгрок тушунча, у ўз ичига ташкил қилиш, фикрлаш фалсафаси илмий тадқиқотлар соҳаси, бошқарув усули ва хулқни олади.

Стратегик маркетинг тадқиқотлари асосига бозор ҳолатини кейинчалик бозор сегментларини ишлаб чиқиш, талабни ташкил қилиш ва шакллантириш, харидорни моделлаштириш билан таҳлил қилиш қўйилади.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури ҳаммадан аввал днтерминацияланишни кескин қисқариши ва умуман тизимни мураккаблашишини билдиради.

Янги товарни сотишлар ва бозорни қўлга киритишни бошқариш учун математик моделлаштириш, ноаниқликни ҳисобга олиш билан режалаштириш, вазиятли таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Оператив маркетинг бундан кейин ҳам ривожланади ва вариантли таҳлилга асосланади, бозор муҳити, талаб, рақиблар, мижозлар ҳақидаги

мунтазам ахборотларни йиғиш билан шуғулланади, сотишлар соҳасидаги мақсадларни белгилаб беради.

Назорат саволлари

1. Инновацион маркетингнинг мазмуни ва концепциясини нима ташкил қилади?
2. Стратегик инновацион маркетингнинг вазифалари қандай?
3. Ҳолатни умумий иқтисодий таҳлили тадбирларини таърифланг.
4. Бозорни тадқиқот қилиш босқичларини айтиб беринг.
5. Янги товарга талабни башоратлаш жараёнини таърифланг.
6. Янги товарни қабул қилиш жараёнини баён қилинг.
7. Инновациялар истеъмолчиларининг таърифини беринг.
8. Инновацияларнинг қандай хусусиятлари янгиликларни қабул қилишга таъсир кўрсатади?
9. Рақобатнинг таҳлили нимадан иборат эканлигини айтиб беринг.
10. Инновацион якка ҳукмронлиги нима ва унинг даромадларни катталаштиришдаги роли қандай?
11. Нима учун янгиликларни татбиқ этиш ва тижоратлаштиришнинг бозор механизмлари такомиллашмаган?
12. Оператив инновацион маркетингнинг моҳияти нимада?
13. Вазиятли таҳлилнинг инновацион маркетингдаги роли қандай?
14. Оператив инновацион маркетингнинг босқичларини айтиб беринг.
15. Инновацияларни жойлаштириш жараёнини таърифлаб беринг.
16. Инновацион маркетингда синергизм тамойилини қандай қўллаш мумкин?
17. Маркетинг тадбирларини амалга ошириш шакллари яшаш даври босқичларига кўра қандай ўзгаради?
18. Товарлар рақобатбардошлигини оширишнинг қандай шаклларини биласиз:

19. Компаниялар янги маҳсулотни бозорга чиқаришда қандай тактикани қўллайдилар?

20. Сотишдан кейинги хизматлар маркетингнинг самарадорлигини оширишда қандай ролни ўйнайдилар?

21. Янги товарни сотишни бошқариш усуллари айтиб беринг?

22. Маркетингли вазиятларга эксперт баҳосини беринг.

23. Оператив маркетинг ва маркетинг хизматларининг вазифасини айтиб беринг.

24. Маркетингдан харажатлар ва даромадларни баҳолаш қандай ўтказилади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

9. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. –М.: Высшее экономическое образование, 2008.

10.«Инновационный тип развития экономики» Учебник/ Под обҳей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.

11.Мухамедьяров А.М. «Инновационный менеджмент». –М.: Инфра-М, 2008.

12.Новицкий Н.А. «Инновационная экономика России: Теоретико-методологические основы и стратегические приоритеты». –М.: «Либроком», 2008.

13.Давила Т., Шелтон Р., Эйнштейн М. «Работающая инновация: как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду». –М.: «Баланс бизнес Букс», 2007.

14.Рычкова Н.В. “Маркетинговые инновации”. –М.: КНОРУС, 2009.

13- Мавзу. Инновацион фаолиятни молиялаштириш

Режа:

1. Инновацияларни молиялаштиришнинг манбалари ва шакллари.

2.Хорижда инновацион фаолиятни молиялаштириш усуллари.

3.Инновацион фаолиятни лойиҳани молиялаштириш.

1. Инновацияларни молиялаштириш манбалари ва шакллари

Инновацион фаолиятнинг муваққияти кўпроқ даражада уни ташкил қилиш шакллари ва молиявий қўллаб қувватлаш усуллари билан белгиланади . Янги илмий ишламалар ва технологиялар давлат миллий кучининг асосий ташкил қилувчилари бўлганлари сари ривожланган давлатлар инновацияларни қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришнинг турли туман имкониятларини топадилар. Бунда инновацион фаолиятни молиятиришнинг турли туман усуллари ва инновацияларни воситали қўллаб қувватлаш бўйича тадбирларнинг ранг баранглиги кенгайди.

Ривожланган мамлакатлар инновацион фаолият учун молиявий ресурсларни ҳам давлатнинг ва ҳам хусусий манбалардан тўплайдилар:

/арбий Европанинг копгина мамлакатлари ва А+Ш учун молмявий ресурсларни ИТТКИ учун давлат ва хусусий капитал ўртасида тенг тақсимланиши хосдир.

Маълумки, илмий салоҳият биринчи навбатда фанларнинг фундаменти тадқиқотларни ривожлантиришга инвестицияларнинг ҳажми, ҳамда патентлар ва лицензияларнинг сони, жаҳон илмий адабиётига улуш ва бошқалар билан белгиланади. Етакчи саноати ривожланган мамлакатларда ИТИ га харажатлар ЯИМ нинг 3% яқинини ташкил қиладилар. Масалан, 1998 – йилда АҚШ да тадқиқот ишлаб чиқишларини молиялаштиришнинг умумий ҳажми 200 млрд долларда яқинини, «катта еттилик» нинг қолган мамлакатларнинг 2000 млрд доллардан камроқни ташкил қилган

Шуни эслаш қизиқки, собиқ СССР да 1980 –йилларнинг охирида ИТТК И га харажатлар миллий даромаднинг 5,5% ни таҳкил қилганлар. Хусусий, давлат ва хорижий сармоялар ҳамкорлигининг турли туман шакллари кенгайишида давом этмоқда.

Фақат молиялаштиришнинг ривожланган тизими асосида инновацион фаолият ривожланиши мумкин. Бозор туридаги иқтисодиётда мустақил корхоналар, саноат компаниялари, молия саноат гуруҳлари, кичик инновацион бизнес, инвестицион ва инновацион фондлар, маҳаллий бошқарув идоралари, хусусий шахслар ва ҳ. к. молиялаштириш субъектлари бўладилар.

Уларнинг барчалари у ёки бу шаклда қайта ишлаб чиқариш жааёнида иштирок этадилар ва инновацион фаолиятни ривожланишида бевосита иштирок этадилар. Молиялаштиришнинг ташкил қилиш тамойиллари молиялаштиришнинг манбаларининг кўплиги, тизимнинг алоҳида элэмлнтларининг эгилувчанлиги ва динамиклигига қаратишни ва инновационларни уларни инновацион фаолиятдан молиявий қайтарилишни

ўсишини таъминловчи тижоратлантирилиши билан самарали тадбиқ этилиши керак.

Бунинг учун иккита асосий шартга амал қилиш зарар: давлатнинг инновацион, илмий – техник ва саноат сиёсатини фаоллаштириш ва тадбиркорларни фаол инвестицион ривожланишга ўтишга тайёрлиги.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими мулкчилик тури, марказлаштирилганлик даражаси, ҳам мулк эгаларининг даражаси ва молиялаштириш шакллари билан фарқланувчи швклар ва манбаларнинг мураккаб бирикиб кетишидан иборатдир.

Мулкчилик турларига кўра молиялаштириш манбалари қуйидагиларга бўлинади:

- давлат инвестицион ресурслари (бюджет мабла-лари, бютжетдан ташқари фондлар , давлат томонидан қарз олиш , акциялар пакетлари ,давлат тасарруфидаги мулк):

- тижорат ва нотижорат харатерига эга хўжалик юритувчи субъектлар, ҳамда шахс ташкилотлар жисмоний шаклларининг инвестицион, шу жумладан молиявий ресурслари.

Бу жамоавий сармоядорлар, шу жумладан суғурта компаниялари, инвестицион фондлар ва компаниялар, нодавлат нафақа фондларининг инвестицион ресурслари. Корхоналарнинг шахсий маблағлари, ҳамда тижорат банклари, бошқа кредит ташкилотлари ва ҳукумат томонида махсус вакил қилинган инвестицион банкларнинг кредит ресурслари ҳам шунга киритилади.

Давлат даражасида қуйидагилар молиялаштириш манбалари бўладилар

- бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондларнинг шахсий маблағлари:

- давлат кредит банк ва суғурта тизимларининг « жалб қилинган » маблағлар:

- давлатнинг ташқи (халқаро қарз олиш) ва ички қарзи (давлат облигацияли , қарзли ва бошқа зиёнлари)кўринишидаги қарз маблағлари :

Корхона даражасига қуйидагилар молиялаштириш манбалари бўладилар

- Шахсий маблағлар фўйда, амортизацион ажратмалаар, суғуртали тўловлар, номоддий активларнинг жалб қилинмаган ортиқчалари, асосий ва айланма маблағлар ва ҳ.к.;

2. жалб қилинган маблағлар, акцияларни сотишдан олинган маблағлар, ҳамда бадаллар, мақсадли тушумлар ва бошқалар;

3. ҳар хил асосдаги бюджет, банк ва тижорат кредитлари кўринишидаги қарз маблағлари.

Бюджетдан маблағ ажратилиши инновацион фаолиятнинг ҳар хил шакллариининг муҳим молиявий манбалари бўладилар, улар ҳисобидан мақсадли мажмуавий дастурлар, давлатнинг устувор лойиҳалари бажарилади.

Давлат инновацион сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизми бутун инновацион даврани ресурсли таъминлаш тизимидан иборат.

Бир қатор муаллифлар томонидан таклиф қилинаётган молиявий механизми концепцияси, биринчидан, инновацион дастурларни лойиҳаларни тўғридан тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришни айрим илмий ташкилотлари молиявий қўллаб-қувватланиши билан бирлаштиришга мақсадли қаратилганлиги, иккинчидан, молиялаштириш манбаларининг кқплиги билан таърифланади. Бунда бюджетдан маблағлар

ажратиш билан бир қаторда бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан молия-саноат гуруҳлари, тижорат банклари, бирлашмалар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этадилар.

Бундай механизм доирасида давлат инновацион сиёсатининг асосий курулларидан бири сифатида давлат бюртмасини ролини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Давлат инвестицион ва илмий-техник дастурлари давлат томонидан мақсадли молиялаштиришнинг объекти бўлишлари керак. Танлов бўйича танлаб олинган лойиҳалар уларнинг асосий мажмуини ташкил қиладилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида инвестицион ва молиявий ресурсларни қидириб топиш муаммосида сармоялар ва инновацияларнинг бозорлари ҳал қилувчи ролни ўйнашлари керак. Янгиликлар бозорини илмий ташкилотлар, ОЎЮ, инновацион бизнес корхоналари, илмий ходимларнинг ҳар хил уюшмалари, саноат фирмаларининг илмий бўлинмалари, новаторлар шакллантирилади.

Бозор талаби- ишлаб чиқаришни ўсиши- инноацмяга талаб занжирчасини муваффақиятли фаолият юритиши тўлақонли инновацион бозорни вужудга келишининг муҳим шарт бўлади. Шунинг билан бирга қисқа муддатларда инновацион бозорнинг, ҳаммадан аввал ақлий мулкни ҳимоялаш ва инфратузилмани шакллантириш қисмидаги ташкилий-ҳуқуқий базасини яратишни яқунлаш зарур.

Инновацион бозорни самарали фаолият юритиш рақобат муҳитини таъминлаш ва фандаги яққа ҳокимликка фаол қаршилиқ кўрсатишини кўзда тутати.

Кичик иновацион бизнесни вужудга келишига муҳим роль ажратилади, у инновацион соҳада ҳақиқий рақобатни яратилиши туфайли ИТИЧ ни жадаллашуви омили бўлади. Бундан ташқари, кичик инновацион

корхоналарни ривожланиши самарали илмий-техник ходимлардан самарали фойдаланишга, ҳамда яқунланган ишлаб чиқаришларни тижоратлаштириш, ижара, лизинг ва бошқа бозор қуроллари ҳисобига илмий-ишлаб чиқариш инфратузилмасидан тўлиқроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Бозор муносабатларини ривожланиши билан хатарли (венчурли) сармоялар фондларини инновацион тадбиркорликнинг адекват ўзига хослиги сифатида яратиш учун ҳақиқий шароитлар вужудга келади. Бу ерда инновацион фондлар асосий ролни ўйнашлари керак, улар 1989 йилдан бошлаб катта давлат қўллаб-қувватланишида ячратиладилар.

Жаҳон амалиётида асосий сармоялардаги инвестицияларни молиялаштириш учун қарз маблағлари, айниқса банк кредитлари кенг қўлланиладилар. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида банк кредитларининг сармоялар киритиш ларни молиялаштириш манбалари сифатидаги улуши 20,40% ни ташкил қиладилар, шунинг билан бир вақтда Россияда у 6-8% дан ошмайди. 1998 йилда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти томонидан сўралган 3 мингта корхоналардан фақат 16,5% ишлаб чиқаришни қайтадан жиҳозлашга, 5,3%-ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга, фақат 1,8%- корхоналар ИТТКТ, лицензиялар ва ноу-хауларни харид қилишга кредитлар олганлар.

2008 йилдаги саноатдаги капитал киритмаларни молиялаштириш манбаларининг тузилиши 1-жадвалда берилган.

**2008 йилда саноатдаги капитал киритмаларни молиялаштириш
манбаларининг тузилиши**

№	Манбалар	Яқунига нисбатан %да
11.	Шахсий маблағлар	77,0
	Улардан:	
22.	Корхона ихтиёрида қолувчи фойдали жамғармалар фонди	16,2
33.	Амортизация ва шахсий маблағларнинг бошқа манбалари	60,8
44.	Жалб қилинган маблағлар	23,0
	Улардан:	
51.	Банклар кредитлари	7,0
62.	Бошқа ташкилотларнинг қарз маблағлари	3,1
73.	Бюджет маблағлар	5,0
84.	Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	1,8
95.	Бошқа жалб қилинган маблағлар	6,1
1	Жами	100,0

Жадвалдан кўринишича, банк кредитлари ва бошқа ташкилотларнинг қарз маблағларининг улуши 10,1% ни ташкил қилади. Илмий-техник соҳада кредит ресурслари ИТТКИ ни молиялаштиришнинг умумий ҳажмида 79 ни қиладилар, шунинг билан бир вақтда бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар 20%дан кўпроқ ташкил қиладилар. Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқариш инновацияларга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 2%дан ошмайди. Бунга сабаба банк кризиси, кредитларнинг юқори қиймати, банкларда манфаатдорликни йўқлигидадир.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган шакллари дан бири акциялар ва облигацияларни босиб чиқариш йўли билан молиявий ресурсларни олиш, яъни улушли ёки қарзли турдаги эмиссия (босиб чиқариш)дир.

Инновацион жараёнларни такомиллашиши ва ривожланишида инфратузилмаларга бирлашган молия-саноат гуруҳлари, консорциумлар, стратегик альянслар ҳамда лойиҳавий молиялаштириш ва венчурли бизнес алоҳида роль қйнаши керак.

Инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш учун йирик компаниялар инновацион ахборотларни келиб тушишининг кўпгина воситали каналларидан фойдаланадилар, норасмий ташкилотларга кенг муурожаат қиладилар. Аммо жуда кўп ҳолларда тадбиркорлар молиявий хавфсизликни радикал янгиликларнинг ноаниқлиги ва таваккалчи инноваторларни мустақиллигидан афзал кўрадилар.

Лойиҳавий молиялаштириш ва инновацион фондлар, ихтисослаштирилган молия компаниялари, халқаро молиявий ташкилотлар, суғурта ва лизинг компаниялари янгилик киритишлар институционал

тузилмасининг муҳим шакли юўладилар. Аммо тижоарт банклари, шу жумладан ихтисослашган инвестицион ва инновацион банклар кредитларнинг асосий манбалари бўладилар.

Ўсишнинг инновацион омилларини сафарбар қилишда венчурли бизнесга алоҳида роль ажратилади, у иновацияларни амалга ошириш шакли сифатида сармояларни сафарбар қилиш усуллари, манбаларни тузилиши ва молиявий маблағларни тақдим этиш шартлари бўйича анча фарқланади. Венчурли бизнес принципаал янгиликларни ишлаб чиқишга қаратилган ва қоидага кўра, пионер (биринчи) соҳалардаги юқори ишга доир фаоллик билан боғланган. Microsoft ва бошқа каби йирик фирмалар ўзларининг қудратлари учун худди венчурли бизнесга қарздордирлар. Калифорниядаги Силикон водийсида юқори технологияларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этилиши биринчиларнинг мисоли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фан ва технологияларнинг ёриб ўтувчи йўналишларидаги яққол ўзига жалб қилишлик бундай компанияларнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича ташкилий ҳаракатларни талаб қилган. Мамлакатли хусусиятлар венчурли бизнесни ривожланишининг иккита тенденцияларида намоён бўлганлар: уни Япония, Ғарбий Европа мамлакатларида инкорелляцияланганлиги (ўз таркибга қўшиб олганлиги ва АҚШда институтлаштирилганлиги (қандайдир янги ижтимоий институтни таъсис этганлиги)да. 1980 йилларда ОЎЮ, какдемик фан, давлат ва хайр-эҳсон фондлари, лизинг ва суғурта компаниялари билан боғлиқ венчурли ва инновацион фондлар ривожлана бошлаганлар. Аммо АҚШ венчурли сармоясининг 90 %га яқини 2-3 янги фирмаларнинг бирлашмаси томонидан тақдим этилган. Бу фан, техника ва бизнеснинг машҳур “авангард тури”даги корхонани ташкил қилишга қодир вакиллари жалб қилишга имкон берган. Аммо буларнинг барчаси

тадқиқотли ва венчурли лойиҳалардан молиявий қайтарилишни ошишига ёрдам беролмаган. Биргаликдаги давлат, институционал ва корпоратив ҳаракатлар талаб қилинган.

Кейинги ўн йиллар ичида саноати ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиялаштиришнинг янги шакли-лойиҳали молиялаштириш тез ривожлана бошлаган. Даставвал инвестицияон лойиҳаларни банк томонидан узоқ муддатли кредитлаш деб тушунилган лойиҳавий молиялаштириш бугун кўпгина турли туманликларга эга.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий ташкилий шакллари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ташкилий шакллари

Шакл	Эҳтимол бўлган сармоядорлар	Қарз маблағларини олишчилар	Шакллардан фойдаланишнинг афзалликлари	Бизнинг мамлакатимиз шароитида шаклдан фойдаланишнинг мураккаблиги
Дифицитли молиялаштириш	Хорижий давлатлар ҳукуматлари. Халқаро молиявий институтлар. Ўзбекистон Республикасининг корхоналари ва ташкилотлари	Ҳукумат	Инновацияларни давлат томонидан тартибга солиниши ва назорат қилиниши	Молиялаштиришнинг номақсадий характери ташқи ва ички давлат қарзларини ўсиши. Бюджетнинг харажат қисмини кўпайтириш
Акциядорлик	Тижорат	Корпорациялар	Корпорация	Номоддий

(корпоратив) молиялаштириш	банклари, институтционал сармоядорлар	ар, корхоналар	(корхоналарда инвестициялардан фойдаланишнинг вариант белгиси)	характери ҳақиқий лойиҳаларп бозорида эмас, балки фақат қимматбаҳо қоғозлар бозорида ишлаш. Сармоядор хатарининг юқори даражаси
Лойиҳани молиялаштириш	Ҳукуматлар, халқаро молиявий институтлар. Тижорат банклари. Мамлакат корхоналари. Хорижий сармоядорлар институционал сармоядорлар	Инвестицион лойиҳа. Инновацион лойиҳа	Молиялаштиришнинг мақсадли характери. Хатарларни таксимланиши. Давлат-иштирокчи молиявий муассасаларнинг кафолати. Назоратнинг юқори даражаси	Инвестицион муҳитга боғиқлик, кредит харатларининг юқори даражаси. Беқарор қонунчилик ва солиқ тартиби.

2. Хорижда инновацион фаолиятни молиялаштириш тартиби

Саноати ривожланган мамлакатларда инновацион жараён сармояларни ҳам хусусий ва ҳам давлат манбаларидан олади. АҚШ ва Европа мамлакатларида уларнинг улуши тахминан тенг Японияда хусусий инвестицияларнинг улуши 80%дан ошиб кетади. Молиялаштиришнинг энг

ихчам шакли- хатарли сармоялар – хусусий манбаларга асосланадилар. Инновацион жараёнлар учун, шубҳасиз, ИТТИР ни инновацион жараёндаги белгилаб берувчи бўғин сифатида молиялаштириш энг катта аҳамиятга эга.

АҚШда молиявий ресурслар ҳам федерал ва муниципал бюджетлар орқали давлатдан (1998 йилда 49%) ва ҳам хусусий фирмалар ва ташкилотлардан (ўша 1998 йилда 46,7% ни ташкил қилган) келиб тушади. Университетлар, коллежлар ва хусусий- ҳукумат фондлари ИТТКИ ни молиялаштиришда 5%дан кўпроқ иштирок этганлар АҚШда инновацияларни давлат томонидан қўллаб- қувватлар тизими учун кейинги йилларда дастурли-мақсадли ёндошишни тарқалиши хосдир.

Бунда молиявий ресурслар ҳам устувор технологик (биотехнология, энергетика, электроника, соғлиқни сақлаш) ва ҳам соҳавий йўналишлар (агрокосмик, ҳарбий саноат ва ҳ.к.) жамланадилар. Масалан, агрономик саноатда ИТТКИ нинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи давлат ассигновацияларида бўлади. Янги конструкцион материалларни ишлаб чиқаришдаги илмий тадқиқотларнинг 35% ҳам давлат томонидан молиялаштирилади.

Европа мамлакатлар худди шундай тартибда кўп илм истеъмол қиладиган ишлаб чиқаришлар ва юқори технологик маҳсулотларнинг аҳамияти ўсмоқда. ИТТКИ ни давлат томонидан молиялаштириш тизимида инновацион жараённи воситали қўллаб-қувватлашнинг ҳам тўғридан тўғри шакллари ва ҳам самарали усуллари (солиқ имтиёзлари, имтиёзли ҳукумат кредити, амортизацион ҳисобдан чиқаришлар) бириктирилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бундай тури Франция, Австрия, Швеция ва ҳ.к. да кенг қўлланилади. Худди давлатнинг қўлида

молиялаштиришнинг бундай манбалари инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг рағбатига айланади.

Японияда ИТТКИни молиялаштириш манбаларининг асосий қисмини хусусий компаниялар ташкил қиладилар. (1998 йилда 80%гача). Бу ерда давлат харажатларининг улуши АҚШ ва Европа мамлакатларига қараганда анча паст, бунинг устига хусусий компаниялар ва давлатнинг ҳаракатларини Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) томонидавн белгилаб берилган умуммиллий устуворлик бўйича махсус фондлар ва дастурий тадқиқотлар шаклида бирлаштирилиши катта аҳамиятга эга. Устувор илмий йўналишлардаги инвестицияларни ўсиш суръатлари бўйича Япония жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Бундай ташқари, Японияда хусусий фирмаларга илмий лабораториялар ва тажриба корхоналарининг ускуналари, ҳамда давлат муассасалари, университетларининг тадқиқотлари натижаларини, шу жумладан илмий-техник ахборотларни топшириш амалиёти қўлланилмоқда. Бунинг устига энг янги технологиялар базасида янги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хусусий фирмаларга асосий инновацияларни шлаб чиқаришда 3 йилдан 5 йилгача катта (50%гача) солиқ имтиёзлари берилади. Японияда амортизайион ажратламалар меъёрларини табақалаштириш кенг қўлланилади.

Хатарли молиялаштириш нафақат анъанавий хўжалик юритиш доираларини икки томонга суради, балки инновацион фаолиятни такомиллаштиришга имкон берувчи ва умуман иқтисодий тизимни фаолият юритиши самарадорлигини оширувчи инвестицион механизмнинг янги турини яратади. Инновацион бизнес ИТТКИга хусусий инвестициялар тизимига катта ўзгаришлар киритади. Масалан, агар 1980 йилларнинг бошида хусусий жамғармалар, шахсий хорижий киритмалар ва саноат корпорациялари асосий самарадорлар бўлган бўлсалар, 1980 йилни охирида у қуйидаги кўринишни олган:

Нафақа фондларига хусусий хатарли сармоялар барча киритмаларининг 47%;

Хусусий жамғармаларга -125%;

Хорижий киритмаларга -10%;

Йирик корпорацияларга – 10%;

Суғурта компанияларига – 13%;

Давлат ва хайр – эҳсон фондларига – 7% тўғри келади.

Бунда хатарли молиялаштиришнинг умумий фонди 1980 йиллар ичида АҚШда 14 марта кўпайган. 1990 йиллар арафасидаёқ бу мамлакатда инвестицияларнинг фойдалилигини пасайишида инновацион сармояларнинг баъзи бир ортиқчалиги кузатилган.

Хатарли бизнес учун молиявий маблағларни тақдим этиш тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларидан тқбдан фарқ қилади. Инновацион венчурли бизнес молиялаштирилаётган лойихани барбод бўлиши имконига йўл қўяди. Биринчи йиллар лойиха тадбиркори сарфланган харажатлар учун молиячилар олдида жавобгарликка эга эмас ва улар бўйича фоизларни тўламайди. Хатарли сармоялар сармоядорлари биринчи беш йилда янги ташкил қилинган фирманинг акцияларини харид қилиш билан чегараланадилар. Агар мулк акциялар билан берилган бўлса, акциядорлар уларни старт даври тугагунга қадар биржада сотиш ҳуқуқига эга эмаслар. Агар инновацион фирма фойда бера бошласа, унда у хатарли сармоялар киритувчиларни мукофотлашнинг асосий манбаи бўлади. Кўпинча венчурли сармоядор инновацион корхонанинг мулк эгаси бўлади. Худди капитал киритмаларга юқори, кўпича йиллик 25-30 %ни ташкил қилувчи, фойда олишнинг ойдинлиги венчурли бизнесни, юқори хатарга қарамасдан, ғоята ўзига жалб қилувчи тадбир қилади.

Венчурли бизнеснинг Венчурли бизнеснинг самарадорлигини ошириш учун кейинги йилларда саноати ривожланган мамлакатларда хатарли инвестицияларни ҳар томонлама ривожланиши содир бўлмоқда ва кенчурли компанияларнинг ташкилий тузилмаси ўзгармоқда. Масалан, инвестицияларнинг инновацион йўналтирилиши фирмани кўп соҳали ва соҳалараро йўналишга ғайратлантиради. Бунда янги бозор уячаларини, кўшни ишлаб чиқаришларни вужудга келиши мумкин, ишлаб чиқарилаётган технология самаралироқ бўлади, амалда инвестицияларни ҳар томонлама ривожланиши ва инновацион йўналтирилганлигинамойиш қилувчи кичик инновацион фирмалар йирик фирмадан куртак очиб чиқадилар. Масалан, агар 1970 йилларнинг бошида General Electric фирмасида фақат 10 мустақил инновацион йўналишдаги корхоналар ташкил қилинган бўлса, 1980 йилларнинг охирига келиб бош компания қошида энди 200 ташқи венчурли илмий бўлинмалар мавжуд бўлган. General Motors, херох, IBM ва ҳ.к. каби саноат ггантлари қошида ҳам венчурли сармоялар фирмалари кенг ривожланмоқда.

Кейинги йилларда венчурли сармояларнинг тузилиши мураккаблашган. Анъанавий бўлиб қолган шакллар билан бир қаторда янгилари пайдо бўлмоқда. Кичик инновацион фирмадан бошлаб ва илмий-техник консорциум билан тугалланиб, аралаш хусусий–давлат молиялаштирилишида ишловчи, уларнинг барчаси, бир томондан ўзининг фаолиятида ҳар томонлама ривожланган ва кўп илм истеъмол қилувчи ишлаб чиқаришларга, бошқа томондан тадқиқот қилувчи фирма ва венчурли молиялаштириш фондига суянади. Янги корхонани ташкил қилишда беш йил ичида инвестицияларнинг дастлабки ҳажмига нисбатан сармояларни ўн марта кўпайиши рентабелликнинг пай даражаси ҳисобланади.

Энг янги кўп илм истеъмол қилувчи соҳалардаги татбиқ этувчи фирмалар мисоли йўқ тижорат хавфига дучор бўладилар. Фақат инвестиция

киритилаётган йирик техник лойиҳаларнинг ўндан бир қисми етарлича рентабелли бўлади. Венчурли фонд, шундай қилиб, умумий бизнес таркибидаги ўзининг инновацион шеригини эҳтиёт қилган ҳолда, бу хатарни ўзига қабул қилади.

Инновацион фондлар кўпсонли татбиқ этувчи фирмалар билан, айниқса уларнинг яшаш даврларининг энг қийин, бошланғич босқичида маҳкам боғланган ўзига хос аклий диверсификатлар (хар томонлама ривожлантирувчиларга) айланадилар.

Инновацион фондлар академик фан, ҳаммадан аввал университетлар билан яқиндан ҳамкорликка муҳим аҳамият берадилар. Университетлар лабораторияларида юқори рентабелли техник лойиҳалар ишлаб чиқарилади, улар венчурли молиялаштириш учун айниқса ўзига жалб қилувчи бўладилар. Инновацион банклар жудаям фаоллар, улар одатда истиқболли ғояларни ўзлари қидирадилар, энг фойдали, ўзини тез қопловчи техник лойиҳалар ижрочилари билан хўжалик алоқаларини йўлга қўядилар.

Энг истиқболли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлар хусусий касбий бошқариладиган инновацион венчурли фондларга мурожаат қиладилар. Қоидага кўра, бюрократик ҳимоя ва кўп босқичли бўйсуннишдан холи бу фондлар, инновацион тадбиркорга керакли бошланғич сармояларни, шу жумладан старт олди харажатларни берадилар.

Японияда инновацион тадбиркорлик биров бошқача шаклланади. Бу мамлакатнинг ҳукумати анъанавий равишда саноат ИТТКИ молиялаштиришга катта маблағлар ажратмайди: ИТТКИга харажатларнинг 25% га яқини давлат улушига тўғри келади. У миллий бозор ИТИЧнинг устувор йўналишларини ҳимоялаш бўйича протекцион (ҳимоя қилувчи) чораларини қўллайди. Фақат миллий япон фани ва иқтисодиёти ривожланишининг узоқ муддатли башорати давлат томонидан қўллаб-

қувватлашнинг асос бўлади. Йиллар ўтиши биланустуворликларнинг мажмуаси ўзгаради, аммо принципиал ишлаб чиқаришларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тамойили қолади.

Япония ТССВ энг йирик миллий дастурлар (космик тадқиқотлар, биотехнология ва генетика, экология, Тинч океанининг тадқиқоти, энергиянинг энг янги ноанъанавий манбалари ва ҳ.к.) ва амалга оширишни бажаради. Илмий-техник сиёсат давлатнинг бутун иқтисодий стратегиясининг ўзаги бўлади. Японияда 1990 йилларнинг бошида ИТТКИ устувор йўналишларига давлат харажатлари ЯИМнинг 3,5% яқини ташкил қилади.

Давлат хусусий самояларга нисбатан ўзининг инновацион сиёсатини фаол амалга оширади. Масалан, тадқиқотларнинг устувор йўналиши белгилангандан кейин ТССВ тегишли ишлаб чиқариш соҳасига эга барча йирик саноат корпорацияларига дасутарлар ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича танловда иштирок этишни таклиф қилади. Бунда вазирлик лойиҳа, ноу-хау ҳақидаги илмий ва илмий-техник ахборотларни такдим этади, тадқиқотларга йирик университетлар ва бошқа илмий жамоаларни жалб қилади, лаборатория ва бошқа илмий ускуналарни беради.

Дастурларни молиялаштириш бўйича харажатларни иштирочи – корпорациялар амалга оширидилар. Давлат сотиш бозорларни кафолатламайди. Хусусий сармоядорнинг зиммасига нафақат амалий инновацион фаолиятни, балки маҳсулотнинг анъанавий юқори сифати ва нархларнинг етарлича паст даражасини сақлаб қолишда янги бозорларни шакллантириш вазифаси ҳам тушади.

Давлат ҳар хил тўғридан тўғри ва воситали чоралар билан хусусий сармояларни замонавий инновацион стратегиянинг ўзанига йўналтиради. Масалан, энг йирик давлат молия институтларидан бири-Япон тараққиёт

банки устувор соҳаларни модернизациялаш ва янгилашга узок муддатли қарзларни тақдим этади. Банк бу кредит учун тўловни ушбу миждозлардан одатдаги қарздорларга нисбатан анча кам олади. Бунинг устига муддати Япониядаги оддий кредитлаш каби 10 йил сармоялар жаҳон бозоридағ3-8 йил. Бундан ташқари, америкалик, европалик компанияларга нисбатан япон фирмаларининг бирлашишга вазмин муносабати ва япон сармояларининг камтарона кўлаилари Японияда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва молиялаштиришнинг хусусиятларини асослаб берувчи муҳим омиллардан бўлади.

Тадқиқот қилиш ассоциациялари- техник ишлаб чиқаришнинг энг истиқболли шаклларида биридир. Бир неча компаниялар томонидан улушли асосда ташкил қилинган бўлиб, улар нафақат кўп сармоя истеъмол қилувчи илмий-техник лойиҳаларни, балки юқори инвестицион хатарнинг улар билан боғлиқ инновацион йўналтирилганликни иштирокчилар ўртасида тақсимлашга имкон беради. Кўп илм истеъмол қилувчи ва юқори технологик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун молиявий хатарни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш имконияти катта аҳамиятга эга. ИТТКИ натижалари бутунлай аниқ бўладилар, аммо кўпинча уларни лицензиялаш ва патентлаштиришнинг имкони йўқ, бу Японияда бундан кейинги ишлаб чиқаришларда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биринчи тадқиқот қилиш ассоциациялари Японияда 1960 йилларда пайдо бўлган бўлсалар ҳам, улар асосан амалий имитацион тадқиқотлар билан шуғулланганлар. Уларни ўсишига япон ва хорижий технологиялар ва корхоналар ва ноу-хаулар томонидан кескин рақобат, ҳамда катта хусусий инвестицияларни сафарбар қилишга рағбатларни етишмаслиги халақит берган. 1970 йилларда ассоциацияларнинг сони, айниқса ЭХМ ни ишлаб чиқариш соҳаси, машинасозлик ва асбобсозлик, алоқа ва телекоммуникация воситаларини ишлаб чиқариш соҳасида тез ривожланган.

Япония ҳукумати 1970 йилларда тадқиқот қилиш тизимини вужудга келиши ва ривожланишида ижобий роль ўйнаган.

Давлат илмий-техник ривожланишнинг асоси сифатида давлат бюджетидан субсидия олувчи устувор ИТТКИни танлаб, уларга фирмалари томонидан шартнома асосида ташкил қилинадиган аралаш давлат- хусусий молиялаштириш тамойилида тадқиқот қилувчи ассоциацияларни қўшган. Ага 1970 йилларнинг охирида Японияда 20 бундай ассоциациялар ташкил қилинган бўлса, улардан 7 таси давлатнинг фаол молиявий қўллаб-қувватлашда шартнома асосида жалб қилинганлар, 1980 йилларда эса яна 26 таси.

Тадқиқот қилиш ассоциацияларидаги инновацияларни ташкил қилиш ва молиялаштиришнинг аниқ механизмлари, шубҳасиз ўзгарганлар. Масалан, ҳозирги вақтда ассоциацияларнинг икки тури фаолият юритмоқда: ҳаракатлар ва ресурсларни белгиланган лойиҳа остида бирлаштирувчи, аммо мустақил илмий ва молиявий бўлинмаларга эга бўлганлар ва иштирокчи фирмалар доираларида ва молиялаштирининг белгиланган ҳажмида умумий илмий-техник бўлинмани ташкил қилувчи, иккинчи турдаги ассоциациялар. Тадқиқот қилувчи ассоциациялар давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳар хил шаклларида фойдаланадилар. Бунда асосий фондларга солиқ 25 %га камайтирилади.

Япония саноат компанияларида инновацион фаолият ички корпоратив бўлинмаларда лойиҳавий вақтинча гуруҳлар шаклида ва ички венчурлар кўринишида тўлиқроқ амалга оширилади. Кўпинча ички венчурли бўлинмалар корпорациянинг мавжуд бўлган бўлинмалар базасида ташкил қилинадилар. Ички венчурли вазифаларнинг йиғиндиси ва мустақилликнинг даражаси бўйича вазифаси бўлинмалар-компаниянинг маҳсулотли бўлинмаларига ўхшашлар. Аммо агар кейингилар мавжуд ишлаб чиқаришларнинг жорий рентабеллигини қўллаб-қувватлаш учун

жавобгарликка эга бўлсалар, ички венчурнинг мустақилроқ ташкилотлари лойиҳани ишлаб чиқиш даврида фойда олиниши учун жавобгарликдан озод қилинадилар ва корпорация томонидан янги ишлаб чиқаришни рентабеллигига эришгунга қадар субсидияларни тўлиқ оладилар.

Агар вақтинчали лойиҳавий гуруҳлар асосан янгилик киритишларнинг оператив ишлаб чиқишга қаратилган бўлсалар, ички венчурлардан мавжуд ишлаб чиқариш ва молия бозориларига киритилмайдиган принципал янгилик киритишлар ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқаришлар ва тижоратлаштириш учун фойдаланилади.

Вақтинчалик лойиҳавий гуруҳлар сотиш фаолият билан мустақил шуғулланмайдилар ва ишлаб чиқариш қувватларига эга эмаслар. Ички венчурлар бутун инновацион давра: ишлаб чиқиш, татбиқ этиш, ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга ошириш имкониятига эгалар. Кўпинча бир неча йирик лойиҳаларни муваффақиятли амлаг оширгандан кейин ички венчурюридик шахс мавқеини олади ва қиз фимаси бўлиб қолади. Ҳам кичик инновацион бизнеснинг афзалликлари, ва ҳам у қиз фирмаси бўлиб қолган ҳолда эга бўлиши мумкин бўлган тадбиркорлик хатарларининг керакли барқарорлашуви ва ҳар томонлама ривожланиши худди ички венчурга хосдир. Кичик инновацион фирмалар ва венчурли бўлинмаларда фаолиятнинг муваффақияти бутун ходимларнинг ҳаракатига боғлиқдир. АҚШда, фирма ичидаги венчурлар, ташқи венчурларга нисбатан анча кам мустақилликка эга бўлган ҳолда корпорацияларни қўллаб-қувватлашлари, корпорациялар ресурсларини, илмий-техник ахборотлар ва ноу-хауларни, бозор ҳақидаги ахборотларни кенг олиш, маркетинг ва сотишнинг корпоратив тизимидан фойдаланиш имкониятларидан фойдаланадилар.

3. Инновацион фаолиятни лойиҳавий молиялаштириш.

Замонавий, шу жумладан халқаро молиявий фаолиятда лойиҳавий молиялаштириш каби истиқболли ва динамик йўналиш борган сари кўпроқ ривожланиш олмақда. Бу инновацион фаолиятда молиявий ва банк иштирокининг тури саноатнинг кўп ресурслар ва сармоялар истеъмол қилувчи соҳалари ишлаб чиқариш апаратыни модернизациялаш, такомиллаштириш ва янгилашга айниқса муҳтож мамлакатлар ва минтақаоар учун айниқса долзарбдир.

Ҳозирга қадар ривожланган мамлакатларда молиялаштиришда электр энергияси, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар катта оммавийликка эга бўлганлар. Энди лойиҳавий молиялаштириш ҳам саноатнинг инфратузилмасини ва қайта ишлаб чиқарувчи соҳалари билан боғлиқ ва ҳам илмий-техник янгиликлар ва илғор технологияларга қаратилган саноат объектларининг кўпчилигига кенг тарқалган. Кейинги йўналиш юқори технологик, кўп илм истеъмол қилувчи ишлаб чиқаришларга инвестициялар киритишнинг кам сонли тажрибасида пайдо бўлган.

Лойиҳавий молиялаштириш анъанавий равишда инвестицион лойиҳаларга мўлжалланганлигига қарамасдан, ҳозирги вақтда бу усуллар ноёб новаторлик ёндошишлар ва тубдан янги ишлаб чиқаришлар соҳасига тез кириб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, лойиҳавий ва молиявий хатарлар, демак лойиҳаларни экспертли баҳолашга талаблар ҳам ўсади. Бу масалаларни ҳам услубий ва ҳам амалий ва ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур. Нафақат кредиторларни, балки маҳсулотнинг яроқлигини баҳолаш ва хатарни бартарф қилишга қодир мустақил маслаҳатчиларни топиш қийин. Ишончли таъсисчилар, самоядорлар, кафолатчилар, пудратчилар ва операторлардан ташкил топган лойиҳавий жамоани танлаб олиш ундан ҳам қийин. Шунга қарамасдан худди инновацияларни лойиҳавий молиялаштириш бугун энг катта қизиқишни уйғотади.

Лойихавий молиялаштириш камида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва молиялаштириш ҳақидаги учта принципиал қоидаларни ишончли равишда намоиш қилади.

Биринчиси-саноати ривожланган мамлакатлар мисолида шу нарса кўринадик, инновацион жараёнларнинг асосий қисмини ҳар хил даражада ва кўламдаги хусусий компанияларнинг кучлари билан малга ошириш мумкин. Шубҳасиз, инновацион жараёнлар бу ерда мақсаднинг ўзи эмас, балки тадбиркорлик муваффақиятига эришиш воситаси сифатида бўладилар. Инновацион бизнес ҳар хил ташкилий фондларда академик “соф фан” ва хусусий сармоя манфаатлари ўртасида воситачи бўлади, чунки инновацион жараён даромадли сифатида кўриб чиқилади.

Иккинчиси- давлатнинг инновацион сиёсати нафақат инновацион жараёнга тўғридан тўғри таъсир кўрсатишда, балки инновациялар учун инновацияларни давлат томонидан воситали қўллаб-қувватланишининг ҳар хил молиявий қонунчилик, солиқ, социал ва бошқа усуллари билан бир қаторда қулай иқтисодий муҳитни яратилишида намоён бўлиши мумкин. Давлат ўзбек иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатида инновацион сиёсатнинг асосий юқини ўзига ололмайди, аммо инновацион бизнесни қўллаб-қувватловчи тадбирларнинг тўлиқ турли туманлигини таъминлаши мумкин.

Ва ниҳоят, учинчиси- иновацион фаолиятнинг эгилувчанлиги, кўп вариантлилиги ва муқобиллилиги давлат ва хусусий тадбиркорлик, хусусий ва хорижий сармоядорлар ҳамкорлигининг кўп сонли шакллари вужудга келишига жуда яхши ёрдам беради. Лойихавий молиялаштиришнинг кенгроқ амалиёти ва инновацион фаолиятни ривожланиши агар давлат сиёсий, макроиқтисодий ва йирик экологик хатарлардан қафолатчи бўлган ҳолда ўзига муносиб ўринни топишлари мумкин. Ўзбекистонда инновацион бизнесни ривожланиши учун дастлабки шароитлар яратилган.

Агар венчурли сармоялардан илмий фаолиятни унинг ҳар қандай босқичида молиялаштиришни ташкил қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлса, унда лойиҳавий молиялаштиришнинг ташкилотчиси бундай хатарга бора олмайди. Шунинг учун лойиҳавий молиялаштириш ҳолида бозор шароитида лойиҳани амалга оширишдан пул маблағларининг оқими кредитни қайтаришнинг ягона манбаи бўлади. Инновацион ва венчурли бизнес ва лойиҳавий молиялаштириш ўртасидаги катта фарқ шундан иборатки, лойиҳавий молиялаштириш тижорат талаби шакллантириб бўлинган маҳсулотларга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштириш остида кўпинча молиялаштиришни ташкил қилишнинг шундай тури назарда тутиладики, унда лойиҳани сотишдан олинган даромадлар қарз мажбуриятларини тўлашнинг ягона манбаи бўлади. Шунга қарамай ҳар хил мамлакатларда “лойиҳавий молиялаштириш” атамаси ҳар хил талқин қилинади. Масалан, АҚШда унинг остида молиялаштиришни шундай ташкил қилиш тушуниладики, унда инвестицион лойиҳаларнинг катта қисми таъсисчининг шахсий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади, лойиҳани сотишда даромад қарз мажбуриятларини тўлашнинг ягона манбаларидан бўлади.

Европада бу атама лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни тақдим этишнинг ҳар хил вариантлари ва йўлларига нисбатан қўлланилади. Кейинги вақтда “лойиҳавий молиялаштириш” атамаси ҳам банклар томонидан тақдим этиладиган кредитларга ва ҳам воситали бюджетли қўллаб-қувватлашга, ҳар хил давлат ташкилотлари, инвестицион фондлар, суғурта компаниялари ва бошқа манфаатдор сармоядорларнинг қўллаб-қувватлашига асосланган молиявий ва тижорат операциялари тизимига нисбатан қўлланилади.

Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил қилишга асосий талаблар таъсисчилар ва уларнинг шерикларининг нуфузли таркиби, лойиҳанинг

малакали таҳлили, омилкорона тузилган техник-иқтисодий асосланиш, лойиҳа тадбирларининг банк билан олдиндан келишиб олиш, лойиҳани етарлича капиталлаштирилиши, уни техник-технологик амалга оширилиши ва юқори фойдаланиш таърифларида иборат. Лойиҳа ва ҳукумат муассасаларини аниқ тақсимланиши, лойиҳавий молиялаштириш объектини атрофлича билишни муҳим деб ҳисоблаш керак.

Лойиҳавий ёндошиш талабларига мосроқ келувчи соҳаларга казиб чиқарувчи соҳалар ва энергетика, нефть- газ хомашёни қайта ишлаш, энергиянинг муқобил манбалари, машинасозлик, асбобсозликнинг белгиланган турлари, қурилиш материалларининг баъзи бир турлари ҳамда истиқболли кимёвий маҳсулотларни киритиш мумкин. Шу жумладан, “соф” лойиҳавий молиялаштириш на молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини ва на қўшимча кафолатларни талаб қилади ва хатарнинг ҳар хил турларининг маъқул даражасига асосланган.

Агар пул маблағларининг бирламчи манбаи (лойиҳа) талабларга адекват бўлмаса, унда кафолатчининг активлари ёки бюджет субсидиялари қарзни тўлашнинг иккиламчи манбаи бўлиб хизмат қилишлари мумкин. Мисол сифатида казиб чиқарувчи соҳаларнинг кўп илм истеъмол қиладиган ишлаб чиқаришлари, юқори технологиялар, телекоммуникациялар тизимлари, компьютер тармоқларини ишлаб чиқиш доривор моддалар ва нозик органик синтезнинг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни келтириш мумкин. Лойиҳавий молиялаштиришнинг кўпгина операциялари “соф” схемадан фарқ қиладилар. Бу ностандарт хавфларнинг ўрнини қоплаш ва сотишдан ташқари тушумлар, юқорироқ фоизли ставкани тақдим этиш ва амортизацион ажратмалар, солиқ имтиёзлари ҳисобига тушумлар ва кўпгина бошқа нарсалар бўлишлари мумкин.

Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил қилишда ҳукумат идоралари ва халқаро ташкилотларнинг кафолатларини олиш алоҳида роль ўйнайди.

Аммо лойиҳавий молиялаштиришга, қоидага кўра, пул маблағларининг беқарор оқими генерацияланадиган, уларнинг активлари эса қарзни тўлашнинг ишончли иккиламчи манбаи бўлиб хизмат қиладиган объектлар киритилади. Хатарлар лойиҳанинг ташкилотчилари, кредиторлари ва кафолатчилари ўртасида тақсимланиши учун кўпгина лойиҳаларни туркумлаштиришга имкон берувчи лойиҳавий хатарларни диверсификациялаш лойиҳавий молиялаштиришнинг имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим тамойили бўлади.

Инновацияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг бир неча турлари мавжуд. Лойиҳанинг ўзининг, унинг иштирокчиларининг кредит қобиляти, уларнинг кредитни учинчи шахслар томонидан тўлаш кафолатлари ҳисобга олинмагандаги яшаш қобилятига асосланган молиялаштириш асосий бўлади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида генерацияланадиган аул оқимлари қарзни тўлашнинг манбаи бўлувчи инвестицияларни молиялаштиришни учинчи тур деб ҳисоблаш мумкин. Молиялаштиришнинг шундай тури учинчи деб ҳисобланадики, бунда ҳам лойиҳани амалга ошириш натижасида генерацияланадиган нақд маблағлар оқимлари ва ҳам корхона активлари кредитни таъминланиши бўлиб хизмат қиладилар.

Корхонанинг ўзининг иқтисодий ва техник яшаш қобиляти кредитни таъминлаши лойиҳавий молиялаштиришнинг тўртинчи тури бўлади¹⁷.

Инновацион лойиҳалар ўз хусусияталрига эга. Лойиҳали молиялаштириш усуллари ва йирик капитал киритмаларни баҳолаш ва илмий-техник лойиҳаларни танлаб олиш учун талаб қилинадиган молиявий таҳлил тадбирлари қўлланилаётган тадбирларни адекватлиги ва бир хилдалиги ўқидаги фаразларга олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди

¹⁷ Вертакова Ю.В. Симоненко Б.С. Управление инновациями: теория и практика. –М.: Висшее экономическое образование, 2008.

G.N.Висс. Аммо бу икки лойиҳалар ўртасида муҳим фарқлар мавжуд. Янги саноат объектлари қурилишига капитал киритмалар ҳақидаги мавжуд молиявий ахборотлар ҳатто энг оддий илмий-техник лойиҳаларнинг кўпчилиги учунлигига қараганда, айниқса бошланғич босқичларда анча ишончлироқдир.

Инновацион лойиҳалар анча катта ноаниқлик билан фарқланиб туриб, шундай афзалликка эга, улар ишлаб чиқаришнинг анча эрта босқичларидаёқ кичик молиявий йўқотишларда тўхтатилишлари мумкин. Илмий-техник лойиҳаларни танлаб олишда ахборотларнинг инвестицияларга нисбатан чекланганлик омили ўзига эътиборни қаратади.

Илмий-техник лойиҳаларда ахборотларни адекват эмаслигича анча кўп дуч келиши мумкин. Мустақил экспертларнинг фикрларини корреляциялаш ғоятда мураккабдир. Шундай ҳолларда маълумки, экспертизанинг биринчи босқичида қайтарилган инновацион лойиҳалар кейин ишлаб чиқарувчиларга мисли кўрилмаган муваффақият келтирганлар (масалан, British Airlines, “Мицубиси”, Appel ва кўпинча бошқа компанияларга).

Инновацион лойиҳалар нафақат кўп мезонлилиги ва ноаниқликнинг катта даражаси билан, балки сифатли баҳоси билан ҳам паст ажралиб турадилар. Худди шунинг учун муваффақиятнинг интеграл мезонлари ва қўлланган ҳаракатларнинг олинган натижаларга мувофиқ мослигини белгилашнинг махсус тадбири зарур. Инновацион лойиҳани танлашнинг энг муҳим мезонлари 2-расмда берилган.

Шубҳасиз, мезонларнинг кўпроқ миқдорларини қаноатлантирадиган лойиҳа муваффақиятлироқ бўлади. Албатта, таклиф қилинган инновацион лойиҳалардан вариантни танлаб олиш ғоятда қийин. Шунинг учун лойиҳавий хатарларни камайтириш ва лойиҳанинг муваффақиятлилиги

параметрларини мувофиқлаштириш учун портфелли ёндошиш кенг қўлланилади.

Инновациялар портфели йирик ва кичик, муддатлари бўйича узок ва қисқа, белгиланиши ва амалга оширилиши таъйинлари бўйича ҳар хил бўлган турли туман лойиҳаларга эга бўлиши керак. Бу инновацияни молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори натижавийлиги билан бир вақтда мувофиқ татбиқ этиш, ҳамда фирма рақобатининг муваффақиятли стратегияси учун зарурдир. Портфелнинг мазмуни етарлича тез тез тавтиш қилиниши, қайта кўриб чиқилиши ва янгилиниши керак.

Катта портфелга хатарнинг юқори даражаси билан таърифланадиган устувор янгилик киртишлари бўйича лойиҳаларни киритиш мумкин бўлади, чунки бу ҳолда чеклашлар портфелнинг умумий хатари йўл қўйиладиган чегарасидан ошиб кетмаслигидан иборатдир. Мана шунинг учун бундай портфелнинг таркибига эскиликка хос инновациялар билан бир қаторда янгиликнинг юқори даражасига, аммо паст рентабелликка эга лойиҳани ва аксинчасини киритиш мумкин.


Кичик ва майда лойиҳалардан ташкил топган лойиҳа ҳар бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳар бир лойиҳа муваффақият ҳолида сотишларнинг нисбатан камтарона ҳажми ва фойданинг катта бўлмаган миқдори билан таърифланса ҳам, у йирикроқ лойиҳаларга қараганда, фойданинг юқори меъёри билан генерацияланиши мумкин. Бунинг устига кичик лойиҳалар анча кам ресурсларни талаб қиладилар. Кичик лойиҳаларни ишлаб чиқиш суръатларини башоратлаш осонроқ. Шундай қилиб, кичик лойиҳаларнинг портфели, тезроқ, етарлича фойдали инновацияларнинг бир текисдаги оқимин шакллантирадилар. Аммо, кичик лойиҳалар бир қатор камчиликлар билан ҳам ажралиб турадилар: улар беқарор ташқи муҳитга таъсирчандирлар, ишлаб чиқариш фондлари ва

технологиялар сифатига юқорироқ талабларни илгари сурадилар, хатарларни ривожланиши имкониятларини торайтирадилар.

Ҳар қандай лойиҳанинг якуний муваффақияти нафақат унинг ўлчамига, балки инновацион ва молиявий менежернинг лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш бўйича малакасига боғлиқдир.

Иновацион лойиҳаларни синчиклаб ва кўп томонлама таҳлил қилиш ва танлаб олиш портфелининг таркибини мувофиқлаштиришга имкон беради. Ечимни ишлаб чиқиш учун ягона алгоритм мавжуд эмас. Ҳар бир аниқ ҳолда мезонларнинг ўз гуруҳи устун келиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш тизими қўлланилаётган услубиётининг кўплиги билан ажралиб туради: бу молиявий, инвестицион ва техник-иқтисодий таҳлил усуллари, математик-статистик моделлар, эксперт баҳолари тизими, маҳсулотнинг илмий-техник даражаси ва сифати таҳлиlidir. Илмий-техник янгиликларни башоратлаш ва тизимли таҳлили билан кўпгина мамлакатимиз ва хорижий олимлар шуғулланганлар.

Таъкидлаш керакки, инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва танлаб олиш янгилик яшаш даврининг барча босқичлари учун харажатларни ҳар хил техник ечимлар ва молиявий иқтисодий омилларни ҳисобга олиш билан башоратлашга имкон берувчи усуллар ва йўлларнинг йиғиндиси асосида амалга оширилади.



Калитли сўзлар

Молиявий ресурслар, бюджетли ассигнованиялар, ресурсли таъминлаш, мақсадли бюджетли фондлар, инновацион фондлар, акциялар ва облигацияларнинг эмиссияси (босиб чиқарилиши), венчурли бизнес, хатарли сармоялар, хатарли инвестицияларнинг диверсификациялаш, тадқиқот қилувчи ассоциациялар, лойиҳали молиялаштириш, инновацион лойиҳа, венчурли сармоя.

Қисқача хулосалар

Инновацио фаолият фақат молиялаштиришнинг ривожланган тизимидаги ривожланиши мумкин. Бозор туридаги иқтисодиётда мустақил корхоналар, саноат компаниялари, молия саноат гуруҳлари, кичик инновацион бизнес, инвестицион ва инновацион фондлар, маҳаллий бошқарув идоралари, хусусий шахслар ва ҳ.к. молиялаштиришнинг субъектлари бўладилар.

Таъсисчилар ва уларнинг шерикларининг нуфузли таркиби, лойиҳанинг малакали таҳлили, омилкорана тузилган техник- иқтисодий асосланиши, лойиҳа тадбирларини банк билан олдиндан мувофиқлаштириш, лойиҳани етарлича капиталлаштириш, униг техник-технологик амалга ошира олиш ва юқори фойдаланиш хусусиятлари лойиҳавий молиялаштиришни ташкил қилишга асосий талаблар бўладилар.

Назорат саволлари:

1. Молиявий ресурсларнинг қандай турлари ривожланган мамлакатларда кенгроқ тарқалган?
2. Бозор иқтисодиётидаги молиялаштириш субъектларини айтиб беринг.

3. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими нима? Инновацион фаолиятни бюджетдан молиялаштириш ҳақида гапириб беринг. Инновацион бозорни молиявий таъминлашини таърифланг.
4. Инвестицион бозорнинг таркиби ва тузилишини тасвирланг.
5. Корхонадаги инвестицион ресурсларнинг манбаларини таърифланг.
6. Венчурли молиялаштириш инновацион фаолиятни молиялаштиришда қандай роль ўйнайди?
7. Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий ташкилий шакллари таърифлаб беринг.
8. Хориждаги венчурли бизнеснинг алоҳида ролини таърифланг.
9. Инвестицияларни молиялаштиришда инновацион фондлар ва инновацион банкларнинг роли нимада?
10. Венчурли портфель нима?
11. Инвестицияларни молиялаштиришда тараққиёт банкларининг роли (айниқса Японияда) қандай?
12. Фирмалараро ассоциациялар шакллари қандай истикболлари ва уларни молиялаштириш хусусиятларини биласизми?
13. Венчурли бошқарувчининг вазифалари қандай?
14. Инновацион лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштиришнинг хусусиятларини санаб беринг.
15. Венчурли молиялаштиришнинг лойиҳавийдан фарқи нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

3. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. –М.: Высшее экономическое образование, 2008.

4. «Инновационный тип развития экономики» Учебник/ Под обхей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.

5. Мухамедьяров А.М. «Инновационный менеджмент». –М.: Инфра-М, 2008.

6. Новицкий Н.А. «Инновационная экономика России: Теоретико-методологические основы и стратегические приоритеты». –М.: «Либроком», 2008.

7. Давила Т., Шелтон Р., Эйнштейн М. «Работающая инновация: как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду». –М.: «Баланс бизнес Букс», 2007.

8. Акофф Р., Магидсон Д., Эдиссон Г. “Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации”. –М.: “Баланс Бизнес Букс”, 2007.

14- Мавзу. Инновацион лойиҳалар ва самарадорликни баҳолаш усуллари

Режа:

- 1. Инновацион лойиҳа самарадорлигининг таҳлили.**
- 2. Инновацион фаолиятда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг тамойиллари.**
- 3. Инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таҳлил қилишда вақт омилини ҳисобга олиш.**

1. Инновацион лойиҳа самарадорлигининг таҳлили

Инновациларни бошқаришнинг асосида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида белгилаш ётади.

Ҳар қандай инновацион лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш инновацион фаолиятида инвестицияларнинг самарадорлигини белгилашнинг ягона методологик тамойиллари асосида қурилади.

Инновацион лойиҳа самарадорлигини таҳлил қилиш учун уни амалга ошириш давридаги қуйидаги учта босқични ажратиш муҳимдир:

- инвестиция киритишдан олдинги (бундан лойиҳадан олдинги тадқиқотлар, лойиҳани амалга оширилишлигини баҳолаш ўтказилади, уни техник-иқтисодий асосланиши тайёрланади);
- инвестиция киритиш;
- фойдаланиш (лойиҳага мувофиқ инновацион фаолиятни амалга ошириш).

Инновацион фаолиятни бошқаришга тизимли ёндошиш инвестицияларни киритишдан олдинги босқичда инвестицион қарорларнинг

муқобил вариантларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилишни кўзда тутати. Муқобилларнинг таҳлили инвестицион қарорлардаги хатоларнинг юқори баҳога эгаллиги туфайли ғоятда муҳим, улар инновацион лойиҳалардан фойдаланиш босқичидаёқ топиладилар. Бундай хаторлардан қочиш-демак лойиҳанинг юқори самаадорлигини таъминлашдир.

Инновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошиш уларнинг тижорат таҳлилини самарадорликни таҳлил қилишнинг бошқа турлари билан узвий тўлдиришни кўзда тутати. Шубҳасиз, инновацион лойиҳанинг юқори самарадорлигини таъминлаш учун унинг илмий-техник таҳлили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, уни боришида лойиҳа илмий янгилиги даражаси, у томонидан таклиф қилинаётган илмий-техник қарорларни замонавий илмий истиқболлиги ва техник асосланиши тадқиқот қилинади.

Иновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошиш нуқтаи назаридан социал таҳлил уларнинг самарадорлигини таҳлил қилишда марказий ўринни эгаллайди. Инновацион лойиҳа самарадорлиги социал таҳлилнинг мақсадлари ва вазифаларга ўар хил социал гуруҳлар манфаатларини лойиҳа натижаларига мослигини таъминлаш бўйича масалаларни тадқиқот қилиш ва чораларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Бундай мослик лойиҳанинг етарлича юқори самарадорлигига эришиш учун зарурдир, чунки у лойиҳани аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Лойиҳа мақсадларига эришишни рағбатлантирувчи белгиланган социал гуруҳларнинг ттасавурлари ва хулқиға таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Агар лойиҳани ишлаб чиқишда унинг самарадорлигининг социал таҳлиliga етарлича эътибор берилмаса, лойиҳа етарлича кенг социал қатламларга эмас, балки лойиҳани ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларининг социал қадриятларига мўлжаллантирилиши мумкин. Лойиҳа натижалари

бўлажак истеъмолчилари гуруҳини бошидан бундай торайтирилиши одатда унинг паст самарадорлигига олиб келади.

Кўпгина ҳолларда турли - туман социал омиллар, манфаатлар ва афзалликларни ҳисобга олиш лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўшимча харажатларни талаб қилиши мумкин. Инновацион маҳсулотлар, хизматлар, технологияларни амалга ошириш учун дўстона социал муҳитни яратиш билан боғлиқ бу харажатларнинг зарурлигини баҳолаш муҳимдир.

Лойиҳа самарадорлигининг молиявий –иқтисодий таҳлили одатда уни ишлаб чиқишнинг намунавий экспертиза қилишнинг яқунловчи босқичида ўтказилади, аммо амалда у инновацион лойиҳа самарадорлигини бутун тизимли таҳлилининг марказий элементи бўлади.

Лойиҳанинг инвестициялар киртишдан олдинги босқичида унинг молиявий самарадорлигини таҳлил қилиш ва инвестицион қарор қабул қилишда лойиҳанинг кирувчи ва чиқувчи пул оқимларининг башоратли миқдорини баҳолаш ва тенглаштириш муҳимдир.

Бошқача қилиб айтганда, бу босқичида лойиҳани “қора кути” сифатида кўриб чиқиш, яъни лойиҳанинг ташқи тузилиши ва уни амалга ошириш механизмига эътибор бермасдан кирувчи пул оқимлари (яъни керакли ресурслар ёки лойиҳанинг харажатлари қиймати ни лойиҳани чиқувчи пул оқимлари (яъни, ишлаб чиқариш маҳсулотлар қиймати ёки лойиҳанинг фойдалари, даромадлари билан) баҳолаш ва тенглаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Инновацион фаолиятда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш тамайиллари

Инновацион фаолиятда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий умумий тамайиллари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- инвестицион инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида уларни амалга оширишга мажмуавий ёндошишни таъминлаш учун илмий-техник таҳлилни тижорт, молия-иқтисодий, социал билан бирлаштириш зарур.

- инновацион фаолиятдаги инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда лойиҳани амалга ошириш натижасида олинadиган инновацион маҳсулот оқимлари лойиҳада фойдаланиладиган турли –туман ресурслар оқимлари каби пул маблағлари оқими кўринишида тақдим этилишлари керак.

- инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда харажатлар ва натижаларни солиштиришни пуллар қийматини вақтда ўзгаришини ҳисобга олиш билан ўтказиш зарур.

- инвестицион инновацион лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ ноаниқлик ва хатарларни приципиал ҳисобга олиш зарур.

Инвестицион лойиҳалар корхона эҳтиёжларидан вужудга келадилар. Инвестицион лойиҳаларнинг яшаш қобилиятининг шарти уларни корxonанинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишда асосан акс этадиган инвестицион сиёсати ва стратегик мақсадларига мос келишидан иборатдир. Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги инвестицион таҳлилнинг асосий элементларидан бирини баҳолаш бир неча инвестицион лойиҳалардан энг самаралигини тўғри танлашнинг асосий курали бўлади.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш усуллари ҳамма ҳолларда ҳам ягона бўлмасликлари мумкин, чунки инвестицион лойиҳалар харажатларнинг кўламлари, улардан фойдаланиш муддатлари, ҳамда фойдали натижалар бўйича ғоятда катта хавфларга эгалар.

Катта капитал киритмаларни аталб қилмайдиган, маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзгаришига катта таъсир кўрсатмайдиган, ҳамда фойдали фойдаланишнинг нисбатан кичик муддатига эга. Майда инвестицион лойҳаларга ҳисоблашнинг оддийроқ усуллари қўллаш мумкин.

Шунинг билан бир вақтда каттароқ инвестицион харажатларни талаб қилувчи кўламлироқ инвестицион лойҳалар янги қурилиш, қайтадан қуриш, маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ўзлаштириш омилларининг катта сонини ҳисобга олиш ва бунинг натижасида мураккаброк ҳисоблашларни ўтказиш, ҳамда самарадорликни баҳолаш усуллари аниқлаб олиш зрурлигини келтириб чиқаради. Корхона хўжалик фаолияти натижасида инвестицион лойҳа қанчалик кўламлироқ ва катта ўзгаришлар қанчалик кўп бўлса, пул оқимларини ҳисоблаш ва инвестицион лойҳа самарадорлигини баҳолаш усуллари шунчалик аниқроқ бўлишлари керак.

Инвестицион лойҳаларни амалга оширишдан келиб чиққан пул оқимларини ҳаракатланиши бир қатор йиллар давомида ўтганлиги ҳолати уларнинг самарадорлигини баҳолашни қийинлаштиради. Инвестицион лойҳаларни вақтнинг узокроқ даври давомида татбиқ этилиши корхонанинг иқтисодий салоҳияти ва хўжалик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш билан уларнинг самарадорлигини баҳолашдаги хато катта молиявий хаторлар ва йўқотишлар олиб келиши мумкин.

Иқтисодиёт фанига инвестицион лойҳалар самарадорлигининг лойҳавий ва ҳақиқий кўрсаткичлари ўртасидаги фарқнинг бир неча асосий сабаблари маълум. Сабабларнинг биринчи гуруҳига инвестцион лойҳа самарадорлигини айрим олимлар, илмий ходимлар ва корхона мутахассисларининг субъектив нуқтаи назарлари билан асосланган онгли равишда оширилиши ва уларнинг молиявий ресурсларни секлаш учун курашлари киради. Бундай ҳисоблашлардан корхоналарда бошқарувнинг

тегишли тизимларини ташкил қилиш йўли билан ҳимояланиш мумкин, улар корхона вазилавий хизматлар ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишга ёки инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ ҳисоблашларнинг объективлигини текширишга мустақил экспертларни жалб қилишга имкон берадилар.

3. Инвестицион фаолият самарадорлигини таҳлил қилишда вақт омилини ҳисоби

Вақт омили ҳисоби лойиҳа самарадорлигини баҳолашнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бу ҳисоб пулларнинг вақтдаги қиймати назарияси тушунчаларига асосланади, унга кўра биттагина пул суммаси вақтда жорий пайтга нисбатан, масалан, инфляция, пул маблағларидан муқобил фойдаланиш имкониятлари (пулни инновацион лойиҳага киритмаслик, балки банкка қўйиш мумкин ва уларнинг қиймати вақт давомида ўзгаради), ушбу объектга инвестицилар киритиш билан боғлиқ хатарлар ва ноаниқлик ва бошқа сабаблар туфайли ҳар хил қийматга эга бўлишлари мумкин.

Инвестицион қарорни қабул қилишда вақтнинг ҳар хил даврларида амалга оширилган харажатлар ва фойдаларни тенглаштиришни билиш, яъни бўлғуси пул суммаларини вақтни ҳозирги пайти (инвестицион қарор қабул қилинган пайт - $t = 0$)га дисконтлаштириш йўли билан олиб келиш керак. Қуйидаги оддий мисолда дисконтлаштириш операцияси (мураккаб фоизни тесқари операцияси) техникасини намоиш этамиз.

Маили бугун биз P тенг пул суммасига эгамиз, уни биз банкка r га тенг фоиз ставкаси остида банкка қўйишга қарор қилдик. t йилдан кейин бизнинг банк ҳисобимизда қанча пул бўлади?

Бу ҳисоблаш учун формулани (мураккаб фоизларни ҳисоблаш формуласини) итератив равишда осон чиқарилади.

Бир йилдан кейин ҳисобда $F(1) = P(1 + r)$ бўлади.

Икки йилдан кейин $F(2) = F(1)(1 + r) = P(1 + r)(1 + r) = P(1 + r)^2$

.... t йилдан кейин $F(t) = P(1 + r)^t$.

Ушбу мураккаб фоизларни ҳисоблаш формуласидан дисконтлаштириш формуласи осон чиқарилади. Демак, майли P номаълум бўлсин, $F(t)$ ва r маълум. Бунда $P = F(t) / (1 + r)^t$

$(1 + r)^t$ -мураккаб фоизларни ҳисоблаш коэффиценти,

$1 / (1 + r)^t$ -эса дисконтлаштириш коэффиценти деб аталади. (бунда r дисконтнинг ставкаси, бу мисолда фоиз ставкаси).

Инновацион лойҳалар молия-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд усулларини қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиши мумкин:

Оддий ёки стратегик усуллар;

Дисконтлаштириш (ёки динамик) усуллари.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг оддий усуллари (мезонлари):

1. Ўзини ўзи қоплаши муддати.

Ўзини ўзи қоплаши муддати (T^*)- бу вақт даврининг давомийлиги бўлиб, унинг ичида лойиҳа бўйича фаолиятдан тушумлар (яъни лойиҳанинг фойдали – $B(t)$) лойиҳани амалга ошириш харажатлари $C(t)$ ни қоплайдилар. Яъни, ўзини ўзи қоплаш муддати T^* - бу T нинг энг кичик миқдори, унинг учун $\sum_{t=1}^T B(t) \geq \sum_{t=1}^T c(t)$ ёки $T = \min T$, унинг учун

$$\sum (B(t) - c(t)) \geq 0 (t = 1, 2, \dots)$$

Бу усулнинг соддалиги унинг афзаллиги бўлади, бу ресурсларни етишмаслиги шароитларида лойҳаларни тезроқ баҳолашга имкон берадилар.

Ўзини ўзи қоплаш муддати кўрсаткичининг асосий камчилиги шундан иборатки, у инновацион лойҳани амалга оширилишининг бутун даврини ҳисобга олмайди, демак, бу муддатдан ташқарида ётган киритмалардан барча қайтаришлар унга таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун кўпинча бу кўрсаткич лойҳани танлашнинг мезони бўлиб хизмат қилмайди., балки чеклаш сифатида фойдаланилади (ўзини ўзи қоплаши муддати белгиланган вақтдан кўпроқ бўлмаслиги керак).

2. Суммар фойда.

Бу оддий (пулларнинг вақтли қийматини ҳисобга олмасдан) кўрсаткич лойҳани амалга оширишдан келиб чиққан йиғма қийматий натижалар ва харажатларнинг фарқи сифатида аниқланади.

$$P = \sum (B(t) - C(t)),$$

Бу ерда $t = 1, 2, \dots, m$; m - лойҳа яшаш даври вақтли оралиқларининг сони.

3. Инвестицияларнинг ретабеллиги (ROI-return on investment)

Бу, яна фойданинг оддий меъёри деб аталувчи кўрсаткич йиллик фойданинг лойҳага киритилган инвестицияларнинг нисбати сифатида аниқланади (одатда бу кўрсаткични ҳисоблаш учун лойҳани тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига чиққан йили танлаб олинади).

$$ROI = B(T) - C(T) / \sum C(t),$$

бу ерда $t = 1, 2, \dots, T$; T - лойҳани тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига чиққан йили.

Ушбу усулда ҳисоблаб чиқилган миқдор инвестицион харажатларнинг қандай қисми режалаштиришнинг бир оралиғи давомида фойда кўринишида қопланишини кўрсатади.

Кўпинча бу миқдорни самая даромадлигининг ўртача даражаси билан таққосланиши лойиҳани амалга оширилишини мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Иқтисодий самарадорликнинг дисконтлантилган мезонлари:

Дисконтлаштирилган мезонлар пулларнинг вақтдаги ҳар хил қийматини ҳисобга олади. Умумий кўринишда дисконт ставкаси (r) қуйидагича тақдим этилиши мумкин:

$$r = IR + MRR * RI, \text{ бу ерда}$$

IR (inflation rate) –ифляция суръати,

MRR- (minimal rate of return) –фойданинг энг кичик ҳақиқий меъёри, яъни пул маблағларидан муқобил фойдаланишда олинмаган фойданинг энг кам меъёри.

IR (risk of investments) - инвестицион хатар даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Аммо аниқ инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишда дисконт ставкасини ҳисоблаш муаммоси кўриб чиқилмайди. Одатда у экзогенли миқдор (яъни ташқаридан берилган) сифатида берилади ва қоидага кўра, тенг кредитли фоиз (сармоянинг муқобил қиймати)га тегишли бўлади. Кўпгина фирмалар дисконт ставкасини узоқ муддатли банк кредитлари бўйича ўрталаштирилган фоизли ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар.

Бир неча муқобил лойиҳалардан танлаб олишда даромадлиқнинг ички меъёри ягона зиддиятли бўлмаган кўрсаткич бўлади. У кўриб чиқиладиган лойиҳаларни инвестициялардан фойдани кўпайтириш мақсадида ишончли ранжировкасини амалга оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, инновацион фаолият самарадорлигининг таҳлили инновациялар менежментининг долзарб вазифаси бўлади, у инновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошишни қўллаш асосида ҳал қилиниши мумкин.

Таянч иборалар: инновацион лойиҳа, инвестицион лойиҳа, тизимли ёндошиш, вақт омили, суммар фойда, инвестицияларнинг рентабеллиги, дисконтлаштириш.

Қисқача хулосалар

Инновацияларни бошқаришнинг асосида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида белгилаш ётади. Ҳар қандай инновацион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш инновацион фаолиятдаги инвестициялар самарадорлигини белгилашнинг ягона методологик тамойиллари асосида қурилади.

Инновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошиш инвестиция киритишдан олдинги босқичда инвестицион қарорларнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилишни кўзда тутади. Муқобилларнинг таҳлил қилиш инвестицион қарорлардаги инновацион лойиҳалардан фойдаланиш босқичидаёқ топиладиган хатоларнинг юқори нархи туфайли ғоятда муҳимдир. Бундай хатолардан қочиш-демак лойиҳанинг юқори самарадорлигини таъминлашдир.

Лойиҳа самарадорлигининг молия-иқтисодий таҳлили одатда уни ишлаб чиқишини мажмуавий экспертиза қилишнинг яқуний босқичида ўтказилади, аммо ҳақиқатда у инновацион лойиҳа элэмэнти бўлади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият самарадорлигининг таҳлили инновациялар менежментининг долзарб вазифаси бўлади, у инновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошишни қўллаш асосида ҳал қилиниши мумкин.

Назорат саволлари

1. Инновацион лойиҳани амалга ошириш босқичларини айтиб беринг.
2. Инновацион лойиҳаларга тизимли ёндошишнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Инновацион лойиҳаларнинг молиявий- иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг усулларини айтиб беринг.
4. Самарадорликнинг таҳлилида вақт омилини ҳисобга олиш нима?
5. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
6. Инвестицияларнинг рентабеллиги нима?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

2. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. –М.: Высшее экономическое образование, 2008.

3. «Инновационный тип развития экономики» Учебник/ Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.

4. Мухамедьяров А.М. «Инновационный менеджмент». –М.: Инфра-М, 2008.

5. Новицкий Н.А. «Инновационная экономика России: Теоретико-методологические основы и стратегические приоритеты». –М.: «Либроком», 2008.

6. Давила Т., Шелтон Р. Эпштейн М. «Работающая инновация: Как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду» -М.: «Баланс Бизнес Букс», 2007.

7. Акофф Р., Магидсон Д., Эдисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации». –М.: «Балнас Бизнес Букс», 2007.

15- Мавзу. Инновациялар тизими ва инновацион фаолиятни
давлат томонидан тартибга солиш

Режа:

1. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишининг асослари.

2. Инновацияларни молиявий тартибга солинишини амалга ошириш.

3. Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари.

1. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишининг асослари.

Инновацион фаолият- бу фаолиятнинг ўзида янги билимлар, янги товарлар, хизматларни ишлаб чиқаришнинг, ходимларни тайёрлаш ва бошқаларни бирлаштирувчи мураккаб туридир. Шунинг учун регулятив (йўналтирувчи) инновацион фаолият янги инновацион фаолиятнинг ҳар хил турлари, элементлари, таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларни кўллаб – қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият инновацион фаолиятнинг муҳим тури бўлади.

Регулятив инновацион фаолиятнинг юқори шакли-бу инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, инновацион фаолиятни бошқаришдир.

Инновацион лойиҳаларни бошқаришни боришида инновацияларни яратиш ва тарқатиш жараёнларининг ташкилий, иқтисодий, молиявий меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши амалга оширилади. Инновацион лойиҳаларни бошқаришга тизимли ёндошиш инновацион фаолиятни тартибга солишнинг ҳар хил турлари органик бирлашиши, мажмуавийлиги, ягоналиги зарурлигини билдиради.

Инновацион фаолиятни тартибга солиш ҳар хил даражаларда: умуман давлат даражасида, минтақавий даражада, алоҳида корхона, ташкилот, муассаса даражасида амалга оширилади. Инновацияларни бошқаришга тизимли ёндошиш ҳар хил даражалардаги регулятив инновацион фаолиятнинг ягоналиги, барча бошқарув қуроллари ва қарорларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва мувофиқлашганлигини кўзда тутади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг асосини ташкил қилади. Давлат инновацион фаолиятни тартибга солишнинг барча турлари- ташкилий,

иқтисодий, молиявий, меъёрий- ҳуқуқийни амалга оширади. Бу тартибга солиш инновацион башоратлар ва стратегиялар базасида амалга оширилади.

Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми бўлган инновацион башоратда инновацион фаолиятнинг асосий параметрлари (унинг йўналишлари, турлари, объектлар, оқибатлари ва ҳ.к.)ни олдиндан кўриш ишлаб чиқилади. Инновацион башоратларда базисли инновациялар ўзлаштириш ва тарқатиш, янги кўп илм истеъмол қилувчи маҳсулотлар ва технологиялардан амалда фойдаланишларнинг социал-иқтисодий оқибатлар сценарияси курилади. Инновацион стратегияларда инновацион фаолиятнинг устувор йўналишлари белгиланади. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини бошқариш учун давлат мақсадий дастурлари (ДМД) муҳим роль ўйнайдилар. Бу дастурлар давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳам илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришларни молиялаштириш ва ҳам уларнинг натижаларидан фойдаланиш бўйича инновацион фаолиятга жамлайди. ДМД фан ва техникани ривожланишининг устувор йўналишлари, давлат даражасидаги танқидий технологияларнинг рўйхати, халқ хўжалиги юқори технологик соҳаларни ривожланишининг муҳим муаммоларини ажратиш асосида юқори сифатли инновацион лойиҳаларнинг қўллаб-қувватлашини таъминлайди.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишининг кейинги даражаси технологик ривожланиш дастурлари (ТРД)да амалга оширилади, улар халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш стратегиялари доирасида амалга оширилади. Бу дастурларда инновацияларнинг асосий қисми уларда иштирок этаётган корхоналарнинг шахсий маблағлари ва кредит манбалардан таъминланади, давлатнинг иштироқи эса асосан ишларни мувофиқлаштириш ва тижорат хатарини ошиши билан боғлиқ ёки қандайдир сабабларга кўра корхоналар томонидан амалга оширилиши

мумкин бўлмаган босқияларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бу ҳолда давлатнинг ТРДдаги иштироки асосан кафолатлар ва қайтарма молиялаштириш шаклида амалга оширилади.

Инновацион лойиҳалар ДМД ёки ТРД га танлов асосида киритилади, унда иштирок этиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Танловда иштирок этаётган инновацион лойиҳалар албатта давлат илмий-техник ва экологик экспертизасидан ўтишлари керак, унинг предмети буларнинг янгилиги, социал-иқтисодий ва экологик самарадорлигидан иборатдир.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши тижоратлашганликнинг катта даражасидаги айрим инновацион юқори самарали лойиҳаларни қўллаб-қувватланиши шаклида намоён бўлиши мумкин. Шу нарса жуда муҳимки, давлат қўллаб-қувватлаши учун инновацион лойиҳаларни танлашнинг конкурсли тизими мунтазам равишда такомиллашмоқда. Эътибор нисбатан кичик ва ўзини ўзи тез қоплайдиган инновацион лойиҳаларнинг салмоғи ошишига қаратилмоқда, улар лойиҳанинг инновацион маҳсулотига кафолатланган бозор талабини мавжудлигида бюджетдан ва корхоналар шахсий маблағлари ҳисобидан устувор молиялаштириш шароитларида ишлаб чиқарилади.

Шундай қилиб, инновацион лойиҳаларни давлат томонидан тартибга солиниши давлат ва минтақавий инновацион дастурларга критилган инновацион лойиҳаларни ҳамда айрим инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шаклида акс эттирилиши мумкин.

Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун давлатни инновацион фаолият учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиши принципиал муҳим бўлади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишининг инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатишга кўмаклашувчи

иқтисодий омиллар бозор муносабатларини ривожланиши, тадбиркорликни фаоллашиши, виждонсиз рақобатни йўналини кесиш, инновацилар бозорида талабни ўсишига кўмаклашувчи солиқ сиёсати ва нархни ташкил қилиш сиёсатини ўтказиш, барча субъектлар томонидан инновацион фаолиятни олиб бориш учун фойдали солиқ шароитларини яратиш, кўп илм истеъмол қилувчи лойиҳалар лизингини ривожлантириш, халқаро бозорда мамлакат инновацион маҳсулотини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан ташкилий тартибга солиниши давлат ва минтақавий инновацион дастурларга киритилган инновацион дастурлаш, ҳамда алоҳида аҳамиятга эга инновацион дастурларни қўллаб-қувватлашда, балки инновацион инфратузилмани ривожлантиришга давлат томонидан ёрдам берилиши, инновацион фаолиятни ходимлар томонидан қўллаб-қувватланиши, инновацион фаолиятни амалга оширувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашишда намоён бўлади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан молиявий тартибга солиниши инновацион фаолиятни молиялаштириш, инновацион соҳага давлат ресурсларини йўналтириш, ижтимоий ривожланиш учун муҳим, аммо хусусий сармоядорлар учун ўзига жалб қилмайдиган инновацион дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан тўғри давлат инвестицияларини ажратишни таъминловчи бюджет сиёсатини ўтказишга асосланган.

Давлат инновацион фаолиятини фаоллаштириш учун қонунчилик шароитларини яратади, унинг субъектлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилайди, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимоясини, хусусан ақлий мулк объектларига ҳуқуқлар каби инновацион фаолиятни ривожланиши учун муҳимроқ ҳуқуқлар ҳимоясини кафолатлайди.

Қулай инновацион вазиятни яратиш, инновацион фаолиятнинг устуворлигини таъминлаш инновацияларни яратиш ва тарқатиш жараёнини тартибга солишнинг муҳим усули бўлади.

Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги кўпроқ боғлиқ бўлган иқтисоддаги инновацион вазият қисман ўтказилаётган ИТТКИнинг тузилиши, ҳажми ва характери билан белгиланади.

2. Инновацияларни молиявий тартибга солишни амалга ошириш

Инновацион фаолият қоидага кўра, ноаниқлик ва хатарнинг етарлича юқори даражаси билан таърифланади, шунинг учун инновацион жараёнларнинг манбаларини кўплиги, эгилувчанлиги ва техз ўзгарувчан, турбулентли муҳитга мослашувчанлиги инновацион фаолиятни молиявий тартибга солишнинг муҳим тамойилларидан бўлади.

Инновацион фаолиятнинг бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш давлат инновацион сиёсатининг мақсадлари ва устуворликларига мувофиқ амалга оширилади ва ҳам йирик кўламли илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш ва ҳам кичик ва ўрта инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланади.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар давлат инновацион фондлари (Давлат фундаментал тадқиқотлар фонди, илмий-техник соҳада корхоналарнинг кичик шакллари ривожлантиришга кўмаклашиш фонди, давлат ишлаб чиқариш инновациялар фонди кабилар), давлат мақсадий инновацион дастурлари ва юқори самарали лойиҳалар, ҳамда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларига йўналтирилади.

Самарали инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши давлатни уларни молиялаштиришдаги (қоидага кўра, танлов

асосида) иштирокининг қайтарилиш асосидаги марказлаштирилган инвестицион кредитлар, инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар акциялари бир қисмини давлат мулкида мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ва хорижий кредит-молия муассасалари томонидан инновацион фаолият субъектларига бериладиган инновацион кредитлар бўйича давлат кафолатлари каби шакллари кўзда тулади.

Инновацион фаолият субъектлари бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш манбалари, тузилиши ва усуллари мутақил равишда белгилайдилар (инновацион фаолиятни молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағлар давлат ва нодавлат маблағларидан жалб қилинадилар).

Ташкилотнинг инновацион фаолиятини нафақат ташқаридан жалб қилинадиган молиявий маблағлар ҳисобига, балки шахсий маблағлар ҳисобига ҳам олиб бориш мумкин. Амортизацион ажратмалар фонди ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ташкилот инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим ички маблағлари бўладилар.

Амортизацион ажратмалар фондиди таърифлаб туриб, таъкидлаш керакки, амортизация-бу асосий фондлар қийматини маҳсулот қийматига ва материаллар билан бир қаторда асосий ишлаб чиқариш омили бўладилар. Улар меҳнат воситаларидан иборат бўладилар, кейингилардан хўжалик жараёнида кўп марта фойдаланадилар ва бунда улар ўзларининг буюмли-табiiй шаклини ўзгартирмайдилар. Асосий ишлаб чиқариш фондларини турлар бўйича таснифи идоралар, иншоотлар, узатувчи қурилмалар, машиналар ускуналар (шу жумладан, кучланиш ва ишчи машиналар ва ускуналар, ўлчов ва тартибга солиш асбоблари, ҳисоблаш техникаси), қуроллар каби гуруҳларни ўз ичига олади.

Асосий фондларни харид қилишга сарфланган пул маблағлари асосий маблағлар деб аталади. Асосий ва айланма маблағлар ўртасида аниқ чегарани

ўтказувчи иккита мезонлар қабул қилинган : хизмат муддати (1 йилдан кўпроқ)ва қиймат (100 МРОТ дан кўпроқ).Масалан, хизмат муддати 1 йилдан кўпроқ , аммо қиймати 100 енг кам иш ҳақидан камроқ бўлган асбоб асосийга емас айланма фондга киритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондларнинг қиймати қисмлар бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кўчирилади. Бунда асосий фондларнинг ўзларининг моддий ва маънавий эскириш натижасида нархлар пасаяди (ер бундан исисно).Бу эскиришнинг амортизацион ажратмалар кўринишидаги қиймати амортизацион фондда танланади. Амортизацион ажратмаларнинг миқдорлари давлат идоралари томонидан асосий маблағларнинг балансли қийматига нисбатан фоизларда белгиланади ва амортизацион ажратмаларнинг меъёрлари деб аталади. Кўпгина ҳолларда бу меъёрлар асосий фондлар қийматини уларнинг хизмат муддатига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Инновацион фаолиятни сармоядорлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш кредитли инвестициялар, инновацион фаолият субъектлари томонидан босиб чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар, векселлар)га инвестициялар; пул шаклидаги, қимматбаҳо қоғрзлар, асосий фондлар, саноат ва ақлий мулк ва уларга ҳуқуқлар кўринишидаги, инновацион фаолиятни ҳамкорликда олиб бориш ҳақидаги шериклик битимларини тузиш асосида амалга ошириладиган тўғридан тўғри киритмалар кўринишида лизинг ва инвестицияларни жалб қилишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш асосида амалга ошириладилар.

Инновацион корхоналар фаолиятини кредитлашнинг замонавий тизимлари асосий аломатларидан бири унинг шартномали асосидир. Кредитлаштириш масаласи бўйича вужудга келадиган барча масалалар бевосита шартнома тузган томонлар, масалан, қарз олувчи корхона ва банк томонидан ҳал қилинади. Инвестицион кредитни бериш ҳақидаги

масалани ҳал қилишда сармоядор бозордаги инновацион кредитни амалга оширилиши имкониятини, инновацион корхона даромадларининг кутилган ўсишини ва бошқа муҳим таърифларни таҳлил қилади, узоқ муддатли кредитлар ҳолида эса умуман инновацион корхонанинг иқтисодий ҳолати истиқболлари ҳам баҳоланади.

Молиявий киритмаларни ўзини ўзи қоплашининг бу ва бошқа таърифларини олиш учун сармоядор, қоидага кўра, кредитни ажратиш ҳақидаги қарорларни қабул қилишда инновацион лойиҳанинг тегишли бизнес-режасини кўриб чиқади.

Сармоядорлар инновацион фаолият субъектлари томонидан босиб чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар, векселлар)га маблағларни киритиб, инновацион фаолиятни молиялаштиришлари мумкин. Инновацион корхоналар кўпгина шахсий маблағлари истиқболли инновацион лойиҳаларни молиялаштиришлари мумкин. Инновацион корхоналар кўпгина шахсий маблағлари истиқболли инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, моддий-техник базани ривожлантириш, керакли ИТТКИни ўтказиш учун етишмаган ҳолда қимматбаҳо қоғозларни кўшимча босиб чиқаришга мурожаат қиладилар.

3. Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари

Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солинишининг зарурлиги биринчи навқбатда, уларнинг иқтисодиёт ва умуман жамият учун ўсиб бораётган аҳамиятидан келиб чиққан. Иқтисодиётнинг тузилиши инновациялар таъсири остида ўзгаради. Ахир ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ўсиши ҳисобига уларни бир қисми бўшайдилар ва фаолиятнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимланадилар. Масалан, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши қисқаради, хизматлар соҳасида эса

ўсади. Бундан ташқари, инновациялар янги ишлаб чиқаришлар, соҳаларни вужудга келиши ва мавжуд бўлганларни аста-секин барҳам топишининг бевосита сабабаи бўладилар.

Инновацияларнинг жамиятни иқтисодий ташкил қилинишини ҳам ўзгартирадилар. Янги ижтимоий институтлар ва хўжалик ташкилотлари (масалан, венчурли фирмалар) пайдо бўладилар, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар ўзгарадилар. Мулкнинг тузилишида силжишлар содир бўлади. Бошқарув технологияси такомиллашади: вертикал таъсир кўрсатишлар борган сари горизонталлар билан тўлдирилади ва алмаштирилади. Иқтисодийётни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ҳам ўзгаради.

Инновацион жараёнлар борган сари каттароқ социал аҳамият касб этадилар. Янгилик киритишлар билан яратиладиган иқтисодий ўсиш нафақат аҳолини турмуш даражасини ошишига имкон беради, балки бандлик муаммоларини янги юқори иш ҳақи тўланадиган иш жойларини ташкил қилиниши ҳисобига ҳал қилиниши, таълим ва соғлиқни сақлаш даражасини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳозирги тарихий даврда инновацияларни тарқалиши жараёни ҳар хил социал ва иқтисодий субъектларни ягона бир бутунга боғловчи, миллатнинг ягоналигини таъминловчи, кўпгина ҳолларда социал зиддиятлар ва жанжалларни юмшатувчи элементлардан бири бўлади.

Ҳозирги дунёдаги инновацион жараёнларнинг интенсивлиги экологик муаммоларни анча кескинлаштирган. Бир қатор йўналишлар бўйича атроф муҳитга антропоген юклама мушкул чегарага яқинлашмоқда, уни орқасида моддаларни табиатдаги меёрий ўзгариб туришини бузилиши муқаррардир. Бошқа томондан, фақат инновациялар ёрдамида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириши мумкин. Ахир худди илмий – техник ютуқлар ишлаб чиқаришнинг тузилмаси ва истеъмолни рационаллаштириш ҳамда қайтадан айланувчи технологияларни тарқатиш йўли билан ўрни

тўлдирилмайдиган ресурслардан фойдаланишни ва зарарли чиқиндиларни камайтиришга имкон беради. Бу муаммолар жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган, барқарор экологик мувозанатни кўзда тутувчи 21 – асрда барқарор ривожланиш концепцияси муносабати билан айниқса долзарбдир.

Ўтган аср хўжалик ҳаётини муддат билан интернационаллашуви билан маълум бўлади. Кўпинча интеграциянинг юқори даражасида эга халқаро характер инновацион жараёнларни ҳам касб этади. Ҳар хил мамлакатларни инновацион соҳада кооперациялашиши ресурсларни янги илмий – техник натижаларни олиш, ҳам буюмли ва ҳам буюли бўлмаган шакллардаги технологияларнинг транспорти, жаҳон илмий - инновацион инфратузилмасини яратилиши ўз моҳиятига кўра глобар характерга эга инновацияларни амалга ошириш мақсадида бирлаштирилиши орқали содир бўлади. Илмий - техник тараққиётнинг ҳозирги кўламларида кўпгина инновацион лойиҳаларни битта, ҳатто энг ривожланган мамлакатларни амалга оширишга кучлари етмайди.

Аммо мамлакатда худди шундай илмий – техник база, ҳамда хориждан инновацияларни қабул қилишни таъминловчи механизмлар мавжуд бўлмаса жаҳон инновацион жараёнларига тўлақонли интеграциялашишнинг иложи бўлмайди. Мамлакатни меҳнат тақсимотига кўшилишининг даражаси ва самарадорлиги товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларидаги унинг тутган ўрни, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги билан таърифланади. Ушбу параметрлар табиий ресурсларга эксклюзив эгаллик қилиш ёки экстенсив характердаги бошқа афзалликлар билан камроқ даражада ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи инновациялардан фойдаланиш билан борган сари кўпроқ даражада белгиланадилар. Миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини инновацион жараёнларни ривожланиши даражасига боғлиқлиги – инновацияларнинг умумдавлат аҳамиятидаги муҳим жиҳатидир.

Аммо инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солинишининг зарурияти нафақат уларнинг умуммиллий аҳамияти, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам асосланган. Бир томондан, бозор иқтисодиётига инновациялар – хўжалик юритувчи субъектлар фойдасини бозор талабини яхшироқ қаноатлантириш, ишлаб чиқариш харажатларини рақибларникига нисбатан камайтириш ҳисобига кўпайтиришнинг асосий вазифасидир. Бошқа томондан, классик бозор механизмларини амалда бўлиши шароитларида илмий – техник натижаларни олиш ва уларни хўжалик амалиётига татбиқ этиш анча қийинлашади. Бозор иқтисодиётига эга хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий – техник ривожланиш масаласида бозорни автоматлаштирилишига тўлиқ суяниш мумкин эмас. Янгилик киритишлардан фойдаланиш фақат у ёки бу корхона ёки минтақанинг хусусий муаммоси бўлмайди, у кўпроқ ижтимоий характерни касб этади, чунки у ёки бу малакатни ривожланишининг социал–иқтисодий истиқболлари борган сари у ерда инновацион жараёнлар қанчалик узвий бораётганига боғлиқдир. Инновацион жараёнларни бошқаришнинг марказлаштирилган усулларининг устуворлиги жаҳон амалиёти томонидан исботланган.

Ушбуни ҳамда бизнинг иқтисодиётимизнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда илмий – техник тараққиёт соҳасида давлат томонидан тартибга солишдан воз кечиш ва бозор механизмлари ва хусусий ташаббусга умид боғлаш энгилтаклик бўлиб кўринади. Инновацион жарённи ривожланишини бошқаришнинг ўзаги деб давлатнинг илмий – техник сиёсатини ҳисоблаш зарур. Ижтимоий ривожланишнинг барча элэментлари ва бўғинларида инновациялар (янгилик киритишлар, илмий- техник ютуқлар)ни яратиш ва тадбиқ этиш бўйича жараёнлар, ҳамда фан ва техника ютуқларини (ҳам ишлаб чиқвриш – техник ва ҳам истеъмол белгиланишида)ўзида рўёбга чиқарувчи илмий – техник сиёсатининг объекти бўладилар:

Давлат илмий – техник сиёсати:

- илмий – техник ютуқларни татбиқ этилиши ва ишлаб чиқаришни янгилаши туфайли малакт маҳсулотининг рақобатбардошлигини таъминловчи инновацион фаолиятни ошишига кўмаклашиши;

- замонавий технологик тартибнинг асосини ташкил қилувчи базисли ва яхшиланувчи инновациялари ҳар томонлама кўллаб-қувватланишини таъминлаш;

- рақобатли бозор инновацион механизмини самрали фаолият юритиши учун шароитлар яратиши;

- технологияларнинг минтақалараро ва халқаро трансфери, халқаро инвестицион ҳамкорлик, миллий инвесвацион тадбиркорликни манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашиш зарур.

Инновацион фаолиятни давлат томондан кўллаб-қувватланишининг аниқ шакллариға қуйидагилар кирадилар:

- тўғридан тўғри молиялаштириш;

- якка кашфиётчилар ва кичик татбиқ этувчи корхоналарға имтиёзли банк ссудаларини бериш;

- катта солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи венчурли инновацион фондларни ташкил қилиш;

- якка кашфиётчилар учун давлат потентли божларини пасайтириш;

- ресурсни тежовчи кашфиётлар бўйича потентли божларни тўлаш муддатларини кечиктириш;

- технологиялар, технопарклар тармоғини ташкил қилиш ва ҳ.к.

Давлат илмий – техник сиёсатини амалға оширишда фойдаланадиган тартибға солишнинг(тўғридан тўғри ва воситали) шакллари ва усуллари бозор муносабатларини вужудға келиши даврида халқ хўжалигини социал-иқтисодий ўзгаришларида эгилувчан ва адекват бўлиши керак. Ушбу

босқичда давлатнинг фаолияти инновацияларни татбиқ этиш ва тарқатишни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилиши керак.

Юқорида баён этилганларни барчаси Ўзбекистонда илм соҳасидаги фаолият ва инновацияларни давлат томонидан тартибга солиниши учун иқтисодий ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Республика Вазирлар Маҳкамаси Мувофиқлаштирувчи кенгаши қошидаги фан ва технологиялар бўйича марказ томонидан Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва технологияларни тижоратлаштириш дастури таёрланмоқда, у бунинг учун керакли инфратузилмани: инновацион фаолиятнинг барча жihatлари (мулкчилик ҳуқуқларини тартибга солишдан тортиб қулай инвестицион муҳитни яратиш, фондли ва венчурли молиялаштириш тизими вужудга келтиришгача) учун ҳуқуқий базани; мамлакат инновацион салоҳияти мониторинги учун ахборот блокани; технологиялар ва кўп илм истеъмол қилувчи маҳсулотларни илмий соҳадан ишлаб чиқаришга, миллий ва хорижий бозорларга трансферти (узатиш) тизимларини, технологик менежмент соҳасида мутахассисларни тайёрлаш учун таълим базасини яратишни кўзда тутди.

“Ўзбекистон Республикасидаги инновацион фаолият ҳақида”, “Технологияларнинг трансферти (топширилиши) ҳақида”, “Тижорат сирини ҳақидаги” қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг “Икки томонлама (ҳарбий ва фуқаролик) қўлланишдаги технологияларни узатиш тартиби ҳақида”, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижий шериклар билан лицензион битимлар бўйича ваколатли мукофотлар тўлаш тартиби ҳақида”, “Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқишларни хорижий патентлантиришга валюта маблағларини ажратиш тартиби ҳақидаги” бир қатор қарорлари ишлаб чиқилмоқда. Уларни қабул қилиниши “Ақлий мулк ҳақида” ва “Хизмат кашфиётлари ҳақидаги” амалдаги қонунлар билан биргаликда илмий-техник фаолиятни амалга ошириш ва ақлий ва санаот

мулки объектларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари ҳақидаги Фармони қабул қилинган¹⁸.

Ҳақиқий иқтисодий шароитлар ва мамлакатдаги фан ва технологияларнинг у ёки бу соҳасини жаҳон даражасига нисбатан ривожланганлиги даражасига қўшилган ҳолда, илмий-техник сиёсатнинг белгиланган стратегиясини танлаб олиш талаб қилинади. Жаҳон тажрибасидан фан, техника ва технологияларни ривожланишининг учта тамойили: умумий, селектив (танлаб олинadиган) ва бошқалардан ўрганиш маълум.

Фан ва технологияни умумий ривожланиши стратегияси, яъни барча мавжуд йўналишлар ва соҳаларда илмий тадқиқотлар ва технологик ишлаб чиқаришларни ўтказиш ҳозирги вақтда республика учун қабул қилиб бўлмайдиган, келажакда эса мамлакатни жаҳон илмий ҳамжамиятига интеграциялашиши ва унинг доирасидаги “Меҳнат тақсимоти” тўғрисида мақсадна мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

Ўзбекистон учун селектив ривожланиш ва илғор илмий-техник ишлаб чиқаришларни бошқалардан ўрганиш стратегияларини бирлаштирувчи йўл мақсадга мувофиқроқ кўринади. Биринчиси (селектив) мавжуд илмий-техник салоҳият ва унинг ҳаракатларини устувор давлат илмий-техник сиёсатига жамлаш асосида иқтисодиётнинг базавий соҳалари учун.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари ҳақидаги” Фармони, “Халқ сўзи”, 2007 йил 14 март.

Иккинчиси – республикада кучсиз ривожланган ва жаҳон даражасидан анча орқада қолган, аммо иқтисодиёт учун ғоятда зарар йўналишлар учун.

Инновацион жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган таърифлари, ҳамда давлатнинг ҳозирги жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий роли давлат идораларининг инновацион фаолиятни тартибга солиш бўйича вазифаларини белгилаб беради. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш. Давлатнинг вазифаси – инновацион жараёнларнинг умумий стратегик мўлжалларини белгилаш ва ҳар хил тузилмаларнинг инновацияларни амалга оширишдаги кооперацияси ва ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш.

2. Инновацияларни рағбатлантириш. Бу ерда марказий ўринни рақобатни рағбатлантириш, ҳамда инновацион жараён иштирокчиларига ҳар хил молиявий субсидиялар ва имтиёзлар эгаллайдилар. Инновацион хатарларни давлат томонидан қисман ёки тўлиқ суғурталаш катта аҳамиятга эга.

3. Инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий базасини яратиш. Нафақат ижтимоий ва технологик ўзгаришларга мувофиқ меъёрларнинг барқарорлиги ва ўз вақтида тузатиш киритилишини таъминловчи зарурий қонунларни, балки уларга риоя қилишнинг ҳақиқий амалдаги механизмларини шакллантириш муҳимдир. Илмий-техник маҳсулотларни яратувчилар ва иноваторлар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоялаш алоҳида ўринга эга.

4. Инновацияларни ходимлар билан таъминлаш. Давлат ўқув юртларидаги ўқиш дастурларининг мазмуни инновациялар генераторларининг ижодий салоҳиятини ривожланиши ва ҳам мутахассисларни янгилик киритишларни қабул қила олишига кўмаклашиши керак.

5. Иновацион инфратузилмани шакллантириш . Давлат ахборот тизимлари – янгиликларни тарқатишнинг асосий каналларидан бирининг фаолиятини таъминлайди , инноваторларга юридик , маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатади. Давлат яна инновацион субъектлар ўртасида воситачи бўлиши , уларга шерикларни қидириб топиш , давлат кафолати остида битимлар тизимида ёрдам кўрсатиши мумкин.

6. Инновацион жараёнларни институциал таъминлаш. Бу ерда асосийси давлат сектори (мудофаа, соғлиқни сақлаш, таълим)соҳаларида ИТТКИ бажарувчи ва янгилик киритишларни амалга оширувчи давлат ташкилотлари ва бўлинмаларни ташкил қилишдир. Давлат яна иқтисодиётда инновацияларни маҳсулотлаштириш ва тақдим этиш нуқтаи назаридан энг самарали ташкилий тузилмалар (йирик корпорацилар , кичик бизнес ва ҳ.к.)тарқатишга кўмаклашади.

7. Инновацион фаолиятнинг ижтимоий маъноси ошириш , Давлат илмий – техник ютуқлар ва янгиликларни тарғибот қилиш , инноваторларни маънавий рағбатлантиришни ташкил қилади , уларнинг социал ҳимоясини таъминлайди ва ҳ.к.

8. Инновацион жараёнларнинг халқаро жихатларини тартибга солиш. Давлат танлаб олинган умумиқтисодий ва инновацион мтратегия доирасида халқаро илмий – техник ва инновацион кооперацияни рағбатлантиради, ҳамда янгиликларнинг халқаро транспортини тартибга солади.

Калитли сўзлар

Ташкилий тартибга солиш, молиявий тартибга солиш, амортизацион фонд, инновацион сиёсат, инновацион фаолият, инновацион муҳит.

Қисқача хулосалар

Регулятив инновацион фаолият яъни инновацион фаолиятнинг ҳар хил турлари, элементлари, таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият инновацион фаолиятнинг муҳим тури бўлади.

Регулятив инновацион фаолиятнинг юқори шакли – бу инновацион фаолиятни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, инновацион фаолиятни бошқаришдир.

Инновация жараёнарни давлат томонидан тартибга солинишининг биринчи навбатда зарурияти уларнинг иқтисодиёт ва умуман жаимят учун ўсиб бораётган аҳамиятидан келиб чиққан.

Иқтисодиётнинг тузилиши инновацияларнинг таъсири остида ўзгаради. Ахир ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ўсиши ҳисобига улардан бир қисми бўшайдилар ва фаолиятнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимланадилар.

Назорат саволлари:

1. Регулятив инновацион фаолият нима ?
2. Инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг иқтисодий омиллари нимадан иборат ?
3. Давлат илмий – техник сиёсатининг мезонларини ажратиб беринг.
4. Инновацион лойиҳаларни сармоядорлар ҳисобидан молиялаштириш қандай шаклларда амалга оширилади ?
5. Инновацион фаолиятни молиявий тартибга солишнинг тамойилларини айтиб беринг.
6. Инновацион фаолиятни тартибга солиш бўйича давлат идораларини қандай вазифалари мавжуд ?

7. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб қувватланиши шаклларига нималар киради ?

8. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши нима билан асосланган ?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик қайта қуроллантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармони, // Халқ сўзи, 2007 йил 14 март.

3. Фатхуддинов Р.А. «Инновационный менеджмент: классификация, структуры и отличительные черты инновационных организаций; Экономические зоны, законы организации, научные подходы и принципы и др.»: Учебник для вузов. Изд.5-е, испр., доп. «Питер», 2007.

4. «Инновационный тип развития экономики». Учебник/ Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.

5. Коэн Д. «Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании». Олимп-Бизнес, 2007.

6. Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. «Инновационный менеджмент»: Учебник. –М.: Высшее образование, 2007.

16 –мавзу . Инвестициялар ва инновацияларнинг хўжалик фаолияти самарадорлиги таъсирининг таҳлили

Режа:

1. **Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг тизими.**
2. **Корхона молиявий фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари**
3. **Корхона инвестицион фаолияти самарадорлигининг қиёсий – таҳлилий кўрсаткичлари**
4. **Инвестицион ва инновацион лойиҳалар самарадорлигининг қиёсий – таҳлилий кўрсаткичлари**

1. Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизими

Корхона ишлаб чиқариш , молиявий ва инвестицион фаолияти кўрсаткичлар ва янгиликлар ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг иқтисодий мазмуни бўйича уларга тегишли бўлган кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни иқтисодий таҳлил қилиш мақсадида кўрсаткичларнинг қуйидаги тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир :

- корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичлари;
- корхона молиявий фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари;
- корхона инвестицион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: умумлаштирувчи кўрсаткичлар:

- 1) 1 сўмли маҳсулотларга харажатлар ва уларни пасайтириш фоизи ;
- 2) Маҳсулот ишлаб чиқаришга харажатларни нисбатан тежалиши;
- 3) Қўшимча қиймат (шу жумладан амортизация) ва уни базисли даражага нисбатан , ҳаммаси бўлиб ва шу жумладан харажатларнинг нисбий тежалиши ҳисобига ўсиши;
- 4) Даромад ва уни базисли даражага нисбатан ҳаммаси бўлиб ва шу жумладан маҳсулот моддий ва бошқа харажатларни тежариши ҳисобига ўсиши;

- 5) Бўлажак фойда ва уни базисли даражага нисбатан ҳаммаси бўлиб ва шу жумладан маҳсулот таннархини пасайиши ҳисобига ўсиши;
- 6) Қўшимча қиймат ва фойдани маҳсулот таннархини пасайиши ҳисобига базисли даражага нисбатан ўсиши даражаси.% да.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий харажатлар ва энергия ресурслари сарфланиши кўрсаткичларининг хусусий кўрсаткичлари :

- 1) 1 сўмли маҳсулотга моддий харажатлар ва энергия ресурслари сарфланиши маҳсулотни (материал истеъмол қилиши ва энергия истеъмол қилиши)ва уларни пасайиши фоизи;
- 2) Маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий харажатлар ва энергия сарфланиши қийматий акс эттирилишидаги нисбий тежалиши;
- 3) Фойда , қўшимча қийматни ва даромадни маҳсулотни материал истеъмол қилиши ва энергия истеъмол қилишини пасайтириш ҳисобига ўсиши ;
- 4) Фойда ва қўшимча қийматни маҳсулотни материал истеъмол қилиши ва энергия истеъмол қилишини пасайтириш ҳисоби ўсишининг улуши , % да .

Иш ҳақиға харажатлардан фойдаланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари:

- 1)1 сўмлик маҳсулотга иш ҳақи харажатлари , шу жумладан социал заруриятларга ажратмалар ва уларни пасайиши фоизи;
- 2) иш ҳақиға харажатлар , шу жумладан социал заруриятларга ажратмаларни нисбатан тежалиши;
- 3) иш ҳақиға харажатлар , шу жумладан социал заруриятларга ажратмаларни нисбий тежалиши ҳисобига фойдани ўсиши;

4) қўшимча қийматни базисли даражага нисбатан , шу жумладан иш ҳақиға , шу жумладан социал заруриятларға ажратмаларға харажатларни нисбатан тежалиши ҳисобига ўсиши;

5) фойда ва қўшимча қийматни иш ҳақи , шу жумладан социал заруриятларға ажратмаларға харажатларни нисбатан тежалиши ҳисобига ўсишининг улуши , % да.

Амортизациядан фойдаланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари:

1) 1 сўмлик маҳсулот амортизациясига харажатлар ва уларни пасайиши фоизи;

2) Амортизацияни нисбатан тежалиши;

3) Фойда ва қўшимча қийматни амортизацияға харажатларни нисбий тежалиши ҳисобига ўсиши;

4) Фойда ва қўшимча қийматни амортизацияға харажатларни нисбатан тежалиши ҳисобига ўсишининг улуши.

Бошқа харажатлардан фойдаланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари:

1) 1 сўмлик маҳсулотға бошқа харажатларни сарфланиши ва уларни пасайтириш фоизи;

2) маҳсулот ишлаб чиқаришға бошқа пул харажатларини нисбатан тежалиши;

3) фойда ва қўшимча қийматни бошқа харажатларни нисбатан тежалиши ҳисобига ўсиши;

4) бошқа пул харажатларини ўзгариши ҳисобига даромадни ўсиши;

5) фойда ва қўшимча қийматни бошқа харажатларни нисбатан тежалиши ҳисобига ўсиши улуши, %да.

Маҳсулот таннархини калькуляцион кесмада иқтисодий таҳлил қилишда маҳсулот таннархи хусусий кўрсаткичларини таснифлаш калькуляция моддалари бўйича кейинчалик мажмуавий калькуляцион моддалардан маҳсулот таннархини шакллантирувчи харажатларнинг асосий элементларини ажратиш билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий самарадорлиги тавсия этилган умумлаштирувчи кўрсаткичларининг ҳозирги вақтда қўлланадиган тегишли кўрсаткичлардан тубдан фарқи қуйидагилардан иборат:

-биринчи умумлаштирувчи кўрсаткич корхоналар даражасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиш суръати - ишлаб чиқариш натижаларини ўсиш суръатларини харажатларни ўсиш суръатларидан ўзиб кетишини ҳисоблашга имкон беради;

- умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳар бир ресурсдан алоҳида фойдаланиш самарадорлигини таърифловчи кўрсаткичлар билан бевосита алоқага эга. Бу иқтисодий тадқиқотлар (режалаштириш, лойиҳалаштириш ва иқтисодий таҳлил)да ишлаб чиқаришда фаолият юритувчи ресурслардан бири (меҳнат, ишлаб чиқариш фондлари ва моддий ресурслар)дан фойдаланишнинг самарадорлигидаги ўзгаришлар умуман ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига таъсирини белгилашга имкон беради;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини умумий жаражатлар билан солиштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигининг эришилган даражаси- ҳақиқий йиғма харажатларни бу харажатларнинг ижтимоий зарур даражасига мос келиши даражаси ҳақида хулосага келиш мумкин;

- таннархи камайиши ҳисобига қўшимча қиймат ва фойдани ўсиши ишлаб чиқариш ва якуний натижаларни тақсимлаш масаласи бўйича мувофиқлаштиришга имкон беради;

- харажатларни нисбатан тежалиши кўрсаткичи инновациялар иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини мувофиқлаштириш ва умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнига янгидан жалб қилинаётган ресурслардан фойдаланишини кучайтиришдаги ўзгаришларни мумумлаштирилган баҳосини беришга имкон берадилар;

- умумлаштирувчи кўрсаткичлар жамлаш ва истеъмол фондларини сарфлашнинг самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш имкониятини берадилар; техник қайта жиҳозлаш ва янги иш жойларини ташкил қилишга йўантирилган капитал киритмалардан фойдаланишни рационаллиги, ҳамда хўжалик ичидаги захираларни ҳаракатга келтириш устидан назорат қилишни таъминлайдилар.

2. Корхона молиявий фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари

Корхона молиявий фаолияти самарадорлигини таърифлаш учун кўрсаткичларнинг қуйидаги тизимидан фойдаланилади:

1) қуйидагиларни ўз ичига олувчи фойданинг умумий миқдори ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

- маҳсулотларни сотишдан фойда; бошқа операцион фаолият бўйича сальдо; олинган фоизлар; бошқа корхоналарда иштирок этишдан даромадлар;

- сотишдан ташқари операцияларнинг уларнинг таркибига кирувчи солиқларни ҳисобга олмасдан сальдоси;

- маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар; сотишдан ташқари харажатлар таркибига кирувчи солиқлар;

2) фойда ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши. Фойда, фойданинг умумий суммасидан фарқли равишда, маҳсулот таннархига киритилган солиқларни ўз ичига олмайди;

3) соф фойда (фаолиятнинг оддий турларидан фойда) ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

4) тақсимланмаган фойда (фавқулодда даромадлар ва харажатлар сальдосига тузатиш киритилган соф фойда) ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

5) жамғарма фонди, социал соҳа фонди, истеъмол фонди, дивидендларни тўлаш, резерв сармояларига йўналтирилган фойда, ҳамда бу фойдани ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

6) фойданинг жамғарма фонди, социал соҳа фонди ва резерв сармоялари, фойданинг умумий суммасига йўналтирилган улуши ва бу улушни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўзгариши;

7) амалга оширилган қўшимча қиймат, шу жумладан амортизациянинг умумий суммаси, ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

8) амортизация, иш ҳақи, жамғарма фонди, социал соҳа фонди, истеъмол фонди ва дивидендларни жамлашга харажатларни ўз ичига олувчи соф қўшимча қиймат ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

9) амортизацияни ўз ичига олувчи соф қўшимча қийматнинг амортизацияни ўз ичига олувчи қўшимча қийматнинг умумий суммасидаги улуши;

10) даромад ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

11) соф даромад ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

12) соф даромаднинг даромаднинг умумий суммасидаги улуши;

13) маҳсулотнинг даромаднинг умумий суммаси бўйича ҳисоблаб чиқарилган рентабеллиги ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

14) маҳсулотнинг соф даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган рентабеллиги ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

15) маҳсулотнинг маҳсулотни сотишдан фойда бўйича ҳисоблаб чиқилган рентабеллиги, ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши;

16) маҳсулотнинг тақсимланмаган фойда бўйича ҳисоблаб чиқилган рентабеллиги ва уни ўтган йилга ёки режага нисбатан ўсиши,

Фойданинг умумий суммаси сотишлардан фойда, маҳсулот таннархига киритилган солиқлар миқдоридан катта амортизацияни ўз ичига олувчи амалга оширилган қўшимча қийматнинг умумий суммаси қуйидагиларни жамлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

- иш ҳақининг социал заруратига ажратмалар билан бирга харажатлари;

- асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг амортизациялари;

- фойданинг умумий суммасини;

Амортизацияни ўз ичига олувчи соф қўшимча қиймат қуйидагиларни танлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

- иш ҳақининг социал заруриятларга ажратмалар билан бирга харажатлари;

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизациялари;

- жамғарма, истеъмол, социал соҳа фондлари, резерв сармоялари ва дивидендларини тўлашга йўналтирилган соф фойдани.

Даромаднинг умумий суммаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Корхона бухгалтерия фойдасини тақсимлаш тартибида амалга ошириладиган харажат ва ажратмалар	Ўтган йилдаги фаолият якунлари тасдиқлангандан кейин корхона ихтиёрида қолувчи фойдаланиш тартибида қайта тақсимланувчи фойда	Қолган фойда ҳисобидан ва фавқулодда вазиятларни ҳисобга олиш билан маблағлар (мулкларни жамғариш билан боғлиқ)	Соф фойда қолдиғи	Соф (тақсимланмаган) фойда	Корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси	Корхонанинг ҳисобот йилидаги бухгалтерия фойдаси
		Корхона маблағларини сарфланиши билан боғлиқлар	Фавқулодда харажатлар			
			Жамғариш фондига ажратмалар			
			Резерв сармояларига ажратмалар (ихтиёрий ва мажбурий)			
	Фойдадан йил давомида биринчи навбатдаги тўловларга жорий фойдаланиш тартибида	Корхона маблағларини сарфланиши билан боғлиқлар	Дивидендларга ҳисоблаб ўтказишлар			
			Истеъмол фонди ҳисобидан харажатлар			
			Корхонанинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ жорий (авансли) харажатлари			
	Фойдадан йил давомида биринчи навбатдаги тўловларга жорий фойдаланиш тартибида		Молиявий интизомни бузганлик учун жарималар пенялар			
			Фойда ҳисобидан қопланадиган бошқа солиқлар бўйича тўловлар			
			Фойдадан солиқ бўйича тўловлар			

Молиявий натижа (бухгалтерия фойдасини) шакллантиришда эътиборга олинадиган харажатлар	Сотишдан ташқари харажатлар	
	Ташкилий харажатлар	
	Таннархга харажатлар	киритилган Тижорат Бошқарув Ишлаб чиқариш

1- расм. Ҳисобот йили фойдани тақсимланиши ва корхона харажатларини уларни молиявий натижаларни шакллантиришдаги иштироки бўйича таснифланиши чизмаси

- фойданинг умумий суммаси;

- асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активлар амортизациясининг суммасини.

Соф даромадни умумий суммасига қуйидагилар киради:

- жамғарма, истеъмол, социал соҳа фондалари, резерв сармоялари ва дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойда;

- асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активлар амортизациясининг суммасини.

Маҳсулотнинг даромад, соф даромад, маҳсулотни сотишдан фойдалар, тақсимланмаган фойда бўйича ҳисоблаб чиқилган рентабеллилиги айтиб ўтилган кўрсаткичларнинг сонли миқдорларининг сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида белгиланади.

3. Корхона инвестицион фаолияти самарадорлигининг қиёсий – таҳлилий кўрсаткичлари

Корхоналар инвестицион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва унинг янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ўзгаришини белгилаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1) корхона мулкнинг даромаднинг умумий суммаси бўйича ҳисобланган умумий рентабеллилиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

2) ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларни даромад бўйича ҳисобланган умумий рентабеллилиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

3) асосий маблағлар номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг даромад бўйича ҳисобланган умумий рентабеллилиги;

4) корхона мулкнинг фойданинг умумий суммаси асосида ҳисобланган рентабеллилиги, ҳамда бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўсиши;

5) корхона мулкнинг соф даромад бўйича ҳисобланган рентабеллилиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

6) ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг рентабеллилиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

7) асосий маблағлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг соф даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган рентабеллилиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

8) корхона мулкнинг соф фойда бўйича ҳисобланган рентабеллилиги ҳамда бу кўрсаткичининг ўтган йилга нисбатан ўсиши;

9) ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг соф фойда бўйича бўйича ҳисобланган рентабеллилиги ҳамда бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўсиши;

10) асосий маблағлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг соф фойда бўйича ҳисобланган рентабеллилиги, ҳамда бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўсиши;

11) жамғарма, истеъмол социал соҳа фондлари, резерв сармоялари ва дивидендларни тўлашга йўналтирилган фойданинг рентабеллилиги ҳамда бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўсиши;

12) ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг даромаднинг умумий суммаси асосида ҳисоблаб чиқилган ўзини ўзи қоплаши муддати ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши;

13) ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг соф даромад асосида ҳисобланган ўзини ўзи қоплаши муддати ва бу кўрсаткични ўтиш йилга нисбатан ўзгариши;

14) асосий маблағлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг даромадларнинг умумий суммаси асосида ҳисобланган ўзини ўзи қоплаши муддати ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши;

15) асосий маблағлар, моддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларни соф даромад асосида ҳисобланган ўзини ўзи қоплаши муддати ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши;

16) асосий маблағлар, моддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларни соф фойда асосида ҳисобланган ўзини ўзи қоплаши муддати ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши;

17) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг 1 сўмига тўғри келувчи ускуналарни сақлаб туриш ва фойдаланиш ва ишлаб чиқариш иншоотларини сақлаб туришга харажатлар ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши.

Санаб ўтилган кўрсаткичлардан кўпчилигини ҳисоблаш услубиёти маълум, қийинчиликлар келтириб чиқариши керак эмас. Аммо боъзи бир кўрсаткичлар бўйича тушунтиришлар бериш керак.

Янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларнинг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун санаб ўтилган кўрсаткичларнинг фақат бир қисмидан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, агар инвестициялар турли йўналишдаги характерга эга бўлсалар ва инвестицион лойиҳалар, янглик киритишларни амалга оширишга, ҳамда қарз ва боғлиқ жамиятлар, бошқа ташкилотларга, 12 ойдан кўпроқ муддатда ташкилотларга қарзлар беришга ва бошқа узоқ муддатли

киритмаларга йўналтирилсалар, унда бу инвестицияларнинг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг даромад бўйича ҳисобланган умумий рентабеллиги ва ун ўтган йилга нисбатан ўсиши;

- ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг даромад бўйича ҳисобланган рентабеллиги ва уни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

- ўз ичига ишлаб чиқариш захираларини олувчи оборотдан ташқари активларнинг даромад ёки соф даромад бўйича ҳисобланган ўзини ўзи қоплаш муддати ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нинг сўмига тўғри келувчи ускуналарни сақлаб туриш ва фойдаланиш ва ишлаб чиқариш иншоатларини сақлаб туришга харажатлар ва бу кўрсаткични ўтган йилга нисбатан ўзгариши.

Агар инвестициялар янгилик киритишлар сармояларни ташкил қилувчи инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилсалар, унда бу инвестицияларнинг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- асосий маблағлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг даромад ва соф даромад асосида ҳисобланган рентабеллиги ва кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан ўсиши;

- ишлаб чиқариш захираларини ўз ичига олувчи абортдан ташқари активларнинг даромад ва соф даромад асосида ҳисобланган ўзини ўзи қоплаши муддатлари ва бу кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан ўзгариши.

Янгилик киритишлар ва инновацион лойиҳалар инновацион самарадорлигининг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилишда ҳаракатларнинг умумий суммаси ва тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар миқдоридан харажатларнинг янгилик киритишлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан асосланган қисмини чиқариб ташлаш зарур.

Корхона инвестицион фаолияти самарадорлиги қиёсий – таҳлилий кўрсаткичларининг тавсия этилган тизими юқорида баён қилинган услубий ёндашишларни ҳисобга олиш билан қуйидаги масалаларни ечишга имкон беради:

- янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг умуман корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини белгилаш;

- корхона инвестицион фаолияти самарадорлигини оширишнинг ички резервларини аниқлаш;

- асосий техник – иқтисодий омиллар ва солиққа тортиш тизимининг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини белгилаш.

4. Инновацион ва инновацион лойиҳалар самарадорлигининг қиёсий – таҳлилий кўрсаткичлари

Инновациялар (янгилик киритишлар) ва инвестицион лойиҳалар самарадорлиги қиёсий – таҳлилий кўрсаткичларининг бутун мажмуаси учта гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга янглик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишининг корхона ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш учун мўлжалланган кўрсаткичлар киритилган улар янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳалар (илмий – техник тадбирлар) нинг ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари деб аталадилар.

Иккинчи гуруҳга янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларнинг корхона молиявий фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун мўлжалланган, янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларнинг молиявий самарадорлиги кўрсаткичлари деб аталувчи кўрсаткичлар киритилган.

Учинчи гуруҳга янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларнинг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун мўлжалланган кўрсаткичлар киритилган. Улар янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳалар илмий-техник тадбирларнинг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичлари деб аталади.

Янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестицион самарадорлигининг бутун мажмуаси бундан кейин (қисқартириш мақсадида) илмий-техник тадбирлар иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлари деб аталади.

Илмий-техник тадбирлар иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ўрта босқичда ўтказилади:

- биринчидан- илмий-техник тадбирларнинг ҳисобот йилидаги иқтисодий самарадорлиги белгиланади. Ҳисоблаш натижаларидан илмий-техник тадбирларни аниқ шароитларга нисбатан амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилиш, яъни бу тадбирларнинг лойиҳавий (ҳисоблаш) самарадорлигини сармоядорлар талабларига мос келиши даражасини ўрганиш учун фойдаланилади. Шунинг билан бир вақтда ҳисоблаш натижалари бизнес режаларини ишлаб чиқиш ва корхона иши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг хўжалик ички резервларини аниқлашда қўлланиладилар;

-иккинчидан- ҳисобот йилига ҳисоблашдаги илмий-техник тадбирларнинг режавий ва ҳақиқий самарадорлиги ҳисобот маълумотларидан корхона иши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг жорий резервлари (ўтувчи тежалиши) мўлжалланган миқдорини белгилаш, ҳамда илмий-

техник тадбирлар самарадорлигининг лойиҳавий (ҳисоблаш) кўрсаткичларини ўзлаштирилганлик даражасини таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Жорий резервнинг миқдори бундай тадбир йил бошидан татбиқ этилган деган шартдан қилиб чиқиш билан ҳисобланган илмий-техник тадбирларнинг шартли самарадорлиги ва тадбир татбиқ этилган пайтдан бошлаб ҳисобот йилининг охиригача ҳисобланган ҳақиқий (режавий ва амалдаги) самарадорлик ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади;

-учинчидан- илмий-техник тадбирларнинг уларни татбиқ этилган пайтидан ҳисобот йилининг охиригача режавий ва ҳақиқий самарадорлиги. Ҳисоблаш натижаларидан илмий-техник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини таҳлил қилиш, асосийси эса- инвестицион лойиҳалар ва янгилик киритишларнинг корхона ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестицион фаолияти самарадорлигини таърифловчи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини белгилаш учун фойдаланилади.

Илмий-техник тадбирлар самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун уларни амалга оширилишига сабабчи бўлган якуний режадан келиб чиқиш зарур. Шунинг билан бирга илмий-техник тадбирлар самарадорлиги кўрсаткичлари тизими корхона ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестицион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизими билан тўлиқ мослаштирилган бўлиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим илмий-техник тадбирлар самарадорлигини белгилаш учун, фикримизга кўра, умулштирувчи ва хусусий кўрсаткичларнинг қуйидаги тизимидан фойдаланиш зарур.

4.1. Аниқ илмий-техник тадбирлар самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари

1) илмий-техник тадбирлардай фойдаланишдан маҳсулотлар (ишлар)нинг аниқ турларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиш суръати ёки илмий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига маҳсулотларнинг аниқ турлари таннархини пасайиши фоизи¹⁹. Ушбу кўрсаткичлар инновацион лойиҳа ёки янгилик киритиш қуйидагиларни йўналтирилган ҳолда қўлланилади:

-маҳсулотнинг ўзлаштирилган турини уларнинг техник таърифларини ўзлаштирмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

-технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларини татбиқ этиш;

-меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини стандартлар, техник шартлар ва шартнома нархларни ўзгартирмасдан ошириш.

Агар аналоглари йўқ, бутунлай янги маҳсулот ўзлаштирилаётган бўлса, унда унинг самарадорлигини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш учун уни корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот бўйича ҳисоблаб чиқилган тегишли кўрсаткич билан солиштириш учун (сўмлик маҳсулотга харажатлар кўрсаткичидан фойдаланиш керак);

2) илмий-техник тадбирларни татбиқ этиш натижасида маҳсулот таннархини нисбатан тежалиши;

3) фойдани илмий-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида, шу жумладан интенсив ва экстенсив омиллар ҳисобига ўсиши;

4) қўшимча қийматни илмий-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида, шу жумладан интенсив ва экстенсив омиллар ҳисобига ўсиши;

¹⁹ Управление инновациями. Пер с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.

5) амортизацияни ўз ичига оловчи қўшимча қийматни илмий-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида, шу жумладан интенсив ва экстенсив омиллар ҳисобига ўсиши;

6) даромадни илмий-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида, шу жумладан интенсив ва экстенсив омиллар ҳисобига ўсиши;

7) қўшимча қиймат, фойда ва даромадни уларни илмий-техник тадбирларни амалга оширилиши билан асосланган ўсишининг умумий ҳажмидаги интенсив омиллар қўшимча ҳаракати ҳисобига ўсишининг улуши.

**4.2. Иш ҳақиға харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини
илмий-техник тадбирларни амалга оширилишидан келиб чиққан
ўзгаришнинг хусусий кўрсаткичлари:**

1) аниқ илмий – техник тадбирларни амалга ошириш участкаларидаги меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатлари ва ўртача иш ҳақини ўсиш суръатлари ўртасидаги нисбат;

2) аниқ илмий – техник тадбирларни амалга ошириш участкасидаги қўшимча қийматни ўсишининг ҳар бир фоизига иш ҳақини қўшиш фоизи;

3) ўз ичига социал заруриятларга ажратмаларни оловчи иш ҳақиға харажатларни аниқ илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши натижасида нисбатан тежалиши;

4) ўз ичига социал заруриятларга ажратмаларни оловчи иш ҳақиға харажатларни ўзгартиришга қаратилган аниқ илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши билан боғлиқ интенсив ва экстенсив ҳаракатлар ҳисобига фойдани ўсиши;

5) ўз ичига социал ажратмаларни оловчи иш ҳақиға харажатларни ўзгартиришга қаратилган илмий – техник тадбирларни амалга ошириши

билан боғлиқ интенсив ва экстенсив ҳаракатлар ҳисобига қўшимча қийматни ўсиши;

6) ўз ичига социал заруриятларга ажратмаларни олувчи иш ҳақиға харажатларни ўзгартиришга қаратилган илмий – техник тадбирларни амалга ошириши билан боғлиқ интенсив ва экстенсив омилларнинг ҳаракати ҳисобида даромадни ўсиши:

7) қўшимча қиймат, фойда ва даромаднинг ўз ичига социал заруриятларга ажратмаларни олувчи иш ҳақиға харажатларни ўзгартиришга қаратилган илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши билан асосланган уларни ўсишининг умумий ҳаммадаги интенсив ва экстенсив ҳаракатлар ҳисобига ўсишларини улуши;

8) ходимлар сонидан нисбатан тежалиш.

4.3. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини илмий – техник тадбирларни амалга ошириш натижасида ўзгаришини хусусий кўрсаткичлари:

1) мҳасулотнинг аниқ турларини илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши билан асосланган материал истеъмол қилишини пасайиши (материал қайтарилишини ошиши);

2) илмий – техник тадбирларни амалга ошириш натижасида моддий харажатларнинг нисбатан тежалиши;

3) моддий харажатларни ўзгартиришга қаратилган илмий –техник тадбирларни амалга оширилиши билан боғлиқ интенсив ва экстенсив омиллар ҳаракатлари ҳисобига фойда, қўшишга қиймат ва даромадни ўсишлари;

4) қўшимча қиймат, фойда ва даромадни моддий харажатларни ўзгартиришга қаратилган илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши

билан асосланган уларни ўсишларининг умумий ҳажмларидаги интенсив омиллар ҳисобига ўсишларининг улушлари;

5) илмий –техник тадбирларни амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш захириларини нисбатан тежалиши.

4.4. Амортизацияга харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини илмий – техник тадбирларни амалга ошириш натижасида ўзгаришининг хусусий кўрсаткичлари:

1) Илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши натижасида маҳсулотларнинг аниқ турлари амортизациясига харажатлар самарадорлигини ошиши (амортизация сиғими пасайиши);

2) илмий – техник тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида амортизацияга нисбатан харажатларни тежалиши;

3) илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши билан боғлиқ асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активлардан фойдаланиш самарадорлигини ўзгаришидан келиб чиқувчи интенсив ва экстенсив омиллар ҳаракати ҳисобига кўшимча қиймат, фойда ва даромадни ўсишлари улушлари;

4) кўшимча қиймат, фойда ва даромадни уларни илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши билан асосланган, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активлардан фойдаланиш самарадорлигидаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ўсишларининг умумий ҳажмларидаги интенсив омиллар ҳаракати ҳисобига ўсишларининг улушлари;

5) илмий – техник тадбирларни амалга оширилиши натижасида асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларни нисбатан тежалиши.

4.5. Илмий – техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига бошқа харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ўзгаришининг хусусий кўрсаткичлари:

1) аниқ илмий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 1 сўмлик маҳлотнинг аниқ турларига бошқа харажатларни пасайиши фоизи;

2) илмий-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида бошқа харажатларни нисбатан тежалиши;

3) фойда, қўшимча қиймат ва даромадни бошқа харажатлардан фойдаланиш самарадорлигида ўзгаришларни келтириб чиқарувчи илмий-техник тадбирларни амалга оширилиш билан боғлиқ интенсив ва экстенсив омиллар ҳаракати ҳисобига ўсиши;

4) қўшимча қиймат, фойда ва даромадни уларни бошқа харажатлардан фойдаланиш самарадорлигида ўзгаришлар кетириб чиқарувчи илмий-техник тадбирлар билан асосланган ўсишларнинг умумий ҳажмларидаги интенсив омиллар ҳисобига ўсишларининг улушлари.

Кўрсаткичларнинг таклиф қилинган тизими аниқ илмий-техник тадбирларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ таърифлайди. У илмий-техник тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини корхона ишлаб чиқариш самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш ва илмий-техник тадбирларни амалга оширишга ажратилган капитал киритмаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги устидан назоратни амалга оширишга имкон беради.

Олдин таъкидлаб ўтилганидек, кўрсаткичларнинг ушбу тизими аниқ илмий-техник тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таърифлайди. Худди шу вақтда бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишининг таҳлилини ўтказиш жараёнида барча илмий-техник тадбирлар умуман корхона ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий

самарадорлигига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш муҳимдир. Чамаси, йиғма кўрсакичларни ҳисоблаш услубиёти аниқ илмий-техник тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаш услубиётидан фарқланиши керак. Масалан, аниқ илмий-техник тадбирларни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини белгилашда ушбу тадбирларни татбиқ этиш участкаларида меҳнат унумдорлиги қанча фоизларга ошганлигини белгилаш муҳимдир. Барча тадбирларни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини баҳолашда умуман корхона бўйича ушбу тадбирларни ўтказишдан меҳнат унумдорлиги қанча фоизларга ўсганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, барча тадбирларни умуман корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига таъсирини умумлаштирилган ҳолда баҳолаш учун даставвал уларнинг суммар самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш, кейин эса корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ўзгаришига таъсирини белгилаш зарур.

Илмий-техник тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини белгилаш услубиётини баён қилишдан аввал бундай ҳисоблашларни ўтказишнинг айрим босқичларидаги хусусиятларини таъкидлаймиз.

Ҳисобот йилидаги илмий-техник тадбирларнинг самарадорлиги белгиланадиган биринчи босқичда янгилик киритишлар ва илмий лойиҳаларнинг техник параметрларидан уларнинг тегишли паспорт маълумотлари даражасида, янги тўлиқ қувватда фойдаланиши шартларидан келиб чиқиш керак. Бунда янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳаларни ўзлаштиришни режалаштириш (меъёрий) муддати тугагандан кейинги биринчи йил ҳисоблаш йили учун қабул қилинади. Демак, ҳисоблаш йилидаги илмий-техник тадбирларнинг якуний натижалари қўшимча қиймат, даромад, маҳсулотни қийматий ва табиий акс эттирилишида ишлаб чиқаришини ўсиши ва бошқа кўрсаткичлар тадбирларни татбиқ этиш

пайтидан йилнинг охиригача ҳисобланган ёки йилга ҳисоблашдаги тегишли натижаларга нисбатан энг катта бўладилар. Шунинг билан бир вақтда, қоидага кўра, ҳисоблаш йилида маҳсулот бирлигига меҳнат моддий ва молиявий харажатларни тадбир ўтказилишининг биринчи йилдаги қисқаришларга кўра кўпроқ қисқариши кўзда тутилади.

Ҳисоблаш йилидаги илмий-техник тадбирлар иқтисодий самарадорлигини белгилашнинг хусусиятлари улардан ишлаб чиқариш самарадорлигининг истиқболли резервларини аниқлаш ва инвестицион самарадорликнинг баҳоловчи кўрсаткичларини белгилаш илмий-техник тадбирларни ўтказишга етарли эканлиги мақсадга мувофиқлиги устидан назорат қилиш учун фойдаланишга имкон беради. Илмий-техник тадбирларнинг йилига ҳисобланган самарадорлиги белгиланадиган иккинчи босқичда меҳнат ва моддий харажатларнинг янгидан киритиладиган нормативлари тадбирини татбиқ этиш пайтида эмас, балки йил бошида кўриб чиқилганлиги, яъни бутун йил давомида амалда бўлганлиги шартидан келиб чиқиш зарур.

Калитли сўзлар

Иқтисодий таҳлил, бўлажак фойда, самарадорликнинг хусусий кўрсаткичлари, моддий харажатлар, энергия ресурслари, самарадорлик, амортизациядан фойдаланиш, маҳсулотни сотишдан фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда, маҳсулотнинг рентабеллиги, якуний молиявий натижа, илмий-техник тадбирлар.

Қисқача хулосалар

Янгилик киритишлар ва инвестицион лойиҳалар инвестицион самарадорлигининг корхона инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилишда харажатларнинг умумий суммаси ва тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар миқдоридан харажатларнинг

янгилик киритишлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан асосланган қисмини чиқариб ташлаш зарур.

Инновациялар (янгилик киритишлар) ва инвестицион лойиҳалар самарадорлиги қиёсий-таҳлилий кўрсаткичларнинг бутун мажмуаси урта гуруҳга бўлинади.

Илмий-техник тадбирлар самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқишда уларни амалга оширилишига сабаб бўлган яқуний мақсадлардан келиб чиқиши зарур. Шунинг билан бирга илмий-техник тадбирлар самарадорлиги кўрсаткичлари тизими корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестицион фаолияти кўрсаткичлари тизими билан тўхлик мослашган бўлиши шарт.

Назорат саволлари

1. Корхона самарадорлигини янгилик киритишлар самарадорлиги билан ўзаро алоқасини таҳлил қилиш учун кўрсаткичларнинг қандай тизимидан фойдаланилади ?
2. Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичларига нималар киради ?
3. Қандай хусусий кўрсаткичлар моддий харакатларнинг самарадорлигини таърифлайдилар ?
4. Корхона молиявий фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини таърифлаб беринг .
5. Яқуний молиявий натижани шакллантириш схемасини изохланг .
6. Корхона инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш учун қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади ?
7. Инновацион лойиҳалар самарадорлигининг таҳлил учун қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади ?
8. Илмий- техник тадбирлар ифтисодий самарадорлиги кўрсаткичларни ҳисоблашнинг асосий босқичларни кўрсатинг .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Баранчеев В.П. Управление знаниями в инновационной сфере: Учебник. Изд. ООО фирма «Благовест». –М.,2007.
3. «Инновационный тип развития экономики». Учебник/ Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. –М.: РАГС, 2008.
- 4.Инновационное развитие: Экономика , интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Под ред. Б.З. Мильнера, Инфра-М, 2010.
5. Коэн Д. «Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании». Олимп-Бизнес, 2007.
6. Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. «Инновационный менеджмент»: Учебник. –М.: Высшее образование, 2007.
7. Управление инновациями. Пер с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. -237с.

Глоссарий

А

Авантюрс – (фр. Aventure)- хатарнинг турли туманлиги , яъни тасодифий мувофақиятга мўлжалланган ва ҳақиқий куч , шароитлар ва имкониятларни ҳисобга олмасдан амалга ошириладиган тадбир (харакат). Одатда мувоқиятсизликка маҳкум

Алгоритм – (Ўрта Осиёли математик Аль Хоразмий исмининг лотинча шакли Algorithmi бўйича)- қатъий белгиланган қоидалар бўйича қўлланиладиган ва қўйилган масаланинг ечимига олиб келувчи изчил ҳаракатлар тизими .

Хавфларнинг тахлили – бўлғувси (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик ва ҳ.к.) ҳолатларнинг тахлили . Хавфларнинг тахлили бу яна рақиблар томонидан эҳтимол бўлган тажовузорликнинг тахлили ҳамдир.

Таҳлилий модель – фундаменти қонунлар ва тамойиллар асосида оператив натижаларни олдиндан айтиб беришга имкон берувчи модель.

Аналогия (грек analogia ўхшашлик)- иккита объектларнинг яққол ўхшашлиги ёки уларнинг шакллари ва вазифаларининг мантикий алоқа ва ёки эквивалентлик йўқлигидаги ўхшашлиги. Кейинги аналогияни модельдан фарқлантиради.

Б

Инновациялар бенчмаркетинги – бошқа тадбиркорлар бизнесини ўзининг инновацияларини ишлаб чиқиш учун асосий таърифларини аниқлаш мақсадида ўрганиш.

Бизнес-инкубатор- корхона (бўлим, лаборатория)нинг бизнеснинг янги шакллари ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси.

Инновацияларнинг бизнес жараёни- вақтда ва жойда ишлашнинг боши ва охирини кўрсатилишига эга тартибга солинган мажмуаси.

Бизнес – жараён –реинжиниринг- хўжалик жараёнини ташкил қилиш ва бошқа тизимини мувофиқлаштириш, у бутун жараённи мўлжаллаш тамойиллари, сифатли сакраш, ахборот маҳсулотларининг самарали технологияларидан фойдаланишга асосланади.

Инновациялар брендлинг brand – тамға (фабрика маркаси)- янги маҳсулот ва операцияларнинг характерли (моддий ва номоддий) хусусиятлари тизими, у истеъмолчининг онгини шакллантиради, бу инновациянинг, ҳамда унинг ишлаб чиқарувчиси ва сотувчисининг бозордаги ўрнини белгилайди.

Бренд стратегия- хўжалик юритувчи субъект обрўси (имижи)ни бозорда уни брендини илгари силжитиш асосида мажмуавий ишлаб чиқиш.

В

Венчурли – (инг. venture – журъат қилмоқ, таваккал қилмоқ) сармоялар- сармояларни хатарли киритиш.

Танлов – ўйиннинг партияда ҳақиқатдан ҳам танланган вариантини билдирувчи элементи.

Г

Глобаллашиш (фр. global – умумий, лот. Glob- қадам) – бутун ер шарини қамраб олувчи ва инновациялар томонидан пул сармояси алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида жаҳон бозорида фаол ҳаракат қилувчи янги ақлий- ахборот технологияларидан ташкил топган универсал жараёндир.

Грувилл (инг. goal will - обрў) – фирманинг имижи, унинг бозордаги пулли алоқаларининг пулли баҳолаш.

Д

Инновацияларнинг диффузияси (лот. Diffusion тарқалиш , олиб кетиш)- бир марта ўзлаштирилган инновацияларни тарқалиши .

Фараз – тўлиқ бўлмаган маълумотлар асосидаги мулоҳаза .

Ж

Инновацияларнинг яшаш даври – вақтнинг белгиланган даври , унинг давомида инновациялар бозорда фаол яшаш қобилиятига эга бўладилар ва ишлаб чиқарувчи ёки сотувчига фойда ва ёки бошқа ҳақиқий фойдани келтирадилар .

Катта сонлар қонуни – статистиканинг қонуни , унга кўра аддитив (қўшиш йўли билан олиндиган)макро ўзгарувчи (яъни кўлгинс таркибий қисмларнинг суммаси бўлган)ўзининг ўртача миқдоридан ўзини ташкил қилувчи ҳар қандай таркибий қисмга қараганда , кейингилар ўлчами бўйича деярли бир хил доирада ўзгарадилар .

Хизмат кўрсатиш белгиси – хизмат кўрсатишнинг яхши сифатини кафолатловчи , мижозни жалб қилувчи , уни хизматнинг характери ҳақида хабардор қилувчи тасвирий , график ёки комбинацияланган белги .

И

- Ўйин – иштирокчиларнинг ҳар қанча сонига эга жараёнлар (иқтисодий, молиявий ва ҳ.к.)ни моделлаштиришнинг тури , иштирокчилардан ҳар бири белгиланган қоидалар мажмуасига бўйсунган ҳолда , баъзи бир мақсадий вазифани катталаштиришга интиладилар . Ўйинлар назариясида ўйин бу партияга тегишли бўлган қоидалар ва тадбирларнинг йиғиндисиدير .

Ғоя – янги лойиҳанинг таклифи, у техник-технологик асосланишдан кейин инновацияга айланиши мумкин.

Иерархия (грек. Ierarhia hiera – муқаддас arche - ҳокимият)- бир бутун қисмлари ва элементларини юқоридан пастга тартибида жойлашиши.

Кашфиёт- инсон томонидан яратилган янги механизм, асбоб, аппарат, қандайдир мослама.

Имитацион модель – ҳақиқатан мавҳумлик, аммо фойдали кузатишни бериш, бу ҳақиқатни таҳлил қилиш ва боҳолаш учун ҳақиқий ҳақиқатга анча яқин.

Имитация – (лот. imitatio) –кимгадир, нимагадир тақлид қилмоқ, қайта ишлаб чиқариш.

Иқтисодиётдаги имитация – ҳақиқий хўжалик вазиятларининг моделини яратиш ва бу модель билан ҳақиқий дунё ҳақидаги хулосаларни олиш мақсадида манупуляция қилиш.

Инвестициялар – пулли баҳога эга, тадбиркорлик ва /ёки бошқа фаолиятга фойда олиш ва /ёки бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида киритиладиган пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар.

Инновациялар инжиниринги (инг. engineering – кашфиётчилик, билим) – бу ўз ичига инновацияларни яратилиши, амалга оширилиши, илгарига қараб силжитилиши ва диффузиясини олувчи инновацион лойиҳани яратиш бўйича ишлаб ва хизматларнинг мажмуасидир.

Инклюзив (фр. inclusif – ўз ичига олувчи)- менеджментларнинг кенгрок доирасига тарқалувчи.

Инкубатор (лот. Inkubore – жўжаларни босиб чиқариш)- корхона (бўлим, лаборатория)нинг бизнес (яъни тадбиркорлик)нинг янги шакллари ёки технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси.

Инновацион фаолият – яқунланган илмий – техник ютуқлар ва ишлаб чиқишлар натижаларини амалга ошириш ёки бозорда сотилаётган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлардаги бошқа илмий – техник ютуқлар, амалий фаолиятда фойдаланадиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга қаратилган жараён, ҳамда унинг билан боғлиқ қўшимча илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқишлар.

Инновацион инфратузилма (лот. *Infra* – ойида + *struktura* – тузилма қурилма)- инновацион фаолиятни амалга оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар (муассасалар), яъни бўйсунуш ва ёрдамчи характерга эга бўлган, инновацияга хизмат қилувчи ва инновацион жараённи меъёрий ўтиши шароитларини таъминловчи ташкилотлар (муассасалар) мажмуаси. Инфратузилманинг таркибига инновацион технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув – ўйин марказлар ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар киради.

Давлатнинг инновацион сиёсати – давлатнинг иўлаб чиқаришга маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва шу асосда мамлакат товарларини сотиш бозорларини кнга йтириш мақсадида таъсир кўрсатиш шакллари, усуллари ва йўналишлари йиғиндиси.

Инновацион дастур – ресурслар, ижрочилар ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ва тубдан янги маҳсулотлар технологияларни ўзлаштириш ва тарқатиш бўйича масалаларни самарали ҳал қилишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирларнинг мажмуаси.

Инновацион спираль (лот. *spira* – бурилиш, қайтариш қаердадир)- инсониятни туғилиши тонгидаги қайндайдир бошланғич нуқтадан доимий равишда тезлашиб боровчи ўрамларни қилувчи эгри чизиқ, улар вақтда доимий равишда тезлашиб борадилар.

Инновацион муҳит- инновациларни яратилиши, амалга оширилиши ва илгари сурилишини ўраб турувчи ҳолат.

Инновацион соҳа – инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, ўз ичига инновацияларни яратиш ва тарқатишни олувчи фаолият соҳасидир.

Инновацион контур (ташқи кўриниши) – миллий хўжаликларни жаҳон иқтисодиётига интеграцияларига кўмаклашувчи янги технологияларни яратиш ва ўзлаштириш соҳаси. Бу технологияларга информатика, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар кирадилар.

Инновацион салоҳият – ўз ичига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни олувчи ресурсларнинг ҳар хил турлари мажмуаси.

Инновацион маҳсулот – инновациянинг худди ўзи.

Инновацион жараён – инновацион фаолиятнинг худди ўзи.

Инновацион хатар – сармояларни янги маҳсулотлар ва янги технологияларни амалга оширишга жуда катта (одатда капитал киритмаларга нисбатан 1000 %дан кўпроқ) фойда олиш ниятида ва бу операциялар, маҳсулотлар, технологияларни амалга оширишнинг жуда қисқа (1 ойдан кўп бўлмаган) муддатга ихтиёрий киритиш билан боғлиқ хатар.

Инновация (инг. Innovation – янгилик киритиш, айнан “инновацияга инвестицияга киритиш”ни билдиради)- бозорда сотилаётган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён кўринишида амалга оширилган инновацион фаолиятнинг якуний натижаси.

Инсайт – баъзи бир муаммони ҳал қилинишини англаш, субъектив равишда инсайтни тасодифий англаб етиш, эришиш сифатида бошдан кечирадилар.

Интуиция (лот. Intuegy – диққат, эътибор билан қараш) – бевосита, худди тасодифийдан мантикий ўйлаб кўрмасдан муаммонинг тўғри ечимини топиш қобилияти.

Ахборот маҳсулоти- сақлаш, қайцта ишлаш ва узатиш объекти бўлган маълумотларнинг материаллаштирилган шакли.

Интерация – (лот. Interatio - такрорлаш)- ўхшашлар, сериясида кандайдир математик операцияларни қўлланиши олувчи натижа.

К

Квазимодель – (лот. quasi- гўё, шекилли) –метафоралар ки ўхшашлари ёрдамида олинган башоратларга қараганда аниқроқ, аммо моделлар асосидаги башоратларга қараганда камроқ аниқ бўлган башоратларни олишга имкон берувчи бир қатор қонуниятлар.

Квантификация –(лот. quantum –қанча – facere - қилмоқ) – сифатий аломатларни миқдорий акс эттирилиши (масалан, баллардаги баҳо).

Кризис – (грек. krisis- қарор, бурилиш нуқтаси)- жуда кескин бурилиш, кандайдир жараёнинг оғир ўтиш ҳолати.

Л

Логотип – фирма ёки ушбу фирма товарлари гуруҳи тўлиқ ёки қисқача номининг маҳсус ишлаб чиқилган ноёб тузилиши.

М

Дельфи усули - бу башорат усули, ундаги тадқиқот жараёнида гуруҳаъзолари ўртасидаги бевосита мулоқот истично қилинади ва

экспертларнинг уларнинг бўлғуси гипотетик ҳодисаларга нисбатан фикрларини аниқлаш учун анкеталардан фойдаланиш билан шахсий сўрови ўтказилади. Усул ўз номини антик дунёдаги машҳур Дефи ибодатхонаси оракули (кохини) (Дельфи кохини) номидан олган.

Монте Карло усули – ҳақиқий ҳодисаларни тикланишини яқинлаштириш учун имитациялаш усули. Усул кирувчи ўзгарувчанлар сезувчанлигининг таҳлили ва эҳтимолларини тақсимланишининг таҳлилининг бирлаштиради.

Модель – (фр. *modele* / лот. *Modulus* –ўлчов, намуна)си мустақил муҳокама этиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлган ҳақиқатга нисбатан баъзи бир муносабатларга назарий киришиш.

Мерзенер – (лот. *maior* –катта кенгрок, инг. *merger*- бирлашиш, қўшилиш, ютиб юбориш) – битта фирмани бошқа компания томонидан ютиб юборилиши.

Н

Солиқли – режалаштириш бу хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ тўловларини амалдаги қонунчилик қоидаларини бузмасдан узок муддатга камайтиришга кўмаклашувчи хўжалик жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш ва хўжалик юритишнинг ташқи ҳуқуқий шаклларини танлаш усули.

Илмий- (илмий-техник) муаммо – илмий йўналишнинг уни ҳал қилишнинг эҳтимол бўлган йўлларида бирини берувчи қисми.

Илмий мавзу- илмий муаммони режалаштириш ва молиялаштириш мустақил бирлиги бўлувчи қисми.

Илмий (илмий-техник) йўналиш – фаннинг қандайдир соҳаси ривожланишининг муҳим масалаларини ҳал қилишга қаратилган йирик мустақил илмий иш.

Фойдали моделнинг янгилиги- фойдали моделнинг патент қобилияти шартларидан бири. Фойдали модель агар жидий аломатларнинг ёйғиндиси техника даражасидан номаълум бўлса янги бўлади.

Тўғри чизикли бўлмаган динамика – синергетиканинг худди ўзи.

Новация – (лот. novation –ўзгариш, янгиланиш) олдин бўлмаган қандайдир янгилик. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича новация томонларнинг улар томонидан тузилган катта мажбуриятни бошқа мажбурият билан алмаштирилиши ҳақидаги битимини билдиради.

Янгилик киритиш – инновациянинг худди ўзи.

О

Мулоқот – маъноли мазмунга эга хабарни бир шахсдан бошқасига узатилиши жараёни.

Онтологик (грек. onlontos - курук) ёндошиш- илмий-техника молиявий ривожланиш жараёнлари ўзини ўзи ривожлантирувчи, яъни ичидан бошқарилувчи сифатида изоҳланадиган нуқтаи назар.

Кашфиёт – олдин номаълум бўлган маълумотларни олиш ёки олдин номаълум бўлган табиий ҳодисаларни кузатиш жараёни.

П

Паблик релейшнз (инг. public rlations) – оммавий ахборотнинг барча воситалари (матбуот, радио, телевидение, Интернет ва бошқалар)ни кенг жалб қилишга эга реклама иши шаклидан иборат маҳсулот ёки инновация сотувчиси ҳақидаги ижобий жамоа фикрини шакллантириш бўйича фаолият.

Парадигма (грек. paradigma – мисол, намуна) – фаразлар, концепциялар, гипотезалар, моделлар, назарияларнинг содалаштирилган мажмуаси.

Партия- ўйинни аниқ амалга оширилишини билдирувчи ўйиннинг элементи, белгиланган натижага олиб келувчи қоидаларни амалий қўлланиши.

Изланиш башорати – мавжуд тенденцияларнинг гипотетик оқибатлари нейтрал кузатувчи нуқтаи назаридан таърифланадиган жараён.

Реципиент (лот. recipientis (recipientis)- қабул қилувчи) корхона – бошқа хўжалик юритувчи субъект, яқка тадбиркор ёки ҳомийдан ёрдам олувчи корхона.

Проекция (лот. Proectio- олдинга ташлаш) – келажак ҳақида шартли баён қилиш. Проекция одатда имкониятларнинг қандайдир доирасини қамраб олувчи бир бутун мажмуадан битта ҳодисага нисбатан қилинади.

Инновацияларни илгари суриш – инновацияларни амалга оширишга қаратилган ва ўз ичига ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш, реклама тадбирлари, савдо нуқталари (инновацияларни сотиш бўйича шахобчалар, харидорларга маслаҳатлар бериш, инновацияларни сотишни рағбатлантириш) ишини ташкил қилишга қаратилган чоралар мажмуаси.

Инновацияларнинг продуценти (лот. producent – ишлаб чиқарувчи) – бу ушбу инновацияни ишлаб чиқарувчиси.

Ёлғон инновация – маҳсулотдаги кичик, унинг қурилмасини ўзгартирмайдиган ўзгаришлар, шу жумладан ранги, декарациясидаги ўзгаришлар.

Р

Бизнеснинг реинжиниринги – инновацияни ишлаб чиқариш ва сотиш асосида тадбиркорлик фаолиятини қайта қуриш бўйича муҳандислик-маслаҳат хизматлари.

Репродуктив ишлаб чиқариш – кўпайтиришга қодир ишлаб чиқариш, яъни серияли маҳсулот (товар, хизматлар)ни оммавий ишлаб чиқариш.

Реципиент (лот. recipientis (recipientis) қабул қилувчи) – хўжалик фаолиятига ушбу фаолиятни фаоллаштириш ёки ёрдам кўрсатиш учун сармоялар киритиладиган корхона.

С

Алоқа- мулоқотнинг худди ўзи.

Селектив (лот. Selectio- танлов, танлаб олиш) хатарлар – бу инвестицион портфелни шакллантиришда сармоя киритиш, қимматбаҳо қоғозлар турларини қиммат баҳо қоғозларнинг бошқа турларига нисбатан нотўғри танлаш хатарлари.

Синектика- ғояларни касб эгаларининг ихтисослашган гуруҳлари томонидан вужудга келган муаммоларни ҳар хил аналогиялар ва ассоциациялардан фойдаланиш билан ҳужум қилиш йўли билан қидириб топиш усули.

Синергетика – фаннинг ҳар хил шохлари ички соҳаларини бирлаштирувчи фанлараро йўналиш. Бошқача номи- нотўғри чизиқли динамика.

Синергизм (грек. synergio – ҳамкорлик, ҳамжамият)- иш амалиётидаги умумий натижа ушбу натижага кирувчи алоҳида самаралар суммасидан ошиб кетувчи ҳодиса.

Сценарий (итал. scenario)- сюжет чизмаси, яъни ниманидир амалга оширишнинг олдиндан тайёрланган режаси.

Инновациялар сценарийяси – инновацион лойиҳани танлаш бўйича бир бирлари билан сабаб- натижа алоқа билан мантиқий боғланган эпизодларнинг вақтдаги тартибга солинган изчиллиги.

Таксомания (грек. taxic тартиб бўйича жойлашиш+ monos -қонун)- одатда иерархик қурилишга эга ҳақиқатни мураккаб ташкил қилинган соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш, у биргаликда бўйсунувчи гуруҳлар ва категорияларнинг ўзаро муносабатини тадқиқот қилади.

Телеологик (грек. telos (teleos)- мақсад) ёндошиш- илмий-техник ва молиявий ривожланиш жараёнлари ташқи рағбатлар (эҳтиёжлар, заруратлар, мўлжаллар, мақсадлар)га жавоб қайтарилиш сифатида изоҳланадиган нуқтаи назар.

Ғояни техник- иқтисодий асосланиши- буюм (яъни маҳсулот) шаклида топилган инновацион ғояни материаллашувини иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, зарурлиги ва техник имкониятини тасдиқланиши.

Технологик инкубатор (лот. Inkubare жўжаларни очиб чиқариш) корхона (бўлим, лаборатория)нинг илғор технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси.

Транзитли (лот. transitis- ўтиш) иқтисодиёт ўтиш даври иқтисодиёти.

Транизмлар (грек. tropos)- қайтариш, йўналиш.

Ф

Фономенологик (грек. phoimenon - бўлган) модель- башоратлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган кузатилаётган ҳодисалар мажмуасини қамраб олувчи модель. Бунда бу ҳодисанинг асосида ётган сабабларни изоҳлаш ёки уларни умумий қонунлар билан боғлаш мақсади қўйилмайди.

Фетиш (ингл. Fetish- санаш, кумир) – хусусий моделни ҳаддан ташқари намоён бўлиши, у бозорни тез қамраб олади, чўққига етади ва ҳам тез йўқ бўлади.

Фирма блоки- товар белгиси ва логотипни, ҳамда ҳар хил изоҳ берувчи ёзувлар (мамлакат, почтали манзили, телефон, телекс) ва фирманинг

тижорат ва техник малакасини акс эттирувчи фирма шиорини кампозицияга бирлаштимрилиши .

Фирма стили – барча реклама материалларини молиявий график дизайни базасида берилишида характерни яратувчи бадиий усулларининг мажмуаси .

Флуктуация (лот. fluctuation - тебраниш) – тизимнинг катта сонини унинг ўртача миқдори сонидан тасодифий четга чиқишини таърифловчи миқдори.

Фронтинг – (ингл. Front – ... га чиқиш) – бозорни фронтлаштиришнинг худди ўзи.

Бозорни фронтлаштириш- бошқа хўжалик юритувчи субъект томонидан эгалланган бозорни ёки хорижий бозорни босиб олиш бўйича операция.

Ш

Қадам- ўйиннинг унинг барча иштирокчилари бўйсунадиган партияга тегишли бўлган қоидалари ва тадбирлари йиғиндисини билдирувчи элементи.

Ц

Фирманинг нархи- фирманинг бозордаги жойлашган ўрни ва уни ривожланиши истиқболлари кўрсаткичи.

Э

Эвристика (грек. hevriskop- топаман) – назарий тадқиқот ва ҳақиқатни излашнинг услубий қоидалари ҳақидаги мантиқий усулларнинг йиғиндиси.

Эвристик башорат – келажак модели асосида қилинган ва оддий экстрополяция учун талаб қилинадиганга қараганда билимларнинг каттароқ даражаси мавжудлигини кўзда тутувчи башорат.

Экзогенли (грек. Exog - ташқаридан) ўзгарувчан- хулқини ушбу модель асосида таърифлаш мумкин бўлмаган ўзгарувчан.

Иқтисодий антропология- иқтисодий соҳадаги инсон хулқини ўрганувчи фан, уни остида ҳам шахсий хулқ ва ҳам яқка шахснинг ўзаро ҳамкорлигининг атайлаб қилинган оқибатлари, ҳамда олдинги хулқ гавдаланган институтлар тушунилади.

Эксклюзив (фр. Exlusif – ниманидир чиқариб ташловчи)- фавқулодда предметларнинг чекланган даражасига тарқалувчи.

Экстрополяция (экстро- лот. Polire- силлиқ қилиш, безаш) – 1) ходисанинг бир қисмини кузатишдан олинган хулосаларни бошқа қисмига тарқатишдан иборат илмий тадқиқот усули;

2) эгри чизикли текис узлуксиз бориши таклифидаги параметрларини бўлғуси миқдорларини вақтли боғлиқликда баҳолаш.

Элеминациялаш (лот. Eliminare - ... дан ҳайдаш)- ўчириш, бартараф этиш, чиқариб ташлаш.

Эмпирик (грек. Empiria - тажриба) модели- ходисаларни тўғридан тўғри кузатиш ёки экспериментал маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан олинган маълумотлар асосида нисбатларни белгилаш йўли билан олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган хулқнинг модели.

Эндогенли (лот. грек. Endon –ички) ўзгарувчан хулқнинг динамикаси белгиланган модель, прадагма ёки кўриб чиқиладиган фандан келиб чиққан ҳолда тўлиқ тушунтирилиш ва баён қилишнинг мумкин бўлган ўзгарувчани.

Ушбу фан бўйича адабиётларнинг қиёсий таҳлили.

Дорофеев В.Д. Шмелева А.Н. “Инновационный менеджмент”

учебное пособие для вузов. 2009.

Ўқув кўлланма “Инновацион менеджмент” фанининг қисқача баёни қилинишидан иборат. Қўлланма ташкилотларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш; ҳам менежментнинг алоҳидаги жиҳатларини ўрганиш ва ҳам инновацион ташкилотларни бошқариш муаммоларига мувофиқ равишдаги яхлит дунёқарашни шакллантириш учун методологик асосни яратиш билан боғлиқ масалаларнинг таҳлилига эга. Ҳар бир бобнинг охирида берилган назорат саволлари материални тушуниб етиш ва уни амалий машғулотларда муҳокама қилиш учун мўлжалланган. Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, ўқитувчилар, ташкилотларнинг инновацион корхоналарни бошқариш асосларини ўрганишга эҳтиёж сезувчи мутахассислари учун фойдалидир.

Акофф Р., Магидсон Д., Эддисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации», 2007.

Идеаллаштирилган Лойиҳалаштириш кескин ўзгаришларни амалга ошириш йўли билан Инқирозни бартараф қилиш учун энг яхши методология бўлади. Бу методология яна ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини қайта лойиҳалаштириш, бизнесни режалаштириш жараёнини такомиллаштириш ёки муаммоли бўлинмани қайтадан қуришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу китобда идеаллаштирилган лойиҳалаштириш ва анъанавий реинжиниринг ўртасидаги жараёнлардаги асосли фарқлар очиб берилган, идеаллаштирилган лойиҳалаштириш ўзгаришларга тўсиқларни қандай бартараф қилиши кўрсатилган ва тизимларни лойиҳалаштира туриб, ҳаммадан аввал уларни вужудга келишларига йўл қўймайдиган муаммоларни

қандай қилиб “кенг очиб бериш” тушунтирилади. Бу нашрда идеаллаштирилган лойиҳалаштириш амалда тижорат, фойда олмайдиган ва маъмурий ташкилотларда кўрсатилган. Сиз ундан жараёнларни такомиллаштириш, янги маҳсулотларни яратиш, унумдорликни ошириш ва хатто ҳаётни қутқариб қолиш учун қандай фойдаланиш кераклигини билиб оласиз.

Давила Т., Шелтон Р.,Элштейн М. «Работающая инновация: Как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду», 2007

Муваффақиятли рақобат қилиш учун сизнинг барча товарларингиз, хизматларингиз ва бизнес вазифаларингизда инновацион фаолиятни узлуксиз амалга ошириш зарур. Ушбу китобда инновация йўли билан компанияни ўсишини амалга оширишнинг бутун жараёни кўриб чиқилади.

Сиз инновациялар учун самарали стратегия ва ташкилий тузилмаларни қандай белгилаш, уни қандай қилиб муваффақиятли бошқариш сизнинг жамоангизни натижа олишга қандай рағбатлантириш ва инновацион жараённинг барча паллаларига ўлчаш тизимларини тадбиқ этишни билиб оласиз.

«Тен 3.Управление инновациями: Стратегический подход: Гибкие корпоративные стратегии выживания и лидерства в новой экономики (на спирали)» Котельников В.Ю., 2007

Бу китоб бутун дунёда оммавий бўлиб кетган. Уни 40 дан ортиқ мамлакатларда ўқийди. Унинг харидорлари орасида Adidas Bayer, Boyeng, British Petroleum (BA), Deloitte, Ericsson, Fudjitsu – Siemens, GE, Noneywell, IBM, Inter JP Morgan Chase, Lockheed Martin, Microsoft, Shell ва бошқалар каби машҳур фирмала, ҳамда жаҳоннинг кўпгина етакчи бизнес – мактаблари бори. Муваффақиятнинг сабаби – стандартли муаммоларга ностандарт ёндашишдадир. Инновацион концепциялар ўқувчига назарияни амалиётга тез боғлашга ёрдам берувчи бизнес – кейслар билан намоиш қилинади. Ёрқин

ахборотли слайд ва унга матнли изоҳлар – китобнинг ҳар бир саҳифаси худди шундай қурилган. Қизғинлик, аниқлик, қисқалик, рангли таъсир фото суратга олиш самарасига ўхшаш материални бир зумда ўзлаштириш самарасини яратади. Ўқувчи қисқа вақт ичида инновацияни бошқаришнинг илғор корпоратив – динамик, тизимли ва тезкор стратегияларини ўзлаштиради.

Открытые инновации: Создание прибыльных технологий (пер.с англ. Егорова В.Н.). Чесбро Г., 2007

Ҳозирги, борган сари глобал бўлиб бораётган, динамик ўзгараётган бозорда компаниянинг инновацияларни ижодий тадбиқ этиши, олиши уларни тижорат фойдаланишигача етказа олиши ва юқори фойда ола билиши асосий рақобат афзалликларининг бири бўлади. Китобда ақлий мулкни ҳимоялаш ва кўллашни боришида кўпроқ учрайдиган ҳар хил қийинчиликлар, тузоқлар ва мушкул аҳволлар кўрсатиб берилган. Янгича ёндашишлар изоҳлаб берилганки, улар ёрдамида, ҳатто патент олмай туриб ҳам, ўз ақлий мулкни ишончли ва нисбатан кичик ҳаражатлар билан ҳимоялаш мумкин. Китоб топ. менежерлар, ИТТКИ ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича мутахассислар, маслаҳатчилар, таҳлилчилар, аспирантлар ва талабаларга мўлжалланган.

Коэн Д. «Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании», 2007

Deloitte Consulting LLC компанияси раҳбари Дэн С. Коэн томонида “Суть перемен” бестселлер (энг оммавий китоб)ни ривожлантиришда ёзилган китоб ўқувчиларни аниқ қуроллар, шаблонлар, маслаҳатлар ва ғоялар билан қуроллантиради, улар ўқувчиларга ўз компанияларида барқарор ўзгартиришларни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадилар. Бундан ташқари, етакчи ислоҳатчилар жамоалари олдида турган вазифаларни батафсил очиб беради, ташкилотдаги муаммоларни белгилаш ва камчиликларни аниқлаш учун саволномалар таклиф қилинади, компаниядаги

Ўзгартиришларни қандай мустаҳкамлаш ҳақида ҳикоя қилинади. Бу қимматли қўлланма бош директорлар, раҳбарлар ва менежерларга – ташкилий ўзгартиришлар заруриятига дуч келган барча шахсларга мўлжалланган. Китоб яна ўқитувчилар ва талабаларга ҳам фойдалидир.

Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. «Инновацион менеджмент»: Учебник, 2007

Дарсликда ташкилотнинг динамик ўзгараётган муҳит шароитида инновацион менежмент методологияси ва технологияси асосида фаолият юритиши хусусиятлари кўриб чиқилади. Ташкилотлар инновацион фаолиятининг масалалари, инновацияларнинг назарий асослари, инновацияларнинг диффузияси ва бозор иқтисодиёти шароитларида инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари очиб берилади.

Назарий материаллар инновацион лойиҳаларни бошқариш бўйича амалий тавсиялар билан мустаҳкамланади. Ташкилотлардаги инновацион фаолиятни молиялаштириш ва режалаштиришни ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

“Инновацион менежмент” дарслиги инновацион менежментнинг замонавий йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун, айниқса инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш учун мўлжалланган китоб ОЎЮ талабалари, бизнес – мактаблар тингловчилари, ўқитувчилар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳамда инновациялар муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар учун фойдалидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. . Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Закон Республики Узбекистан «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах», - «Народное слово», 31июнь,2008

3. Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны»

28 февраля, 2007.

4. Указ Президента Республики Узбекистан» о дополнительных мерах стимулирования модернизации и технико-технологического перевооружения производства»- «Народное слово», 14 марта, 2007

5. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы антимонопольного регулирования и развития конкуренции»- «Народное слово», 26 февраля, 2010

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни тадбиқ этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар ҳақидаги” Қарори – “Халқ сўзи”, 2008 йил, 16 июль

7. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности проектно-исследовательских организаций»- «Народное слово», 01 мая, 2008

8. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 280 б.

9. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

10. И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза” “Халқ сўзи”, 2009 й. 14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

11. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

13. И.А. Каримов “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни баргараф қилишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2009.
14. «Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями.» Под редакцией Б.З Мильнера, Инфра-М,2010
15. Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н. «Инновационный менеджмент» Учебное пособие для вузов. -М: «Феникс» ,2009 .
- 16 Каплан С. Фостер Р. «Эффективная компания. Построение гибкого и инновационного предприятия». Изд. «Альпина Бизнес Букс». 2009 г.
17. Н.В Рычкова «Маркетинговые инновации»-М.: КНОРУС,2009
- 18.«Государственно-частное партнерство в научно инновационной сфере»/редакцией А.К Казанцева, Д.А Рубвальтера.-М.:ИНФРАМ,2009
- 19.«Инновационный тип развития экономики» Учебник/Под общей редакцией А.Н Фоломьева. М. РАГС, 2008
20. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. «Управление инновациями: Теория и практика» М.: Высшее экономическое образование, 2008.
- 21.«Инновационный тип развития экономики» Учебник/Под общей редакцией А.Н Фоломьева. М. РАГС, 2008
- 22.А.М Мухамедьяров «Инновационный менеджмент»-М.: Инфра-М,2008
- 2
- 23.Новицкий Н.А «Инновационная экономика России: Теоретико- методологические основы и стратегические приоритеты.»- М.: «Либроком»,2008

24. Давила Т. Шелтон Р. Эпштейн М. «Работающая инновация: Как управлять ею, измерять ее и извлекать из нее выгоду»-М.: «Баланс Бизнес Букс», 2007 г.
25. Акофф Р., Магидсон Д., Эддисон Г. «Идеализированное проектирование: Как предотвратить завтрашний кризис сегодня. Создание будущего организации.»-М: «Баланс Бизнес Букс», 2007 .
26. «Тен3: Управление инновациями: Стратегический подход: Гибкие корпоративные стратегии выживания и лидерства в новой экономике (на спирали).» Котельников В.Ю.-М: ЭКСМО,2007.
27. В.П Баранчев « Управление знаниями в инновационной сфере» Учебник. Издательство ООО фирма « Благовест»- Москва,2007
28. Р.А Фатхудинов . «Инновационный менеджмент: Классификация, структуры и отличительные черты инновационных организаций; Экономические законы, законы организации, научные подходы и принципы и др.»: Учебник для вузов Изд. 5-е, испр., доп. «Питер» , 2007.
29. Открытые инновации: Создание прибыльных технологий (пер. с англ. Егорова В.Н.) . Чесбро.Г.-М.: «Поколение», 2007
30. Коэн.Д «Суть перемен. Путеводитель: Инструменты и тактика руководства преобразованиями в компании»- Олимп-Бизнес,2007
31. Ермасов Н.Б, Ермасов С.Б «Инновационный менеджмент: Учебник»-М.: Высшее образование,2007

33. А.А Румянцева « Менеджмент инновации. Как научную разработку довести до инновации». Учебное пособие. Санкт-Петербург,2007

34.Егоршин А. П. Управление персоналом. – 2-е изд. – Н. Новгород: НИМБ,2007.

35. Ф.Эргашев, Д. Рахимова, А. Сагдуллаев, О.Парпиев, Ш. Зайнутдинов « Инновацион менеджмент. Дарслик». Тошкент ,«Академия».

Интернет сайты:

36. www.ADB.org/

37. www.aussenwirtschaftspolitik.de

38. www.bearingpoint.uz

39. www.bilimdon.uz

40. www.bizbook.uz

49. www.ctth.uz

50. www.cer.ru

51. www.ek-lit.agava.ru

52. www.gov.uz

53. www.wismirbook.ru

